

687
7-79
А.Т. Труханова

Тикувчилик технологияси асослари



Хунар-техника
таълими



256

687
T-49

А. Т. ТРУХАНОВА


ТИКУВЧИЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСЛАРИ

ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЙОРТЛАРИ ҮҚУВЧИЛАРИ УЧУН
ҮҚУВ ҚҰЛЛАМА

Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги
нашрға тавсия этган

Тузатылған ва тұлдірілған русча иккінчи нациридан таржима

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1996



256

687
7-49

А. Т. ТРУХАНОВА


ТИКУВЧИЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСЛАРИ

ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЙОРТЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН
ЎҚУВ ҚҰЛЛАНМА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
нашрға тавсия этган

Тузатылған ва тұлдірілған русча иккінчи нашридан таржима

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1996



Китобда кийимларни кўплаб ишлаб чиқаришда ҳам, якка буюртмалар тарзида тикишда ҳам қўлланиладиган тикувчилик технологияси асослари баён этилган. Тикувчилик буюмларининг ассортименти ҳақида умумий маълумотлар, ишлатиладиган материалларнинг ҳусусиятлари, бичиши, қўл ишлари ва машинада бажариладиган ишлар ҳақида умумий маълумотлар берилган.

Китобнинг 2-нашри янги технологик ускуналар ва қичик механизация воситаларининг рўйхати билан тўлдирилган.

Қўл ишларига ва машинада бажариладиган ишларга алоҳида этибор берилган.

Қўлланма ҳунар-техника билим юргларининг ўқувчиларига мўлжалланган. Ундан ишлаб чиқаришдаги ишчиларни ўқитишда ҳам фойдаланса бўлади.

3003000000—210
T —————— 20—92
353(04)—96

ISBN 5-645-01598-3

© Издательство «Высшая школа», 1987.
© «Ўқитувчи» нашриёти, русчадан таржима, 1996

СҮЗ ВОШИ

Ушбу үқув құлланмаси “Тикувчилик технологияси асослари” предмети дастури асосида ёзилған. У ҳунар-техника билім көртларида тикувчилик саноатига ва маиший хизмат құрсатувчи тикувчилик тармоғига ишчилар тайёрлаб берішгә мүлжалланған.

Құлланма беш бобдан иборат: умумий маълумотлар, құлда бажарыладын ишлар, машинада бажарыладын ишлар, тикувчилик буюмларига намлаб-иситиб ишлов беріш, айрым деталлар ва узелларга ишлов беріш.

Иловада ишлатыладын усқуналар ҳақида қисқача маълумотлар берилған.

Үқув құлланмасининг иккінчи нашри күплаб ишлаб чиқариш ва ақолининг якка буюртмаларига биноан кийим тикиш шароитидаги тикувчилик буюмларини тайёрлашнинг янги ГОСТ ларига ва амалдаги норматив-техник ҳужжаттарға мувофиқ қайта ишланған.

Муаллиф

КИРИШ

Мамлакатимиз тикувчилик тармоғи ишлаб турған ишчилар сони бүйіча ҳозирға вактда енгил саноатдаги бөшқа тармоқлар орасыда эңг жирик тармоқ ҳисобланади.

Кийим ишлаб чиқаришда эңг сермағсул ускуналардан фойдаланиш имкониятіні берадиган камроқ соңли ишчилар кучи билан маҳсулот ҳажмини күпайтирадиган технологик жараёнлар ва кийим конструкциялары яратып тикувчилик саноати учун айниқса долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Тикувчилик саноатининг чиқариладиган маҳсулот асортиментини күпайтириш ва сифатини яхшилаш ишлари "Н" индексли сифати яхшиланган тикувчилик буюмларининг ва алоҳида модабоп буюмларининг ҳажмини әнчагина күпайтириш ва уларни реализация қилишга қаратилган.

Тикувчилик ишлаб чиқаришининг фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда — меҳнат унұмдорлигини оширишдаги пировард натижага әрішишща, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини яхшилашда — технология, механизациялаштириш ва автоматлаштириш, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этиш соҳасыда әрішилган эң янги ютуқларни жорий қилиш йўли билан техник қайта қуроллантириш асосий роль йўнайди.

Бўлажак буюмнинг сифати ва уни ишлаб чиқариш ҳамда истемол қилишдаги иқтисодий самарадорликка модель яратилаётганда асос солинади. Шунинг учун тикувчилик саноати ходимларининг айнан шу лойиҳалаш босқичида тикувчилик буюмларининг сифатини ошириш резервларини қондирив топишга эңг жиддий аҳамият беришлари тасодиф эмас.

Кийим ишлаб чиқаришни лойиҳалётганда фан-техника ва амалий саньъатининг сүнги ютуқларидан эңг юқори дараҗада фойдаланилади, қулай композицион ва конструктив ечимлар таңлаб олинади. Ечимларнинг мумкин бўлган жуда кўп варианatlаридан эңг қулайини таңлаб олиш имконини берадиган замонавий техника воситаларини (ЭҲМ, дисплейлар, график чизгичларни) ишлатиб, кийим лойиҳалашнинг автоматлаштирилган (машинадаги) системасини яратып тикувчилик саноати учун эңг истиқболли йўл ҳисобланади.

1-б о б. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1-§. ТИКУВЧИЛИК БУЮМЛАРИНИНГ АССОРТИМЕНТИ

Кийим инсон танасини атроф муҳитнинг ҳар хил таъсирлари (иссиқ, совуқ, нам, чанг ва ҳоказо)дан асраш воситаси сифатида пайдо бўлган. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида кийим деганда ўсимлик, ҳайвонот ва сунъий материаллардан тайёрланадиган ҳамда одамин атроф муҳитнинг номаъқбул таъсирларидан асрайдиган, организмнинг нормал соғлом ҳолатини сақлайдиган ҳамда безак вазифасини ўтайдиган ҳар хил нарсалар тушунилади.

Кийим инсоният моддий маданиятининг элементларидан бири ҳисобланади. Кишилик жамияти тараққиётининг ҳар бир тарихий босқичида кийим шакли ўзгариб туради. У ижтимоий тузум, техника, иқтисодиёт тараққиёти талабларини, шунингдек ҳалқлар миллий маданиятининг хусусиятлари, турмуш тарзи, бадиий дид ва анъаналарини ўзида акс эттиради.

Кийим деганда ич кийим, кўйлак ва уст кийим, бош кийим, пойафзал, қўлқоп, пайпоқ кабиларнинг кенг комплекси тушунилади.

Ҳозирги вақтда мамлакатларда умумевропа кийими (эр-каклар учун — камзул, шим, аёллар учун - кўйлак, юбка, жакет ва бошқа компонентлар) қабул қилинган бўлиб, унинг асосида турли ижтимоий жуғрофий ва иқтисодий хусусиятлардан келиб чиқадиган турли-туман шакллар пайдо бўлган. Умумевропа кийимидан ташқари, миллий кийимларга ҳам талаб катта.

Тикувчилик буюмлари деганда майший ва ишлаб чиқариш кийимлари, уй-рӯзгор буюмлари (салфеткалар, дастурхонлар, сочиқлар, кўрпа-состиқ жилдлари), техник буюм ва анжомлар (автомобиль ёпқичлари, чодирлар, қоп, погонлар ва ҳоказолар) тушунилади.

ЦНИИШП (Центральный научно-исследовательский институт швейной промышленности — тикувчилик саноати марказий илмий-тадқиқот институти) классификациясига кўра барча замонавий кийимлар икки классга: майший ва ишлаб чиқариш кийимларига бўлинади.

“Тикувчилик кийимлари. Атамалар ва таърифлар” ГОСТ 17037-83 га биноан майший кийимлар — бу турли майший ва ижтимоий шароитларда кийиладиган кийимлардир.

Майший кийим вазифасига кўра кундалик кийим, тантаналик кийим, уй кийими, спорт кийими бўлиши мумкин.

Шу ГОСТ га биноан тикувчилик буюмлари уст кийим, ич кийим, корсет буюмлари, чўмилиш кийимлари, бош

күйимлар ва кийимга тааллуқлы бұлмаган тикувчилик буюмларига ажратилади.

Маиший уст кийимларга кирадиган тикувчилик буюмлари ассортименти ҳар хил бұлади. ОСТ 17-771-78 да кийимларни құйидагича бұлиш назарда тутилған: кийилип шароитларини белгилайдиган кичик классларга; кийимдаги предметларни саналиш тартибига биноан-туркүмларға; тикувчилик буюмларини жинс-ёш аломатларига биноан белгиловчи кичик туркүмларға; кийимни мавсум аломатларига биноан бұладиган түпларға бұлинади.

Маълум шаклнинг ва силузтнинг, енг, ёқа бичимини ва ҳоказоларни аниқлайдиган кийимлар, модель конструкциясига боғылған бұлиб, ҳар бир кийимнинг турини белгилайди.

Уст кийим- корсет, ич кийим ва костюм-күйлак туркүмидаги кийимлар устидан кийиладиган кийимдир.

Уст кийимга (ГОСТ 17037-83) пальто, калта пальто, плашлар, пиджак, нимчалар, жакетлар, юбкалар, күйлаклар, ҳалатлар, блузкалар, эрқаклар күйлаклари, комбинезонлар ғана калта комбинезонлар киради.

Ич кийим бу корсет устидан ёки бевосита одам баданига кийиладиган кийимдир. Ич кийим — ич күйлаклар, остық юбкалар, тунги күйлаклар, яктакчалар, болалар күйлакчалари, иштонлар, кальсонылар (эрқаклар узун иштони), ползункалар, пижамалардир.

Корсет буюмлари — тананинг баъзи бир қисмларини тутиб туришга ва шакллантириш учун бевосита одам таңасига кийиладиган, шунингдек пайпокни тутиб турадиган кийимдир. Корсет кийимлар бу сийнабанд (бюстгалтер), корсет, грация, полуграция, пайпоқ белбоғидир.

Пляж кийимлари — чўмилиш ва қуёшда қорайиш учун баданига тўғридан-тўғри кийиладиган кийимдир. Пляж кийимлари бу плавкалар, чўмилиш комплекти (плавка билан сийнабанд), чўмилиш кийимларидир.

Бош кийимлар — одам бошини ёпib турадиган кийимдир. Бош кийимларга қулоқчин-қалпоқлар, фуражкалар, соя-бонсиз шапкалар, кепкалар, шляпалар, беретлар, шлемлар, жокейкалар, пилоткалар, каторлар, чепчиклар, дүппилар киради.

Кийимга тегишли бұлмаган тикувчилик буюмлари — кўрпа-ёстиқ жилдлари, чойшаблар, ёстиқ жилдлари, кўрпа жилдлари, йўргаклар, болалар чойшаблари, қавилган кўрпалар ва рўйпушлар, чақалоқ конвертлари.

Ишлаб чиқариш кийимлари — турли халқ хўжалик соҳаси шароитларида кийиладиган кийимдир. Ишлаб

чиқариш кийимлари махсус, санитария, расмий (форма) кийимларга ажратиласы.

Ишлаб чиқариш кийими саноатнинг барча соҳаларидаги оммавий касо ишчилари ишлатадиган, ишчи танасини ифлосланишдан асрайдиган кийимдир. Ишлаб чиқариш кийимларининг асосий хилларига халатлар ва пешбандлар киради.

Махсус кийим — ишлаб чиқариш кийими бўлиб, ишлаётган кишини хавфли ва зарарли атроф муҳит таъсиридан асрайди.

Махсус кийим ишчини зарарли атроф муҳит таъсиридан сақлайди. Махсус кийимнинг асосий турлари: плашлар, курткалар, комбинезонлар, пахтали курткалар, пахтали шимлар.

Махсус кийимлар 1) намдан, 2) радиоактив моддалардан, 3) кислоталардан, 4) нефть-мойдан асрайдиган махсус кийимларга, 5) умумий махсус кийимлар, 6) чангдан, 7) органик эритувчилардан, 8) иссиқдан, 9) кимёвий заҳарли моддалардан, 10) ишқорлардан, 11) электр токидан асрайдиган кийимларга ажратиласы.

Санитария кийими меҳнат буюмларини ишловчидан ва ишчини ишлаб чиқаришдаги умумий ифлосланишлардан асрайди. Меҳнат буюмларини асрайдиган технологик кийим санитария кийимининг бир тури ҳисобланади.

Расмий (форма) кийим — ҳарбийлар, махсус маҳкамалар ишчиларининг, транспорт (темир йўл, авиация, такси, дарё ва денгиз флоти) ишчиларининг ва форма кийиш мўлжалланган ўқувчиларнинг (ҳуартехника билим юртлари) кийимидир. Маҳкама кийимларининг асосий турлари шинель, пальто, костюм, китель, кўйлак, бош кийимлардир.

Йил фаслига қараб ишлаб чиқариш кийими мавсумдан ташқари ва қишки кийим кичик гуруҳларига бўлинади.

Кийимни тикиладиган газламанинг толасига қараб (жуи, шойи, ип газлама, зигир толали, сунъий ва синтетик материаллардан) ҳам классификациялаш мумкин. Кўплаб ишлаб чиқаришда кийим размер, рост ва тўлалик ўлчамлари бўйича тикилади.

Размер кўкрак айланасидан, байзи кийимлар, масалан эркаклар кўйлаги учун эса бўйин айланасининг ўлчами бўйича аниқланади. Кийим узунлиги гавда бўйидан аниқланади. Катталар кийими қўйидаги размерларда ишлаб чиқарилади: эркаклар учун -84, 88, 92, ... 128; аёллар учун - 84, 88, 92, ..., 136.

Кийим йилнинг қайси фаслида кийилишига қараб баҳорги-куэзи, ёзги ва қишиги кийимларга бўлинади.

Маишій кийим турлы мақсадларда ва ҳар хил шароитда кийилиши мүмкін, яғни күчалик костюм, уй кийим, тантаналик кийим ва спорт билан шуғулланишга мұлжалланған кийим бўлиши мүмкін.


Жинс-ёш аломатлари бўйича кийим эрқаклар, аёллар ва болалар кийимларига ажратилади. Болалар кийими, ўз на-вбатида чақалоқлар (9 ойликгача), ясли ёшидаги болалар (9 ойликдан 3 ёшлигача) мактабгача бўлган гуруҳдаги болалар (3 ёшдан 7 ёшгача), кичик мактаб гуруҳидаги болалар (ўғил болалар 7 дан 12 ёшгача ва қиз болалар 7 дан 11,5 ёшгача) кийимларига бўлинади. Юқори синф гуруҳидаги болалар (ўғил болалар 12,5 дан 15,5 ёшгача ва қиз болалар 11,5 дан 14,5 ёшгача), ўсмир болалар гуруҳидаги (ўғил болалар 15,5 дан 18 ёшгача ва қиз болалар 14,5 дан 18 ёшгача) кийимларига бўлинади.

Эрқаклар ва аёллар ёшига қараб уч хил гуруҳда-кичик, ўрта, катта ёшдагилар учун кийим ишлаб чиқарилади. Аёллар гавдасининг бўкса айланасининг ўлчамига биноан ва қорин қанчалик чиқғанини ҳисобга олиб ва эрқаклар гавдасининг бел айланасига кўра (кўкрак айланаси бир хил бўлганда) катталар кийими тўрт хил: 1-, 2-, 3-, 4- тўаликда ишлаб чиқарилади.

Давлатлараро катта миқдорда кийим товарларини алмаштирилиши муносабати билан ЎИЕК аъзолари эрқаклар, аёллар, қиз болалар ва ўғил болаларнинг размерларига биноан ЎИЕК нинг стандарти ишлаб чиқилган.

Аёллар ва эрқаклар кийимининг товар ёрлиғида размер курсаткичлари аёллар кийими учун бўй, кўкрак айланаси, бўкса айланаси ўлчамларининг түлиқ миқдорида ва эрқаклар кийими учун бўй, кўкрак айланаси, бел айланаси (1-расм) ўлчамларининг түлиқ миқдорида кўрсатилади. Масалан бўйи 158 см кўкрак айланаси 100 см бўкса айланаси 108 см бўлган типик гавдага тикилган аёллар кийими учун товар ёрлиғидаги "размер" қаторида: 158-100-108 деб ёзилган бўлади. Бўйи 170 см, кўкрак айланаси 100 см, бел айланаси 88 см бўлган типик гавдага эрқаклар учун тикилган кийимининг товар ёрлиғида "размер" қаторида: 170-100-88 ёзилган бўлади. Эрқаклар кўйлаги учун бўй ва кўкрак айланасидан ташқари бўйин айланаси ҳам размер белгиси бўлиб хизмат қилади. Шундай қилиб бўйи 158 см ва 164 см, кўкрак айланаси 100 см, бел айланаси 88 см, бўйин айланаси 41 см бўлган эрқаклар учун тикилган кийимининг товар ёрлиғидаги "размер" қаторида: 158-164-100-88-41 деб ёзилган бўлади.

Болалар кийимига размер курсаткичи бўлиб бўй ва кўкрак айланасининг курсаткичининг түлиқ миқдорлари хизмат қилади. Масалан, бўйи 140 см, кўкрак айланаси



1-расм. Товар ёрлигини түлдириш учун гавдани ўлчаш

72 см гавдалик қиз бола (үғил бола) учун тикилган кийимнинг "размер" қаторида: 140-72 деб ёзилган бўлади.

2-§. ТИКУВЧИЛИК БЮОМЛАРИ ТИКИШНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ

Кийим тикиш жараёни уч асосий босқичдан иборат: 1) модель, конструкция ва андазалар тайёрлаш; 2) газламани тикишга тайёрлаш ва бичиш (яъни тайёров-бичиш участкасидаги ишлар); 3) буюмни тикиш ва уни безаш.

Кийимларни кўплаб ишлаб чиқариш учун буюмларнинг моделларини яратиш ва лойиҳалаш билан модалар уйи, техника-тажриба лабораториялари, айрим корхоналарда эса (Енгил саноат вазирлиги рўйхати бўйича) юқори малакали рассом-модельерлар ва конструкторлари бўлган экспериментал цехлар модалар уйи раҳбарлигида шуғулланади. Кийимларнинг саноат коллекцияларини яратиш учун модалар уйи корхоналарга рассом-модельер, конструктор ва технологдан иборат мутахасислар гурӯҳини бириттириб қўяди.

Енгил саноат вазирлиги фан-техника кенгашининг модалар ва кийимлар маданияти масалалари бўйича эстетик комиссияси тавсиялари асосида кийим модалар уйи йўналиш берувчи модалар коллекциясини яратади ва унинг корхонада ҳамда савдо ташкилотларига кўрсатилишини ташкил қиласиди. Коллекция кўриб чиқилгандан сўнг корхоналар моделлар миқдорини, тавсия этиладиган размер ва ростлар шкаласини ва газлама артикулини кўрсатиб, модалар уйига коллекцияни

ишлиб чиқиши учун буюртма (техник топшириқ) берадилар. Корхоналарнинг техник топшириқлари асосида модалар уйи бадийи—техника кенгаши тасдиқлайдиган моделлар эскизини модалар уйи рассомлари яратадилар.

Тасдиқланган эскизлар модалар уйи корхонанинг жорий ассортимент газламасига ва тикувчилик корхонаси планлаштириб, ишга туширишга мүлжалланган янги газламаларга моделлар яратиб беради. Моделларга яратилган конструкциялар ва техник ҳужжатлар корхонага топширилади.

Буюмларни конструкциялаш улар конструкциясини яратиш жараёнидан иборат. Конструкция буюмнинг хақиқий катталиктаги чизмаси бўлиб, унда қирқимлар бўйича деталларнинг туташиб жойлари ва тикиш усуллари кўрсатилади.

Техник ҳужжатда ҳар бир модель учун тавсия қилинаётган размерлар, рост ва тўлалик ўлчамлари, газламаларнинг артикуллари, бичиш учун техник шартлар, андазалар юзасининг ўлчамлари ва газлама сарфи нормалари, ишлов бериш усуллари, андазалари ва тайёр буюмни ўлчаш жадваллари, буюмни маркалаш, ўраш қоидалари кўрсатилади.

Андазалар, техник ҳужжатлар ва моделларнинг намуналари тикувчилик фабрикасига келтирилади.

Корхонанинг экспериментал цехида модалар уйидан олинган моделларнинг намуналари бўйича кийимлар ултуржи савдо ярмаркасида намойиш қилинади.

Ултуржи савдо ярмаркаларида савдо ташкилотлари танлаб олган моделларнинг намуналари кўплаб ишлиб чиқариш учун тикиладиган кийим намунаси бўлиб ҳисобланади.

Ҳар бир тикувчилик корхонасида тикиш жараёнида кийим учта асосий участкадан: экспериментал цех, тайёрлов-бичиш участкаси ва тикув цехидан ўтади.

Экспериментал цех ходимлари моделни ишилб чиқаришга туширишга тайёрлаш билан шуғулланишади. Йирик тикувчилик фабрикаларида экспериментал цехлар ўзлари янги моделлар яратили ҳуқуқига эга.

Фабрика экспериментал цехи ходимларининг вазифалари қўйидағилардан иборат: модалар уйидан моделлар намуналарини, кийим андазаларини ва техник ҳужжатларини, олиш; андазаларни текшириш, кўпайтириш ва тайёрлаш; андазаларни аралаш жойлаштириш учун размер ва ростларни бирлаштириш; андазаларнинг экспериментал йўл билан жойлаштириш ва газлама сарфи нормасини аниқлаш; трафаретлар тайёрлаш; ишилб чиқаришда газламадан тўғри фойдаланишни назорат қилиш.

Экспериментал цехда моделга аниқлик киришища размер ва ростлар бўйича андазаларни тўғри кўпайтирилганини текшириш мақсадида ҳар хил размердаги буюмлардан бир неча намуна тикилади. Тажриба партиясини экспериментал цехнинг технологик гурӯҳи текширади, сўнгра конструкцияни узил-кесил аниқлаш ва меҳнатни тақсимлаш учун тикувчилик цехида текширилади.

Тайёрлаш-бичиш участкаси икки цехни: тайёрлаш ва бичиш цехларини бирлаштиради. Тайёрлаш цехи ишчилари қўйидаги ишларни бажаради: газламаларни қабул қиласди ва сақлайди, сифатини текширади, газлама тўплари узунлигини ўлчайди ва уларни саралаб, тўшамаларга газлама танлайди, тўшамаларнинг устки қаватларини бўрлайди.


Бичиш цехида газламалар тўшалади, тўшама бўлакларга қирқилади, буюм деталлари қирқиб олинади, бичиш сифати текширилиб, бичилган деталлар тўплаб қўйилади (2-расм).



Бичиқчилик корхонасидаги жараёнларни такомиллаштириш юқори сифатли бичик олиш, материалларни тежаш ва битта маҳсулотга сарфланадиган ҳаражатни камайтиришга йўналтирилади.

Тайёрлаш ва бичиқчилик цехларини механизациялаштириш ва автоматизациялаштиришнинг асосий йўналишларидан бири тайёрлаш-бичиш корхонасини марказлаштириш учун технология ва ускуналар яратиш, газлама сарфи нормасини ҳисоблашда замонавий математик усувларни ва ЭҲМ ни қўллаб, оғир қўл ишларидан иборат бўлган юқортиш ва туширишда манипуляторларни ва саноат роботларини ишлатиб, шунингдек тикувчилик буюмларини контактсиз бичиш усулида газламаларни тўшамай бичиш йўллари билан бир неча корхоналарни таъминлайдиган марказлаштирилган тайёрлаш-бичиқчилик корхоналарини яратишдир.

Тикувчилик цехида чоклайдиган ва маҳсус машиналар, шунингдек намлаб-иситиб ишлов берадиган ускуналар билан жиҳозланган технологик потокларда кийим тикилади. Бу потоклар битта фасонли, кўп фасонли (бир вақтнинг ўзида бир неча модель кийимларини тикадиган) ва кўп асортиментли (бир неча хил кийимлар, масалан кўйлак ва халат тикадиган) бўлиши мумкин.

Йирик корхоналарда пардозлаш цехида намлаб-иситиб ишлаш операциялари бажарилади, натижада тайёр кийим товар кўринишини олади. Пардозлаш цехидан кийим тайёр маҳсулотлар омборига жўнатилади.





2-расм. Тайёрлов-бичиш участкаси:

a — газламаларни тұшаш үчүн күпқаватли тұшаш столи; *b* — тұшаш машинасы; *c* — вертикаль ва диск пичоқли күчма бичиш машинасы; *d* — лентали стационар бичиш машинасы; *d* — ўйма пресс.

Якка буюртмалар бүйича кийимлар тикиладиган корхоналар учун, күплаб ишлаб чиқарып корхоналари учун майший хизмат күрсатыш вазирлигининг модалар уйи ва тажриба-техника тикувчилик лабораториялари келәтгән мавсум учун моделлар коллекциясини тайёрлаб берадилар. Йұналтирувчи моделлар коллекциясы методик көнгашшларда тасдиқланади. Майший хизмат күрсатыш корхоналарининг экспериментал цехлари ателье бичиқчиларини ва мастерларини бу моделлар билан таништиради. Модалар уйи ва тажриба-техника лабораториялари етакчи силуэттарнинг типик моделлари учун андазалар ва техник ұжжатлар яратадилар.

3-расмда гавдага салгина ёпишган силуэтли, ўрта қажмадаги, тақылма борты бир томонга күпроқ үтиб икки жуфт тугмага тақылыб, учинчи жуфт тугмалар безак вазифасини үтайдыган эркаклар костюмининг 1- модели ва 182—96—82 размердердеги тузилиш чизмаси ифодаланған.

Кийим орт бұллагида ўрта чок ва кесим бор. Енг үмизидан бошлаб то табиий бел чизигигача ёки ундан ҳам пастроққа тушадыган юмшоқ орт елка таглиги бор.

Олд бұлакда олд витичка, қирқма ён бұлаки бор бұліб, унда ҳам енг үмизидан бошлаб табиий бел чизигигача етадыган олд елка таглиги бор. Елкаси сезиладыган дара жада аниқ кенгайтирилған ва салгина оған, кийим елкасиины 1. . . . 1,5 см қалинликдаги устки елка таглиги тутиб туради.

Кийимнинг бұксаса қисми салгина кенгайтирилған булыб, бұксадан бошлаб этаккача оралиғи тұғри тушған.

Енглари ўрта кенгликтегі иккита чокли үтқазмали.

Ёқа қайтарма бұлыб, раскеп чоки бор. Раскеп чизиги пастроққа жойлашған. Юқоридаги петля бел чизигидан 0,5 . . . 1 см пастроқда жойлашған.

Қирқма ён чүнтаклари бор.



Шим манжетсиз бұлыб, ён томонлари қирқма.



4-расмда борт тақылмаси ўртада тугмаланадыган эркаклар костюмининг 2-модели ва тузилиш чизмаси ифодаланған.

Иккала костюмнинг асосий деталлари олд бұлак, орт бұлак, ёқа, енгнинг устки ва остки бұлаклари, шимнинг олд ва орт бұлакларидан иборат.

5-расмда тұғри силуэтли, үтқазма енгли эркаклар пальтосининг 3- модели ва тузилиш чизмаси ифодаланған булыб. Уннинг асосий деталлари олд бұлак, орт бұлак, енг, ёқадан иборат.



З-расм. 1 - модель ва эркаклар костюми чизмаси.






4-расм. 2- модель ва эркаклар костюми чизмаси.

2. Тикучылык технологиясы ассоции



5-расм. 3- модель ва эркаклар пальтоси чизмаси.



Эркаклар пальтоси, енгил, узун ва кенгайтирилган ҳажмли булиб, белбоги бор, енги эса эркаклар қўйлаги бичигига ўхшаш. Эркаклар қўйлагидаги каби бичик енг ўмизининг чуқур ўйилиши билан ва унинг шакли тирқишига ўхшашлиги, ён чоклар енг ўмизининг ўртасига жойлашгани, яхлит бичилган хиштак уланиши билан ажралиб туради.

Кийим юқори қисмидаги елканинг кенгайиши кнопкалар билан тугмаланадиган кенг погонлар билан ажралиб туради.

Олд булак елка қисми очиқ кокеткалар билан безатилган. Қоплама листочками чўнтақ кнопка билан тугмаланади.

Орт булак ўрта чокли булиб, юқорида тугалланадиган кесими бор.

Борт тақилмаси марказлашган яширин булиб, бешта тугма ва бўйин олдида битта кноңкага тугмаланади.

Енги бир чокли булиб, унда кичкина яхлит бичилган хиштаги бор. Енг уни бўйлаб камар тутгичдан ўтказилган ва кнопка билан тугмаланадиган пата жойлашган.



Чуқур ўйилган ёқа ўмизидаги баланд кўтармали ёқа бўйиндан қочиб турадиган булиб, иккита кнопка билан тугмаланади.

Кокетка, устки ёқа, адип деталлари ва погон, пата, листочка, белбогларнинг остки деталлари асосий газлама рангидаги безак газламадан (чий дуҳобадан) бичилган.

6-расмда юзаси фактурали ва туклари калта қирқилган юмшоқ газламадан тикиладиган 170—88—96 размердаги гавдага салгина ёпишиб турадиган силуэтли аёлларнинг баҳор-кузлик пальтосининг 4-модели ва тузилиш чизмаси ифодаланган.

Кўкрак чизиги бўйлаб ҳажми кенгайтирилган. Елка чизиги аниқ кўринишда булиб, 1 см га кенгайтирилиб, табиий ҳолатдагидек оғдирилган, елкани 1,5 см қалинликдаги елка таглик ва орт булак томондан қўйилган ватиндан тайёрланган орт елка таглик тутиб туради. Енг ўмизи кўп ўйилмаган, кенг. Кўкрак витачкасининг кенглиги камайтирилган, орт ва олд булакларнинг кўкрак қисмидаги қалингина елка тагликлари сақланиб қолади. Олд булакнинг энг тор жойи елка нуқтасидан 7...8 см пастроқда булиб, енгнинг ўтказиш чизиги орт булак томонга ўтган. Силуэтнинг шаклига орт булак ўрта чоки, қирқилган ён булак ва қирқими чўнтақ томонга ўтадиган вертикал жойлашган олд витачканинг конструкцияси ҳисобига эришилади. Олд булакнинг витачка даражасидан пастки қисми гавдага ёпишган булиб, ҳамма қирқимлари кўкрак тагида бўшлиқ

6-расм. 4- модель ва айлар пальтои чизмаси.



ҳажмини сақлайдиган қилиб чизилган. Кийимнинг бўксаси
қисмидаги кенглиги сақланиб қолиб, этак қисми минимал
даражада кенгайтирилган.

7-расмда габардин типидаги қайишқоқ газламадан
тиклидиган, трапеция силуэтли, баҳор-кузлик аёллар
пальтосининг 5-модели ва тузилиш чизмаси ифодаланган.
Кийимнинг елка қисми аниқ ажralиб туради, кўкрак
қисмининг ҳажми салгина кенгайтирилган, конструкциядаги
елка кенглиги авра қирқими шаклида бичиб олинган,
қалинлиги 1,5 см устки елка таглик билан кўтарилиб ту-
ради. Енг ўмизи погон-реглан шаклида бўлиб, ўмизнинг
чуқурлиги ўртacha, кўкрак қисмida юмшоқ елка тагликлари
бор. Кўкрак витачасининг кенглиги торайтирилган. Орт
булакни бел қисмидан бошланган бир томонлама тахламаси
бор. Орт булак юқори қисми втачасининг кенглигига тенг
миқдорда погон-реглан чизиги бўйлаб бир текисда солқи
ҳосил қилинади. Белнинг юқорироқ кўтарилганлигини ён
чокдан бошланган катта хлястик белгилаб туради. Тўғри
шаклдаги енг, ўрта ҳажмда, унинг уни терилиган, осилиб ту-
радиган ҳолатга яқин булган уланма манжети бор.

Пальтонинг ёқаси қайтарма, кичикроқ, қирқма кўтар-
мали. Унинг марказлашган яширин тақилмаси ва ёқа кўтар-
масида петляси бор.

Кийимнинг бўйи анчагина узайтирилган.

Олд бўлак борт қотирмасига ва погон-регланнинг юқори
қисмiga коленкор газлама ишлатилган.


8-расмда турғүн шакли юмшоқ жун газламадан
тиклидиган, 170—88—96 размердаги, кўкрак қисми кенг
бўлиб тушиб турадиган, қирқма бел ва юбкаси кен-
гайтирилган кўйлакнинг 6- модели ва тузилиши ифодалан-
ган.

Кўйлак кўкрак қисми кўкрак витачасининг йўқлиги ва
юмшоқ вертикал тагликлар ҳисобига ясси шаклли бўлиб, бу
тагликлар ҳолати белда жойлашган майда-майда витачка-
лар ёрдамида тутиб турилади. Кўйлакнинг кўкрак
қисмининг конструкцияси ихчам. Унга ён чок ва орт булак
ўрта чоки шакл бериб туради.


Елка чоки 0,5 см га қисқартирилган.

Елка чизиги тўғри, аниқ бўлиб, уни 1 см қалинликдаги
елка таглиги тутиб туради.



Енги бир чокли ўтқазма бўлиб, енг ўмизининг пастки
қисми эркаклар кўйлаги енгига ўхшашроқ ва ўмизи
чуқурроқ ўйилган. Бир-бирига қаратилган юмшоқ тахлама



7-расм. 5 - мөлдөл ва ақшалар шаптасы чизмасы.



8-расм. б- модель ва аёллар күйлагы чизмаси.



ҳисобига енг қиямаси тўлиб турди. Учига берк манжет уланган енг очиқ енг ўмизига ўтказилган.

"Қанотча" га ўхшаш безак деталь енг ўтқазма чокига параллель қилиб ўтқазилади, у енгнинг юқори қисмини ёпиб турди ва елка чизигини узайтириб кўрсатади.

Ёқаси — тик, қия бичилган.

Юбкаси "яrim клёш" бичимли, бир текис терилиб, белга ёпишиб турган мураккаб шаклли кокеткага уланган, чўн-таги ён чокида.

Орт бўлак бўйлаб юбканинг қирқилган жойигача тушган тутмаланадиган тақијлмаси бор.

"Қанотча" нинг остки қисми безак тариқасидаги юпқа сунъий чармдан бўлиб, зийига кўкланган 3 мм кенгликдаги мағиз ўнг томонига чиқарилган. Бели бўйлаб икки марта боғланадиган ингичка белбоғи бор. Кўйлакнинг ўзи узунроқ.

9-расмда турғун шаклли юмшоқ жун газламадан тикиладиган 170—88—96 размердаги кўйлакнинг 7- модели ва тузилиш чизмаси ифодаланган. Кирқма бел, кўкрак қисми кенгайтирилган, юбкаси тўғри, тўғри силуэтли кўйлак. Кўйлакнинг кўкрак қисми кенг бўлиб тушиб турди.

Кўйлак кўкрак қисмининг шакли ён чок ҳисобига ва кўкрак витачасини торайтириб, олди бўйлаб бўртма чок тушириш ҳисобига ҳосил бўлган.

Елка чизифи тўғри, аниқ бўлиб, салгина кенгайтирилган, уни 2 см қалинликдаги елка таглиги тутиб турди.

Елка чоки 2,5 см узайтирилган.

Кўйлак кўкрак қисмининг енг ўмизи кўпроқ ўйилган ва юмшоқ тагликлари бор.

Эркаклар кўйлаги бичимидағи бир чокли енгининг қиямаси кенгайтирилган, енг учи томон торайиб салгина халта қилинган.

Ёқаси-тик, қия бичилган, катта ва чуқур қилиб ўйилган ёқа ўмизига ўтқазилган.



Узунаси бўйлаб тўғри тушган тор юбканинг бўкса қисми сал кенг, чунтаклари ён чокларида.

Олд ва орт булаклардаги бир томонга қаратилиб, тизза даражасигача бўкиб тикилган тахламалар бемалол қадам ташлашни таъминлаб, силуэтни келишган қилиб кўрсатади.



Кўйлак сал узайтирилган.

Кўйлак кўкрак қисмининг бемалол кенг туришини, алоҳида бичилган ва бел чизифидан пастда жойлашган бел-бог кўзга ташлатиб турди.

10-расмда тўғри силуэтли, кўкрак қисмининг ҳажми



9-расм. 7- модель өн аллар күйлаги чизмаси.



10-расм. 8- модель ва аёллар күйлаги чизмаси.

кенгайтирилган, бўксадан этагига томон торайган кўйлакнинг 8- модели ифодаланган. Кўйлак размери 164—88—96.

Бу кўйлак тузилишининг ўзига хослиги кўкрак витачкасининг йўқлиги бўлиб, бунинг ўрни кийим балансини кенгайтириб ва енг ўмизи атрофига юмшоқ таглик қўйиб тўлдирилади. Енг ўмизи чуқур ўйилган.

Елка чоки узайтирилган. Елка тагликлар елка кенглигини кўзга ташлантириб туради. Енги бир чокли, эркаклар кўйлаги бичимида, учига томон торая боради. Бўксадан чизигида белбоғ бўлиши мумкин.

11-расмда ҳажми кенгайтирилган, гавдага ёпишиб турдиган силуэтли, белдан 2 см пастроқда қирқма, енг ўмизи чуқур ўйилган погон-реглан бичимли кўйлакнинг 9- модели ва тузилиш чизмаси ифодаланган. Размери 170—80—96.

Кўйлакнинг шакли ён чокли, кўкрак қисми бел чизиги бўйлаб ўтган бир текис бурма ёрдамида ва бир томонга қаратилган таҳламаларни этаг томонда юзароқ қилиш чисобига ҳосил қилинган.

Елка чоки аниқ, тўғри бўлиб, бунга ўтқазма енгдаги каби бичилган, ўртаси 2 см қалинликдаги елка тагликлар қўйиш билан эришилади.

Регланнинг енг ўмизи ва енги тўғри чизик шаклида бўлиб, буни енг ўмизи ёнидаги юмшоқ тагликлар ҳосил қиласди.

Енги икки чокли, ҳажми катта, учига томон торая боради.

Кўйлак кўкрак қисмининг бемалол кенг туришини. алоҳида бичилган ва бел чизигидан пастда жойлашган белбоғ кўзга ташлатиб туради.

Ёқаси тик, қия қилиб бичилган, олд томони чуқур ўйилган ёқа ўмизига ўтқазилган.

12-расмда блузка билан юбка комплектининг 10- модели ва тузилиш чизмаси ифодаланган. Размери 158—96—104.

Блузка яширин тақилмаси бор, 7 та тугма ва петлага тутмаланадиган (ундан биттаси ёқа кўтармасида) тўғри силуэтли.



Олд ва орт бўлакларда кокетидан бошлаб бурма ҳосил қилинган. Кокетканинг елка чоки йўқ.

Олд бўлаклар қоплама чўнтакли.



Енги бир чокли, эркаклар кўйлагидаги каби, енг ўмизи паст туширилган. Енг учига битта тугма ва петляга тақиладиган уланма манжети бор.

Блузка унинг кўтарма қисмига ўтқазилган, икки қават қайтарма ёқали. Остки ёқаси устки ёқага нисбатан каттароқ.

Ўнг томон бортининг юқори қисми адип қайтарма сингари қайтарилган.



11-расм. 9-модель аёллар қўйлаги чизмаси.



12-расм. 10- модель комплект (блузка ва юбка) чизмаси.

Юбка тұғри силуэтли бұлиб, битта тұгма ва петляга тұгмаланадиган уланма белбоғли.

Ён чокида молния-тасмали тақылмаси бор.

Юбканиң олд ва орт бұлакларыда деталнинг охирігача етказилмай бостириб тикилған биттадан бир-бирига қараган ва тұрттадан бир томонға қараган безак тахламалари бор.

Олд бұлакда асосий деталлар — олд бұлак қисмларидан ва қирқма ён қисмлардан ҳосил қилинған چүнтаклар бор.

Устки ёқа, манжет, тақылманиң ички қисми безак газла-мадан бичилған.

3-§. КИЙИМ ЛОЙИХАЛАШ АСОСЛАРИ

Деталлар тузилиши кийимнинг турига, деталларнинг сонига ва чокларнинг жойлашишига боғлиқ бұлади. Кийимнинг вазифаси, газламаниң тури, ишлов бериш усуллари ва құлланадиган технологик ускуналар ҳам деталлар тузилишига таъсир қиласы.

Уст кийим тикишда авра, астар, қотирма материаллардан бичилған деталлар ва безак деталлар қатнашади.

Елкада турадиган уст кийимнинг асосий деталлари олд ва орт бұлаклары ҳамда енглардан, белда турадиган кийимлар эса юбканиң яхлит бұлаги (олд ва орт бұлаклари) ва шим бұлаклари (олд ва орт бұлаклари) дан иборат бұлади.

Кокетка ва хлястиклар кийим конструкциясини, борт зийларини хилма-хил безаш (13, 14-расмлар), шунингдек چүнтаклар мавжудліги эса олд бұлак конструкциясини жуда ҳам хилма-хил қилиб юборади.

Хлястиклар бостириб тикилған ёки фақат ён чок ёнида чатиб қўйилған бұлади.

Кийим چүнтаклари ташқи ва ички, қирқма, қоплама ва асосий деталлар уланадиган чокларга жойлашған бұлади (15-17-расмлар).

Эркаклар уст кийимининг күргина моделларыда қопқоқли қирқма چүнтаклар типик ҳисобланади, аёллар кийимида эса қопқоқсиз қирқма چүнтак ёки олд бұлак бүртма чокларига жойлаштирылған چүнтаклар бұлади. Лекин эркаклар кийимида күпинча қопқоқсиз چүнтак, аёллар жакетлари ва пальтоларида эса қопқоқли қирқма چүнтак ҳам учрайди.

Қоплама چүнтакларнинг шакли (17-расмга қаранг) айниқса аёллар кийимларыда турли-туман бұлади.

Ички چүнтаклар, одатда кийим астарига тикилади.

Кийим енглари алоҳида ёхуд кийим олд ёки орт бұлаги билан яхлит (18- расм) бичилған булиши мүмкін. Яхлит бичилған енглар бир бутун бұлакдан ёки иккى қисмдан — устки ва остки бұлаклардан (олд ва тирсак қисмлардан), уч

қисмдан (устки бұлакда олд ва тирсак қисми бұлғанда) иборат бұлади.

Енг бичигининг деталларыда баъзан тирсак витачка қилинади (енг бир оз бутик шаклда чиқиши учун). Енгларнинг учи кесимли, манжетли ва манжетсиз бұлиши мүмкін. Уст кийим ва күйлаклар енгининг учини безаш вариантылари ҳам жуда күп.

Одатда, ёқа икки деталдан — устки ва остки ёқалардан иборат бұлади. Уст кийимнинг остки ёқаси, одатда икки қисмдан иборат бўлиб, улар ўртасидан чок билан бириктирилади. Буни ёқанинг конструкцияси тақозо этади. Күйлак ёқаси, одатда, яхлит бўлиб, ҳатто устки ёқа билан бирга яхлит бичилиши мүмкін.

Намлаб-иситиб ишлаш қийин бұлган газламалардан тикиладиган кийимлар ёқасининг кутарма қисми қирқма қилиб бичилади.

Адип кийим борти четига ишлов бериш учун зарур деталь бұлгани сабабли шакли кийим олд бұлагининг борт қирқимлари шаклига мос бұлади. Адип кийим олд бұлаги билан яхлит бичилиши мүмкін.


Уст кийим астари қотирма деталларини беркитиб туради, чокларнинг қирқимларини титилиб кетишдан сақладайды ва кийимидан фойдаланиш қулайлашади. Астар деталларининг шакли авра деталлари шаклига мос келади.

Уст кийимдаги қотирмалар деталлардаги ҳосил қыллинган шаклни сақлаш, кийимни турғун ва қайишқоқ қилиш, шунингдек (иситувчи қатлам) иссиқ тутиш хоссаларини ошириш учун зарур.


Кийим деталлари шаклини яхши сақлаш учун ёқага, бортга, чұнтак қопқоққа, қоплама чұнтакка, енг учиға, кесимлар четига ва кийимнинг бошқа жойларига қотирма қўйилади.

Иситувчи қатлам асосий деталлар — кийим олд ва орт бұлаги ва енгларининг авраси билан астари орасига қўйилади. Иситувчи қатлам пахта, ватин, пенополиуретан ва бошқа янги материаллардан тайёрланиб, кийимнинг этагигача ёки белдан 20 см паастгача етказиб қўйилади.



Белда турадиган кийимларнинг асосий деталлари шимда — олд ва орт бұлаклардан, юбкаларда — олд ва орт бұлаклардан ёки бир неча бұлаклардан иборат бұлади. Бу деталларнинг конструкцияси ҳар хил. Күйлак деталларининг конструкцияси пальто деталларига нисбатан турли-туманроқдир. 19-расмда бесак газламадан фойдаланиб яратылган моделларнинг композицион ечимининг баъзи вариантылари.






13-расм. Аёллар кийимининг ёқаси ва борт зийини безаш.




13- расм. *Давоми*




13-расм. Даволи




14-расм. Эркаклар кийимининг ёқаси ва борт зийини безаш.



15-расм. Аёллар кийимининг чўнгаклари.







15-расм. Давоми




15-расм. Давоми





16-расм. Эркаклар кийимининг чүнтаклари.




16-расм. Давоми




16-расм₄ Давоми




17-расм. Қоғлама чүнтаклар.





18-расм. Аёллар кийимининг енглари.



18-расм., давоми



18-расм. Давоми



19-расм. Безак газламали кийим моделлари



20-расм. Олиб қүйиладиган безак деталлар.




20-расмда эса олиб қўйиладиган безак деталларидан фойдаланиш вариантилари кўрсатилган.

Кийимлар конструкциясини яратиша унинг тикишбоплигига катта аҳамият берилиб, тикишбоп деганда қўйидагилар тушунилди:

1. Конструктив чизиқлар ҳисобига кийимнинг ҳажмий шаклини яратиш. Бу чизиқлар кийим тикища айрим намлаб-иситиб ишлаш операцияларини, масалан, енгга, унинг устки булагига оид қирқими бўйлаб намлаб-иситиб ишлов бериш; кийим олд бўлагига борт қирқими буйича намлаб-иситиб ишлов бериш; остки ёқага ўтқазиш қирқими (кутарма) ва қайтарма чисти бўйлаб намлаб-иситиб ишлов бериш операцияларини кисқартиришга имкон беради ва ҳоказо.

2. Яхлит бичилган деталлардан фойдаланиш. Бунда деталларни бириттиришга, масалан, яхлит бичилган адипни олд бўлагига, чўнтақ қопқоргини остки қопқоқча, листочкани остки листочкага, баъзи ҳолларда эса ёкани остки ёқага бириттиришга кеталиган вақт қисқаради ва ҳоказо.

4 Тиқуучилик технологияси асослари



20-расм. Лигатми

4-§. КИЙИМ ТИКИЛАДИГАН МАТЕРИАЛЛАР УСТ КИЙИМ ТИКИШГА МҮЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ МАТЕРИАЛЛАР

Уст кийим тикиш учун газлама, трикотаж ва нотұқима материалар ишлатилади.

Хозирги вақтда қават (икки қават, уч қават) материаллар, латекс ва каучук қопламали материаллар (пелакс), сунъий ҳамда табиий чарм, замша, сунъий мүйна ва плашчик материаллар (сув шимдирмайдынган моддали ва плёнка қопламали резиналанған материаллар), шунингдек күп қаватлы қавима материаллар көнг ишлатилади.

Қават газламаларда ўнг томон сифатида ип газламалар, трикотаж полотнолар, сунъий чарм, замша, тескари томонига поролон, сунъий мүйна ва бошқа газлама ҳамда материаллар ишлатилади.

Газлама. Пальто тикиш учун соф жун, ярим жун ва ип газламалар ишлатилади. Соф газламалар унча күп ишлатылмайды. Пальтолик газламалар күпинча аралаш таркибли бұлади. Уларнинг таркибида кимсөвий толалар бўлади.

Пальто габардин типидаги соф жундан тайёрланған камвол газламалардан, жаккард, креп, ва майда гулли ўрилишли ярим жун газламалардан (аёллар кийими), ҳар хил сиртли драплардан тикилади.

Пальтолик газламалар тайёрланадын аралашмалар таркибига синтетик толалар құшилиши газламаларнинг мустахкамлиги ва чидамлилигини оширади. Уст кийимлар учун, жун газламалардан ташқари, ип газламалар, масалан, плашчик полотнолар, репслар, диагоналлар, чийдухобалар, замша, мовут ҳам ишлатилади. Сунъий чарм ва замшадан мавсумбоп пальто, калта пальто, юбка, нимча ва сарафанлар тикилади.

Уст кийим тикадиган саноат корхоналари сунъий чарм ва замшадан ташқари, табиий хом ашёдан тайёрланған материалларни ҳам күп ишлатади. Бу материалларнинг сирти силлиқ, бадиий буртмали, шунингдек тукли бўлиши мумкин. Табиий чарм ва замшадан пальто, калта пальто, пиджак, жакет, куртка, юбка ва ҳоказолар тикилади.

Трикотаж полотнолар. Трикотаж полотнолардан тикилган уст кийим истесьмол хоссаларининг юқорилиги, яъни шаклининг тургунлиги, пишиқлиги ва ҳоказо билан харидорлар эътиборини қозонған. Бу айниқса, синтетик толали трикотаж кийимларга таалуқlidir.

Трикотаж саноати болалар кийими тикиш учун ташқи куриниши ва хоссалари жиҳатидан енгил таркибида ^{камода} 20% жун бўлган драплар ишлаб чиқаради. Аёллар пальтоси

тикиш учун текстураланган полизэфир иплардан түқилган трикотаж полотно ишлатиласи.

Эркаклар ва аёллар костюмларини тикишда ҳам трикотаж полотнолар кўп ишлатиласи.

Шакли турғун бўлган (газламага ўхшаш) трикотаж полотноларни тайёрлаш учун полизэфир ва полиамид иплардан бўлган мэлан, мерон, кримплен, капрон ипларни, лавсанли-жун ва бошқа турдаги калава ипларни аралашириб ишлатиласи.

Пардоzlашда трикотаж полотнолар қайнатиласи — бунда улар релаксацияланади, қуритиласи, антистатлар ва термо-реактив смолалар билан аппретирланиб, кейин 160...165 °C температурада иссиқлик ишлови берилади.

Трикотаж полотнолардан тикилган кийимлар осон тозаланади ва ювилади, шунингдек йилнинг турли фаслида кундалик кийишга тавсия этилади.

Эркаклар ва аёллар костюмлари учун мўлжалланган трикотаж полотноларнинг асосий хусусияти ҳосил қилинган шаклни сақлай олишиладир, шунинг учун ҳам унинг номи "шакли турғун" дир.

Кичик куч таъсирида чўзилувчанлик ва букилгандаги қаттиқлик кийим тикиш жараёнига таъсир кўрсатадиган асосий хусусиятлардир. Текстурланган соф полизэфир иплардан ва бундай иплар билан ҳажмий синтетик ипларни бирга қўшиб аралаш чалиштириб түқилган трикотаж полотнолар ана шундай хусусият кўрсаткичларига эга бўлади.

Сунъий мўйна. Уст кийим тикиш учун мўлжалланган сунъий мўйна кийимлик мўйнага, ёқалик (безак) ва астарлик мўйнага бўлинади. Сунъий мўйна тўқиши йўли билан, трикотаж усулида тўқиши ва қўйма тукли қилиб тўқиши йўли билан тайёрланади. Тук газламага ёхуд трикотаж полотно устига слимлаб ёпишириласи ҳосил тикиб қўйилади. Газламага тикиладиган сунъий мўйна ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилган. Бундай мўйна тайёрлашда газламага тукли иплар тикиб чиқилади. Тук чиқариш операциясидан кейин бу иплар тук қатламини ҳосил қиласи. Сунъий мўйна туклари сифатида кимёвий ва жун толалар ишлатиласи. Сунъий толалардан вискоза ва ацетат толалар, синтетик толалардан полиакрилонитрил, полиамид ва полизэфир толалар ишлатиласи.

Пенополиуретан (поролон) ли қават материаллар. Пенополиуретан материаллар икки ёки уч қават материални ўзаро слимлаб ёки қиздириб бириттирилган (икки ва уч қаватли) бўлади. Икки қаватли материалларда поролонга

авралик материал, уч қаватли материалларда эса авралик ва астарлик материал ёпиштирилади. Биритириш учун каучуклар ва полиинзолбутилен, полипропилен, полиуретан смолалари асосидаги слимлар материалнинг тескарисига сидирға ёки йўл-йўл қилиб ва нуқталар тарзида суртилади. Қиздирив ёпиштиришда слим сифатида ишлатиладиган поролон аввал бир ёки икки томонидан қиздирив юмшатиб олинади.

Қават материалларда асосий материал сифатида ҳар хил газламалар, трикотаж полотнолар, сунъий мўйна ва но-тўқима материаллар қўлланилади. Поролонли қават материаллар эркаклар, аёллар ва болалар пальтоси, курткалар плашлар ва баҳорги-кузги ҳамда қиши мавсумларга мўлжалланган бошқа кийимлар тикиш учун ишлатилади.

Сунъий мўйнали қават материаллар. Сунъий мўйнали қават материалларда ўнги томонининг материали сифатида синтетик толалардан тўқилган газлама ва трикотаж полотно, сунъий замша, сунъий чармдан фойдаланиш мумкин. Материаллар елимлаб ёки қиздирив ёпиштирилади. Сунъий мўйнали қават материалларнинг тескари томони уст кийимда астар, иситувчи қатлам ва безак вазифаларини ўтайди. Бундай материаллардан пальто, калта пальто, куртка ва бош кийимлар тикилади.

Сунъий ва табиий чарм ҳамда замша. Сунъий ва табиий чарм ҳамда замшадан фойдаланиш уст кийимлар асортиментини анча кўпайтиришга имкон берди.

Сунъий чарм материалнинг ўнги ҳисобланган томонини ҳосил қилинда, газламага ёки трикотажга поливинилхлорид, полиэфируретан, полиамид ёки бошқа материаллар ёпиштирилади. Сунъий чармнинг сирти ғовак, силлиқ ёки локланган ва ҳар хил бостма гулли бўлиши мумкин.

Сунъий замша газлама ёки трикотажга бошқа материал қоплаб ёки замшасимон сиртли қилиб ишлаб чиқарилади. Замасимон сирт ҳосил қилиш учун материалга электростатик усулда тук ёпиштирилади ёки материалга қопланган қаватдан тук ҳосил қилинади. Табиий ва сунъий чарм ҳамда замшадан фойдаланиш иш унумини оширади, чунки бу ҳолда технологик жараёндан кўпгина намлаб-иситиб ишлаш операциялари чиқариб ташланади. Кўпгина кийимлар қотирма ва астарлик деталларини талаб қилмайдиган бўлгани учун, уларни тикиш ва асосий деталларга улаш операциялари жараёндан чиқариб ташланади.

Ғовак латекс қопламали материаллар. Ғовак латекс қопламали материаллар тескари томонига ғовак латекс қатлами (кўпиклантирилган латекс) суртилган синтетик, сунъий, табиий ёки аралаш толалардан тўқилган газламадан иборат. Латекс қопламали материаллардан пальто, калта

пальто, куртка ва ҳ.к. тикилади. Бу кийимларни иссиқ қилиш учун ватин, сунъий мўйна ва синтетик пахтадан тайёрланган қатламлар қўйилади.

Плашлик материаллар. Ҳозирги вақтда плашлик материалларнинг қўйидаги хиллари жуда кенг ишлатилади: резиналанган, плёнка қопланган, сув юқтирумайдиган модда шимдирилган полиэфирли газлама ва сув юқтирумайдиган модда шимдирилган ип газлама материаллар. Бу материаллар ёмғирдан асраш учун мўлжалланган кийимлар—плаш, куртка ва плаш-пальтолар тикиш учун ишлатилади.

Костюм тикиш учун соф жун газламалар ва аралаш газламалар, масалан, лавсанли ски вискозали жун, нитронли жун, ливсанли ва вискозали жун, нитронли ва вискозали жун, ип аралаш жун газламалар қўлланилади (1-жадвал).

1-жадвал. Толалар таркиби бўйича газламалар гурӯҳи

Тар- тиб- но- мери	Газламалар номи	Кичик гурӯҳ но- мери	Аралашма таркиби, %
1	Лавсанли ярим жун газламалар	I	Жун — 40, лавсан — 60
		II	Жун — 60-70, лавсан — 40-30
2	Вискозали ярим жун газламалар	III	Жун — 65-70, вискоза — 35-30
		IV	Жун — 50, вискоза — 50
		V	Жун — 65-70, вискоза — 35-30
3	Соф жун газламалар	VI	Жун — 100
4	Нитронли ярим жун газламалар	VII	Жун — 50-55, нитрон — 50-45
5	Лавсанли ва вискозали ярим жун газламалар	VIII	Жун — 40, лавсан — 30, вискоза — 30
6	Нитроили ва вискозали ярим жун газламалар	IX	Жун — 30, нитрон — 30, вискоза — 40
7	Ип аралаш ярим жун материаллар	X	Жун — 50-60, пахта толаси — 50-40

Газлама таркибидаги лавсан миқдори тикиш технологиясига таъсир қиласи. Костюмлик газламалар таркибида 60 ва 30 % лавсан бўлади. Вискозали газлама таркиби лавсанли газлама таркибига қараганда анча турли тумандир.

Соф жүн газламалар паст ва юқори номерли калавалардан түқилади.

Костюм тикиш учун жүн газламалар билан бирга аралаш шойи газламалар, ип газламалар ва зигир толали газламалар, соф ҳамда кимёвий толалар аралаштирилган газламалар, шунингдек кримплен (100%) типидаги иплардан түқилган трикотаж полотнолар (турғун шаклли ва газлама турдаги) ва аралаш газламалардан фойдаланилади.

Костюм ва пальтоларнинг астари сифатида аралаш шойи газламалар ишлатилади. Тандаси ва арқоғига вискоза шойи ишлатилган шойи газламалар энг яхши астарлик материал ҳисобланади.

Қотирмалик материаллар сифатида бортга қўйиладиган газламалар, от қили ёки капрон толали қил ишлатилган ип газламалар, коленкор, нотӯқима материаллар (флизелин ва прокламилин типидаги) ва ҳ.к. газламалар ишлатилади.

Қишки кийимларда иситувчи қатлам сифатида кўпинча ватин, баъзан пахтадан фойдаланилади.

Қўшимча материаллар

Уст кийим тикишда қўшимча материаллар ишлатишдан мақсад, кийимни зарур шаклга киритиш ва ташқи кўринишини баркамоллаштириш, кийганда кийимнинг шаклини сақлаб туриш, уни чидамлилигини ошириш, қулайлик яратиш ва гигиеник бўлишидан иборат.

Кийимга қўйиладиган қўшимча материалларга: қотирма материаллар, остики ёқаларга қўйиладиган нотӯқима материаллар, чўнтақ халталик газламалар, қўшимча лента ва шнурлар киради. Қотирмалик материаллар ассортиментига бортга қўйиладиган газламалар (зигир тола, ярим зигир тола, ип газламалар), нотӯқима қотирма материаллар киради.

Уст кийим борт қотирмасини тайёрлашда газламанинг арқоқ ипига от қили ёки капрон қил қўйилган ип газлама ишлатилади. Қотирма газламалар сифатида ёқага, бортга, қоплама чўнтақларга хомсурп ва коленкор (енг учи қотирмасига ва чўнтақ буйламаларига) ишлатилади.

Нотӯқима қотирмали материаллар. Бу материаллар битта ёки бир неча қават тўқимачилик материалларини (толаларни) механик йўл билан (игна тешма полотнолар), физик-кимёвий йўл билан (елим полотнолар) ва аралаш усул билан биринтирилган бўлади.

Нотӯқима қотирмали полотнолар табиий ва кимёвий толалардан: пахта, жүн, зигир, вискоза, полиамид, полиэфир, полиакрелонитриль толалардан тайёрланади. Нотӯқима

полотноларни ишлаб чиқаришда турли латекслар ва эмульсиялар ишлатилади.

Нотұқима қотирмали “Вива” полотноси 60% тикланган жүн, 20% вискоза ва 20% капрон толалар таркибидан иборат бўлиб, аралаш усулида ишлаб чиқарилади. Бу полотно костюмлар тикишда зигфир толали борт қотирма газламаси ўрнида ишлатилади.

Нотұқима қотирмали “Лийва” полотноси ҳам “Вива” полотносидаги толалар таркибидан иборат бўлиб, бир томонига елим қопланганлиги билан фарқ қиласади.

Нотұқима қотирмали “Сюйт” полотноси 30% нитрон, 30% вискоза ва 40% капрон толалар аралашмасидан игна тешма усулида ишлаб чиқарилади. Бу полотнолар плаш асортиментидаги кийимларни тикишда бир қават қотирма сифатида, борт қотирмаларини тикишда елка тагликлар сифатида, ўғил болалар костюмлари ва пальтоларини тикишда қотирма сифатида ишлатилади.

Нотұқима флизелин полотно (935502 ва 915502 артикулдаги) елимлаш усулида ишлаб чиқарилади. Флизелин (935502 арт.) аралашмаси 70% вискоза ва 30% капрон толалардан, флизелин (915502 арт.) аралашмаси — 35% пакта, 40% вискоза толалардан ва 25% иккиламчи хом ашёдан иборат. Флизелин майда деталларга, пиджак, жакет, аёллар ва эркаклар пальтоларининг енг учига ва болалар пальтоларига қотирма сифатида ишлатилади.

Нотұқима қотирмали прокломелин полотно (935506, 935507, 935508 арт.) 50% вискоза ва 50% нитрон толалар аралашмасидан елимлаш усулида ишлаб чиқарилади.

Кримплен полотнолардан тикиладиган плашлар, пальтолар ва костюмларни тикишда бортларга, ёқаларга, чүнтак қолқоқларга ва бошқа майда деталларга бир қават қотирма сифатида ва кўп қаватли борт қотирмаларини тикишда елка тагликлари сифатида ишлатилади.

Эркаклар кийимларида (пиджак, пальто) остики ёқаларга ишлатиладиган нотұқима полот босиш усулида тайёрланади ва қалинлиги 2 мм гача наматсимон типдаги ҳар хил тола таркибли материалдан иборат бўлади.

Нотұқима аралаш полотно “Фильц” 70% жүн ва 30% вискоза толадан иборат бўлади, игна тешма нотұқима полотнолар эса 50% вискоза ва 50% лавсан толалар аралашмасидан ишлаб чиқарилади.

Бу материалдан остики ёқалар бичилиши кийими сифатини яхшилаш ва иқтисодий самарарага эришиш имконини беради.

Күйлак туркумидаги кийимлар тикиладиган материаллар

Күйлак туркумидаги кийимлар газламалардан, трикотаж полотнолардан ва нотұқима материаллардан тикилади. Күйлаклик газламалар таркибига күра бир жинсли ёки аралаш бўлиши мумкин.

Синтетик тола ва иплар газламаларнинг сифатига ҳам, ташқи кўринишига ҳам ижобий таъсир этади, уларнинг ғижимланишга, эскиришга ва ювганда киришишга чидамлилигини оширади ҳамда фойдаланиш жараёнида кийимни авайлашни осонлаштиради.

Кўйлак туркумидаги кийимлар тикиладиган ип газламаларни уч гуруҳга: енгил, баҳор-кузги (мавсумбоп) ва қишки гуруҳларга бўлиш мумкин.

Ёзги кийимлар учун чит, сатин, хом сурп ва ҳоказо ишлатилади. Чит ва хом сурплар оҳорлаш, босиб гул тушириш усулида безакли қилиб, ўчмайдиган безакли, босма гулли, сидирға қилиб ишлаб чиқарилади.

Баҳор-кузги туркумдаги ип газламалар ранг-баранг гулли ва сидирға тўқилган мураккаб тўқув гулли (жаккард ва ҳоказо) қилиб ишлаб чиқарилади.

Қишки кийимлар учун бир томонида ва икки томонида туки бор, текис бўялган босма гулли ва ранг-баранг гулли газламалар ишлатилади.

Шойи газламалар. Шойи газламалар табиий ипак ва қалавалардан, вискоза, капрон, ацетат ва триацетат иплардан, вискоза толаларга бошқа толалар аралаштириб тўқилади. Ҳозирги вақтда ҳажмий, эластик ва бошқа синтетик толалардан кенг фойдаланилмоқда.

Шойи газламалар сидирға, ранг-баранг гулли, босма гулли, босиб гул туширилган, плиссировкали қилиб ишлаб чиқарилади.

Жун газламалар. Кўйлаклар ва астарсиз костюмлар учун жаккард ҳамда креп ўрилишли соф жун газламалар, полотно, саржа, майда гулли ва бошқа ўрилишли ярим жун газламалар ишлаб чиқарилади.

Ярим жун газламалар нитрон, лавсан ва вискозадан иборат аралашмадан ҳамда вискоза капрон толалардан ишлаб чиқарилади.

Синтетик толали газламалар тез эскирмайди ва ғижимланмайди, фойдаланиш жараёнида шаклини яхши сақлайди. Лавсанли газламалар нитронли газламаларга қараганда кам ғижимланади.

Зигир толали газламалар. Күйлаклик зигир толали газламалар соф зигир толалардан ёки лавсан, пахта ва вискоза толалар аралаштирилган зигир толадан тұқиши мумкин. Улар сидирға ва босма гулли қилиб чиқарилади.

Зигир толали-лавсанли газламаларнинг иккى хили бүлади: биринчисида зигир толаси 33% ва лавсан 67% ни, иккинчисида эса зигир толаси 67...75% ва лавсан 33...25% ни ташкил этади.

Зигир толали материаллар ишлов бериш жараёнида маҳсус пардоzlанади, натижада ғижимланувчанлиги камаяди. Болалар кийими учун мұлжалланған газламалар бундан мұстасно.

Трикотаж ва нотұқима полотнолар. Күйлак туркумидаги кийимларни тикишда трикотаж полотнолар ва тұқылма-тиқма полотнолар кенг құлланилмоқда.

Күйлак учун ацетет, триацетат ва капрон толаларидан ёки қар хил иплар аралашмасидан танда тұқылма трикотаж полотнолар құлланилади. Трикотаж полотнолар газламага қараганда анча эластик бўлади, ҳаракатланишга халақит бермайди, пишиқ, ғижимланмайди, ювганда ва кимёвий тозаланганда киришиб ёки чўзилиб кетмайди.

Чўзилувчанлик жиҳатидан трикотаж полотнолар ва тұқымы-тиқма полотнолар бир неча туркумларга ажратиласиди. Полотноларнинг чўзилувчанлиги янги кийимлар лойихалашда ва уларга тикиш технологиясини ишлаб чиқышла ҳисобга олинади.

Нотұқима полотнолар. Кийимларни тикишда ташқи күриниши газламага ўхшаш бўлган тұқылма-тиқма полотнолар кенг құлланилади. Тұқылма-тиқма полотнолар тайёрланиш усулига қараб уч турга: тикилма-холст, тикилма-газламали, тикилма-ипли хилларга бўлинади.

Тикилма-холст полотнолар толали холстни ип ёрдамида боғлаш йўли билан олинади. Холстнинг хом ашёсидаги толалар таркибиغا ва тикиладиган ипига қараб иплек ва ипак полотноларга ажратиласиди. Ипакли тикилма-холст полотнолар 50% ип ва 50% вискоза толаларидан иборат. Тикиладиган ип сифатида капрон или ишлатиласиди. Ипакли тикилма холс полотнолар сидирға, босма гулли ва тукли қилиб ишлаб чиқарилади.

Тикилма ип полотнолар битта (арқоқ) ёки иккита ўзаро маҳкамланиб тартибли чалишадиган (танда ва арқоқ) ипларни боғлаш йўли билан олинади. Тикилма ип полотнолар хом ашё таркибиغا қараб иплек, ярим жун ва ипакли полотноларга бўлинади.

Тикилма-газлама золотнолар енгил каркасни тукли ип билан тартибли боғлаш йўли билан олинади. Каркас сифатида газлама, трикотаж ва нотўқима полотно, плёнка ишлатилади.

Қотирма материаллар. Кўйлак туркумидаги кийимларни тикишда қотирма сифатида хом сурп, коленкор, нотўқима материал, шунингдек елимли газлама ва аппретланган газламалардан ёқа қотирмалик газлама, қотадиган модда шимдирилган қотирма газлама, ўргимчак уя шаклидаги слим материал, слим қопланган нотўқима материал ва х.к. ишлатилади.

Эркаклар кўйлаги учун материаллар

Эркаклар кўйлаги тикиш учун пахта, шойи, жун, зигир, сунъий ва синтетик толалардан тўқилган газламалар ва трикотаж полотнолар ишлатилади. Кўпгина газламаларнинг таркиби ҳар хил булиб, турли толалардан тўқилади.

Синтетик толалар газламаларнинг сифатини оширади ва уларни кўркамлаштиради, ӯлар газламанинг ғижимланувчалигини; киришишини камайтиради ва пишиқлаштиради.

Тара什 усулида йигирилиб, пишитилган калавалардан, лавсан аралаштирилгаҳ пахта толаларида ва вискоза толаси аралаштирилган пахта толасидан йигирилган ип газламалар кўйлаклик газламалар туркумida асосий ўринни эгаллајди. Кўйлаклик ип газламалар оқартирилган (полтин, батист, марказет, репс), сидирға, ранг-баранг гулли (плетёнка, шатландка) ва босма гулли булиши мумкин. Кўйлаклик ип газламалар ғижимланмайдиган пардоэли қилиб ишлаб чиқарилади.

Кўйлакли шойи газламалар туркүмiga вискоза-лавсан толалардан (67% лавсан ва 33% вискоза), вискоза толаларнинг пахта толалари билан аралашмаси ҳамда шойи ва синтетик толалар аралашмасидан тўқиладиган газламалар киради.

Кўйлаклик жун газламалар (қишики кўйлаклар учун) асосан нитрон, штапель вискоза толаси ёки лавсан толасидан иборат булади.

Зигир толали кўйлаклик газламалар соф зигир толалари, ярим зигир толалари ва аралаш (зигир-лавсан ва пахта толаси аралашган зигир-вискоза) толалардан тўқилади.

Кўйлаклик трикотаж полотнолар бир жинсли ва аралаш толалардан, кўпинча вискоза, ацтат, капрон, лавсан ва баязан ип ва жун толалардан тайёрланади.

Ич кийимлик материаллар

Аслялар ич кийими (тунги күйлаклар, пеньюарлар, пижамалар) учун ип газламалар: батист, чит, әркаклар пижамаси учун штапель вискоза толасидан тұқылған ва ип газлама ишлатилади.

Корсетли буюмлар жаккард ва атлас ўрилишли ип газлама ҳамда шойи газламалардан тикилади. Ҳозирги вақтда корсетли буюмлар тикиш учун баданга ёпишиб турадиган эластик трикотаж полотнолардан кенг фойдаланилмоқда. Бундай буюмларни тартибга солиб туриш жуда осон.

Күрпа-ёстиқ жиллар ип газламадан, зигир толали ва ярим зигир тола газламалардан (чойшаблик полотно, дамаст ва ҳоказодан) тикилади.

Иплар

Тикувчиликда ишлатиладиган иплар табиий, синтетик ва сунъий толалардан ва сунъий иплардан ишлаб чиқарилади.

Үст кийим тикишда асосан оддий ип, баъзи ички чоклапида паҳтадан йигирилған калава иплар ишлатилади. Плёнка қопламалы материаллардан плашлар, курткалар, "пелакс" синтетик материаллардан пальто тикишда синтетик иплар ишлатилади.

Күйлак туркумидаги кийимларни тикишда оддий иплар (N 40...80) ва лавсан иплардан (33Л; 22Л) фойдаланилади.

Ич кийимлар тикишда оддий иплар (N40...80) ва лавсан (33Л; 22Л) иплар ишлатилади.

Кийим тикишда ишлатиладиган иплар 2-жадвалда күрсатылған.

5-8. КИЙИМ ДЕТАЛЛАРИНИ БИЧИШ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Кийим лойиҳаси ишлаб чиқылғандан сұнг экспериментал цехда деталлар чизмаси буйинча андазалар тайёрланади. Андазаларнинг асосий (деталларни бичиш учун) ва құшымча (булар ёрдамида витачка, тахлама, чұнтак ва бошқаларнинг үрни аниқланади) хиллари булади. Кийимга сарфланадиган газлама ва материаллар нормасини аниқлаш учун андазаларнинг юзи үлчанади. Бу иш ИЛ фотоэлектрон машинасыда бажарылади.

Кийимнинг ташқи күренишига газлама танда ипларининг йұналиши жиддий таъсир қылғанлығы сабабли андазаларни ишлаб чиқышда барча деталларда танда ипларининг йұналиши ва андазаларни жойлаштиришда газламанинг бүйлама йұналишидан оғишлиар қиймати,

2 - жадвал. Түрли операцияларда ишлатиладиган иплар

Тикувчилик иплари	Иплар нинг шартли номери ёки белгиси	Зичлиги, текс	Тикувчилик кийимларининг номи	Тикиш операциялари турлари
1	2	3	4	5
Табиийипак	18,33, 65	18..62,5	Кўйлаклар, блузкалар, эркаклар кўйлаклари, костюмлар, пальтолар ва ҳ.к.	Безак баҳяқаторюритиш
Оддийип (пахта ипи)	20,30, 40,50, 60,80	20..60	Ич кийим, блузкалар, эркаклар кўйлаклари, кўйлаклар, костюмлар, юбкалар, шимлар, курткалар, пальтолар	Ҳамма операция турлари
Комплекс синтетик ип	22Л	11x2	Кўйлаклар, блузкалар, юбкалар, эркаклар кўйлаклари, корсет буюмлар, костюм-кўйлаклар, плёнка қопланган капонгазламадан тикилган плашлар	Безак баҳяқаторюритиш, бириткиришиб-баҳяқаторлар юритиш, петлаларни йўрмаш, кийим этагини букибтиши, кашта тикиш, четларни иккитомонлама қўйма бурмабилан тикиш, қирқимларни йўрмаш
Комплекс синтетик ип	33Л	11x3	Эркаклар костюмлари, шимлар, плашлар, енгил пальтолар, курткалар, газламадан ва трикотаж палотнолардан тикиладиган плашлар	Безак баҳяқатор, бириткирма баҳяқатор юритиш, петлаларни йўрмаш, кийим этагини букибтиши
Юқори· дагини ўзи	31КТ 60Л	29,4x2 15,6x3	Юқоридагининг ўзи Эркакларга аёллар пальтолари, пелакс, қават газламалар, сунъий мўйна, сунъий чарм материалдан тикиладиган калта пальтолар ва курткалар	Юқоридагининг ўзи
		100...110	Кўйлаклар, костюм-кўйлаклар	Безак баҳ яқаторлар юритиш (бўртма чоклар)

1	2	3	4	5
Армиранганип	20ЛХ	150...170 200...250	Плашлар, костюмлар, енгил пальтолар Қишлик ва баҳор куалих пальтолар	Юқоридагининг ўзи
Армиранганип	30 ЛХ	20...	Эркаклар кўйлаклариб корсет буюмлар, блузкалар, юбкалар, шимлар, спорт космюмлари, газламалардан ва трикотаж полотнолардан тикиладиган эркаклар костюмлари	Ҳамма операциялар (безак баҳяқатор юритишдан ташқари).
Юқоридагининг ўзи	44ЛХ	43...50,4	Пальто, калта пальтолар, шимлар, костюмлар	Юқоридагининг ўзи
Синтетик моноип	20КМ 44ЛХ 20КМ Қармоқ ип (леска) Ф 0,1±0,01 мм		Аёллар кўйлаклари, эркаклар кўйлаклари, костюмлар, шимлар, юбкалар	Кийим этагини букибтиши, иккитомонлама қўйма бурмаларга, петлаларга, белбогларга ишлов бериш, молияни ўтқазиши безак баҳяқаторлар юритиш
Юқоридагининг ўзи	Қармоқ ип Ф 0,13±0,02мм		Пальтолар, калта пальтолар, костюмлар	Титилувчан газламалардан тикиладиган кийимларнинг (астарли кийимларни) қирқимларини йўрмаш, кийим этагини букибтиши, айрим деталларни бириткириби
Текстурланган синтетик ип (эластик)	—	20..35	Кўйлаклар, эркаклар кўйлаклари, костюмлар, шимлар, юбкалар, корсет буюмлар, цумилиш кийимлари	тикибтиши, Кўпигнали ясси чокли машинада деталларни бириткириби

шунингдек йўл қўйиладиган улоқларнинг ўрни кўрсатилади.

Андазалар газлама устига техник талабларга мувофиқ жойлаштирилади.

Аёллар ва болалар енгил кийими, эркаклар кўйлаги, ички ҳамда устки кийимлар бичимининг асосий деталларида газлама ва материалларнинг бўйлама йўналиши моделнинг техник баёнида кўрсатилади.

Газлами тежаш мақсадида, андазани газлама устига қўйишда бўйлама йўналишдан оғишларга йўл қўйилади. Одатда, бу оғишлар унча катта бўлмагани учун кийимнинг ташқи кўринишига таъсир қилмайди. Техник талабларда йўл қўйиладиган оғишлар ҳар қайси деталь учун процентларда кўрсатилади. Йўл қўйиладиган оғиш қиймати деталнинг узунлигига боғлиқ бўлади. Асосий деталларнинг расмларида йўл қўйиладиган оғишлар асосий чизиқнинг иккала томонида пункттир чизиқ билан кўрсатилади.

Газлама устига андазалар жойлаштирища фақат деталлардаги газлами бўйлама йўналишинигина эмас, балки унинг расмини, юзасининг характеристикини ҳам ҳисобга олиш керак, чунки газлама сирти тукли бўлиши ва ҳар хил тусда товланиши ёки туксиз бўлиши мумкин.

Бир томонга йўналган гулли, тукли, шунингдек тукининг йўналишига қараб ҳар хил тусда товланадиган газламаларда асосий деталларнинг барча андазалари бир йўналиша қўйилади.

Туки ёки тузи бўлмаган, сидирға, йўл-йўл, симметрик катакли газлама ва материалларда деталларнинг андазаларни истаган йўналишда жойлаштириш мумкин. Йўл-йўл ва катак газламаларга андаза қўйишда гулнинг симметрик деталларга тушишига аҳамият бериш зарур.

Тайёр кийим таннархида газлама ва материалларнинг нархи салмоқли ўринни эгаллайди. Шунинг учун андазаларни кам қийтим чиқадиган қилиб қўйиш керак.

Керакли миқдорда қаватлар тўшалгандан сўнг деталлар контурлари туширилган қават тўшама устига ёйилади ва деталлар қирқилади. Бунда тўшама олдин қисмларга бўлиб чиқилади ва кўчма бичиш машинасида йирик деталлар қирқиб олинади, майда деталлар эса лентали стационар машинада қирқилади.

Якка буюртмалар бўйича тикиладиган кийимлар буюртмачидан олинган ўлчовлар ва база конструкцияларга асосланниб бичилади. Бичиш пайтида буюм деталларига озроқ қўйим қолдирилади. Бу кийим буюртмачидан ўлчов олиш

вақтида кийимни унинг гавдасига мослаш учун керак бўлади.

Тўшамалар бичилгандан ва деталлар қирқиб олингандан сўнг, бичиш сифати текширилади. Бунинг учун деталлар пачкасидан энг устки ва остки деталь олиниб, андазага солиширилади. Ноаниқ бичилган жойлари лентали машинада тўғриланади. Витичка, бўртма, чўнтақ ва петляларнинг ўрни қўшимча андазалар бўйича белгиланади.

Барча бичилган деталларга тўшамадаги ўрнига қараб номер қўйилади. Бунда бир буюмнинг барча деталлари бир хил номерли булиши керак. Номерли талонлар маҳсус машинада деталнинг ўнгига тикиб қўйилади. Агар газламадан иғнанинг изини кеткизиш қийин бўлса, талонлар газлама тескарисига ёпиширилади ёки номери қалам билан ёзилади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Кийимларнинг классификацияси тўғрисида ғапириб беринг.
2. Қандай кийимлар машиий кийимлар дейилади?
3. Қандай кийимлар ишлаб чиқариш кийимлари дейилади?
4. Кийимларни класслар, кичик класслар, хиллар, грухлар на кичик грухларга булиш ҳақида нималар биласиз?
5. Кийимларни жинс ва сш аломатлари бўйича хилларга ажратиш тўғрисида ғапириб беринг.
6. Иш кийими ва маҳсус кийимнинг фарқи нимада?
7. Буюмларнинг размери, рости ва тўлалик ўлчамлари ҳақида нима биласиз? Қандай тўлалик грухларини биласиз?
8. Эркаклар ва аёллар гавдасининг тўлалик группаси қандай размер аломатлари бўйича аниqlанади?
9. Кийим тайёрлаш жараёнининг асосий участкаларини санаб кўрсатинг.
10. Экспериментал цехнинг асосий вазифаларини айтиб беринг.
11. Тайёрлаш-бичиш участкасида қандай ишлар бажарилади?
12. Тикувчилик буюмларини саноатда тайёрлаш ҳақида ғапириб беринг.
13. Буюмларни якка буортмалар бўйича тайёрлаш тўғрисида ғапириб беринг.
14. Елкали кийимларнинг асосий деталларини санаб кўрсатинг.
15. Белбоғли кийимларнинг асосий деталларини санаб кўрсатинг.
16. Пальтолик, костюмлик, кўйлаклик материалларини айтинг.
17. Андазаларнинг хилларини санаб кўрсатинг ва уларни жойлаштириш ҳақида ғапириб беринг.
18. Пальто, пиджак, жакет, кўйлакларнинг асосий деталлари газласида буйлама ипларнинг йўналишини кўрсатинг.


2-Б О Б. ҚҰЛДА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР

6-ғ. ҚҰЛДА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР УЧУН ИШ ҮРНИ

Кийимларни күплаб ишлаб чиқаришда ва кийимлар якка буюртмалар буйича тикиладиган ательеларда ҳар бир ишчининг үз столи бұлади.

Иш харakterига қараб ишчи құлда бажариладиган ишларни үтириб ёки туриб бажариши, столға битта детални ёки тайёр буюмни қўйиши мумкин. Шунга кўра иш жиҳозлари ва иш үрнининг ташкил қилиниши ҳар хил бўлиши мумкин. Иш үрнининг тўғри ташкил қилиниши ҳар бир операцияда меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам беради ва ишнинг юқори сифатли чиқишини таъминлайди.


Уст ва енгил кийимлар тикишда қўл ишлари учун мўлжалланган иш үрнида стол (21-расмда), стул (22-расм) ва оёқ қўйиладиган таглик (23-расм) бўлиши шарт. Стулнинг конструкцияси ҳар хил бўлиши мумкин, лекин у (конструкция) үриндиқни буриш ва баландликни ростлаш, суюнчиқнинг вазиятини узгартириш имконини бериши керак.




21-расм. Құл ишлари бажариладиган иш үрни.



22-расм. Винтли стул.



23-расм. Оңқ остига құйыладын тағлік.



24-расм. Құчма кронштейнлар:
а—елкада турадын кийимлар учун; б—белда турадын кийимлар учун.

Столнинг ўнг томонига (қўл етадиган жойга) ипли ғалтаклар учун махсус таглик қўйилади. Қўлда бажариладиган ишлар учун зарур асбоб ва иш ўрнига қараваш предметлари стол тортмаларида сақланади, иш вақтида эса улар ишининг ўнг томонига столга ёки токчаларга қўйилади.

Иш сменаси мобайнида деталь ва чала фабрикатларни жойлаштириш учун стол устига шарнирли-горизонтал кронштейн маҳкамланиши ёки кўчма кронштейн (24-расм), ё бўлмаса, кўчма стеллаж ўрнатилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш чиқиндиларини солиш учун олинадиган чиқинди тўплагич булиши лозим. Қайчнини ҳамиша муайян зонада сақлаш учун стол устига магнит маҳкамланиши мумкин.

Буюмнинг хилига ва бажариладиган операцияга қараб иш ўринларининг ўлчамлари ҳар хил бўлади.

Иш тугагандан кейин иш ўринини яхшилаб йиғишириб, тозалаб қўйиш зарур. Ишлов берилаётган деталь, асбоб ва мосламаларни стол тортмаларига ёки шкафларга ўз ўрнига қўйиш керак.

7-8. ҚЎЛДА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР УЧУН АСБОБ ВА МОСЛАМАЛАР

Қўлда бажариладиган ишлар учун зарур асбобларга: қўл игналари, ангишвона, қайчи, сантиметрли лента, мослатмаларга эса манекен, андаза, пичноқли халқа, қозиқча, тўноғич ва бошқалар киради (25-расм).

Ишнинг сифати, ишининг иш унуми, иш қобилияти ва кайфияти кўп жиҳатдан асбоб ҳамда мосламаларни тўғри танлашга боғлиқ. Асбоб ва мосламалар кийим тикиладиган газлама ва бажариладиган ишларнинг хилига қараб танланаиди.

Қўл игналари ўткир, эластик, синмайдиган, силлиқ: питирсиз, тешигидан ип bemalol ўтадиган булиши лозим. Игналарнинг йўғонлиги (диаметри) ва узунлиги, тешикларининг катталиги ҳар хил бўлади. Игналар узунлиги ва диаметри бўйича номерларга (1 дан 12 гача) бўлинади. Тоқ номерли игналар жуфт номерли игналардан узунроқ бўлади (3- жадвал).



25-расм. Құлда бажарыладын ишлар учун асбоблар.

3- жадвал. Игналар ўлчамлари ва вазифаси

Игна номери	Диаметри, мм	Узунлиги, мм	Вазифаси
1	0,6	35	Куйидагилардан кийим тикиш: енгил ип газлама, ипак ва жун газламадан
2	0,7	30	енгил ип газлама, ипак ва
3	0,7	40	жун газламадан, шунингдек, ўртача қалинликдаги газламалар: трико, енгил тарама газламалар ва ҳоказо
4	0,8	30	ўртача қалинликдаги газ ·
5	0,8	40	ламалар: трико, енгил тарама
6	0,9	35	газламалар ва ҳоказодан
7	0,9	45	
8	1,0	40	қалин газламалар— бобрик,
9	1,0	50	сукно ва бошқалардан
10	1,2	50	
11	1,6	75	қоп, погон ва бошқалартикиш
12	1,8	80	

Игналар тикилаётган буюмнинг хилига, газламага ва ба-
жарилаётган ишга қараб танланади (4- жадвал).

Ишлатиладиган ипларнинг номери ҳам игналар ва газла-
маларга мослаб танланади. Юпқа ип газламалардан (мар-
зет, батист, түр, вольта ва ҳоказодан) кийим тикишда 50-80
номерли иплар: чит, сатин, фланел каби ип газламалардан
енгил кўйлаклар тикишда 50-60 номерли иплар
ишлатилиди.

Жуда юпқа шойи газламалар, масалан, шифон, крепжор-
жет, 65,75 номерли шойи иплар ва 80 номерли пахта иплар
билин, юпқа ва енгил шойи газламалар, чунончи, креп-
дешин, крепсатия 60-80 номерли иплар билан, жун кўйлак-
лар 50-60 номерли иплар билан тикилади.

Юпқа газламалардан костюм ва пальтолар тикишда 40-
60, қалин газламалардан пальто тикишда 30-40 номерли
иплардан фойдаланилади.

Ангишвона игнани газламага қадаш пайтида бармоқни
игнадан асраш учун хизмат қиласи. У ўнг қўлнинг ўрта
бармоғига тақилади.

Ангишвонанинг сиртида шахмат тартибида жойлашган
кўзлар игнанинг сирпаниб кетишига йўл қўймайди.
Ангишвона ўрта бармоққа жисп кийилиб турадиган булиши

4- жадвал. Игна номерларини тақсимлаш

Буюмнинг номи	Қуйидаги операцияларда ишлатиладиган игна- лар номери					
	кўк - лаш	букиб тиши	ёлғон қавиқ солиши	йўр - маш	тутма қадаш	елка тагликлар тайёрлаш
Эркакларнинг қишики ва мавсумбоп пальтоси	5,6 7,8	2,3 5,6	—	5,6,8 8	7,8,9 .9	9,10
Эркакларнинг ёзги пальтоси	3,5,6	1,2,3	2,4	5,6,7	6,7	7,9
Эркаклар пиджаги	3,5,6	1,2,3	2,4	5,6,7	6,7,8	7,8
Эркаклар шими	3,5,6	2,4	—	5,6	6,8	—
Аёлларнинг қишики ва мавсумбоп пальтоси	5,6 7,8	2,3 4,5	—	—	7,8,9	9,10
Аёлларнинг ёзги паль- тоси	3,5,6	1,2,3	2,4	—	6,7	7,9
Аёллар жакети	3,5,6	1,2,3	2,4	—	6,7,8	7,9
Аёллар юбкаси	2,3,5	2,4	—	—	4	—
Аёлларенгилкийими	1,2,3	1,2	—	1,2	2	5

керак. Ангишвоналар тубли ва тубсиз бўлади. Аёллар ва бо-
лалар кийимини қўлда тикишда тубли ангишвона; устки
кийимларни тикишда эса тубсиз ангишвоналардан фойда-
ланилади.

8,10,12 номерли ангишвоналар эркакларга, 2,3,4,5- но-
мерли ангишвоналар аёлларга мўлжалланади (5- жадвал).

5- жадвал. Ангишвоналарнинг номери бўйича ўлчамлари

Номери	Катта диаметри Дкат, мм	Кичик диаметри Дкич, мм	Баландлиги, мм
2	15	11	15-19
3	16	12	15-20
4	17	13	15-20
5	18	14	15-21
8	17	14	15-21
10	18	15	15
12	19	16	15

Газлама ва материалларни бичиш механизациялаштирилган күплаб ишлаб чиқариш шароитида қайчилар (26-расм) асосан деталларнинг четини қирқиб текислаш ёки ипларни узиш учун ишлатилади. Кийим якка буюртмалар буйича тикиладиган ательеларда эса қайчи билан газлама бичилади, деталларнинг четлари текисланади ва қўлда бажариладиган бошқа операциялар амалга оширилади.

Тикувчиликда фойдаланиладиган қайчилар 8 номерли бўлади. Қайчининг номери бажариладиган операцияга ва бичиладиган газламага қараб танланади.

Операциялар


Қайчи номери

Якка тартибида ишлаб чиқаришда пальтолик газламаларни бичиши ва четларини текислаш	1
Костюмлик жун ва мовут газламаларни бичиши ва четларини текислаш, устки кўйлакнинг йирик деталларини қирқиши	2
Ўртacha қалинликдаги газламадан тайёрланган деталлар четини текислаш	3
Кўйлаклик жун газламаларни бичиши	4
Енгил жун, шойи ва ип газламалардан тайёрланган деталлар четини текислаш	5
Чокларни, деталларнинг нотекис жойларини қирқиши ва ҳоказо	6,7
Тайёр кийимдаги чиқиб қолган ип учларини қирқиши	8

Қайчилар гирчилламай очилиб ёпилиши, тиги бошидан охиригача бирдек яхши қирқиши лозим. Ипларнинг учи маҳсус қайчилар билан қирқилади.

Сантиметрли лента юмшоқ резиналанаган лента бўлиб, иккала томони сантиметр ва миллиметрларга бўлинган; у одам гавдасидан ўлчам олиш ва кийим деталларини ўлчаш учун ишлатилади. Иш жараёнида лента чўзилиши мумкин бўлгани сабабли уни вақт-вақтида текшириб туриш керак. Фақат битта лентадан фойдаланиш зарур, акс ҳолда ўлчам ҳар хил чиқиши мумкин.

Пичоқли ҳалқа (27-расм) иш охирида ипни узиш учун ишлатилади. Ҳалва чап қўлнинг кўрсаткич бармоғига тақилади. Ипни қирқиши учун иш ўрнига маҳсус мослама ҳам ўрнатилиши мумкин. У бурчакликдан иборат бўлиб, унга пластинка ва винтлар воситасида писка маҳкамлаб қўйилади. Бармоқларни кесиб олишдан сақлаш учун иккита илгак ўрнатилган. Пичоқли ҳалқа ва стационар мосламадан




26-расм. Қайчилар.

фойдаланиш натижасида ишчининг вақти тежалади ва иш унуми ошади.

Қозикча борт, ёқа, петля, ҳар хил шаклдор чоклар четларини түғрилаш, шунингдек ипни суғуриш учун ишлатилади. У узунлиги 100-120 мм, диаметри 7 мм, бир учи үткірланган думалоқ стержендан иборат булиб, ёғоч, сүяқ ёки металдан тайёрланади.

Манекен (28-расм) тикилаётган ва тайёр кийимларнинг түғрилигини текшириш учун ишлатилади. Масалан, мане-



27-расм. Пичоқлы ҳалқа (а) ва ип қирқувчи стационар мослама (б)

28-расм. Манекен.

кенда кийимнинг ён ва елка чокларининг вазияти, ёқа ҳамда енгнинг тўғри ўтказилганлиги ва ҳоказолар текширилади. Улар папье-машедан (елим, гипс ва бўр аралашмасидан иборат жинс) тайёрланиб, устидан газлама қопланади.


Аёллар ва эркаклар манекенлари 88, 92, 96, 100, 104, 108, 112, 116, 118- размерларда, битта ўртача (учинчи) рост ва учта 44, 48, 52 тўалик ўлчамларида, болалар манекенлари 56, 60, 64, 68, 72, 76, 80, 84, 88 ва 92 размерларда ишлаб чиқарилади.

Фойдаланиш қулай бўлиши учун манекен тагликка ўрнатилиб, бемалол айланадиган ва кўтариладиган қилинади. Манекеннинг баландлиги тирак винт билан ростланади.

Андаузалар картон ёки бошқа материалдан тайёрланган кийим деталларидан иборат. Андауз-эталонлар, иш андаузлари ва қўшимча андаузалар бўлади.

Андауз-эталонлардан деталлар контурларини газламага туширишда фойдаланилмайди. Улар фақат кўплаб ишлаб чиқаришда ишлатиладиган андаузалар комплектини тайёрлаш ва текширишда қўлланилади. Иш андаузлари ёрдамида газламаларга деталлар контурлари туширилади, кийим деталларини тўғри бириткириш учун контрол кортмалар белгиланади.

Қўшимча андаузалар тикувчилик цехларида витачкалар, петлялар, тутгалар ўрнини, бортлар, ёқалар бурчакларини белгилаш (бўрлаш) учун ишлатилади.



29-расм. Из туширгичлар:
а — тўмтоқ; б — тишли; в — қўш дискли

Кескичлар бир неча хил бұлади. Үтмас кескич (29-расм) деталлар контурини қоғоздан газламаға, газламадан қоғозға күчириш, шунингдек тахламалар, витачкалар, бұрт ма ва бошқа чизиқларни күчириш учун ишлатилади. Кескичининг диски күчириладиган чизиқдан юргизилади, шунда газлама ва қоғозда узлуксиз чизиқ күринишида из қолади.

Тишли кескичдан деталлар контурини қоғоздан қоғозға ёки картонга, газламадан қоғозға күчиришда, шунингдек тахламалар, витачкалар, чүнтаклар ва бошқа чизиқларни күчиришда фойдаланилади. Белгиланған чизиқлар устидан бундай кескич юргизилғанда газлама ёки қоғозда нұқталар тарзидан из қолади.

Құш дискли кескич асосан андазаларни күпайтиришда ишлатилади.

Бичиш ва ўлчаб күришдеги чизиқ ҳамда белгилар бүр билан туширилади. Тикувчилик саноати учун ҳар хил рангли бурлар ишлаб чиқарилади. Чизиқлар ингичка чиқиши учун бүрнинг четларини үткірлаб туриш керак. Бүрнинг эни 0,5-1,5 мм бўлиши лозим.

Бүр билан чизиқ чизиш учун уни бутун сирти билан чизгич ёки андазага тақаб, уни газламаға тик ушланади. Бүр билан чизиқ туширишда бүр ўзимиздан нарига юргизилади (қалам билан чизишида эса аксинча қалам ўзимиз томонга юргизилади).


Деталларни чизиқнинг ички томонидан қирқиши лозим.

Баъзан бүр ўрнига учи үткірдланған қуруқ совундан фойдаланилади.

Тикувчиликда чизгич, гүния ва андазалар (30-расм) кийим деталлари чизмаларини ясашда, шунингдек тикувчилик буюмларини бичиш ва тикишда қўлланилади.

Игна билан ишлашда қўлланиладиган мослама этакни букиб тикиш ва бошқа операцияларни бажариш пайтида газламани қисиб қўйиш учун ишлатилади (31-расм). У тиргак 1 билан юқори ва пастки жағли қисқич 2 дан иборат. Жағлар бир-бирига шарнирли бирлашган. Кийимнинг чети шу жағлар орасига қисиб қўйилади ва керакли жойга ишлов берилади. Қисқични тиргакка эмас, балки бевосита иш столига ҳам маҳкамлаш мумкин.

Тўғнағичлар енгил кийим тикишда чизиқларни кийимнинг бир бўлагидан иккинчисига күчиришда, кийимни эгасига ўлчаб күришда, конструктив чизиқларни аниклаш учун деталларни вақтинча бириктиришда



30-расм. Чизгичлар, бурчаклы чизгичлар, лекалолар



31-расм. Игна билан ишлаш мосламалари: 1 — тирсак, 2 — қисқыч

ишлиллади. Тұғнағичлар 3-4 см узунликда бұлади. Улар ингичка, ұтқир, силлиқ бўлиши лозим.

8-ғ. ҚҰЛДА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАРНИНГ АСОСИЙ УСУЛЛАРИ

Кийимларни якка ишлаб чиқаришда буюмнинг сифати күп жиҳатдан тикувчи игнани тұғри ишлата билишига боғлиқ. Шунинг учун құлда тикишга киришишдан олдин игнага ип үтказиш, ипнинг учини туғиши ва бошқа усулларни яхшилаб билиб олиш керак.

Игнага ип үтказиш. Ғалтакдан ип узиб олишдан олдин қанча ип кераклигини билиб олиш керак. Құлда бажариладиган ишлар учун ипнинг узунлиги ишчининг бармоқларидан то тирсагигача бұлған масофадан икки марта катта бўлиши (80 см дан ошмаслиги) лозим. Ишчи ғалтакдан чиқиб турған ипнинг учини чап құлнинг бош ва күрсаткич бармоқлари билан ушлаб, букилган қўли бўйлаб, яъни панжалардан тирсаккача ва яна орқага, бош бармоқкача ғалтакдан чуватади, кейин ғалтакдан узади.

Игнага ип үтказишидан олдин ўнг құлнинг бош ва күрсаткич бармоқлари билан ипнинг уни буралади. Пахта ип ўзимиздан нарига, ипак ип эса ўзимиз томонга буралади.

Ғалтакдаги ипнинг учини 0,8-1,0 см чиқариб, чап құлнинг бош ва күрсаткич бармоқлари билан ушланади. Игнани чап құлнинг бош ва күрсаткич' бармоқлари билан ушлаб, ўнг құлдаги ипнинг ұтқир уни игна тешигига киритилади, ўнг құл билан 2/3 узунлигигача тортиб чиқарилади ва шу уни туғун қилиб туғиб қўйилади.


Кийимларни кўплаб ва якка тикишда игнага ип үтказишни осонлаштириш ҳамда тезлаштириш учун маҳсус мосламадан фойдаланилади.

Ип учини туғиши. Ип учини чап құлнинг күрсаткич бармоғи атрофида айлантириб ҳалқа ҳосил қилинади, сұнгра қисиб, бош бармоқ билан пастга, күрсаткич бармоқ билан юқорига буралади. Шундан сұнг ҳалқа бармоқдан чиқарилиб, бош ва ўрта бармоқ орасидан тортиб туғун туғилади.

Игна ва ангишвона билан ишлаш усуллари. Ишланадиган буюм ёки дсталь чап құлнинг күрсаткич ва ўрта бармоқларига қўйилиб, устидан бош бармоқ билан қисилади. Ўнг құлнинг күрсаткич ва бош бармоқлари билан



32-расм. Игнани ушлаш усуллари



33-расм. Игнани газламага санчиш усуллари

иложи борича игнанинг учига яқинроқдан 1/4 узунлигича ушлаб, ўнг құлнинг ўрта бармоғидаги ангишвонага тик тутилади, шунда ўрта бармоқнинг букилган бүгіншілері түғри бурчак ҳосил қилиши керак. Ангишвонанинг ён томони билан игна газламага санчилади (32-расм).

Қавиқ ҳосил қилиш учун игнани газламага саншиб, игна санчилган жойдан чапда солқи ҳосил қилинади, игна шу солқиликдан үтказилади ва чап құлнинг бош бармоғи олдиде сиртга чиқарилади (33- расм); бу пайтда ўнг құлнинг жимжилоги билан деталь столга босиб турилади, бош ҳамда күрсаткыч бармоқлар билан эса игна газлама ўнгига чиқарилади ва қавиқ тортилади. Сұнгра қавиқ ҳосил қилиш жараёни тақрорланади. Игнани газламага ҳар хил усулларда санчиш мүмкін. Шунинг учун қавиқлар ҳам ҳар хил чиқади.

9-§. ҚАВИҚЛАР ВА ҚАВИҚҚАТОРЛАР

Кийим деталларини ишлаш ва уларни бириктириш учун ип, елим ва баъзан пайвандлаш усулидан фойдаланилади. Шунга кўра ип билан елимлаб ва пайвандлаб, парчинлаб, қуйиб бириктириш усуллари бўлади.

Кийимларни кўплаб ишлаб чиқаришда ва якка буюртма билан тикишда асосан ип билан тикиш усули қўлланилади, бунда қўл ишлари бир мунча фоиз ошади. Ательеларда кийим тикишда айниқса қўл ишлари катта фоизни ташкил этади.

Ип билан бириктириш усулида тикувчилик буюмларининг деталь ва бўлаклари ҳар хил толали иплардан машинада баҳяқаторлар, қўлда эса қавиққаторлар ҳосил қилиб бириктирилади.


Ип билан бириктиришда деталлар кетма-кет тақрорланадиган баҳя қатор ёки қавиқлардан иборат бир, икки ёки бир неча баҳяқатор ёки қавиққатор билан машинада ёки қўлда бириктирилди.

Қавиқ (баҳя) - газламага игна қадалган икки жой ўртасида ипларнинг ўрилиши, қавиқлар (баҳялар) нинг тузилиши ҳар хил бўлиб, газламанинг ўнги ва тескарисида ипнинг қандай ётишига боғлиқ.


Қавиқларнинг узунлиги ипнинг узунлиги ва материал ўнгидаги интервал билан белгиланиб (34-расм), қавиқнинг хилига ва ишланётган материалнинг қалинлигига боғлиқ (баҳянинг узунлиги ҳам шундай).

Қавиқлар қўлда бажарилади. Машинада эса баҳя ҳосил қилинади. Баҳялар махсус машиналарда бажарилса, энг юқори иқтисодий самараға эришилади.

Қавиқ билан баҳяда қатнашадиган ипларнинг сони ҳар хил бўлади.



34-расм. Қавиқ йириклиги:
а-тўғри қавиқ, б-қия қавиқ (*l-*
тўғри қавиқ йириклиги,
a-газлама ўнгидаги ипнинг
узунлиги, *b*-газлама ўнгидаги
интервал, *c*-қия қавиқ йириклиги)



35-расм. Қўлда қавиқ солиш:
а-биринчи усул, б-иккинчи усул

Құлда бажарыладын қавиқтар бир ип билан, машиналарда бажарыладын баһялар эса бир неча ип билан ҳосил қилинады. Шунға күра қавиқтар ва баһяларнинг тузилиши ҳам турлича бўлади.

Барча қавиқтар (баһялар) текис ва бир жинсли, орасидаги масофа газлама ўнгидаги ҳам, тескарисида ҳам бир хил бўлиши, иплар бир текис тортилиши керак. Қавиқларнинг (баһяларнинг) ўлчамлари ва такрорланувчалиги ҳар хил бўлиши мумкин. Қавиқларнинг (баһяларнинг) такрорланувчалигини аниқлашда 1 ёки 5 см қавиққатордаги (баһяқатордаги) қавиқтар (баһялар) сони саналади.

Кийимларни ҳар хил қувватли бригадаларда якка буюртмалар асосида тикишда, юқори разрядли ательеларда яккалаб тикишда, шунингдек уй шароитида тикишда қавиқ ва қавиққаторлар кўпроқ ишлатилади.


Қавиқ ва қавиққаторни құлда бажарышда диаметри 0,6-1,8 мм, узунлиги 30-75 мм бўлган 1-12 номерли игналардан фойдаланилади (6-жадвал).

6-жадвал . Игна ва иплардан газламанинг хилига қараб фойдаланиш

Газламанинг номи	Игна номери	Игна диаметри, мм	Игна узунлиги, мм	Ипарнинг номери	
				пахта ип	ипак ип
Кўйлак ва ичкийимлик газламалар	1,2,3	0,6-0,7	30-40	80,60,50	65-75
Костюмлик газламалар	4,5,6	0,6—0,9	30-40	50,40	25
Пальтолик газламалар	7,8,9,10	0,9-1,2	40-50	40,30	18

Ип газламалардан кийим тикишда ипак иплар ишлатилмайди. Ҳозирги вақтда капрон иплар жуда кўпайған бўлиб, улар ипак ип ўрнида шунингдек жун газламалар, шойи ва синтетик толали газламалардан кийим тикишда ишлатилмоқда.

Қавиқ солишининг асосан икки усули бор (35-расм). Биринчи усулда игна материалнинг бир томонидан санчилиб, шу томонидан чиқарилади, иккинчи усулда эса игна бир томонидан санчилиб, бошқа томонидан чиқарилади.



36-расм. Қавиқ турлари:
а- түфри қавиқ, б- қия қавиқ, в- шаклдор (ироқсимон) қавиқ, г- ҳалқасимон қавиқ, д- ҳалқа қавиқ

Қавиқлар ҳосил қилишда ипларнинг йўналиши ва вазияти турлича бўлгани учун қавиққатор ҳам ҳар хил чиқади.

Қўлда бажариладиган қавиқлар беш хил бўлади: түфри, қия, ироқсимон, ҳалқасимон ва петля қавиқлар (36-расм),

10-§. ТҮФРИ ҚАВИҚЛАР


Кийим тикишда кўпинча түфри қавиқлар қўлланилади. Улар асосан кийимни ўлчаб кўришга, машина ишларига тайёрлашда, бўр чизиқлар ва белгиларни туширишда, буюмлар ҳосил қилиш ва ҳоказоларда деталларни вақтинча бириктириш ҳамда маҳкамлаш учун ишлатилади.

Қавиқ ҳосил қилиш учун игна бир оз қия ушланиб, газламага юқоридан пастга томон санчилади, олдинга сурилади ва газламадан худди санчилгандаги қияликда пастдан юқорига чиқарилади.

Түфри қавиқлардан сирма, бостирма, букиб кўклаш, зийни кўклаш, нусхалама қавиққаторлар ва бурмалар ҳосил қилишда фойдаланилади.

Түфри қавиқлардан ҳосил бўлган сирма қавиққатор (37-расм) осонгина сўқиладиган бўлади. Бундай қавиққатор асосан кийимларни ўлчаб кўришга, машина ишларини бажаришга тайёрлашда деталларни вақтинча бириктириш учун қўлланилади.

Сирма қавиққатор билан кўклаш учун иккита деталь ўнгини ичкарига қаратиб қўйилади, чистлари ёки бслгилан-



37-расм. Сирма қавиққатор:


a-ташқы күрниши, *b*-ишлатилишига мисол

ган чизиқлари бир-бирига тұғриланади ва чизиқлари бүйіча ёки улардан бир хил масофа наридан тұғри қавиқлар билан бириктирилади.

Иккі детални сирма қавиққатор билан бириктириша иккала деталь бир хил таранглықда тортиб турилиши, яғни солқисиз уланиши, ёки деталлардан бири солқиланып туриши, яғни солқили бириктирилиши мүмкін. Бунда тұғри қавиқнинг узунлiği газламаның қалинлигига, кийимнинг вазифасига боғылғы қолда 0,5-2,5 см атрофіда олинади. Уст ва енгіл кийимларни якка буюртмалар асосида тикишда кийимнинг ён қирқимлари, елка қирқимлари, енгіл қирқимлари ва бошқа қирқимларини вақтینча бириктиришда сирма қавиқлардан фойдаланилади.

Тұғри қавиқларнинг букиб күклаш қавиққаторори (38-расм) бир-бирига сирти бүйіча текисланған деталларни вақтینча бириктириш, масалан, кийим олд бұлагини борт қотирмасига бостириб күклаш учун құлланилади. Тұғри қавиққаторлар билан солқи ҳосил қымай, шунингдек деталлардан бирини солқи қилиб (масалан, пальто, пиджак ва жакетлар адипини солқи қилиб) күкленади.

Тұғри қавиқларнинг бостирма қавиққаторлари ҳам (39-расм) уст ва енгіл кийимларға ишлов берішда деталларнинг буқланған четларини вақтینча маҳкамлаш учун ишлатылади. Чунончы, кийим этаги ва енг учларининг қирқма четлары букиб күкленади. Бунда қавиқнинг узунлiği 1-3 см




38-расм. Бостирма қавиққатор:

а-ташқи күрениши, б-күйим олд бұлагининг борт қотирмасига бириктириша ундан фойдаланишга мисол, в-шім олд бұлагини астарға бириктириша ундан фойдаланишга мисол

олинади. Қавиққатор билан зий орасидаги масофа букилишнинг эніга ва кейінгі ишлов усулиға боғлиқ бўлади.

Тўғри қавиқларнинг зий кўклаш қавиққаторлари (40-расм) юпқа газламалардан, йўл-йўл ва катак газламалардан тикиладиган кийимларга ишлов беришда қўлланилади. Бундай қавиққаторлар машина баҳя қаторлари билан бириктириб олинган ва чокларнинг қирқимлари деталларнинг ичидаган қоладиган қилиб ўнгига ағдарилган деталлардаги чокларни маҳкамлаш учун ишлатилади.

Уст кийимларни ишлашда зий чоклар зий кўклаш қавиққатори билан маҳкамланади. Бунда баҳяқаторларни



39-расм. Букиб күкласи
қавиққатори:
а-тапқы күриниши;
б-ишлатилишига мисол

40-расм. Зий күклаш
қавиққатори
а-ташқи күриниши,
б-ишлатилишига мисол

букилган жойга аниқ тушириш ёки деталлардан бири — ташқи ёки ички деталлардан бири томонга (күпинча, ички томонга) утказиб юбориш лозим. Масалан, чүнтак қопқоқлар четини күклашда чок клапан астари томонда, бортлар четини күклашда чок адип томонда қолдирилади. Адип устки деталь бўлиб хизмат қиласидиган қайтармалар участкасида чок кийим олд бўлнаги томонда қолдирилади, ёка манжет участкасида чок остки ёқа ва остки манжет томонга утказиб юборилади. Қавиқнинг узунлиги 0,5...1 см олинади. Қавиққатордан деталь четигача бўлган масофа ишланаётган зийнинг қалинлигига ва деталь зийи бўйлаб ичкарида жойлашган чок ҳақининг энига қараб белгиланади. Бунда чокнинг ички қирқимлари қавиққатор остига тушиб қолмаслиги керак. Қавиққатор чок утказиб юбориладиган деталь томонга туширилади, яъни кант ҳосил қилинади. Кантнинг эни деталь зийидан то шу деталлар қисмларини (чүнтакқопқоқ ва остки қопқоқни, борт ва

адипни, ёқа ва остки ёқани ва бошқа деталларни) бириктирилган машина баҳияқаторигача бўлган масофага тенг.

Кўйида операцияларнинг номи ва бу операцияларни баҳаришда ишлатиладиган тўғри қавиқларнинг узунлиги келтирилган.


Операциянинг номи

Қавиқнинг узунлиги.см



Деталларни улардан биринда солқи ҳосил қилиб кўклиш	0,7-1,5
Деталларни солқисиз кўклиш	1,5-2,5
Бир детални иккинчисига солқи ҳосил қилиб бостириб кўклиш	0,7-1,5
Бир детални иккинчисига солқисиз бостириб кўклиш	1,5-2,5
Деталлар четини буклаб кўклиш	1,0-3,0
Зийни кўклиш	0,5-1,0

Жун газламалардан кийим тикишда шу операцияларни баҳариш учун чизиқли зичлиги 33-25 текс бўлган (30-40 номерли) пишитилган ип, шойи газламалардан кийим тикишда эса 60-80 номерли ип ишлатилади.

Тўғри қавиқларнинг нусхалама қавиққаторлари (41-расм) белгиланган чизиқ ва контрол белгиларни бир деталдан иккинчи симметрик деталга аниқ ўтказиш учун қўлланилади. Белгиланган чизиқларни узоқ вақт сақлаш ке-



41-расм. Нусхалама қавиққатор.



42-расм. Бурмалар ҳосил қила-
диган қавиққатор.

рак бўлганда ҳам шундай қавиқ-қаторлардан фойдаланилади.

Иккита бир хил деталь ўнгини ичкарига қилиб қўйилади, қирқимлари тўғриланади ва белгиланган чизиқлар бўйича тўғри қавиқлардан қавиққатор туширилади. Бунда ип таранг тортилмайди, газлама сиртида унинг қалинлигига қараб 0,2-0,7 см баландликдаги солиқлар қолдирилади. 5 см да 4-5 қавиқ бўлади. Сўнгра деталларни суриб, қавиқ иплари тарангланади ва қавиқларни икки деталь ўртасида қирқилади. Деталларда қолган ип учлари кўчириладиган чизиқларнинг изи ҳисобланади.

Нусхалама қавиқлар асосий газлама рангидан бошқачароқ рангдаги ипдан ҳосил қилинади.

Бурмалар ҳосил қилинадиган қавиққаторлар аёллар ва болалар уст кийимлари ҳамда енгил кийимларнинг баъзи моделларини тайёрлашда ишлатилади (42-расм).

Бурмалар ҳосил қилиш учун 0,3-0,7 см узунликдаги тўғри қавиқлардан иккита параллел қавиққатор туширилади. Бунда деталь қирқимидан биринчи қавиққаторгacha 0,2-0,5 см, қавиққаторлар орасида 0,1-0,4 см масофа қолдирилади. Деталнинг қирқими ип билан керакли узунликкача тортилади, ҳосил бўлган бурмалар бутун узунлик бўйича бир хилда териб чиқилади.


11-3. ҚИЯ ҚАВИҚЛАР

Қия қавиқларнинг тузилиши тўғри қавиқларнинг тузилишидан унча фарқ қilmайди. Улар бир-биридан газламада жойлашиши билан фарқ қиласди. Тўғри қавиқлар солишда игна газламага тўппа тўғри чизиқ бўйлаб санчилса, қия қавиқларда игна тўғри чизиққа нисбатан деталнинг ташки ёки ички томонига оғдириб санчилади.


Енгил ва уст кийимлар тикишда қия қавиқлардан фойдаланилади. Қия қавиқлар билан доимий қавиққаторлар ҳам, вақтингчалик қавиққаторлар ҳам ҳосил қилинади.

Бостирма ва зий кўклаш қавиққаторлари вақтингчалик қавиққаторларга, йўрма, тепчима, бириктирма қавиққатор ва кийимларни ремонт қилишда қўлланиладиган яширин бириктирма қавиққаторлар доимий қавиққаторларга киради.

Қия қавиқларнинг бостирма қавиққаторлари (43-расм) уст кийимлар тикишда деталларни силжиб кетмайдиган қилиб бириктириш керак бўлган ҳолларда ишлатилади, чунки улар деталларнинг сурилиб кетишига йўл қўймайди. Қия қавиқларнинг бостирма қавиққаторлари тўғри



43-расм. Бостириб күклаш қавиққатори: а—ташқи күриниши, б—ишлатилишига мисол



44-расм. Зий күклаш қавиққатори: а—ташқи күриниши, б—ишлатилишига мисол

қавиқларнинг бостирма қавиққаторларига қараганда анча эластик бўлиб, газламаларнинг чўзилишига тўсқинлик қилмайди, газламанинг солқисини пухтароқ ушлаб туради. Бундай қавиқнинг узуялиги 0,7-2,0 см. Қия қавиқларнинг бостирма қавиқ қаторларидан сидирға газламалардан тикиладиган кийимларда қавиққатор билан деталь чети орасидаги масофа кичик бўлиши талаб этилган ҳолларда, масалан, кийим олд бўлагини борт қотирмасига, енг ва ёқани бостириб кўклашда фойдаланилади.


Йўл-йўл ва катак газламадан бичилган деталлар тўғри қавиқли бостирма қавиққаторлар билан биректирилади, чунки бу ҳолда қия қавиқлар ишлатилса, намлаб-иситиб ишлаш пайтида қавиққаторлар кўндалангига тортилиши натижасида гул бузилиши мумкин.

Қия қавиқларнинг зий кўклаш қавиққаторлари (44-расм) гулсиз юпқа ва қалин газламалардан уст кийим тикишда машина баҳяқаторлари билан бириттириб олинган ва чоки ичкарида қолдирилиб, ўнгига ўгирилган деталлардаги четки чокларни мустаҳкамлаш учун ишлатилади. Жумладан, астарли қоплама чўнтакларнинг зийини кўклишда, қирқма чўнтаклар қопқоқларининг зийларини ва бе-зак қопқоқларни, бортлар, ёқа ва бошқа деталлар зийларини кўклишда ана шундай қавиққатор қўлланилади. Қавиқнинг узунлиги 0,5-1,0 см. Қавиққатор чок ўтказиб юбориладиган деталь томондан туширилиб, кант ҳосил қилинади. Йўл-йўл ва катак газламадан ҳамда кўйлаклик юпқа газламалардан тикилган кийимларда қия қавиқли зий кўклиш қавиққаторлари ишлатилмайди, чунки дазмоллаш пайтида қия қавиқларнинг иплари тортишиб газлама гулини бузиши мумкин.


Қия қавиқларнинг йўрма қавиққаторлари (45-расм) уй шароитида ва баъзан ательельарда астарсиз якка буюртмалар тикишда деталларнинг қирқимларини титилиб кетишдан сақлаш учун ишлатилади. Қия қавиқли йўрма қавиққаторларни ҳосил қилиш учун игна газлама тагидан санчилиб, устидан чиқарилади. Қавиққатор ўнгдан чапга туширилади. Қавиқлар таранг тортилмайди. Ҳар 1 см га 3-4 қавиқ тўғри келиши керак. Қавиқларнинг узунлиги 0,5-0,7 см. Игна деталь четидан 0,3-0,5 см наридан санчилади. Бунда 50-80 номерли ялтиратилмаган пахта ип ёки 65-75 номерли ипак ип ишлатилади.

Деталларнинг бурчаклари ва қирқимларини кертимлар бўйича йўрмасётганда игнани деталнинг ўнгига чиқаришда игна учига ип қадалади ва шундан кейингина қавиқ тарангланади. Қавиқлар деталь четидан ва бир-биридан бир хил масофада жойлаштирилади. 1 см га 6-10 қавиқ тўғри келиши зарур.

Қия қавиқли тепчима қавиққаторлар (46-расм) уст кийим тикишда асосий деталларни қотирмага бириттиришда кийимнинг айрим участкаларига (адип қайтармаси, ёқа ва ҳоказога) турғунлик ва эластиклик бериш учун ишлатилади. Тепчима қавиққаторлар қия қавиқли бостирма қавиққаторларнинг бир тури булиб, улардан деталнинг ишланадиган жойи чап қўл билан ўз корпусига тик осилтириб ушланиши ҳамда қавиққатор юқоридан пастга ва пастдан юқорига туширилиши билан фарқ қиласади. Бунда бириттириладиган газламаларнинг усткисидан игна бутун-



45-расм. Йўрма қавиққатор:
а—ташқи кўриниши,
б—ишлатилишига мисол




46-расм. Тепчима қавиққатор:
а—ташқи кўриниши,
б—ишлатилишига мисол

лай ўтказилади, пасткисидан эса ярмигача қадалиб, яъни унинг бир-иккитагина ипини илинтириб, қайтариб чиқарилади.

Бундай қавиққатор ҳосил қилишда чап қўлнинг кўрсаткич бармоғи билан игнанинг пастки деталга санчилиш чуқурлиги текшириб турилади. Қавиқ ипи деталь ўнгидагина кўриниши, пастки деталь томонидан эса кўринмаслиги керак. Бунга эришиш учун ипни жуда тарағ тортмаслик керак.


Қавиққаторлар параллел қаторлар тарзида туширилади. Устки газлама бир оз солқи қолдирилади. Қавиққаторлар қотирма деталлар томонидан асосий материал рангидаги 40-80 номерли иплар билан тикилади. Қавиқнинг узунлиги ва қавиққаторлар орасидаги масофа 0,5-1 см, эни операциянинг хилига қараб 0,3-0,5 см бўлиши лозим. Баъзи ҳолларда, ма-салан, қили қотирма ишлатилганда қавима тепчима қавиққаторлар икки томондан чиқиб туриши мумкин.

Қия қавиқли бириттирма қавиққаторлардан (47-расм) кийим бортларини ишлашда уқаларнинг четини бириттиришда, шунингдек титильмайдиган газламадан уст кийим тикишда очиқ қирқимли деталларнинг букилган четларини,



47-расм. Бириктирма қавиққатор: а—ташқы күршиши, б—ишталишиша мисол.

48-расм. Деталларни бириктирадиган яширин қавиққаторлар: а, б, в — түрлаб улаш, г — ёрма түрлаб улаш.



чунончи, енг учини қотирмага, адипнинг ички четларини қотирмага бириктиришда фойдаланилади ва ҳоказо. Титиладиган газламалардан енгил кийим тикишда бириктирма қавиққаторлар берк қирқимли деталларнинг букилган четларини маҳкамлаш учун қўлланилади.

Бириктирма қавиққатор ҳосил қилиш учун игна газламага қайрилган қирқим олдидан санчилади. Бунда игна асосий деталга тахминан газламанинг ярим қалинлигича, қайрилган қирқимга эса бутун қалинлигича санчилади. Навбатдаги қавиқни тикиш учун игна яна газламанинг пастки қатламига қайирмадаги биринчи санчик рупарасига ёки ундан 0,2—0,3 см чапроқча санчилади. Ип жуда тарағ тортилмайди. 1 см га 2-4 қавиқ тўғри келиши керак. Очиқ қирқимли букилган четларда игна санчиладиган жойдан то-

қайриб тикиладиган газлама қирқимигача 0,2-0,3 см, ёпиқ қирқимли буқланган четларда эса 0,1 см гача оралиқ қолдирилади. Қавиқнинг узунлиги 0,3—0,5 см. Агар бир деталнинг очиқ қирқимлари иккинчи деталнинг очиқ қирқимларига, масалан, адипларнинг ички четлари борт қотирмасига ёки устки ёқанинг қайрилган четлари остики ёқага тикиладиган бўлса, кийим пишиқ чиқиши учун, игна санчиладиган жойдан қирқимгача бўлган масофа 0,3-0,4 см гача оширилади. Адипнинг ички четларини маҳкамлашда қавиқларнинг узунлиги 0,7—1,0 см, ёқа четларини маҳкамлашда эса 0,4-0,5 см олинади.

Ип газламалар учун 20-40 номерли пахта иплар, жун, шойи газламалар учун 18,33, 35,65 номерли ипак иплар ишлатилади.

Кия қавиқли тўрлаш қавиққаторлари (48-расм, а...в) титилмайдиган қалин газламалардаң тикиладиган буюмлар деталларининг тасодифий қирқилган ёки йиртилган жойларини билинмайдиган қилиб бириктириш учун ишлатилади. Деталлар ўнгини пастта қаратиб, қирқимларини тақаб, гуллари бир-бирига тӯғри келадиган қилиб қўйилади; игна қирқимдан 0,2—0,3 см наридан санчилиб, нариги ёдан чиқарилади. Қавиқлар қирқимларни бир-бирига зич бириктириши, лекин газлама ўнгидан кўринмаслиги керак. Чок тескари томондан дазмолланади, ўнгидан эса газлама туклари игна билан ростлаб қўйилади. 1 см га 5-7 қавиқ тушиши лозим.

Тўрлаш қавиққаторлари газлама рангидаги ипак иплар билан тикилиши, қавиқлар орасида 0,1-0,5 см масофа қолдирилиши зарур.

Ёрма бириктирма қавиққаторлардан (48-расм, г) деталь ёки ямокдаги чокларни билинмайдиган қилиш учун фойдаланилади. Буюм детали ўнгидан чок чизиги бўйича тескарисини ичкарига қилиб қайтарилади.

Игна газламага чок чизигига бир оз қийшайтириб олдин бир томондан, кейин иккинчи томондан санчилади. Игна газлама қалинлигининг ярмигача санчилиб, қайтариб чиқарилади ва ип таранг тортиб қўйилади.

Туклар игна учи билан ростлаб қўйилади, шунда чок газлама ўнгидан билинмайди. Қавиқлар ўнгдан чапга қараб бир-биридан 0,1—0,2 см масофада тикилади. Бириктирма қавиққаторлар учун газлама рангидаги ингичка ипак иплар ишлатилади.

12-§. ИРОҚСИМОН ВА ҲАЛҚАСИМОН ҚАВИҚЛАР

Ёрма бириктирма қавиққаторлар ва безак қавиққаторлар ироқсимон қавиқлар билан тикилади. Титилиб кетмаслик учун қирқимлар ироқсимон қавиқлар билан (49-расм) пишиқ қилиб тикилади. Бундай қавиқлар титиладиган қалин газламалардан тикиладиган буюмлар деталларининг буқланган четларини (енг учларини, ёқа қайтартмаларини ва ҳоказони) тикиш учун ишлатилади.


Бу қавиққатор чапдан ўнга тикилади, игна буқланган қирқимга параллел равишда тескари йуналишда санчилади. Игна навбати билан букиш ҳақи ва асосий деталь бўйлаб қадалади. Бунда игна деталнинг қайрилган четига унинг бутун қалинлигига, асосий деталга эса қалинлигининг ярмигача санчилади. Деталь қирқими билан игна санчиладиган жой орасидаги масофа газламанинг титилувчанилигига қараб 0,3—0,5 см бўлиши, ҳар 1 см га 2-3 қавиқ тўғри келиши, ипни таранг тортмаслик керак. Бунда 65,75 номерли иплар иплар ёки 50-80 номерли пахта иплар ишлатилади.

Ироқсимон қавиқлардан ҳосил қилинган қавиққатор очиқ турганлиги сабабли ип тез узилиши мумкин. Шунинг учун бундай қавиқлар кам ишлатилади.


Аёлларнинг енгил кийимларини, болалар кийимларини тикишда, аёлларнинг уст кийими, астарига ишлов беришда ироқсимон қавиқлар безак ролини ўйнайди.

Ҳалқасимон қавиқлардан ҳосил қилинган қавиққаторлар (50- расм) деталларни пишиқ ва эластик қилиб улайди. Баъзан бундай қавиққаторлар машина баҳялари ўрнига ишлатилади. Масалан, уст кийимларни якка тартибда тикишда астарни аврага улашда, машиналар билан тикиш қийин бўлган ёки мумкин бўлмаган жойларни тикишда шундай қавиққатор қўлланилади. Бөшқача қавиқлар билан тикилган қавиққаторларнинг учларини маҳкамлашда ҳам ҳалқасимон қавиқлардан фойдаланилади.

Тўр, тўрсимон, яширин бириктирма ва ёлғон қавиққаторлар ҳалқасимон қавиқлардан ҳосил қилинади.



49-расм. Ироқсимон (шаклдор) қавиқлар




50-расм. Ҳалқасимон қавиқлар.


Халқасимон қавиқли түр қавиққаторлар (51-расм) машинада тикиш қишин бүлгән ҳолларда иккى детални бир-бирига доимий қилиб бириктириш масалан, устки ёқани адипга раскеплар чизиги бүйича бириктириш ёки кийимларни якка тартибда тикишда чүзилувчан чок ҳосил қилиш учун, чунончи, шимларнинг ўрта қирқимларини бириктириш учун (занжир баҳяли маҳсус машиналар бўлмаганда) ишлатилади.

Иккита деталь ўнгини ичкарига қаратиб қўйилади, четлари текисланади, белгиланган чизиқ бўйича игна юқоридан пастга санчилади ва деталь ўнгидан чиқарилади. Сўнгра игна аввалги санчилган жойига киритилиб, сиртига чиқарилади. Бунда паст томонда игна қадамининг узунлиги юқори томондагидан иккى марта катта бўлиши керак. Бундай қавиқларни бир неча марта тақрорлаш натижасида бир-бирига зич тегиб турадиган қавиқлар занжири ҳосил бўлади. 1 см га 3-5 қавиқ тўғри келиши керак. Бундай қавиқлар пахта ип билан тикилади.

Халқасимон қавиқли тўрсимон қавиққаторлар (52-расм) эркаклар ва аёллар кийимини якка тартибда тикишда




51-расм. Түр қавиқлар.



a)

52-расм. Тўрсимон қавиққаторлар: *a*—ташқи кўришиши, *b*—ишлатилишига мисол



b)

буом астарини енг ўмизига доимий биритириш учун ишлатилади.

Тузилиши жиҳатидан тўрсимон қавиққаторлар тўр қавиққаторларга ўхшайди, лекин тўрсимон қавиққаторларда игна олдинги игна санчилган иккита жой ўртасига санчилади. Қавиқларнинг узунлиги 1,5-2,0 см.

Тўрсимон қавиқ қаторнинг ташки кўриниши газлама ўнгига тўғри қавиқли сирма қавиққаторга ўхшайди, лекин тўрсимон қавиқ қаторлар ҳалқасимон бўлгани учун чок пишиқ ва эластик булиб чиқади.

Ҳалқасимон қавиқли яширин биритирма қавиққаторлар (53-расм) якка тартибда уст кийимлар тикища берк қирқимли деталларнинг букилган четларини доимий маҳкамлаш, масалан, астар деталларини авра деталларига букиб тикиш, асосий материалдан бичилган деталларни биритириш, чунончи, қоплама чўнтакни кийимга, пастки ёқани ёқа ўмизига биритириш учун ишлатилади ва ҳоказо.


Бундай қавиққаторлар, асосан, қия қавиқли биритирма қавиққаторлар каби бажарилади. Игна олдин устки деталнинг букилган зийига санчилади, сунгра шу жойнинг тўппа-тўгрисида пастки деталнинг ярмигача санчилади. 1 см га 3...5 қавиқ тўғри келади.

Бундай қавиққаторлар астар газламаси рангидаги 50 ёки 60 номерли пахта ип ёки 33,65 номерли ипак ип билан тикилади.


Ёлғон қавиққаторлардан (54-расм) борт, адип қайтармаси, ёқа, этак ва бошқа деталларнинг четларини безашда фойдаланилади.

Тузилиши жиҳатидан ёлғон қавиққаторлар тўр қавиққаторларнинг бир тури ҳисобланади, лекин улардан калталиги (0,5...1 мм) билан фарқ қиласди. Шу туфайли қавиқ или биритириладиган газламаларнинг ичидаги қолиб ўнгига ва тескарисида унча билинмайди. Қавиқларнинг такрорланувчанлиги газламанинг қалинлигига боғлиқ бўлади ва 1 см га 2...5 қавиқ тўғри келади.

Ёлғон қавиққаторлар ингичка игна, газлама рангидаги 33,65, 75 номерли ипак ип билан тикилади. Игна газламага олд томонга бир оз оғдириб санчилади. Бунда игна устки газламага бутун қалинлигича, остки газламага эса қалинлигининг ярмигача санчилаб, юқорига чиқарилади, кейин игна чиққан жойидан 0,5...1 мм наридан яна санчилаб ёки игна чиққан тешикка бир оз қияроқ қилиб қавиқ ҳосил қилинади.



53-расм. Яширин бириктирма қавиққатор.



54-расм. Ылғон қавиққатор.

Қавиққатор билинмаслиги учун ипни таранг тортмаслик керак. Ылғон қавиққаторлар кийим намлаб-иситиб ишланғұна тикилиши лозим.

Қавиққаторлар узларини маңкамлаш қавиқлари. Құлда тикилған доимий ва вақтингчалик қавиққаторлар ҳалқасимон қавиқлар билан маңкамланади. Вақтингчалик қавиққаторлар битта ёки иккита ҳалқасимон қавиқ билан, доимий қавиққаторлар эса иккита ёки учта ҳалқасимон қавиқ билан маңкамланади.

13-§. БЕЗАК УЧУН ИШЛАТИЛАДИГАН ПЕТЛЯ ҚАВИҚЛАРИ ВА МАХСУС ҚАВИҚЛАР

Петля қавиқлари (55-расм) қирқма петляларни құлда йүрмаш учун ишлатилади (уст ва енгил кийимларни якка тартибда тикишда махсус машиналар бұлмаган ҳолларда).


Йүрмалған петляларнинг уч хили бор (56-расм): күзли-костюмлар ва эркаклар пальтосида, түгри — ич кийимлар, блузкалар, шимларда ва безак ёки каркасли (костюмларнинг адип қайтармаларыда) петлялар.

Петля қавиғини ҳосил қилиш учун (56-расм, в) игна газлама тагидан петля қирқими четидан 0,1 . . . 0,3 см наридан санчилади, игна учига ип үралади ва қавиб тортиб қўйилади. Қавиқлар петля қирқими четидан ва бир-биридан бир хил масофада ётиши, илип текис тарангланиши лозим.

Петля охирида қирқим чизигига тик қилиб пухталама қўйилади. Ҳар хил петляларнинг узунлиги турлича бўлиб, ҳар хил йўғовликдаги иплар билан тикилади.

Кўзли петляни йўрмашда 1 см га 6-10 қавиқ тўғри келади; улар 3-7 номерли ипак (гарус) ва 10-20 номерли пахта ип билан тикилади.


Безак (каркасли) петляларни йўрмашда 1 см га 12-15 қавиқ тўғри келади: улар 13-18 номерли ипак ип билан




55-расм. Ҳалқа қавиқ.




а)



б)



57-расм. Тұғри пухталама.



б)

56-расм. Йұрма петлялар:
а—ташқи құрнинши, б—йұр-
малиши .

тикилади. Ситилиб кетмаслиги учун петля қирқимлари олдин йұрмаб олинади.


Пухталамалар петля, чүнтак ва рұпара бурмаларнинг учларини пухталаш учун ишлатилади. Уларнинг тұғри (57-расм) ва шаклдор (58-расм) хиллари бор. Тұғри пухталамалар тикиш учун олдин чүнтак ёки петля қирқимига тик қилиб 2-3 та бүйлама йүғон ип құйилади, сүнгра улар күндаланғ қавиқлар билан газлама аралаш йұрмалади. Бу қавиқлар 1 см га 7...10 тадан тұғри келади. Пухталаманинг узунлиғи 0,3...1,5 см. Чүнтакларда пухталама узунлиғи рамка әніга, петляларда эса йұрма қавиқ әніга тенг бўлиши лозим.

Ипли петлялар пухталамаларнинг бир тури ҳисобланади. Уларни ҳосил қиласынан қавиқларнинг сони (1 см да): бүйлама қавиқлар 4...7 та, йұрма қавиқлар 10...15 та, мустаҳкамловчи қавиқлар 3...4 та.


Петлялар 10-30 номерли пахта ип, 18,33,65,75 номерли ипак ип ва 3...7 номерли гарус билан йұрмалади.

Шаклдор пухталамалар рұпара бурмаларнинг охирiga құйилади ва күпинча безак ролини үйнайды. Буларда ип қуюқ қилиб ёнма-ён ётқизилади. Улар 3...7 номерли гарус билан тикилади.


Тугма чатиш (59-расм). Тугмалар фақат тақиши учунгина



58-расм. Шаклдор пухталамалар:
а — ташқи күриниши, б — тикилиши.



59-расм. Тугма чатиш.



60-расм. Илгаклар, петлялар ва кнопкалар чатиш.

эмас, балки безаш учун ҳам ишлатилади. Одатда, улар асосий материал рангидә бүләди.

Иккى тешикли түгмалар 4-5 қавиқ билан, түрт тешикли түгмалар ҳар бир тешиклар жуфтига 3...4 қавиқ билан чатилади ва газламанинг қалинлигига қараб 0,1...0,2 см солқи ип қолдириласы. Солқи ип атрофига 2...3 үрам ип ўраб, ипнинг учи 3...4 қавиқ билан мустаҳкамлаб қўйилади. Ип газлама ва зигир толали газламалардан тикилган кийимларга түгмаларни ипни солқилатмай чатиш мумкин.

Тугма пишиқ чатилиши учун асосий материалнинг тескарисига қотирма ёки кичкина тугма қўйилиб, асосий тугма шунга қўшиб чатилади. Түгмалар 40,50 номерли пахта ип ёки 65,75, 33 номерли ипак ип билан (иккى қават қилиб) қўлда ёки маҳсус машинада чатилади.

Темир илгак, петля ва кнопкалар чатиш (60-расм). Ҳар хил кийимларда турли темир илгак ва темир петлялар ишлатилади. Улар машинада ёки қўлда чатилади. Илгак ва петлялар пухта чатилиши учун уларни чатишдан олдин кўзлари бир хил кериласы. Қўлда чатилганда темир илгаклар уч жойидан: ҳар бир кўзидан ва эгилган жойидан 3...4 та қавиқ билан қадалиб, 3...4 та қавиқ билан мустаҳкамлаб қўйилади. Темир петля түрт жойидан: ҳар бир кўзидан ва уларнинг олдидан 3...4 қавиқ билан чатилиб, 3...4 жойидан мустаҳкамлаб қўйилади. Илгак ва петля 50, 60 номерли пахта иплар ва 65...75 номерли ипак иплар билан тикилади. Уларни юбкаларнинг корсаж тасмасига чатишда эса 20,30 номерли пахта иплар ишлатилади.

Илгак ва петля чатилган жойлар кўпинча газлама билан беркитилиб кетиласы, уларнинг фақат учларигина чиқиб туради.

Илгак ва петлялар пишиқ чатилиши учун кийим тескарисига ип газлама бўлакчаси қўйиб чатилади.

Кнопкалар иккى металл қисмдан: каллак ва пружинали устқўймадан иборат. Кнопкалар ҳар бир тешигига 4...5 қавиқ солиб ҳар хил усулда чатилади. Юпқа газламадан тикилган кийимларнинг тескарисига, кнопкага, ип газлама бўлакчаси қўйиб кетиласы.

14-8. ҚЎЛДА БАЖАРИЛАДИГАН ОПЕРАЦИЯЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ

Тикувчилик саноатида ҳар хил операцияларни аташ учун маҳсус терминология мавжуд (7- жадвал).

Эркаклар, аёллар ва болалар кийими тикишда қўл ишларини бажараётганда қўйидаги техник шартларга риоя қилиш лозим.

7-жаднал. Құлда бажарыладын ишлар терминологиясы

Операция номи	Операция характери	Ишлатилиш жойи
Сирмалаш	Тахминан тенг бұлған иккі детални чизиқлар ёки нұсқалама қавиқкаторлар бүйіча вақтингчалик қавиқлар билан улаш	Ён ва елка қирқимларини, енгларнинг олд ҳамда тирсак қирқимларини ва қоказоларни сирмалаш
Бостириб күклаш	Бир-бираштың устига құйылған иккі деталниң вақтингчалик қавиқлар билан бириктириш	Кийим олдини борт қотирмасыра, борт осталарини бортта бостириб күклаш ва қоказо
Зийни күклаш	Маълум шаклини сақлаш учун деталниң тикилған ва ағдарилған четини вақтингчалик қавиқлар билан (кант, рамка ҳосил қилиб ёки чокни букилған жойға тұғри келтириб) маҳкамлаш	Тикилған ва ағдарилған чұнтак қопқоқтар, бортлар, ёқа зийланын күклаш
Букиб күклаш	Бурмалар, витачкалар, қайирмалар деталинин қайрыйлған четини вақтингчалик қавиқлар билан маҳкамлаш	Пиджак этапини, енгучини, шим почасини қайриб күклаш ва қоказо
Йұрмаш	Деталь қирқимини ёки қирқим четларини ситилиб кетишідан асраш учун ип билан маҳкамлаш	Очиқ қокларнинг қирқимларини, петяларни йұрмаш ва қоказо
Илишти - риб күклаш	Майды детални йирик деталга ёки ёрдамчи детални асосий деталга вақтингчалик қавиқлар билан бириктириш	Манжетни енгіта, чұнтак қопқоқтарни чыншылға күклаш
Күклав үтқазаш	Иккі детални овал контур бүйіча вақтингчалик қавиқлар билан улаш	Еқани ёқа ұмизига, енгларни енг ұмизига үтқазаш ва қоказо
Чокларни бир-бираша пухталаш	Чок ёки таҳлама құйымларини иккі томонға әткезіб, вақтингчалик қавиқлар билан пухталаш	Чок ва таҳлама құйымларини, ұмизларни бир-бираға пухталаш
Букиб тикиш	Бир деталнинг қайройлған четларини иккіншисінде ёки уша деталнинг үзігін дөмий қавиқлар билан маҳкамлаш	Енг учини, кийим этапини ва астарни букиб тикиш
Чатиши	Бир детални иккіншисінде, фурнитура ва айрим элементтерін дөмий қавиқлар билан маҳкамлаш	Тұгмалар, илгаклар, кнопкаларни чатиши ва қоказо

Операция номи	Операция характеристи	Ишлатилиш жойи
Ёлрон қавиқ солиш	Деталнинг тикилган ва ағдарилган четини ҳаласимон яширин қавиқлар билан маҳкамлаш ҳамда безаш (қавиқлар уланадиган материаллар орасида қолади)	Чүнтак қопқоқлар, бортлар, ёқа четларига, пиджак этатига ёлрон қавиқ солиш ва ҳоказо
Чокларни ёриб пухталаш	Чокни билимайдиган қилиш учун икки детални доимий яширин қавиқлар билан улаш	Аёллар пальтоси ва костюмларида чокларни ёриб пухталаш
Тўрлаш	Икки деталнинг қирқимларини тақаб, гулларни ва киперини бир-бирига тўрги келтириб доимий яширин қавиқлар билан улаш	Деталларнинг ҳар хил устқўймаларини тўрлаб улаш

8-жадвал. Қўлда бажариладиган қавиққаторлар тавсифи

Қавиққатор	Қавиқ йириклиги, см	1 см даги қавиқлар сони (қавиққатор зичлиги)	Иплар номери	
			Оддий ип (ГОСТ 6309-73)	Ипак (ГОСТ 6796-70)
Вақтинча маҳкамлаш (бостириб кўклаш) газламадан солқи ҳосил қилиб газламадан солқи ҳосил қilmай, букиб кўклайдиган...	1...2	—	30...60	—
Доимий маҳкамлаш: бириктириб тикиш пухталаш қавиқларни пухталаш пухталаш қавиқлари безатиш (ёлрон қавиқ)	1.....5 1....3 0,3...0,7	— 2..3 3..4 2..4	30-60 30...60 30..60 80..60	— — 18,33,65 33..65

Изоҳ: Қавиққатор зичлиги, қавиқ йириклиги ва иплар номери тикиладиган материал қалинлигига қараб танланади.

1. Қўшимча чизиқлар (борт ва ёқа бурчаклари, безак қавиққаторлар ва бошқа чизиқлар) қўшимча андазалар ёки чизгичлар бўйича бўр билан чизилади. Чизиқларнинг қалинлиги 0,1 см дан ошмаслиги керак.

2. Бичиқни андазалар бўйича тескириша чизиқнинг ички томони андаза контурларига тўғри келиши лозим.

3. Кертимлар ва деталларнинг қирқим чизиқларининг учлари қавиққатор чизиқларидан 0,1-0,15 см нари ётиши зарур.

4. Чизиқларни из туширгич ғилдираги билан кўчириша гилдирак чизик ўртасидан юргизилиши керак.

5. Кийимни кийдириб кўришга тайёрлашда ва бошқа вақтингачалик ишларни бажаришда пишитилган пахта калавадан, шунингдек тегишли номердаги рангли ёки оқ иплардан фойдаланиш даркор.

Икки деталдан бирини солқи қилиб улашда, четлари шаклдор деталларни ағдарма чоклашда, тўғри ҳамда шаклдор чизиқларни деталларнинг ўртаси ва биритириш чоклари бўйича бир-бирига тўғри келтиришда, яъни деталларни олдиндан кўклаб олмай туриб биритириш қийин бўлган ҳолларда деталлар сирмалаб кўкланади.

Кўклашни снгиллаштириш ва тезлаштириш, операцияни сифатлироқ бажариш учун витачкалар, бурмалар, шаклдор қирқимли деталлар, ён қирқимлар, кийим олд ва орт бўлаклари қирқимлар бўйича тўғнағичлар билан маҳкамлаб чиқилади. Духоба, шифон ва ҳоказодан тикиладиган буюмларнинг деталлари тикиш пайтида силжиб кетмаслиги учун 0,5 см оралиқда икки қатор кўклаб олинади. Асосий баҳяқатор шу кўклаш қавиққаторлари орасига туширилади. Деталлар аниқ белгиланган чизиқлар ёки туширилган иплар бўйича тўғнағичлар билан маҳкамланади ва кўкланади.

6. Барча кўклаш қавиқлари чизиқдан деталь қирқими томонга 0,1...0,15 см нари туширилиши керак. Шунда кўклаш қавиққаторлари машина баҳяқаторлари тагига тушиб қолмайди.

7. Ҳар бир кўклама қавиққаторнинг охiri 1...2 та тескари қавиқ билан пухталанади.

8. Кўклаш ишларини олиб ташлаш учун ҳар 10...15 см да уларни қайчи билан қирқиб, кейин суғуриб ташлаш лозим.

9. Қўлда тикиладиган қавиқ ва доимий қавиққаторлар материал рангидаги ип билан бажарилиши керак. Жун ва ип газламалардан тикиладиган кийим учун 50..80 номерли пахта иплар, шоий газламалардан тикиладиган кийимлар

**9-жадвал. Пухталама, тикиш, петла йўрмаш ва фурнитураларни чатиш учун
қўлланадиган қўл қавиқларнинг тавсифи**

Операция	Қавиқлар сони			Иплар сони		Изоҳлар
	буйлама қавиқлар ёки чатиш қавиқлари	I смдаги йўр- маш ёки ўраш қавиқлари	пухталаш қавиқлари	оддий ип (ГОСТ 6309-73)	Ипак (ГОСТ 6797-70)	
Тикиш: пухталама тишиш	2....3	7....10	3....4	10....30	18; 3; 7;	
Ипли петля (тугма, илгак тақиши учун тикиш)	3....5	10....15	3.4	10....40	18; 33	
Чатиш илгак чатиш (ҳар қайси жойидан)	4....5	—	3....4	10....40	—	Илгак ва петляларни уқа билин чатишдаги пухталаш қавиқларинингсони
петляларни чатиш (ҳар қайси тешнигига)	4.5	—	3....4	10....40 (иккى қават- ланган шунинг ўзи)	—	
кнопкаларни чатиш	3....5	—	3....4	10....30	—	

Иккى тешикли, усти қопланган тиргакли туг- малар чатиш	5...6	—	3....4	—	—	Тиргакли тугмани чатиша тиргак баландлиги (газлама қалинлигига қараб) 0,2...0,6 см
Тўрт тешикли тугма- ларни чатиш	3...4	—	3....4	—	—	

Изоҳ: Қавиққатор зичлиги, қавиқ йириклиги ва ипларнинг номери тикиладиган газлама қалинлигига қараб танланади.

учун 65...75 номерли ипак иплар, сунъий ва синтетик газламалардан тикиладиган кийимлар учун 60...80 номерли пахта иплар ишлатилади. Безак дсталь шу безак газламаси рангидаги ип билан тикиб қойилади. Паррон тешикли тугмалар тугма рангидаги ип билан, таянчли тугмалар газлама рангидаги ип билан чатилади.

10. Игналарнинг номери газламанинг қалинлигига ва бажариладиган ишларнинг характеристига мос бўлиши лозим.

11. Қавиқларнинг узунлиги 8,9-жадвалларда кўрсатилган ўлчамларга тўғри келиши зарур.

12. Ички қавиққаторларнинг учлари 2-3 та қавиқ билан пухталанади.


3-б о б. МАШИНАДА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР

15-§. МАШИНАДА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР УЧУН ИШҮРНИ


Машинада бажариладиган ишлар учун мүлжалланган ишүрни (61-расм) индивидуал электр юритмали стол, үриндиги ростланадиган винтли стул билан жиҳозланади. Столга тикув машинасининг бош қисми үрнатиласи, зарур асбоб ва мосламалар қўйилади.

Электр двигателни ишга тушириш учун виключатель кнопкаси ёки машина педали босилади.


Иш үрнида алоҳида ёриткич тарзидаги ёки машина корпусига үрнатилган маҳаллий чироқ бўлиши лозим; Тепкини оёқ билан кўтариш учун стол қопқоғи тагига тирсанкли ричаг үрнатилган. Столнинг сирти силлиқ бўлиши даркор. Найчага ип ўраш учун столга маҳсус жиҳоз маҳкамланган. Стол иш сиртининг юзи жиҳоз ва мослама-




61-расм. Машинада бажариладиган ишлар учун ишүрни.



62-расм. Очиладиган таглик: 1 — кронштейн, 2 — түр, 3 — шарнирлар, 4 — таглик фанери, 6 — бурчаклик, 7 — фиксатор



63-расм. Чиқарма жавонлар: 1 — стол қопқоги, 2 — станина, 3 — жавон



64-расм. Нишаб столлар

ларнинг ўлчамига, буюм деталлари ўлчамига ҳамда баражирадиган иш характеристига қараб белгиланади.

Столда ишланадиган деталлар ҳамда мазкур технологик операцияни бажариш учун зарур бўлган асбоб ва мосламаларгина туради. Иш ўрни очиладиган таглик (62-расм) билан жиҳозланиши мумкин.

Агар меҳнат тақсимоти схемаси бўйича битта ишчи иккита машинада ишлайдиган бўлса, у винтли стулда ўтириши ёки бир машинадан иккинчиси рельсга ўрнатилган маҳсус стулда сурилиши мумкин.

Агар потокда чала фабрикат бир ишчидан иккинчисига қўлда узатиладиган бўлса, иш ўрни оралиқ столлар, нишаб столлар (64-расм) ва новлар билан жиҳозланади.

Иш охирида иш ўрнини яхшилаб тозалаш, ишланаётган деталларни шкафга қўйиш, асбоб ва мосламаларни стол тортмасига солиш керак. Иш ўрни тўғри ташкил қилингандан меҳнат унумдорлиги ошади ва маҳсулот сифати яхшиланади.

16-§. МАШИНА БАҲЯЛАР ВА БАҲЯҚАТОРЛАР

Тикувчилик буюмлари тайёрлаш жараёнларидағи асосий технологик жиҳоз тикув машинаси ҳисобланади. Уларни умумий ишларга мўлжалланган (чокловчи) машиналарга, бажариладиган ишлар ёки баҳяқаторларнинг хили бўйича ихтинослаштирилган машиналарга ва яримавтоматларга ажратиш мумкин.


Тикув машиналаридан, айниқса, маҳсус ва яримавтомат машиналардан фойдаланилганда операцияларни бажаришга кетадиган вақт анча қисқаради, маҳсулот сифати яхшиланади.

Чокловчи машиналарда деталлар икки ип: иғнадаги ва мокидаги ипнинг ўрилиши ҳисобига уланади. Ипларнинг ўрилиш усулига қараб машина баҳялари моки ва занжир баҳяларга бўлинади. Газламаларни улашда кўпинча моки баҳяли машиналар, трикотаж полотнолар, шунингдек бошқа эластик материаллардан тикиладиган деталларни улашда занжир баҳяли машиналар ишлатилади.

Машина баҳялари қўйидаги: тикиш, йўрмаш ва аралаш (тикиш ва айни вақтда қирқимларни йўрмаш) баҳяқаторларини ҳосил қиласди (65-расм).

Моки баҳя ҳосил қилишда машинанинг асосий иш органи моки ҳисобланади: бир ип юқоридан (игнадан), иккинчиси пастдан (моки найчасидан) келади. Шунда иплар тикиладиган газлама ичидаги ўрилади. Иплар маълум таранглик билан ўрилгани учун газламалар пухта уланади.

Икки ипли моки баҳя энг кенг тарқалган. Икки ипли моки баҳя ҳосил қилишда игна газламага санчилиб, ғалтакдан бўшалаётган игна ипнинг ҳалқаси газлама орқали ўтади. Газлама тагида моки бу ҳалқани керади ва моки ипи уралган найча атрофидан ўрайди. Ҳалқа найча атрофига тўла уралгандан кейин игна ипи моки ипи билан ўрилади. Сўнгра ип тортқичига игини юқорига тортиб, газлама ичига моки игини киргизади, шунда ўрилиш тугуни тикилаётган газламалар ўртасида қолади. Шундан сўнг газламанинг суриш механизми газламани баҳя узунлигига ма-



65-расм. Машина бахяқаторлари ва бахялар тури.


софага суради ва жараён тақрорланади. Бахяларнинг узлуксиз тақрорланиши натижасида бахяқатор ҳосил бўлади.

Моки бахя бахяқаторга нисбатан тўғри чизиқли ёки синиқ бўлиб жойлашиши мумкин. Моки бахяларнинг ҳосил бўлиш схемаси 66-расмда кўрсатилган. Моки бахялар, бино-барин, улар ҳосил қиласидиган бахяқаторлар ҳам, икки ип билан — икки ипли бахяқатор (67-расм), уч ип билан — уч ипли бахяқатор, тўрт ип билан — тўрт ипли бахяқатор, беш ип билан — беш ипли бахяқатор ва ҳоказо бажарилиши мумкин.


Моки бахялар бир чизиқли ва кўп чизиқли бўлиши мумкин. Синиқ бахя (68-расм) игнани бахяга кўндаланг санчиб ёки материални бахяга кўндаланг қилиб ҳосил қилинади, масалан тутма, ҳалқа ва маҳкамлагичларни қадашда, қавиқ узунлиги 1,5-10 мм. Учма-уч улашда ва деталларнинг қирқишини титилишдан сақлашда шундай бахячок қилинади.

Занжирсизон бахяларнинг очиқ, яширин ва йўрмаланган хиллари бўлади.


Занжир бахялар ҳам бир қанча иплар билан ҳосил қилиниши мумкин. Занжир бахялар 1, 2, 3 ва 4 ипли бўлиши мумкин. Занжир бахя ҳосил қилишда моки үрнига чалиштиргич қўлланилади. Занжир бахялар ҳосил қилиш учун моки бахялар ҳосил қилишдагига қараганда кўпроқ ип кетади, лекин занжир бахялар анча эластик ва пишиқ чиқади.



66-расм. Моки баҳялар ҳосил бўлиш схемаси.



67-расм. Моки баҳя баҳяқатори .



68-расм. Синиқ чизиқли моки баҳяқатори.

Занжирсимон паррон баҳя бир ипли ва икки ипли, тұғри чизиқли ва синиқ баҳяли бұлиши мүмкін. Бир ипли занжирсимон баҳяқаторнинг деталь устки томонида чалишиши мокили чалишган баҳяқаторға үхшайды, остки деталь томонида эса у ясси занжир шаклида бұлади (69-расм). Бу баҳяқатор деталларни вәқтінча бириктиришда (бириктириб күклаш, букиб күклаш, зийларни күклашда) ишлатилади.

Занжирсимон баҳяқаторнинг чалишган ясси занжирлари материалнинг үнг томонида бұлиши ҳам мүмкін. Бундай қолларда уни кашта тикишда ишлатса ҳам бұлади.

Бир ипли занжирсимон чалишган синиқ баҳяқатор (70-расм) тузилиши жиҳатидан баҳяларининг синиқ жойлашганигі билан бир ипли тұғри чизиқ баҳяқатордан фарқ қиласы. Бу баҳяқатор аёллар күйлакларининг, әрқаклар күйлакларининг, шимларнинг тұғри петляларини йўрмашда ва ҳ.к. да ишлатилади.


Икки ипли занжирсимон чалишган паррон баҳяқатор (71-расм) иккита-устки ва остки иплардан ҳосил бұлади. Баҳяқаторнинг ташқи күриниши материал устки томонида моки баҳяқаторнинг чалишганига үхшайды, остки томонида эса бұрттан занжир шаклида бұлади. Бу баҳяқатор ич кийим, трикотаж буюмлар ва шим деталларини бириктиришда ва ҳ.к. да ишлатилади.

Икки ипли занжирсимон чалишган синиқ баҳяқатор (72-расм) икки ипли тұғри чизиқ баҳяқаторига үхшаш, лекин баҳяқатор синиқ жойлашган бұлади. Бу баҳяқатор пальто-лар, костюмлар, курткаларнинг күзли петляларини йўрмашда ва ҳ.к. да ишлатилади.

Бир ипли занжирсимон чалишган яширин баҳяқатор (73-расм) фақат устки ипдан ҳосил бұлади. Бир ипли занжирсимон чалишган яширин баҳя ҳосил қилишда (74-расм) букилган игна 1 ва бұрттиргич 4 иштирок этиб, бұрттиргич материал 3 ни игна пластинаси 2 нинг үйифдан бұрттириб чиқарып, материалнинг устки қаватини игна тұлиқ тешиб үтиб, остки қаватини эса қисман илиб олиб, яширин баҳя ҳосил қилишга хизмат қиласы. Бир ипли занжирсимон яширин баҳя букиб тикишда ва қавиш баҳяқаторларда ишлатилади. Букиб тикиш баҳяқаторлари жүн, шойи ва ҳ.к. материалдан тикиладиган кийимларнинг этагини букиб тикишда ишлатилади. Қавиш баҳяқатори кийимларга түрғун қайишқоқ шакл беришда (адип қайтармасини қавишида) ишлатилади.

Йўрмаш баҳя бир ипли (75-расм), икки ипли (76-расм) ва уй ипли (77-расм) бұлиши мүмкін.


Бир ипли баҳя устки ипдан ҳосил бұлади ва ипли игна ва чалиштиргич ёрдамида бажарилади. Икки ипли баҳя ипли




69-расм. Бир ипли очиқ занжир бахяқатори.




70-расм. Бир ипли синиқ занжирсимон очиқ бахяқатори.



71-расм. Икки ипли занжир бахяқатори




72-расм. Икки ипли синиқ занжирсимон очиқ бахяқатори.



73-расм. Бир ипли занжирсимон яширин бахяқатори.



74-расм. Бир ипли занжир бахяқатори ҳосил бўлиш жараёни.




75-расм. Бир ипли занжирсимон йўрмаш бахяқатори.




76-расм. Икки ипли занжирсимон йўрмаш бахяқатори.




77-расм. Уч ипли йўрмаш занжир баҳяқатори.



78-расм. Икки ипли моки чалишиши аралаш баҳяқатори.



79-расм. Икки ипли моки занжирсизмон чалишиши баҳяқатори.



80-расм. Икки ипли ва йўрмаш занжир ўрилиши аралаш икки қаторли баҳяқатори.


игна, ип узатиб берадиган чалиштиргич ва кенгайтиргич ёрдамида бажарилади. Уч ипли баҳя ипли игна, шунингдек ипли чап ва ўнг чалиштиргичлар ёрдамида ҳосил бўлади.

Йўрмаш баҳялари йўрмаш баҳяқатор юритишда ишлатилади, улар шунингдек бириктириб тикиш билан бир вақтда йўрмаб кетиши вазифасини ўташи ҳам мумкин. Бир ипли занжирсизмон чалишадиган йўрмаш баҳяқатор кўпинча мўйна териларини бириктириб тикишда ишлатилади. Икки ва уч ипли чалишадиган йўрмаш баҳяқаторлар ҳамма тур кийимлар деталь қирқимларини йўрмашда, шунингдек трикотаж полотнолардан тикиладиган кийим деталларини бириктириб тикиб, қирқимларини бир йўла йўрмаб кетиши учун ишлатилади.

Аралаш баҳяқаторлар бир хил ёки турли чалишган баҳялардан ҳосил бўлади ва қўш игнали машиналарда бажарилади.

Чалишиши бир хил баҳяқаторларда чалишишлар параллел ва маълум оралиқда жойлашади (78-расм), бунда баҳяқаторлар ораси кийим турига ва моделига қараб ўзгариши

81-расм. Уч ипли занжир үрилиши аралаш икки чизиқли аралаш баҳяқатори.



мумкин. Икки ипли занжирсімөн чалишишлы бириктириш баҳяқатори (79-расм) шимнинг ўрта құрқимини бириктирма чок билан тикишда ишлатилади.

Чалишиши ҳар хил икки чизиқли баҳяқаторларда аралаш баҳяқаторлар икки ипли занжирсімөн паррон баҳяқатор ва ички ёки уч ипли йўрмаш баҳяқаторлар билан бир вақтда ҳосил бўлади. Шунинг учун улар чоклаш-йўрмаш баҳяқатор деб аталади ва деталларни бириктириб, қўрқимларини бир йўла йўрмаш учун хизмат қиласди (80-расм). Бундай баҳяқаторлар аёллар кўйлаклари, эркаклар кўйлаклари, ич кийим деталларини бириктириш учун ишлатилади. Аралаш баҳяқаторларнинг яна бир тури икки устки ипли ва битта остки ипли уч ипли йўрмаш баҳяқатордир (81-расм); улар безак чок сифатида ишлатилади.

Бундай баҳяқаторлар ишлатганда деталга бир йўла ишлов берилиши туфайли иш унуми ошади ва маҳсулот сифати яхшиланади.

Китоб охиридаги иловада кийим тикишда ишлатиладиган машиналарнинг қисқача характеристикаси ёритилган жадваллар берилган.

17-ғ. МАШИНА ИШЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ УСУЛЛАРИ

Машина ишларини бажаришнинг асосий усулларини ўзлаштириш иш вазиятини ўзлаштиришдан бошланади. Тўғри иш вазияти, яъни ишләётган пайтда ишчининг тўғри ўтириши ёки туриши унинг кайфиятига яхши таъсир қиласди ва меҳнатини осонлаштиради (82-расм).

Стул машинанинг игна юргизгичи қаршисига аниқ қўйилиши лозим. Тикувчи тўғри ўтириши, гавдаси стол четидан 10-15 см нарида туриши, ишланаётган деталь билан кўзи орасидаги масофа тахминан 30 см бўлиши лозим.

Қўл панжалари машина платформасида турғун туриши, тирсаклар стол сатҳида бўлиши керак (83-расм). Ўнг оёқ бир оз олдинроқ қўйилиши, чап оёқ эса педалнинг олд четига яқинроқ туриши зарур.




82-расм. Машина ишларини бажариш даги түрли иш вазияти

83-расм. Нотұғри иш вазияти

84-расм. Құлларнинг машина платформасидаги қолаты


Иш вазияти нотұғри бұлса (84-расм), ишчи тез چарчаб, иш унумы пасайиб кетади.

Устки ипни ўтказиб (85-расм) ва мокини найчага тақиб, пастки ип юқорига чиқарилади. Бунинг учун устки ипнинг учини ушлаб туриб, игна охиригача туширилади, сұнгра игна күтәриледи ва пастки ип тортиб чиқарилади (86-расм). Бахаяқаторнинг сифатлы чиқиши устки, пастки ипларнинг таранглигига боғлиқ. Агар иккала ип бир хил тарангликда тортилса, газламанинг иккала томонидан бахялар бир хил үлчамда чиқади (87-расм, а). Агар устки ип пасткисидан тарангроқ тортилса, газлама ўнгіда моки ипидан халқалар ҳосил бўлади (87-расм, б) Агар пастки ип усткисидан тарангроқ тортилса, газлама тескарисидан игна ипидан халқалар ҳосил бўлади (87-расм, в) Иккала ҳолда ҳам ипларнинг таранглигини ростлаш керак.




85-расм. Юқориги ипни ўтказиши.

86-расм. Пастки ипни тортиб чиқариши.



87-расм. Машина баҳяқаторларининг сифати.



88-расм. Машинада бажариладиган ишларни ўрганишда баҳяқаторлар конфигурацияси.

Машина ишларини ўрганишни параллел баҳяқаторлар тикишдан бошлаш зарур (88-расм).

Тикувчилик буюмлари тикишда асосий ипнинг кўп қисми машинада баҳяқатор юритишдан иборат. Икки ёки уч қатлам материални биректириб тикиш натижасида чок ҳосил бўлади. Ип билан биректиришдан ташқари, елимли, пайвандли, парчинли, қўйма каби биректириш усуллари мавжуд.

Елимлаб биректиришда буюм химиявий ёки термик усулда слим ёрдамида биректириб ҳосил қилинади.

Пайвандлаб биректириш — бунда бирекма термопластик материалларни ультриратовуш ёки юқори частотали қурилмаларда пайвандлаб ҳосил қилинади.

Парчинли бирекма — бунда бирекма маҳсус фурнитура ёрдамида механик ёки термик усулда ҳосил қилинади.

Қўйма бирекма — бунда бирекма синтетик толаларни термик пластификациялаб ҳосил қилинади.

18-§. МАШИНАДА ТИКИЛАДИГАН ИПЛИ ЧОКЛАР

Тикувчилик буюмларини биректирувчи асосий восита машинада тикиладиган ипли чоклардир. Машина чокларига ишлаб чиқаришда ва истеъмолчилар юқори талаблар қўяди.

Истеъмолчи (харид қилиш) талабига чокнинг ташқи кўриниши, баҳяқаторларнинг бутунлиги, чокнинг бўш ёки тортилиб қолган жойларининг бор-йўқлиги, мустаҳкамлиги ва ҳ.к. киради.

Ишлаб чиқариш талабига газлама сарфи ва чок учун материал (чок ва букиб тикиш ҳақи) сарфи, ишнинг оғирлиги ва ҳ.к. киради.




82-расм. Машина ишларини бажариш даги тұғри иш вазияти

83-расм. Нотұғри иш вазияти

84-расм. Құлларнинг машина платформасидагы қолаты


Иш вазияти нотұғри бұлса (84-расм), ишчи тез чарчаб, иш унуми пасайиб кетади.

Устки ипни ўтказиб (85-расм) ва мокини найчага тақиб, пастки ип юқорига чиқарилади. Бунинг учун устки ипнинг учини ушлаб туриб, игна охиригача туширилади, сұнгра игна күтарилади ва пастки ип тортиб чиқарилади (86-расм). Бахақаторнинг сифатли чиқиши устки, пастки ипларнинг таранглигига боғлиқ. Агар иккала ип бир хил тарангликда тортилса, газламанинг иккала томонидан баһялар бир хил ўлчамда чиқади (87-расм, а). Агар устки ип пасткисидан тарангроқ тортилса, газлама ўнгіда моки ипидан халқалар ҳосил бұлади (87-расм, б). Агар пастки ип усткисидан тарангроқ тортилса, газлама тескарисидан игна ипидан халқалар ҳосил бұлади (87-расм, в). Иккала қолда ұам ипларнинг таранглигини ростлаш керак.




85-расм. Юқориги ипни ўтказиш.

86-расм. Пастки ипни тортиб чиқарыш.



87-расм. Машина баҳяқаторларининг сифати.



88-расм. Машинада бажариладиган ишларни урганинда баҳяқаторлар конфигурацияси.

Машина ишларини ўрганинши параллел баҳяқаторлар тикишдан бошлаш зарур (88-расм).

Тикувчилик буюмлари тикишда асосий ипнинг кўп қисми машинада баҳяқатор юритишдан иборат. Икки ёки уч қатлам материални биректириб тикиш натижасида чок ҳосил бўлади. Ип билан биректиришдан ташқари, елимли, пайвандли, парчинли, қўйма каби биректириш усуллари мавжуд.

Елимлаб биректиришда буюм химиявий ёки термик усулда слим ёрдамида биректириб ҳосил қилинади.

Пайвандлаб биректириш — бунда бирекма термопластик материалларни ультриратовуш ёки юқори частотали қурилмаларда пайвандлаб ҳосил қилинади.

Парчинли бирекма — бунда бирекма маҳсус фурнитура ёрдамида механик ёки термик усулда ҳосил қилинади.

Қўйма бирекма — бунда бирекма синтетик толаларни термик пластификациялаб ҳосил қилинади.

18-§. МАШИНАДА ТИКИЛАДИГАН ИПЛИ ЧОКЛАР

Тикувчилик буюмларини биректирувчи асосий восита машинада тикиладиган ипли чоклардир. Машина чокларига ишлаб чиқаришда ва истеъмолчилар юқори талаблар қўяди.

Истеъмолчи (харид қилиш) талабига чокнинг ташқи куриниши, баҳяқаторларнинг бутунлиги, чокнинг бўш ёки тортилиб қолган жойларининг бор-йўқлиги, мустаҳкамлиги ва ҳ.к. киради.


Ишлаб чиқариш талабига газлама сарфи ва чок учун материал (чок ва букиб тикиш ҳақи) сарфи, ишнинг оғирлиги ва ҳ.к. киради.

8 Тикувчилик технологияси асослари

10 - жадвал. Чокларнинг классификацияси

114

Классификацион бўлин-малар	Классификацион аломатлар	Ип чоклар																
Класс	Вазифасига кўра	Биринчириувчи чоклар										Зий чоклар						
Кичик класс	Чокдаги асосий газламалар қаватининг сонига кўра	Бир қаватли, кўп қаватли										Кўп қаватли						
Тур	Газламаларни улаш усулига кўра	Қўйма чоклар										Букма чоклар	Магиз чоклар					
Гуруҳи	Кирқимларниң жойлашишига кўра	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	



89-расм. Биринчириувчи чок хилалари.

Чок тикиш сифати операцияларни бажариш техник шартига (чок эни, баҳяқаторлар сони, ва улар оралиғи, баҳянинг тортишмаслиги, ип номерига) риоя қилишга боғлиқ.

Чок эни унинг тузилишига боғлиқ. Чок сифати машинада тикиш қоидаларига ва операцияларни бажариш техник шартларига (деталларни игна остига қўйиш тартибига ва чок тикиш кетма-кетлигига) риоя қилишга боғлиқ.

Чок тикиш учун техник шартлар моделнинг техник тавсифида ёки бошқа норматив-техник ҳужжатларда берилади.

Ҳар бир иш ўрнида иш сифатини технологик инструкцион картага мувофиқ текшириш мумкин. Кийим тикишда ишлатиладиган чоклар вазифаси ва жойлашишига қараб ҳар хил — бириктирувчи, зий, безак чокларга бўлинади.

Б и р и к т и р у в ч и ч о к л а р д а деталлар чокнинг иккиси томонида ётади. Масалан, орқа, ён, елка, енг қирқимларини бириктирувчи чоклар.

З и й ч о к л а р деталлар четига ёки қирқимиға ишлов беришда ишлатилади. Деталлар чокнинг бир томонида бўлади. Масалан, буюм этагини, енг учини ишлашда, борт, ёқаларга ишлов берилади.

Б е з а к ч о к л а р деталь ва буюмларни безашда ишлатилади. Бу чоклар қоматга шакл беришда (орқа, юбка этаг букламаларида) ҳам фойдаланилади.


Чоклар тузилишига, яъни чокдаги баҳяқаторларнинг жойлашиши, сони, қўйимлар катталиги ва жойлашиши бўйича гуруҳларга ва кичик гуруҳларга бўлинади (10- жадвал).

19-§. БИРИКТИРУВЧИ ЧОКЛАР


Бириктирма чок, бостирма чок, қўйма чок, ички чок, қўш чок, "қулф" чоклар бириктирувчи чокларга киради (89-расм).

Бириктирма чоклар кийим деталларидаги ён, елка ва бошқа қирқимларни бириктириш учун ишлатилади. Иккиси деталь ўнгини ичкарига қаратиб қўйилади, қирқимлари бир-бирига тўғриланади ва маҳсус линейкали ёки йўналтиригичи бор тепкили машинада кертикларни тўғри келтириб тикилади (90-расм). Бунда баҳяқатор билан зий орасидаги масофа чокнинг турига боғлиқ бўлади. Чок ботиқ қирқимлари, кертик бурчаклари, бурмалари ва ҳоказоси бўлган деталь томондан тикилади.


Аёллар енгил кийими ва болалар кийимининг асосий деталларини тикишда бириктирма чокнинг кенглиги камидан




90-расм. Бириктирма чок.



91-расм. Иккى параллел баҳяқаторли бириктирма чок.




a)




б)

92-расм. Ёриб дазмолланадиган бириктирма чок: *а* — ўнгдан күрениши, *б* — тескаридан күрениши.



а)



б)

93-расм. Бир томонга ётқизиб дазмолланган бириктирма чок: *а* — ўнгдан күрениши, *б* — тескаридан күрениши.

1,0 см (титилмайдынган материаллар учун) ва 1,5 см (осон титилдайдынган материаллар учун) бўлиши керак. Титилмайдынган газламадан тикиладынган кийим деталларига қўймалар улашда чокнинг эни 0,7 см, осон титилдайдын газламалардан тикиладынган кийим деталларига қўймалар улашда эса 1,0 см олиниади.

Шаклдор чокларни тикишда газламаларнинг бурчаклари шундай кертиб қўйиладики, бунда баҳяқатор кертиклардан 0,1 см ичкарироқдан ўтадиган бўлади.

Бириктирма чокни иккита параллел баҳяқатор тушириб тикиш ҳам мумкин (91-расм). Масалан, кийимга енг ўтқазишда, шимнинг ўрта қирқимларини улашда ва чокка зўр келадынган бошқа жойларда шундай параллел қаторлар ишлатилади.


Асосий деталлари маҳсус машинада бириктириб тикилиши билан бир вақтда чокларининг қирқим четлари йўрмаб кетиладынган ип газлама, зигир толали ва синтетик газламалардан тикиладын буюмларда чокнинг эни 0,7—0,8 см олиниади.

Бириктирма чоклар икки томонга ётқизиб (чок қирқим-


лари икки томонга ётқизилади ва дазмоллаб қотирилади, 92-расм), бир томонга ётқизиб (чок қирқимлари бир томонга ётқизилади, 93-расм) ва қайирмай (94-расм) дазмолланиши мүмкін.

Чок солиши пайтида иккала қирқим йўрмаб кетилиши ва


кейинчалик йўрмалиши мүмкін (95-расм). Масалан, юбка бўлаклари, енгларнинг қирқимлари бўртма чокларни улашда шундай қилинади.




94-расм. Тикка бириктирма чок:
а—чок қирқимларини бириктиришдан олдин йўрмалган, б—чок қирқимларини бириктиришдан кейин йўрмалган




95-расм. Бир йўла иккала қирқимни йўрмаб бириктириш




96-расм. Бир йўла уқа қўйиб қирқимларни йўрмаб бириктириш




97-расм. Бир йўла уқа қўйиб бириктириш




98-расм. Чети берк ёрма чокни тикиш:
а — ўнгдан кўрининиши, б — тескарисидан кўрининиши



99-расм. Чети очиқ ёрма чокни тикиш:
 а — ўнгдан кўриниши, б — тескаридан кўриниши.



100-расм. Иккита очиқ қирқимли бостирма чок:
 а — ўнгдан кўриниши, б — тескаридан кўриниши.



101-расм. Битта берк қирқимли бостирма чок:
 а — ўнгидан кўриниши, б — тескарисидан кўриниши.

Агар моделга күра, титиладиган газламалардан тикиладиган кийимларда чоклар дазмоллаб ётқизиб кетиладиган бұлса, чокларнинг қирқимларини бириктириб тикишдан олдин маҳсус машинада йўрмаб олиш тавсия қилинади. Осон чўзиладиган жойларни бириктириб тикиш пайтида уқа қўйиб, қирқимларини йўрмаб (96- расм) ёки қирқимлари йўрмаламай (97- расм) тикилиши мумкин.

Қирқимлари икки томонга ётқизилган ёки дазмоллаб қотирилган бириктирма чоклар икки томондан безак баҳяқаторлар билан пухталаниши, яъни ёрма чок билан тикилиши мумкин. Намлаб-иситиб ишлаш қийин бўлган кийимлардаги чокларни бириктириш ва пухталашда, шунингдек юбканинг олд, орт бўлакларини безаш ҳамда улашда шундай чоклар ишлатилади. Ёрма бириктирма чоклар икки хил: берк четли ва очик четли бўлади (11- жадвал).

Чети берк ёрма чокларни тикиш учун (98- расм, а, б) икки деталь ўнгини ичкарига қаратиб қўйилади, қирқимлари текисланади ва машинада бириктирилади. Устки кийимда безак баҳяқатор кенглигига 0,4-0,7 см қўшилган масофада, енгил кийимда эса 0,7-1 см қўшилган масофада баҳяқатор юритилади. Шундан сўнг чок қирқимлари икки томонга ёриб ётқизилади, дазмолланади ва чокнинг ўнг ҳамда чап томонларидан газлама ўнгига безак баҳяқатор йўналтиргичли тепки билан газлама рангидағи ипда тикилади: шоий ва жун газламалар учун ипак ип, бошқа газламалар учун пахта ип ишлатилади.

Ип газлама, шоий, резиналанган плашлик ва плёнка қолланган капрон материаллар, икки қаватли газламалар, табиий ҳамда сунъий чарм, замшадан, поролон, мўйна ёпишириб тайёрланган материаллар, кўп қаватли қавима полотнолар ва намлаб-иситиб ишлаш қийин бўлган бошқа материаллардан тўқилган газламалардан тикиладиган кийимларнинг ёрма чоклари ёриб дазмолламасдан тикилади.

Четлари очик ва ёрма чок ҳосил қилиш учун (99- расм) деталларнинг ўнгини ичкарига қаратиб қўйиб, майда сирма қавиқ билан кўклаб чиқилади ёки осонгина сўқиладиган майда баҳяқатор билан тикилади. Уст кийимда баҳяқатор кенглигига 0,4-0,7 см қўшилган масофада ва снгил кийимда эса 0,1-1 см қўшилган масофада баҳяқатор юритилади. Сўнгра деталлар ва чок қирқимлари икки томонга ётқизилиб, дазмоллаб ётқизилган қирқимларнинг устига асосий материал газламасидан тайёрланган бўлак ўнгини пастга қаратиб қўйилади, кўклаб

ёшиштирилди ва ўнгига безак баҳяқатор юритилди (бу баҳяқаторлар айни пайтда газлама бўлагини асосий деталга бириттириб ҳам кетади), кўклаш иплари сўкиб олинади.

Бостирма чоклар ҳам, бириттирма чоклар каби, ён, елка қирқимларини, кийим олд бўлаги ва орт бўлагини, юбка бўлакларини, енгларни ва ҳоказо деталларни улаш учун ишлатилди (100-расм). Бостирма чоклар берк ёки қайирма четли, иккита очиқ ёки битта берк қирқимли бўлади.

Иккита очиқ қирқимли бостирма чок қилиш учун икки деталь ўнгини ичкарига қилиб қўйилди, қирқимлари текисланади ва безак баҳяқатор кенглигига 0,5-1,5 см кўшилган масофада машинада бириттириб тикилади. Шундан кейин деталлар икки томонга ёрилади. Чок қирқимлари олдин икки томонга ётқизилди ва дазмолланаади,

11- жадвал. Бириттирма чок учун техник шартлар (ОСТ 17-835-80)

Чок турлари ва тикувчилик буюмлари грухлари	Асосий технологик операциялар	Параметрлар, мм
Бириттирма чок	Кийим олд бўлаги, орт бўлаги ва енг бўлакларини, ёқа ҳамда елка чокларини, енгини ўмизга ва шим ён, ўрта, поча қирқимларини бириттириб тикиш	Деталь қирқимида ан баҳяқаторгача 10...15
	Плёнка қопланган капрон газламалардан тикиладиган кийим олд бўлаги, орт бўлаги ва енг бўлакларини, ён ҳамда елка чокларини ва енгини ўмизга бириттириб тикиш	5...7
	Манжетларни улаш, ёқа ўтқазиш, қирқма витач-каларни бириттириб тикиш, улоқларни асосий газламадан бичилган деталларга улаш, улоқларни шимнинг орт бўлагига улаш	7...10
	Астарнинг ҳамма деталларини, шу жумладан улоқларни бириттириш	10...12
	Ватинни бириттириб тикиш	7...10
	Поролонни бириттириб тикиш	4...5
Кўйлаклар	Кийим олд бўлаги, орт бўлаги, юбка этаги, ён, елка қирқимларини тикиш, енгини ўтқазиш, лиф билан юбкани улаш, шим қирқимларини тикиш	10...15
	Улоқларни, манжет ва тақилма қопқоқни улаш, ёқаларни ўтқазиш	7...10

Чок турлари ва тикиувчилик буюмлари гуруҳлари	Асосий технологик операциялар	Параметрлар, мм
Ич кийим ва эркаклар кўйлаги	Асосий деталларни бириктириш, манжет, ёқаларни улаш, кўрпа жилдларининг қирқимини ағдарма чок билан тикиш	5...8
Корсет буюмлар	Корсет деталларини, поясларни ва бошқа деталларни бириктириш Бюсгалтер белбоглари ва "чашка" си деталларини бириктириш	7...10
Кўрпалар	Ипак ва аралаш газламалардан қилинадиган буюмларни бириктириб тикиш	6...7
Ёрмачок	Худди шундай ип-газлама учун Дазмолланмайдиган газламалардан тикиладиган кийим деталларини бириктириш	9..710 7...10
Қирқимларни бир йўла йўрмаб бириктириш Уст кийим Пальто, костюм	Астарлик буюмларда олд бўлак, орт бўлак ва ён қирқимларни улаш, шунингдек, енг ва елка қирқимларни улаш, енгни ўмизга бириктириш; жинси, ипли ва аралаш материаллардан тикиладиган шимларнинг ён ва поча қирқимларини бириктириш	2...5 Бахъқатордан ёрма чоккача бўлган ма-софа-моделга кўра
Кўйлаклар гуруҳи	Астарларни, шунингдек қотирмаларни бириктириш, витачаларни тикиш Сунъий ва табиий мўйинадан тикиладиган буюмларни бириктириш, шунингдек кўп қатламили ва қоплама материаллардан бўлган деталларни бириктириш Ҳамма газламалардан тикиладиган кийимларда деталларни бириктириб тикиш, шунингдек ип-газлама ва трикотаж буюмларда ёқаларни улаш; ёқалар улаш чоқидан 4..75 мм наридан бостириб тикилади	7...9
Эркакларнинг енгил кийимлари	Кийим олд булаги, орт булаги ва енг бўлакларини, ён ҳамда елка чокларини, шимларнинг қирқимларини бириктириб тикиш, кўрпа жилдларини, чақалоқлар ва мактабгача сўздаги болалар ип-газламадан тикиладиган кийимларни бириктириш	Деталлар қирқимидан бостириб тикиш чоқигача 7...8

сўнгра қирқимлардан бири бошқаси томонга қайрилади, дазмоллаб қотирилади ва ўнг томонидан моделда кўрсатилган масофада безак баҳяқатор билан пухталанади.

Ип газлама, шойи, резиналанган плашлик ва плёнка қопланган капрон материаллар, икки қаватли газламалар, табиий ва сунъий чарм, замшадан, поролон, мўйна ёшиштирилган материаллар, кўп қаватли қавима полотнолар ва намлаб-иситиб ишлаш қийин бўлган бошқа материаллардан тикилган кийимларнинг чоклари дазмолланмасдан бостириб тикилади.


Битта берк қирқимли (101-расмга қаранг) ва чети берк бостирма чок ҳосил қилиш учун пастки деталь устки деталга нисбатан безак чок энига 0,4-0,7 см (устки кийимда) ҳамда 0,7-1,0 см (енгил кийимда) қўшилган масофага чиқарилади ва устки деталь қирқимидан 0,5 см ичкаридан тикилади. Сўнгра деталлар икки томонга ётқизтлади, чок қирқимлари эса калта деталь томонга қайрилади ва моделда кўзда тутилган масофада безак баҳяқатор билан пухталанади.

Қайирма четли бостирма чок ҳосил қилиш учун (102-расм) деталлар ўнгини ичкарига қилиб қўйилади, четлари текисланади ва модалда кўзда тутилган масофада маҳсус машинада кўкланади ёки қўлда майда қавиқлар билан кўкланади. Кейин деталлар икки томонга ёйилади, чок қирқимлари улардан бири томонга қайрилади ва тескари томондан дазмолланиб, моделда кўзда тутилган масофада ўнгидан безак баҳяқатор билан тикилади. Кўклаш иплари сугуриб олинади. Бу чокда тескари томонда иккала қирқим очиқ қолади. Уст кийимда баҳяқатор газлама қирқимидан 0,4-0,7 см, енгил кийимда 0,7-1,0 см ичкаридан туширилади. Бундай чок кокеткаларни улашда, лифни юбкага бириткиришда ва бошқа жойларда ишлатилади. Бостирма чок тикиш учун техник шартлар 12-жадвалда келтирилган.

Қўйма чокларнинг очиқ ва берк қирқимли хиллари бўлади. Очиқ қирқимли қўйма чоклар (103-расм) кийимдаги қотирмали деталларнинг бўлакларини улаш учун ишлатилади.

Бундай чокни тикиш учун деталнинг чети иккинчи деталнинг четига қўйилади ва қирқимлардан бир хил масофада машинада бириткириб тикилади. Бир деталь иккинчиси устига 0,6-1 см ўтиб туриши керак. Баҳяқатор деталларнинг қирқимидан 0,3-0,5 см ичкаридан туширилади.

Қўйма чок безак жиякни асосий деталга улаш учун ҳам ишлатилади (104-расм). Баҳяқатор жияк четларидан 0,5—0,15 см ичкарилиши керак.




102-расм. Қайирма четли бостирма чок:
а — ўнгидан кўриниши, б — тескарисидан кўриниши.

12-жадвал. Бостирма чок тикишдаги техник шартлар (ПЭЕ17-835-80)


Чок хиллари ва тикувчиллик бу- юмлари гуруҳи	Асосий логик опе- рациялар	Чок параметрлари, мм
Очиқ қирқимли бостирма чок		
Уст кийим. Паль- то, костюм гуруҳи	Деталларни бириктириш	Бириктириш чокидан бостирма чок- кача бўлган масофа моделга кўра олинади, бостирма чокдан деталь қирқимигача бўлган масофа 2...7
Кўйлаклар гу- руҳи	Деталларни бириктириш	3...10
Берк қирқимли бостирма чок	Деталларни бириктириш	2...7

Берк қирқимли қўйма чоклар тўғри ва шаклдор кокеткаларни, қоплама чўнтакларни улаш учун ишлатилади (105-106-расм). Бундай чокни тикиш учун бир деталнинг чети безак баҳяқатор энига 1-1,5 см (енгил кийимда), 0,5-0,7 см (устки кийимда) қўшилган масофага букиб, кўкланади, дазмолланади, сунгра иккинчи деталнинг ўнгига қўйилиб, бостириб кўкланади ва моделда кўзда тутилган масофада бостириб баҳяқатор юритилади. Кўклаш иплари сўкиб ташланади. Баҳяқатор билан қирқимлар орасидаги масофа газламанинг қалинлигига ва титилувчанилиғига қараб олинади.


Қўйма чок билан деталь четига безак бўлаклар тикилади (107-расм), шунингдек деталнинг чети безак бўлакка тикилади (108-расм). Шим ёки юбка белбоғларини улашда (109-расм), белбоғларни ишлашда (110-расм), боғиқлар тайёрлашда (111-расм) ҳам қўйма чоклардан фойдаланилади.




103-расм. Очиқ қиркимли қўйма чок.



104-расм. Безак жиякни қўйма чок билан тикиш.




105-расм. Безак кокеткаларни ва қоплама чўнтакларни қўйма чок билан тикиш.



106-расм. Безак бейкаларни деталь четларига бостириб тикиш.

Титилувчан ва плашлик газламалардан тикиладиган кийимларнинг шаклдор четли деталларини ва қайрилган четидан 0,3 см дан ортиқ масофада безак баҳяқатори бўлган деталларни бостириб тикишда чокларнинг бурчакларига асосий материалдан бурчак шаклида бичилган бўлаклар қўйиб ағдарма чок билан тикилади. Бўлаклар чокни қоплаши ёки бурчакнинг иккала томонини камида 2-3 см қамраб туриши керак. Бурчакларнинг ағдарма чоклари дазмоллаб қайрилади ёки ағдарма чокдан 0,1 см ичкаридан мағиз бостириб тикилади (112-расм, а, б). Шаклдор деталлари бўлган ва қайрилган четидан 1,0 см ичкарида безак баҳяқатори бор кийим моделларида чокларнинг бурчакларини эни 0,5 см ли бириткирма чок билан ишлаш мумкин. Чок ёриб дазмоллаб ётқизилади ёки текисланади, бурчаклар ўнгига ағдарилади ва дазмоллаб қотирилади (113-расм).


Туташтирма чок (114-расм) қотирмалик газлама ва материаллардан бичилган деталларни улаш учун, шунингдек



107-расм. Берк қирқимли қўйма чок.

108-расм. Деталь четларини бейкага бостириб тикиш.

109-расм. Белборни шим ва юбкага бостириб тикиш.



110-расм. Белбогларни ишлаш (а, б).

111-расм. Богичларни ишлаш: а—чокни четда жойлаштириб, б—чокни ўртада жойлаштириб.

112-расм. Деталларни бостириб тикиш: а—шаклдор четли, б—энли безак баҳяқаторли.

юпқа чок чиқариш талаб қилинган ҳолларда борт қотирмасидаги витачкаларни бириттириб тикиш учун ишлатилади. Бундай чокни тикиш учун икки деталнинг қирқимлари юпқа ип газлама ёки бошқа газлама бўлаги устига қўйилади ва қирқимдан 0,5 см ичкаридан бостириб тикилади, кейин деталларнинг қирқимлари синиқ баҳяли машинада уланади. Туташтирма чок учун техник шартлар 14-жадвалда келтирилган.

13 - жадвал. Құйма чок учун техник шартлар (ОСТ 17-835-80)


Чок хиллари ва тикувчилек буюмлари гурұхы	Асосий технологик операциялар	Чок параметрлари, мм
Очиқ қирқимли құйма чок		
Уст кийим	Деталларни бириктириш	Қирқимдан 5...10 баҳақаторғача
Пальто, кос- тюм гурұхы	Астарларни бириктириш Тасмаларни бостириб тикиш	3...5 Тасма четидан баҳақаторғача моделга күра олинади
Күйлаклар гу- рухы	Шунинг ўзи	Шунинг ўзи
Берк қирқимли құйма чок		
Уст кийим Пальто, кос- тюмлар гурұхы	Деталларни бостириб тикиш	Букиш зийидан ба- хаяқаторғача— моделга күра; баҳақатордан қирқимгача 5...7
Күйлаклар гу- рухы	Манжет, ёқа, چұнтак, планкаларни бостириб тикиш	Шунинг ўзи, 7...10
	Деталларни бириктириш	Шунинг ўзи, 10...15
Эрекклар қүй- лагы, ёстик, жилдлари, чойшаблар	Тасмаларни бостириб тикиш Кокеткаларни, магиз қүйилтган деталларни бостириб тикиш, ман- жетни енгіза бириктириш	Тасма четидан баҳия қаторғача- моделга күра Букиш зийидан баҳақаторғача 1...2 ёки магиз четидан ба- хаяқаторғача— моделга күра, баҳақатордан деталь қирқимгача 5...7
Корсет буюм- лар	Деталь четига тасма бостириб тикиш, белбор, корсет деталларини бириктириш	Букиш зийидан баҳақаторғача 1...2 ёки тасма четидан ба- хаяқаторғача моделга мувофиқ, баҳақатордан қирқимгача 5..7
	Эластик материаллардан тиклидіктен буюмларда синик қизыл бахақатор юритиб бостириб тикиш	Букиш зийидан қирқимгача 6....20
Қавылған күр- па Иккита берк қирқимли құйма чок	Четларини букиб тикиш	Баҳия қатордан букиш зийига- ча 2...3; баҳияқатордан қир- қишгача 5...7

Чок хиллари ва тикувчилик буюмлари гурхини	Асосий технологик операциялар	Чок параметрлари, мм
Уст кийим	Борт, манжет ва ҳ.к.ни биректириш	Букиш зийидан баҳиятаторгача 1..2, баҳиятатордан деталь қирқимигача 5...7.
Күйлаклар гурхини	Борт, ёқа, манжетларни улаш, планкаларни бостириб тикиш, юбка юқорисидаги белбог қирқимини бостириб тикиш Белбог қисмларини улаш, деталь четига - бейка бостириб тикиш	Шунинг ўзи
Эрқаклар күйлажи, ёстиқ жилди, аёллар туалети	Борт, ёқа, манжетларни улаш	Шунинг ўзи


Қўйма чоклар учун техник талаблар 13-жадвалда келтирилган.

Ички чоклар (115-расм) ич кийимлар, маҳсус кийимлар ва астарсиз костюмлар тикишда ишлатилади. Тайёр чокнинг эни 0,6-0,7 см. Бичиш пайтида чок учун: устки деталь томондан тайёр ҳолдаги чок энича, остки деталь томондан тайёр ҳолдаги чок энига 0,2-0,3 см қўшилган кенглигда қўйим қолдирилади.

Бундай чокни тикиш учун икки деталь ўнгини ичкарига қилиб қўйилади, остки деталнинг қирқими тайёр ҳолдаги чок энига 0,2 см қўшилган масофача чиқарилади, остки детальнинг шу ошиқчаси устки деталнинг қирқими устига қайрилади ва қирқимдан 0,1-0,2 см ичкаридан биректириб тикилади. Сўнгра деталлар икки томонга ёйилади, чок




113-расм. Деталь бурчакларини биректирма чок билан ишлаш.



114-расм. Туташтирма чок

кичик қирқимни беркитадиган қилиб қайрилади ва шу қайрилган четидан 0,1-0,2 см масофада иккинчи баҳяқатор юритилади (121-расм, б). Ички чок учун техник шарттар 15-жадвалда көлтирилган.

Қүш чок (116-расм) ич кийимлар, чойшаблар, шунингдек ип газламадан снгил болалар кийими тикишда (қирқимларни ишлаш учун маxсус машиналар бүлмаган ҳолларда) ишлатилади. Бундай чокни тикиш учун деталлар олдин тескарисини ичкарига қилиб қўйилади ва 0,3-0,4 см ичкаридан бириктирма чок билан тикилади, сўнгра тикилган деталлар ағдарилиб, ўнгини ичкарига қаратиб



115-расм. Бир игнали машинада тикилган ички чок

қўйилади, чок тўғриланади ҳамда деталлар четидан 0,5-0,7 см ичкаридан иккинчи баҳяқатор юритилади.

Кўш чок тикиш учун техник шартлар 16-жадвалда келтирилган.


14-жадвал. Туташтирма чок учун техник шартлар (ОСТ 17-835-80)

Чокларнинг хили ва тикувчилик буюмлари гуруҳи	Асосий технологик опе- рациялар	Чок параметрлари, мм
Туташтирма чок Уст кийимлар Корсет буюм- лар	Деталларни ва авра билан ас- тарни (остки ёқани, борт қотирмаларни) улаш, безак газлама бўлагини улаш Деталларнинг ишлов берилган четларини бириктириш Бюсгалтер деталларини бириктириб тикиш	Синик баҳяқатор эни 5; ба- ҳяқатордан деталлар бириктириладиган жойгача 5..7; газлама бўлигининг эни—моделга кўра Деталлар оралиги 3...5 Баҳяқатор эни 4...6


15 - жадвал . Ички чок учун техник шартлар (ОСТ 17-835-80)

Чокларнинг хили ва тикувчилик бу- юмлари гуруҳи	Асосий технологик операциялар	Чок параметрлари, мм
Ички чок Уст кийим	Деталларни бириктириш	Баҳяқаторлар оралиги 4...10; букиш ба- ҳяқаторигача бўлган масо- фа 1...2
Пальто, костюм		
Кўйлаклар, ич кийим, эрраклар кўйлаги, корсет буюмлар	Деталларни бириктириш, бўлакларни бостириб тикиш	Баҳяқаторлар оралиги 3...7; букиш зийидан ба- ҳяқаторгача бўлган масо- фа 1...2

Қулф чокнинг тузилиши ички чокнига ўхшайди. Ун-
дан фарқи шуки, икки баҳяқатор деталнинг иккала-
тмонидан кўринниб туради. Бундай чок икки игнали машина-
да тикилади. У ич кийим, чойшаблар ҳамда бъязи маҳсус бу-
юмлар тикишда ишлатилади. “Қулф” чок тикиш учун
техник шартлар 17- жадвалда келтирилган. *



116-расм. Құш чок



117-расм. "Қулф" чок

16-жадвал. Құш чок учун техник шартлар (ОСТ 17-834-80)

Чок хиллари ва тикувчилик буюмлари гурухы	Асосий технологик операциялар	Чок параметри, мм
Құш чок Үст кийим Пальто, костюм	Чүнтак астарини бириктириб тикиш, астарлы ва астарсиз буюмлар деталларини улаш	Кирқимдан биринчи ба-хяқаторгача 3...5; деталь четидан иккінчи ба-хяқаторгача 5...7
Күйлаклар	Ёқа, манжет каби деталларни бостириб тикиш, чүнтакларни бостириб тикиш	-----
Ич кийимлар, Ёстиқжайлары деталларини улаш		
Корсет буюм- лар	Бюсгалтер қирқимларини бостириб тикиш	-----

17-жадвал. Қулф чок учун техник шартлар (ОСТ 17-835-80)

Чок хиллари ва тикувчилик буюмлари гурухы	Асосий технологик опе- рациялар	Чок параметри, мм
Иккى иғнали машинада тикилған "Қулф чок"		Бахяқаторлар оралиғи 4...7; букилған зийидан ба-хяқаторгача 1..2. Усти деталь чоки эни остықи деталь чоки энига тенг бўлиши керак
Үст кийим (астарсиз), куйлак, эркаклар куй- лаги,ич кийимлар,корсет буюмлар	Деталларни бириктириш	

20-§. ЗИЙ ЧОКЛАР

Зий чоклар ёқа, ёқа ўмизи, бортлар, енг ва енг ўмизи ва ҳоказоларни ишлашда дсталларнинг қирқимларини титилишдан асраш ҳамда безаш мағсадида ишлатилади. Зий чокларга бўкма чок ва мағиз чоклар киради (118-расм).


Бортлар, ёқалар, чўнтак қопқоқлари, хлястиклар, манжетларнинг четларини, енгларнинг учларини ишлашда ва бошқа жойларда ҳам бириктирма чоклар ишлатилади. Деталлар улангандан, яъни бириктирилгандан сўнг детални ўнгига ағдариш операцияси бажарилади. Бу ҳолларда икки детални чокларини четда жойлаштириб улаш операцияси “деталь четларини ағдарма чоклаш” деб аталади.

Ағдарма чок солиш учун икки деталь ўнгини ичкарига қаратиб қўйилади, қирқимлари текисланади ва четидан 0,5-0,7 см масофада баҳияқатор юритилади. Сўнгра чок ҳақининг ортиқчаси қирқилиб, деталлар ўнгига ағдарилади, бир деталь зийини иккинчи деталь зийидан 0,1-0,3 см чиқариб кант (119-расм, а, б; 120-расм) ёки эни 0,4-0,6 см ли рамка (121-расм, а, б— 122-расм, аб) ҳосил қилиб, ё бўлмаса, чокни деталь зийига аниқ келтириб (123-расм, а, б) зий текисланади ёки кўкланади. Баъзи ҳолларда чок безак баҳияқатор билан пухталанади (124-расм, а, б).

Чўнтакларни ишлашда мураккаб рамкали ағдарма чоклаш усули қўлланилади. Бундай чокни тикиш учун асосий деталнинг ўнгига мағиз ўнгини пастга қаратиб қўйилади, унинг четлари чўнтакнинг белгиланган чизиқларига тўғриланади ва бириктириб уланади. Чокнинг эни 0,4-0,6 см.

Чок икки томонга ётқизилади, ағдарма чокнинг қирқими дазмолланади, мағиз ўнгига ағдарилади, шунда рамка ҳосил бўлади. У мағиз тикилган чокка тикилади ёки асосий детални қайриб, ички томондан тикилади. Рамканинг эни 0,4-0,6 см.

Машинага ағдарма чоклаш операциясини бажардиган маҳсус мослама қўшиб берилган бўлса, ағдарма чокни кант ёки мағиз билан бирга тикиб кетса ҳам бўлади. Рамкали ағдарма чокни битта баҳияқатор билан бажариш ҳам мумкин (125-расм, а, б). Бунинг учун ағдарма чоклаш керак бўлган деталь тескарисига 1-1,5 см қайрилиб ёки икки бувланиб, белгиланган чизиқ бўйича асосий дсталларнинг ўнгига бувлangan зийни қирқимдан қарама-қаршига қаратиб қўйилади ва бувлangan зийидан моделда кўзда тутилган масофада



118-расм. Некін чок

20-§. ЗИЙ ЧОКЛАР

Зий чоклар ёقا, ёқа ўмизи, бортлар, енг ва енг ўмизи ва ҳоказоларни ишлашда дсталларнинг қирқимларини титилишдан асраш ҳамда безаш мақсадида ишлатилади. Зий чокларга бўкма чок ва мағиз чоклар киради (118-расм).


Бортлар, ёқалар, чўнтақ қопқоқлари, хлястиклар, манжетларнинг четларини, енгларнинг учларини ишлашда ва бошқа жойларда ҳам бириктирма чоклар ишлатилади. Деталлар улангандан, яъни бириктирилгандан сўнг детални ўнгига ағдариш операцияси бажарилади. Бу ҳолларда икки детални чокларини четда жойлаштириб улаш операцияси “деталь четларини ағдарма чоклаш” деб аталади.

Ағдарма чок солиш учун икки деталь ўнгини ичкарига қаратиб қўйилади, қирқимлари текисланади ва четидан 0,5-0,7 см масофада баҳиятатор юритилади. Сўнгра чок ҳақининг ортиқчаси қирқилиб, деталлар ўнгига ағдарилади, бир деталь зийини иккинчи деталь зийидан 0,1-0,3 см чиқариб кант (119-расм, а, б; 120-расм) ёки эни 0,4-0,6 см ли рамка (121-расм, а, б— 122-расм, аб) ҳосил қилиб, ё бўлмаса, чокни деталь зийига аниқ келтириб (123-расм, а, б) зий текисланади ёки кўкланади. Баъзи ҳолларда чок безак баҳиятатор билан пухталанади (124-расм, а, б).


Чўнтақларни ишлашда мураккаб рамкали ағдарма чоклаш усули қўлланилади. Бундай чокни тикиш учун асосий деталнинг ўнгига мағиз ўнгини пастга қаратиб қўйилади, унинг четлари чўнтақнинг белгиланган чизиқларига тўғриланади ва бириктириб уланади. Чокнинг эни 0,4-0,6 см.

Чок икки томонга ётқизилади, ағдарма чокнинг қирқими дазмолланади, мағиз ўнгига ағдарилади, шунда рамка ҳосил бўлади. У мағиз тикилган чокка тикилади ёки асосий детални қайриб, ички томондан тикилади. Рамканинг эни 0,4-0,6 см.

Машинага ағдарма чоклаш операциясини бажарадиган маҳсус мослама қўшиб берилган бўлса, ағдарма чокни кант ёки мағиз билан бирга тикиб кетса ҳам бўлади. Рамкали ағдарма чокни битта баҳиятатор билан бажариш ҳам мумкин (125-расм, а, б). Бунинг учун ағдарма чоклаш керак бўлган деталь тескарисига 1-1,5 см қайрилиб ёки икки буқланниб, белгиланган чизиқ бўйича асосий деталнинг ўнгига буқланган зийни қирқимдан қарама-қаршига қаратиб қўйилади ва буқланган зийдан моделда кўзда тутилган масофада




118-расм. Ички чок




119-расм. Пастки деталдан кант
хосил қилиб ағдарма чок тикиш

120-расм. Устки деталдан кант
хосил қилиб ағдарма чок солиши




121-расм. Деталь ўнгидан ба-
хяқатор юритиб пухталанган му-
раккаб рамка

122-расм. Деталь тескарисидан
баҳяқатор юритиб пухталанган
мураккаб рамка




123-расм. Деталь зийига түрги
келадынган ағдарма чокни тикиш


124-расм. Безак баҳяқаторли
ағдарма чокни тикиш



125-расм. Икки букланган ағдарма чок



126-расм. Бұқма чок



тиклиади, шундан сүнг магиз қирқимлари асосий деталнинг тескарисига қайрилади. Бу усул ағдарма чокли петля ва چүнтакларни ишлашда құлланилади.

Ағдарма чок учун техник шартлар 18-жадвалда көлтирилген.

Бұқма чок очиқ ва берк қирқимлы бұлади. Очиқ қирқимли бұқма чок адипнинг ички четларини, ёқа үмизи, енг үмизи, этак ва енг учларининг магизларини, шунингдек енгил кийимдаги безак деталлар (воланлар, құйма бурмалар, рюшлар) четини ишлашда құлланилади. Деталнинг қирқими, тескарисига 0,5-0,7 см букилади, букилган зайдан 0,1-0,3 см масофада баһяқатор юритилади (126-расм) ёки 0,2-0,4 см кенгликда маҳсус машинада тикилади.


18 - жадвал. Ағдарма чок учун техник шартлар (ОСТ 17-835-80)

Чок хиллари ва тикувчилик бүйімлари гүрухы	Асосий технологик операциялар	Чок параметрлари, мм
Ағдарма чок Уст кийим Пальто, костюмлар гүрухы. Күйлаклари гүрухы	Ёқа, манжет, бортлар, қопқоқлар, белборлар, енг учини букиб тикиш Ёқа, манжет, борт, қопқоқ, белбор, ёқа үйіри, үмиз, енг учини ва ҳ.к. ни букиб тикиш	3....7 5....7


Қўйма бурмалар, воланлар, рюшлар, ёқалар ва бошқа деталларни махсус машинада букиб тикишда чокнинг эни 0,2-0,7 см бўлиши керак. Кўп қаватли газламалардан тикиладиган буюмларда ёқа, борт ва этак бетларини ишлашда чокнинг эни моделга боғлиқ бўлади (127-расм). Енгил кийим этагини ва енг учини ишлашда қирқимлар олдин махсус машинада йўрмаб олинади (128-расм).

Титилмайдиган газламалардан тикиладиган кийимларнинг этаги ва енг уни қирқимини олдин йўрмаб олиб ёки йўрмасдан яширин баҳали махсус машинада букиб тикилади (129-расм, а, б).



Берк қирқимли букма чок (130-расм, а, б) шойи ва ип газламадан тикиладиган кўйлаклар, блузкалар этагини, енглар учини букиб ишлаш учун қўлланилади. Деталнинг қирқими




127-расм. Қават газламалардан тикиладиган кийимлардаги букма чок: а-ўнгидан кўриниши, б-тескарисидан кўриниши



128-расм. Қирқимлари йўрмалган букма чок



129-расм. Яширин қавиқли машинада тикилган букма чок




130-расм .Берк қирқимли букма чок

тескарисига 0,7-1 см букилади, сүнгра моделда күрсатилган кенгликда яна букилади ва букилган зийидан 0,1-0,2 см ма-софада бириктириш машинасида қайириб баҳяқатор юритилади ёки ғаширин баҳяли махсус машинада, ё бўлмаса, синиқ баҳяли машинада тикилади (131-расм). Юпқа газла-малардан тикиладиган блузка ва кўйлакларнинг этаги мах-сус мослама бўлмаган ҳолларда энсиз чок билан иккита ба-ҳяқатор юритиб ишланади (132-расм). Букма чокни деталь қирқимига мағиз қўйиб тикиш ҳам мумкин (133-расм, а, б).


Букма чок учун техник шартлар 19-жадвалда келти-рилган.

Мағиз чокларнинг очиқ қирқимли, берк қирқимли ва жиякли хиллари бор.

Очиқ қирқимли мағиз чок (134-расм, а, б) уст кийим, ма-салан, юбка этагини, шим почасини титилишдан асраш ва қирқимларини безаш учун ишлатилади. Йўрма қирқимли мағиз чок енгил кийим тикишда, чунончи, енг ва ёқа




131-расм. Синиқ баҳяқаторли машинада тикилган берк қирқимли букма чок




132-расм. Қи ўш баҳяли букма чок

19 - жадвал. Букма чок учун техник шартдар (ОСТ 17-835-80)


Чок хиллари ва тикувчилек буюмлари гурухи	Асосий технологик операциялар	Чок параметрлари, мм
Очиқ қирқимли букма чок. Пальто, костюм гурухи	Кийим этаги ва енг учини букиб тикиш	Букиш зийидан баҳяқатор- гача—моделга кўра; қир- қимдан баҳяқаторгача 3....5
	Адиплар, ёқа ўмизи, енг учини ва ҳ.к. букиб тикиш	Букиш зийидан баҳяқатор- гача 1....3; синиқ баҳяқатор- гача 2....7; қирқимдан ба- ҳяқаторгача 5....7
Кўйлаклар.	Адиплар, ёқа ўмизи, енг учини ва ҳ.к. букиб тикиш	Шунинг ўзи
Эркаклар кўй- лаги, ич кийим, корсет буюмлар	Корсет буюмлар ва енг уч- ларини букиб тикиш	Букиш зийидан баҳяқатор- гача—моделга кўра; қир- қимдан баҳяқаторгача 3....7
Берк қирқимли букма чок Уст кийим. Пальто, костюм гурухи	Деталлар четини, буюмлар, енг ва астарларни этагини букиб тикиш	Букиш зийидан ички букиш зийигача—моделга кўра; ички букиш зийи эни 5....7
	Астарсиз буюмларда борт ички қирқимларини букиб тикиш	Букиш зийидан ички букиш зийигача 4....5; ички букиш эни 3....4
	Бортости қирқими, ўмизни, ўйма бурма ва ҳ.к. ни букиб тикиш	Мос равишда 3....5; 3....4
Эркаклар кўй- лаги ва ич кийимлар	Деталлар четини, ён чок- лари кесиклар кўйлаклар этагини букиб тикиш	Мос равишда 3....5; 2....4
	Ён чоклари кесимсиз кўй- лаклар этагини, манжетсиз енг учларини, аёллар кўй- лагининг юқори четларини букиб тикиш	Деталнинг букиш зийидан ички қайириш жойигача— моделга кўра; ички букик эни 5....7
	Чойшаблар четини букиб тикиш	Мос равишда 7....10, 5....7
	Боричли, запонкали жилдларини букиб тикиш	Мос равишда 7....8, 3....6
	Ёстиқ жилдларининг очиқ четини букиб тикиш петля томондан, шунингдек за- понкали	Букиш зийидан ички букиш зийигача 35 20
	"—" тутмачали	ички букиш зийи эни 4....7
Корсет буюм- лари	Деталь четларини букиб тикиш	Мос равишда моделга кўра 3....5



133-расм. Кирқимларига магиз қўйилган букма чок:
а-ўнгидан кўриниши, б-гескаридан кўриниши



134-расм. Очик қирқимли
магиз чок




135-расм. Йўрмалган қирқимли
магиз чок


ўмизларини, қоплама чўнтакларнинг четларини ишлашда қўлланилади (135- расм).

Асосий деталнинг ўнгига газламанинг кўндаланг ёки бўйлама или бўйича қия йўналишда бичилган, эни 2-2,5 см ли газлама бўлаги ўнгини ичкарига қилиб қўйилади, асосий деталь билан газлама бўлаги қирқимлари бир-бирига текисланади ва чистидан 0,3-0,4 см ичкаридан баҳяқатор юритилади. Сўнгра чок қирқимларини газлама бўлаги билан айлантириб ўраб чок энига тенг кант ҳосил қилинади. Кант газлама бўлагини улаш чокига ёки ундан 0,1 см ичкаридан машинада тикиб пухталанади.

Берк қирқимли магиз чок маҳсус мосламали машинада тикилади (136-расм). Мослама қирқимларини ичкарига букиб уланадиган газлама бўлаги асосий деталь қирқимини пухта қамрашига имкон беради. Бундай чок битта баҳяқатор билан тикилади. Агар маҳсус мослама бўлмаса, бу чок иккита баҳяқатор билан тикилади (137- расм, а, б). Магиз




136-расм. Бир баҳияқаторли маҳсус мосламани машинада тикилган берк қирқимли мағиз чок




137-расм. Икки баҳияқаторли машинада маҳсус мосламасиз тикилган берк қирқимли мағиз чок

асосий деталь тескарисига ўнгини ичкарига қилип қўйилади, қирқимлари текисланаб, уланади. Тикилган бўлак деталнинг ўнгига ағдарилади ва чок беркитилади. Бўлакнинг қирқимини ичкарига букиб (букилган чети шу бўлакни улаш баҳясини беркитиши лозим), бўлакнинг букилган зийидан 0,1 см масофада машинада бостириб тикилади.


Деталларнинг тўғри қирқимларини ишлашда берк қирқимли мағиз чок баъзан битта баҳияқатор билан тикилади, лекин бундан олдин бўлак қирқимларини дазмоллаб қайриб олиш керак (138-расм, а, б). Мағизчиқариш учун олинадиган газлама бўлагининг эни 2,0-2,5 см бўлиши лозим (бу тайёр чок энини 4 га кўпайтирилганига тенг). Бўйлама қирқимлар тескари томонга 0,5 см букилади ва дазмоллаб қотирилади. Сўнгра газлама бўлаги узунлиги бўйича шундай букиладики, пастки дазмоллаб қайрилган




138-расм. Газлама бўлакларини олдиндан дазмоллаб қайриб бир баҳияқаторли машинада тикилган берк қирқимли мағиз чок.



139-расм. Икки букиланган бўлакли, берк қирқимли мағиз чок



140-расм. Деталь чёт-
ларини бейка билан ишлаш



141-расм. Махсус жияк билан
магиз қўйиш

зийи, устки четидан 0,1-0,2 см чиқиб турадиган бўлсин. Шуудан кейин дазмоллаб ётқизилади. Дазмоллаб қайрилган бўлак ичига асосий деталь қирқимини қўйиб (шунда бўлакнинг дазмоллаб қайрилган кичик зийи юқорида қоладиган бўлсин), бўлакнинг ўнгидан букилган зийидан 0,1 см ичкаридан тикилади.

Берк қирқимли магиз чок икки буқланган бўлак билан ишланishi ҳам мумкин (139-расм, а, б). Бундай чок ёقا ва енг ўмизларини ишлашда ҳамда безак чок сифатида ишлатилади. Эни 3-3,5 см ли газлама булаги (тайёр ҳолдаги магиз чокнинг олтига кўпайтирилган эни плюс 0,5-0,7 см) тескарисини ичкари қилиб қўйилади, дазмоллаб ётқизилади, асосий деталнинг ўнгига қўйилади, қирқимлари текисланади ва магизнинг эни қанча булишига қараб қирқимлар четидан 0,3-0,5 см масофада уланади.

Тикилган газлама булаги чок қирқимларини ёпадиган қилиб қайрилса, эни бўлакнинг улаш чокига тенг кант ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган кантни пухталаш учун ўнгидан бўлакни улаш чокига тушириб, иккинчи баҳяқатор билан тикилади.

Магиз чоклар учун техник шартлар 20-жадвалда келтирилган.

Деталларнинг четини бейка билан ишлашда магиз бўлаги асосий деталь тескарисига қўйиб уланади (140-расм, а, б).

Енгил кийим тикишда, масалан, жун газламадан тикиладиган кийимларнинг чок қирқимларини ишлашда маҳсус жияк билан магиз чок ҳосил қилиш кенг қўйланилади (141-расм). Жияк узунасига шундай қўйиладики, унинг пастки чети устки четига нисбатан 0,1-0,2 см чиқиб туради ва шу ҳолатда дазмоллаб ётқизилади. Магиз қўйилиши керак бўлган деталь қирқими тайёрланган жияк ичига киритилади ва жиякнинг устки чети бўйича 0,1 см ичкаридан баҳяқатор юритилади, бунда жиякнинг иккинчи чети баҳяқатор тагида қолиши шарт.

20 - жадвал. Магиз чок учун техник шартлар (ОСТ 17-835-80)

Чоклар хили	Асосий технологик операциялар	Чок параметри, мм
Очиқ қирқимли магиз чок Берк қирқимли магиз чок	Деталлар қирқимида тасма лента билан магиз чиқариб тикиш Деталлар қирқимига магиз қўйиб тикиш	Магиз эни моделга кўра; магиз чокдан магиз баҳяқаторгача 3...7
		Магиз эни моделга кўра; Магиз чокдан баҳяқаторгача 1....3


21-§. БЕЗАК ЧОКЛАР

Безак чоклар бўрттирма чоклардан, шнур қўйиб бўрттирилган чоклардан ва тахламалардан иборат.

Бўрттирма чок

Майдат тахламачалар блузка ва кўйлакларда безак сифатида ишлатилади. Газлама қалинлигига қараб тахламачалар эни 0,1...0,3 см олинди. Маҳсус мосламаёт ёрдамида букма (143-расм) ва босма (144-расм) тахламачалар ҳосил қилинади. Букма тахламалар маҳсус мосламали, икки иғнали, уч ипли, ясси чокли машинада бажарилиши мумкин.

Шнур қўйиб бўрттирилган чоклар (145-147-расм) уст ва енгил кийимда безак сифатида ишлатилади. Бундай чоклар маҳсус машинада тикилиши мумкин (146-расм). Маҳсус машина бўлмаганда, уни оддий машинада маҳсус бир шохли тепки ёки тагида ариқчаси бор тепки ёрдамида бажариш мумкин. Асосий деталь тескарисига асосий газламадан қирқиб олинган бўлак қўйилади ўнгидан белгиланган чизиқ бўйича баҳяқатор юритилади. Сунгра уларнинг орасига шнур қўйиб, шнурнинг ёнгинасидан




142-расм. Бәзак чоклар хилі.

М ағизли бириктирма чок (150-расм) форма кийимларини тикишда құлланилади. Бу чокни тикиш учун газлама бұлаги ўнгини ичкарига қилиб таҳланади, асосий деталнинг бири устига қойилади, иккінчи асосий деталь билан беркитилади, қирқимлари түғриланади ва четидан техник шартларда күрсатылған масофа қолдириб, махсус машинада тикилади.


Чок қирқимлари дазмолланади. Махсус мослама бұлмаса, икки букланған газлама бұлаги олдин битта деталнинг ўнгига тикилади. Кейин иккала асосий деталь ўнгини ичкарига қилиб букланади ва газлама бұлагига чок тушириб бериктириледи (151-расм).

Мағизли қўйма чок махсус мослама ёрдамида оддий қўйма чок каби бажарилади, бунда фақат иккита бириктирилётган деталь орасига газлама бұлаги моделда күрсатылған миқдорда мағиз чиқарып қўйиб кетилади (152-расм). Махсус мослама бұлмаса, икки букланған газлама бұлаги олдин ички деталга тикилади (букиш чизиги масофасида) ва дазмолланған букилған иккинчи детални қўйиб, моделда күрсатылған масофада мағиз чиқарып тикилади (153-расм).


М ағизли ағдарма чок (154-расм) ҳам худди бириктирма чок каби тикилади, фақат бириктирма чокда деталлар бириктирилгандан сұнг (қирқимларни очиб) дазмолланади, ағдарма чокда эса мағизни қирқимга жойлаб деталлар ўнгига ағдарылып тикилади. Бу чок махсус мослама ёрдамида ёки усиз бажарилади (155-расм).




150-расм. **Мағиз чоклы . баҳяқатор**




151-расм. **Икки баҳяқаторлы мағиз чок.**




152-расм. Бир баҳиятторли магиз қўйилган қўйма чок.



153-расм. Икки баҳиятторли магиз қўйилган қўйма чок.



154-расм. Магизли ағдарма чок.




155-расм. Икки баҳиятторли магиз қўйилган ағдарма чок.

Тахламалар. Тахламалар витачканинг бир тури ҳисобланади (156- расм). Киши бемалол ҳаракатланиши ва кийим белда яхши ёпишиб туриши, шунингдек кийимни кўркамлаштириш учун тахламалар кийимнинг асосий деталларида лойиҳаланади. Улар бир ёқлама, рўпара, икки ёқлама, бутун бўйига тикилган, тўғри ва мураккаб бўлади.

Бир ёқлама тахламалари нигарчанинг барча букилган зийлари кийим ўнгидаги бир томонга, тескарисида эса бошқа томонга йўналган бўлади. Ҳар бир тахлама тескариси томондан учта чизиқ - ўрта чизиқ (ички букиш чизиги), ён чизиқ (ташқи букиш чизиги) ва тикиш охирини белгилайдиган чизиқ билан белгиланади. Тахламаларнинг чуқурлиги моделга қараб ҳар хил олинади. Агар битта деталда битта тахлама бўлса, унинг чуқурлиги 4-8 см бўлиши мумкин. Агар деталда тахламалар бир нечта бўлса, улар 2.. .3 см чуқурликда лойиҳаланади. Деталларни биҷишида тахламалар учун уларнинг чуқурлигидан икки марта катта қўйим қолдирилади. Масалан, тахламанинг чуқурлиги 2 см бўлса, 4 см қўйим қолдирилиши керак.

Деталь белгиланган ўрта чизиқ бўйича ўнгини ичкарига қилиб қайрилади ва маҳсус 222 кл. ПМЗ машинасида ён



156-расм. Тахламаларни ишлаш.

чизиқ бүйича йирик баҳяқатор билан (1 см да 2...3 баҳя) ёки құлда 1...2 см узунлукдаги қавиқ билан күккаб олинади. Сұнгра машинада бириктириб тикилади. Баҳяқатор күндаланғ йұналишда түғри ёки оввал чизиқ тарзда тутатылади (156-расм, а) Шундан кейин деталь столстырга үнгіни пастта қаратып құйилади. Баҳяқатор юритилған жойдаги күккаш иплари сұқиб ташланади; мөделге мувоғиқ тахлама бир томонға букилади ва дазмоллаб қотирилади. Тахлама үнгидан модельда күзде тутилған масо-

фада безак баҳяқатор билан безалиши мумкин. Безак баҳяқатор маҳсус йўналтиргич ёрдамида туширилади.

Безак баҳяқатор мавжуд бўлганда тахламанинг чети ўнгида очиқ бўлиши мумкин. Бу ҳолда тахлама белгиланган чизиқ бўйича тескарисидан кўкланади, бир томонга букиб кўкланади, дазмолланади ва ўнгига безак баҳяқатор туширилади. Тахлама ўнгидаги кўклаш иплари сўкиб ташланади ва тахламанинг орқасига дазмол-мато қўйиб дазмолланади.

Бир ёқлама тахлама икки бўлакдан иборат деталда ҳам ишланиши мумкин (156-расм, б). Бу ҳолда бир томонли тахлама биритиравчи тахлама вазифасини ҳам ўтайди. Деталь қисмларидан бирига тескари томондан қўшимча андаза ёки чизғич бўйича ён чизиқ (ташқи букиш чизиги) ва баҳяқатор охирини билдирадиган чизиқ туширилади. Деталнинг икки қисми ўнгини ичкарита қаратиб қўйилади, қирқимлари текисланади, белгиланган чизиқ бўйлаб бутун узуналиги бўйича кўкланади ва биритириб тикилади. Баҳяқатор тахламага қолдирилган қўйимга кўндаланг қилиб тұхтатилади. Тахламага қолдирилган қўйим четлари уст кийим учун қирқимлардан 1,0 см ва енгил кийим учун 1,2-1,5 см ичкаридан биритириб тикилади. Сўнгра маҳсус 51А кл. ПМЗ машинасида йўрмалади. Агар маҳсус 408-АМ РЗЛМ ёки 508 кл. МРЗЛМ машиналари бор бўлса, тикиш билан бир пайтда қирқимлар йўрмаб ҳам кетилади. Деталь столга ўнгини пастга қилиб қўйилади, тахлама тикилган жойлардаги кўклаш иплари сўкиб ташланади, лекин тахламалар очиладиган жойлардаги кўклаш иплари қолдирилади. Тахламага қолдирилган қўйим бир томонга қайрилади, букиб кўкланади ва тескарисига дазмолмато қўйиб дазмолланади.

Чети қайирма очиқ тахламада безак баҳяқатор бўлса, иш тартиби ўзгаради. Тахлама маҳсус машинада ёки қўлда кўкланади. Тахламага қолдирилган қўйим бир томонга букиб кўкланади ва дазмолланади. Безак баҳяқатор тахламанинг ўнг томонидан йўналтирувчи чизғич ёрдамида модельда кўзда тутилган масофада тикилади. Тахламага қолдирилган қўйим қирқимлари биритириб тикилади ва йўрмалади. Безак баҳяқатор юритилган жойдаги кўклаш ва йўрмаш иплари сўкиб ташланади, тахлама дазмолланади.

Рўпара тахламалар — ўнгидаги тахламалари бир-бираға қараб, тескарисидагиси эса қарама-қарши томонга йўналган тахламалардир (156-расм, в). Рўпара тахлама тескарисидан учта чизиқ — ўрта чизиқ, ён чизиқ (ташқи букиш чизиги) ва тикиш охирини белгилайдиган чизиқ

билин белгиланади. Тахламаларнинг чуқурлиги моделга боғлиқ. Деталларни бичища тахламага қўйим қолдирилади, қўйимнинг эни бир тахлама чуқурлигини тўртта кўпайтирилганига тенг. Масалан, агар бир тахламанинг чуқурлиги 3 см бўлса, бичиш пайтида тахлама учун 3 см \times 4 – 12 см қўйим қолдирилиши лозим.

Рўпара тахлама ҳосил қилиш учун деталь белгиланган ўрга чизиқ бўйича ўнгини ичкарига қилиб қайрилади ва ён чизиқ бўйича устки или бўшроқ тикув машинасида йирик баҳяқатор (1 см да 2...3 баҳя) билан, 882 кл. ПМЗ маркали зий кўклаш машинасида ёки кўлда 1...2 см узунликдаги сирма қавиқ билан кўкланиб, сўнгра бириктириб тикилади. Тикилган жойдаги кўклаш иплари сўқиб ташланади, аммо тахламалар очиладиган жойдаги кўклаш иплари қолдирилади. Деталь стол устига ўнгини пастга қилиб қўйилади, тахламага қолдирилган қўйим тахламани тикиш баҳяқаторининг икки томонига ёриб кўкланади (белгиланган ўрга чизиқ тикиш чоқида аниқ, ётиши керак) ва дазмолланади. Кийиш пайтида тахламаларнинг букилари сурилиб кетмаслиги, шунингдек пухталик учун тахламага қолдирилган қўйимларни тескари томондан тахламани тикиш баҳяқатори олдидан ўтадиган баҳяқатор билан ёки ўнгидан тахлама қўйимига кўндаланг йўналишда бутун эни бўйича ўтадиган баҳяқатор билан пухталаш тавсия қилинади (156- расм, г). Тахлама ўнг томондан (бириктириш чоқининг чап ва ўнг томонларидан) моделда кўзда тутилган масофада безак баҳяқаторлар билан безалиши мумкин (156- расм, д). Безак баҳяқатор маҳсус чизғич ёрдамида туширилади.

Безак баҳяқатор мавжуд бўлганда тахлама четлари ўнг томондан очиқ бўлиши мумкин. Бу ҳолда тахлама тескари томондан белгиланган чизиқ бўйича кўкланади, икки томонга ёриб кўкланади, дазмолланади ва моделда кўзда тутилган масофада ўнгидан безак баҳяқатор билан тикилади. Кўклаш иплари сўқиб ташланади, аммо тахламалар очиладиган жойдаги кўклаш иплари қолдирилади. Тахлама тескарисидан дазмолмато орқали яна бир марта дазмолланади.

Рўпара тахлама айни вақтда бириктириш тахламаси вазифасини ҳам ўташи мумкин (156- расм, е). Бу ҳолда ишловда учта деталь: иккита асосий, яъни бир деталнинг бўлаклари ва учинчи деталь — асосий материалдан тайёрланган бўлак иштирок этади. Бўлакнинг эни бичиқдаги тахламага қолдирилган қўйимдан икки марта катта олинади. Ма-

салан, агар тахлама қўйимининг эни 4 см бўлса, булакнинг эни 8 см бўлиши керак.

Бундай тахламани ишлаш учун асосий деталь бўлакларидан бирининг тескари томонига қўшимча андаза ёки чизгич бўйича ён чизиқ (ташқи букиш чизиги) ва тикиш охирини билдирадиган чизиқ белгилаб олинади. Асосий деталининг икки бўлаги ўнгини ичкарига қилиб қўйилади, қирқимлари текисланади, белгиланган чизиқ бўйича деталининг бутун узунлиги бўйлаб кўкланади ва белгиланган кўндаланг чизиққача бириктириб тикилади. Ипнинг уни қўш баҳяқатор ёки тугун билан пухталанади. Тикилган жойлардаги кўклаш иплари сўкиб ташланади, бироқ бурмалар очиладиган жойдагиси қолдирилади. Деталь бўлаклари уланган чоклар ёриб дазмолланади. Ёриб дазмолланган чока учинчи деталь — асосий материалдан қирқиб олинган бўлак ўнгини ичкарига қилиб қўйилади, у асосий деталь белгиланган чизиқ бўйича кўклаб уланади ва шу чизиқ бўйича асосий деталь томондан, тахламани тикиш тутаган жойдан бошлаб тикилади. Сўнгра тахламанинг ички қирқимлари (тахламалари) бириктириб тикилади. Чокнинг эни 1,2—1,5 см. Чок қирқимлари маҳсус машинада йўрмалади. Агар маҳсус машиналар бўлса, тикиш билан бир пайтда қирқимларнинг четлари йўрмаб ҳам кетилади. Тахламаларнинг четига моделда кўзда тутилган масофада безак баҳяқатор туширилади.

Четлари очиладиган рўпара бириктириш тахламасида бе-зак баҳяқатор бўлса, иш тартиби ўзгаради.

Асосий деталь бўлакларида ташқи букиш чизиги, учинчи (қўшимча) деталда ўрта чизиқ белгилаб олинади. Асосий деталь бўлакларида тахламага қолдирилган қўйимлар белгиланган чизиқ бўйича тескарисига қайрилади, дазмолланади, сўнгра асосий деталь қўшимча деталга букигини белгиланган ўрта чизиққа түғрилаб қўйилади, бостириб кўкланади ва моделда кўзда тутилган масофада бостириб тикилади. Шундан кейин тескари томондан тахламага қолдирилган қўйимларнинг қирқимлари бириктириб тикилади ва маҳсус машинада йўрмалади ёки айни вақтда ҳам тикиб, ҳам йўрмаб кетилади.

Газламани тежаш мақсадида қўшимча детални тахламанинг бутун узунлиги бўйича эмас, фақат тахлама бириктириб тикилмайдиган жойга етадиган қилиб бичиш мумкин (156-расм, ж). Бу ҳолда қўшимча деталнинг юқори қирқими маҳсус машинада йўрмалади, сўнгра тахламага қолдирилган қўйим қирқимларига кўклаб уланади ва тикилади. Чокнинг эни 1,2 . . 1,5 см. Шундан кейин


құшымча детални улаш чокларининг қирқимлари йўрмалади, айни вақтда асосий деталь булакларини улаш чоклари ҳам йўрмаб кетилади.

Икки ёқлама тахламалар рўпара тахламанинг тескари томонига ёки иккита бир ёқлама тахламага ўхшайди, лекин тахламалари ўнг томонда қарама-қарши томонга йўналиб, “бант” ҳосил қиласи (156- расм, з). Икки ёқлама тахламалар, рўпара тахламалар каби, битта деталдан, лекин фақат ўнг томондан белгиланади ва ишланади. Деталь белгиланган чизиклар бўйича тескари томонини ичкарига қилиб қўйилади, букиб кўкланади, бириткириб тикилади, икки томонга ёрилади, ўртаси чокка аниқ келтирилади ва дазмолмато қўйиб дазмолланади. Икки ёқлама тахлама иккита бир ёқлама, лекин икки томонга букилаб дазмолланган тахлама каби ишланиши ҳам мумкин. Бундай тахлама айни вақтда бириткириш тахламаси вазифасини ҳам ўтайди (156- расм, и).

Деталнинг бутунузунлиги бўйича қайриб тикилган бир ёқлама безак тахламалар. Детални бичиш пайтида тахламаларни ишлашга қўйим қолдирилади ва тахлама ҳосил қилиш учун қирқимлар бўйича кертилар қилинади ёки букиш чизиги белгилаб олинади. Деталдаги биринчи тахлама кертилар ёки деталдаги белгиланган чизиклар бўйича ҳосил қилиниб, йуналтирувчи чизғич ёрдамида букиб тикилади. Кейинги тахламаларнинг ҳаммаси уларнинг зарур энини ва орасидаги масофани тахминлайдиган мослама ёрдамида букиб тикилади. Тахламалар моделда кўзда тутилган томонга букиб дазмолланади. Намлаб-иситиб ишлангандан сўнг ўлчамлари ва контурлари құшымча андаза бўйича узилкесил аниқланади.

Мураккаб безак тахламалар кийимни безаш мақсадида, шунингдек бичиш пайтида безак баҳяқатор учун қўйим қолдирилмаган ҳолларда ишлатилади. Асосий деталь билан бирга бичилган кокеткани мураккаб безак тахламага мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бундай тахлама газлама ўнгидан ва тескарисидан моделда кўзда тутилган иккита шаклдор чизиқ: ўрта чизиқ (ички букиш чизиги) ва ён чизиқ (ташқи букиш чизиги) билан белгиланади. Тескари томондан тахламанинг ўрта чизиги тагига асосий материалдан қирқиб олинган булак қўйилади. Унинг эни безак баҳяқаторнинг энига боғлиқ булади. Булакни қавиққатор унинг ўртасига тўғри келадиган қилиб кўкланади ва ўнгидан белгиланган ўрта чизиқ бўйича тикиб уланади. Сўнгра асосий деталь уланган чоки бўйича ўнгини ичкарига

157-расм. Мураккаб безак тахлама.



қилиб қайрилади ва бир томонга ётқизилади, тикилган бұлакни эса икки буклаб иккінчи томонга ётқизилади. Шундан кейин, белгиланған ён чизик бүйича машинада иккінчи баһяқатор туширилади ёки тахлама чети очиқ бұлса, бириктира қавиққатор билан күкланади. Шундан сұнг деталь столга үнгини пастта қаратып қўйилади, мураккаб шаклли тахлама моделда кўзда тутилған томонға қайрилади, кўкланади, дазмолланади. Кейин моделда кўзда тутилған масофада ўнгидан махсус андаза бүйича безак баһяқатор чизиги белгиланади ёки йўналтирувчили махсус тепқидан фойдаланиб (олдиндан белгилаб олмасдан) безак баһяқатор туширилади. Кўклаш қавиққаторлари сўкиб ташланади. Тахлама орқасидан дазмолмато қўйиб дазмолланади.

22-§. ИПЛИ ЧОКЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ЖИҲОЗЛАР

Барча тикув машиналари ноавтоматик ишлайдиган ва автоматик ишлайдиган машиналарга бўлинади.

Ноавтоматик ишлайдиган машиналар

Бундай машиналарда ишлаганда опрациялар албатта тикувчи иштирокида бажарилади. Моки урилиши чизиқли баҳяларни тикадиган асосий ноавтоматик машиналар 97-Акл ва 1022 кл. ОЗЛМ, 8332 кл. "Текстима" бирлашмаси, (ГДР) ва 862 кл. ПМЗ ҳисобланади.

97-Акл машинаси. Костюмлик ва кўйлаклик газламаларни тикиш учун мўлжалланған. Қавиқнинг узунлиги - 4 мм; қўйидаги моделлари бор: материални сурадиган дифференциал механизми 697 кл.; баҳя буйлаб оғадиган игнали 597 кл; ипни қирқиш ва игнани зарур вазиятда тұхтатищ қурилмаси 1597 ва 997 кл.; яримфабрикатни қирқиш учун пичоқ механизми 297 ва 397 М кл; газламанинг остки қатламини ётқизадиган қурилмали 297 кл.; қирқимларни ҳошиялайдиган қурилмали 897-1 кл.

1022 кл. машинаси пальтолик ва костюмлик газламаларни тикиш учун мұлжалланади; қавиқнинг узунлиги 1,7 дан 5 мм гача; қүйидаги моделлари бор: аёллар ва болалар күйлаклари деталлари қирқимини ҳошиялайдиган мосламали 1022-3 кл.; пальто деталлари қирқимларига қийшиқ мәғиз ҳошиялайдиган мосламали 1022-4 кл.; игнани тұхтатиш ва ишларни қирқиши механизли 1022 кл.; безак қавиқларни тикишда қавиқ узуынлигини 5 дан 10 мм гача үзгарирадиган қурилмали 1822 кл.

8332 кл. машинаси "Текстима", (ГДР) вазифаси жиҳатдан 97-А кл. машинасига үшшайди; күп моделлари бор.

862 кл. машинаси ПМЗ костюмлик, пальтолик ва плашлик газламаларни тикишга мұлжалланған; қавиқ узуынлиги -1,3 дан 4,5 мм гача; қавиқ бүйлаб оғувчи игнаси бор (ётқизилмайдиган чок олиш учун). Ҳар хил моделлари бор 2862 кл. устки ва остки тишли рейка ҳамда оғувчи игнаси бор; тикаёттанды қийин сурладиган газламалар учун тавсия қилинади.

Бир игнали машиналар жумласига 302, 302-1, 302-2 ПМЗ машиналари киради. Булар газламаларнинг устки қатламларини ётқизиш қурилмалари билан таъминланиши ва енгларни үтказиш учун мұлжалланған.

241 кл. ПМЗ типидаги машиналар үмизларни йўрмаш учун мұлжалланған. Синиқ моки ўрилишли қавиқларни тикиш учун асосий машиналар: 26 кл. МПЗ (қавиқ узуынлиги 4,5 мм гача; синиқ чизиқ эни 9 мм); 1026 кл. ПМЗ (қавиқ узуынлиги 3 мм гача; синиқ чизиқ эни 6 м гача); 335 кл. ("микерво" фирмаси, Чехословакия) (қавиқ узуынлиги 10 мм гача); бу қавиқлар деталларни тақама чокли, қўйма чокли қилиб битриктиришда ва қирқимларни йўрмашда ишлатилади.

Асосий машина 2222 кл. ПМЗ бир ипли занжирсимон ўрилишли қавиқ тикади; йўрмаш, тепчиш, кўклаш, чоклаш ишларини бажаради ва осонгина бўшаладиган мубаққат қавиқлар ҳосил қиласди; қавиқ узуынлиги 12 мм гача.

Бир ипли занжирсимон ўрилишли қавиқ кашталар тикишда қўлланилади; бу иш MB-50 МПЗ машинасида бажарилади.

1276-6 кл. машинаси ПМЗ икки ипли занжирсимон ўрилишли очиқ қавиқ ҳосил қиласди, шаклинини сақладайдиган трикотаж полотнолардан бичиладиган деталларни тикиш учун мұлжалланади. Қавиқ узуынлиги 3,2 мм гача.

Қавишиң өзінен тикишда бир ипли яшириң қавиқлар ишлатылады.

Қавишиң ишлары 0-761 кл. ("Паннония" фирмасы, Венгрия) да бажарылады. Қавиқ үзүнлигі — 4 дан 8 мм гача.

Енгил ва юпқа газламалардан тикилады кийимларда яшириң қавиқлар билан өзінен тикиш учун 85 кл. ПМЗ машинасы құлланилады.


Бир ипли занжирсімден қавиқлар билан қирқим четларини йўрмашда асосий машина 208 кл. ("Легмаш" заводы) ҳисобланады. Трикотаж полотнолардан кийим тикишда құлланилады.

Мұйна териіларни ва сұнъий мүйна деталларни тикишда бир ипли занжирсімден қавиқ ҳосил қылады 10-Б кл. ПМЗ машинасы құлланилады; қавиқ үзүнлигі 1 дан 3 мм гача, чок эни - 2,5 мм гача. Қирқимлар четини йўрмаш ва уларни ситилишдан асралаш учун 851- кл. ППЗ машинасы (йўрмаш эни 6 мм гача) ва 8515 кл. машинасы ("Текстима" бирлашмасы,) құлланилады. "Текстима" бирлашмасының машиналари 8515 080 229, 8515 080 230 ва 8515 080 231 кл. да уч ипли тепчиш-йўрмаш қавиқлари ҳосил қилинады (йўрмаш эни - 5,4 ва 3,2 мм).

Йўрмаш қавиқлари ҳосил қилиш учун икки ипли ёки уч ипли қавиқ машиналари 51-А кл. құлланилады (йўрмаш эни — 3 дан 6 мм гача).


Икки игнали машиналар

Асосий (база) машина 862 кл. нинг 14 модели бор; улар қавиқлары орасы ҳар хил бүлган бостирма чок ва "құлф" чок ҳосил қилиш учун мұлжалланады: 852 (х5), 852-1 (х10), 852-2 (х7). Тасмани бостириб тикиш ва юмшоқ камарларга ишлов беріш учун — 852x12 кл., әркаклар шимларининг юқори қирқимига ишлов беріш учун — 832x




158-расм. Тұтма қадаш схемасы:

а — газламага зич қилиб, б — обекчали қилиб,
в — тұтма остидан қадаш.



159-расм. Сим илтак ва пётла тикишда баҳияларнинг жойлашиш схемаси.



160-расм. Чүнтак (а, б, в) ва петлани (г) цухталаш.

32 ва 852 × 38. Шим почасидаги тасмани бостириб тикиш учун — 428 кл. ("Минерва" фирмаси, Венгрия).

408-АМ ва 508-М кл РЗЛМ машиналарида кўйлаклик ва костюмлик газламалардан тикиладлиган кийимларда баҳялаш-йўрмаш қавиқлари ҳосил қилинади. Баҳялаш занжир ўрилишни икки ипли қавиқ билан, йўрмаш эса ҳошияларни йўрмаш икки ипли занжир қавиқ билан амалга оширилади. Машина иғналари орасидаги масофа: 408-АМ кл. - 3 мм, 508-М кл. — 7 мм (йўрмаш эни 4-5 мм).

Безак қавиқлар ҳосил қилиш ва камар тақиши боғичлари тайёрлаш учун 876 кл. ПМЗ машиналари қўлланилади.

Яримавтоматик машиналар

827 кл. ПМЗ машинасида икки ва тўрт тешикли тугмалар моки қавиқлар билан қадалади, тугмалар диаметри — 15 . . . 30 мм. 1095 кл. ПМЗ машинасида икки ва тўрт тешикли (диаметри 11 . . . 36 мм) тугмалар занжир қавиқлар билан тақиб ва оёқчали қилиб қадалади (158-расм, а), машинада бир йўла икки тугмани, яъни орқадаги кичик тугмачани қўшиб қадаш мумкин (158-расм, в).

295 кл. ПМЗ машинаси ёстиқларга икки тешикли тугмани

(диаметри 11 мм гача) қадаш учун мұлжалланган. 895 кл. машинаси кийимни бир тұгмасидан иккінчисига суріб турадиган табулятор билан таъминланган.


Аёллар күйлакларига қулоқчали тұгмаларни қадаш учун 1595 кл. ПМЗ машинаси құлланилади. Шундай тұгмаларни ишхонада кийиладиган кийимларға қадаш учун моки қавиқли 27-Б кл. машинаси құлланилади. "Паннония" фирмасининг CS= 600 машинаси тұрт тешикли ясси тұгмаларни қадаш, айни вақтда ипдан оёқчалар қилиб кетиш учун мұлжалланган.

Сим илгаклар ва петлялар 53 кл. ПМЗ машинасида қадалади; унда илгак ёки петлани тутиб турадиган қысқич бор. Қадаш схемаси 159-расмда күрсатылған.

220-М кл. ОЗЛМ машинасида узунлиги 3...7 мм ли кичик ва узунлиги 7...16 мм ли катта қотиргичлар (қырқма чүнтаклар ва петталар учларига қойиб кетилади) тайёрланаған.

Йұрма петталар ҳар хил кетма-кетликда бажарилади. Осон ситиладиган газламаларда (күйлакларда) олдин петла четлари йұрмалади, кейин тешик қирқилади, қалинроқ газламалар (пальто) да эса олдин тешик қирқилади, кейин чети йұрмалади. Петталарни йұрмаш бир ипли ва икки ипли қавиқларда моки ва занжир үрилишда бажарилади.

525 кл. ОЗЛМ машинаси костюмлик газламалардан тикилған кийимларда узунлиги 9...24 мм ли тұғри қавиқлар ҳосил қиласы. 635 кл. ОЗЛМ машинасида күйлаклик газламалардан тикилған кийимларда петталар тикади (161-расм, а, б); унда күйлакни бир тұгмадан иккінчисига суріб турадиган қурилма бор. "Минерва" фирмасининг 811 кл. машинаси б дан 36 мм узунлықдаги тұғри петталар тикади ва костюмлик газламадан қилинган қотирма тикиб кетади. Шу фирманиң 73401-Р3 (62761 кл.



161-расм. Петла бажарып схемаси:

а — 525 кл. машинасида, б — "Минерва" фирмасининг 811 кл. машинасида, в — "Минерва" фирмасининг 73401 машинасида.

ўрнига) машинасида учларида кўндаланг қотирмалари бор ва қотирмасиз кўзли петлалар тикилади.

Кийимлар кўплаб ишлаб чиқариладиган корхоналарда бир хиллаштирилган (шакли ўзгаравермайдиган) деталлар (қопқоқлар, манжетлар, ёқалар) кенг ишлатилади. Бундай деталларга яrimавтоматларда ишлов бериш мумкин. 570-1 кл. ПМЗ яrimавтомати эркаклар пальтосининг чүнтак қопқоқларини; 570-2 кл. эркаклар кўйлагининг дума-лоқланган манжетларини; 570-3 кл. болалар костюмларининг чўнтак қопқоқларини йўрмаш учун; 570-4 кл. мактаб формаси учун; 3022-М кл. ОЗЛМ — ички чок (витачка) лар тикиш учун мўлжалланади.

Аёллар қишики пальтосида тугма қадаладиган ҳошия (борт) ости қирқимини астарга, ҳошиялик ва иссиқ тутувчи матога ички бириктиришда 260 кл. ПМЗ машинаси қўлланилади.

Костюмлардаги қоплама чўнтак четларига ишлов бериш учун икки иғнали 596-М кл. ОЗЛМ яrimавтомати қўлланилади.

23-8. КИЧИК МЕХАНИЗАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ





Маиший хизмат кўрсатиш тармоғининг саноат корхоналари ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари олдига қўйилган асосий вазифалардан бири меҳнат унумдорлигини оширишидир.

Кичик механизация мосламалари капитал маблағлар сарфламай туриб, операцияларга кетадиган вақтни қисқартиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга ва ишланадиган деталлар сифатини яхшилашга имкон беради. Ҳозирги вақтда ЦНИИШП ва ЦОТШЛ технологик жараёнларни кичик механизация мосламалари билан комплекс механизациялаштириш устида иш олиб бормоқда. Бу эса меҳнат унумдорлигини айрим операцияларда 0—80%, умумий потокда эса 20-30 % оширишга имкон беради.

Яқин-яқинларгача бундай мосламаларнинг баъзилари машинасозлик заводларида ва тикувчилик корхоналарининг механика устахоналарида тайёрланарди. Ҳозир барча кичик механизация мосламалари М.И. Калинин номидаги Подольск механика заводида (ПМЗ), Орша "Легмаш" машинасозлик заводи ва ЦНИИШП нинг Москва тажриба-механика заводида (МОМЗ) марказлаштирилган усулда ишлаб чиқарилмоқда.



ЦНИИШП классификациясига кўра, тикувчилик буюмлари ишлаб чиқариш учун мўлжалланган барча кичик механизация воситалари олти гурӯҳига бўлиниади:

21 - жадвал. Деталарни тикүв машинасында иғнәсига йұнадыруачы мосламалар таснифи

Гурӯҳлар ва кичик гу- рӯҳлар	Мосламалар	Чокларнинг асосий хиллари схемаси
1	Деталарни биректириш ёки безак ба- хяқаторлар ортиши учун Чеклаш бўргиқли ва чизаричли тепки	
1.1	Деталарни биректириш ёки безак ба- хяқаторлар ортиши учун бошқа мосламалар	
1.2		
2	Бўлак киркимларини букиш учун	
2.1	Бўлакларнинг киркимларини бир томон- дан бўлинг учун тепки ва болпқа мослама- лар	
2.2	Белбоглар, борламалар тайёрлаш учун мослама	




21-жадвалнинг давоми

160

Гурухлар ва кичик гу- рухлар	Мосламалар	Чокларнинг асосий хиллари схемаси
2.3	Букламалар ва қисмалар тикиш учун мослама	
3	Бир нечта деталлар қирқимини бир йўла бириктириш учун мослама	
3.1	Букма ва "қулф" чок тикиш учун мослама	
3.2	Бостирма чок тикиш учун мослама	
3.3	Материал бўлаги қўйиб бир йўла қирқимларини буклаб тикиш мосламаси	

Давоми

11 Тикицилик технологияси асослари

3.4	Олдингиздан белбор, погоналар, хлястикларни тикиш мосламаси	
3.5	Буюмга планкалар, обтачкалар, манжетлар, белборлар ва бошقا деталларни тикиш мосламаси	
3.6	Кант тикиш мосламаси	
3.7	Қирқма чўнтакларда бурма ҳосил қилиши мосламаси	

161

Дағының

Гүрүхлар ва кінекік ту- рухлар	Мосламалар	Чокшарнинг ассосий хизшари схемаси
4	Киркимдарни тикиш мосламаси	
5	Пеглаларни йўрмаш, тутма, илтак ва бончка фурнитурагларни чатиш мослама- лари	
6	Тикув машинадари учун бошқа мослама- лар	

I гуруҳи — йўналтирувчи мосламалар: чеклагич линей-калар, деталларни улаш ва деталь четларини қайирмай туриб, баҳяқатор тушириш тепкилари.

II гуруҳи — бир детални иккинчидеталга уламай туриб, деталь четини қайриш мосламалари.

III гуруҳи — рулондан парча-парча материал тарзида етказиб туриладиган иккى ёки ундан кўп детални четини буқмай улаш, бир ёки бир неча деталь четини букиб улаш мосламалари.

IV гуруҳи — очиқ қирқимлардан мағиз чок ҳосил қилиш мосламалари.

173-расм. Деталлар қирқимига босқа материал ёпиштириш.



174-расм. Эркаклар пиджаты деталларында ёништириш учун симликті қотирма деталлардан фойдаланиш.



175-расм. Қотирмалық деталлар ишлатиш.

Елим қопламали газламалардан бичилған қотирмалик деталлар асосий деталларга витачкалар, бұртмалар тикишдан, чүнтакларни ишлаш ва уларни бошқа деталларга бириктиришдан олдин, яғни бириктириш чокларини тикишдан олдин ёпиширилади.

Деталларга қотирма ёпишириш жараёни ясси ёстиқли махсус прессларда намлаб-иситиб ишлаш йұлы билан, узелларга ишлов беришда эса шу ишланадиган жойнинг шаклига мос ёстиқли прессларда намлаб-иситиб ишлаш йұлы билан амалга оширилади.

Қотирмаларни асосий деталларга бириктиришда пресс ёстиғига олдин асосий деталь үнгини пастга қилиб қўйилади, сунгра елим қопланган қотирмалик материал асосий деталнинг тескари томонига қўйилади. Енгил кийимда ҳам қотирмалик материаллардан бичилған деталлар худди уст кийимдаги каби, яғни ёқа, манжет, чүнтакқопқоқ, листочка, белбоғ, борт ёки адип ва бошқа деталлар пастки асосининг тескари томонига қўйилади ва пресслаб ёпиширилади.

Белбоғни ишлашда елим қопланган қотирмалик деталь белбоғнинг ички томони тескарисига шундай қўйилади, қотирмалик деталнинг битта бўйлама қирқими белбоғни букиш чизигига тўғри келсин, иккинчи қирқими эса тикиш чизиги бўйича ўтсин ёки ағдарма чок тагига 0,1-0,2 см тушиб турсин. Белбоғнинг тўқага маҳкамланадиган учida қотирма белбоғдан 0,7-1 см кичикроқ бўлиши лозим.

Енгил кийим адиллари учун елим қопланган қотирма адилларнинг елка ва ички четлари бўйича адип қирқимларига тенг қилиб ёки улардан 0,7-1 см калтароқ қилиб бичилади.

Қотирмалик деталларни асосий деталларга прессларда ёпиширишда газламалардаги толалар таркибига қараб'малум технологик режимларга риоя қилиш зарур.

29-8. НАМЛАБ-ИСИТИБ ИШЛАШДА РИОЯ ҚИЛИНАДИГАН ТЕХНИК ШАРТЛАР

Намлаб-иситиб ишлаш операцияларини бажаришда қуйидаги шартларга риоя қилиш лозим.

1. Агар кийим ҳали яхши таниш бўлмаган янги газламадан тикилганбўлса, рангини айнитмаслик ва пишиқлигини пасайтираслик учун аввал кичик бўлагини дазмоллаб кўриш керак.

2. Дазмолмато сифатида сув-эмультсияли кремний-органик препаратлар (силиконлар) шимдирилган оқартырған зигир толали ёки ип газлама (енгил кийим учун) ва парусина, хом сурп, диагональ (уст кийим учун) ишлатылади. Силиконлар дазмолматони иссиққа чидамли ва пишиқ қиласы.

Синтетик толали газламалардан тикиладиган кийимлар учун дазмолмато сифатида дока ҳамда пахмоқ ва фланель типидаги юмшоқ ип газлама ишлатиш тавсия қилинади.

3. Дазмолмато құйищдан олдин деталлар ёки тайёр кийимлар пуркагич ёрдамида ұлланади. Намланганда доғ қоладиган газламалардан тикилган деталлар намланмайды.

4. Дазмоллаш газламадаги нам бутунлай кетгүнга қадар давом эттирилади.

5. Чок чизиги қийшайиб кетмаслиги учун уни қирқимлар зич ётиб қолгунга қадар ёриб дазмоллаш даркор.

6. Чокларни букиб дазмоллашда аниқ ва түгри чизиқ ҳосил бўлиши учун олдин чокларни ёриб дазмоллаш лозим.

7. Деталларнинг ағдарма чок солинган ва ағдарилғап четларини дазмоллаб юпқалаштиришдан аввал намлаб олиш ва нами бутунлай кетгүнча дазмоллаш, дазмоллаш пайтида четларини түғрилаб ва қийшиқ жойларини текислаб туриш керак.

8. Кийимларни ўнгидан дазмоллашда дазмолмато ишлатылади, тескарисидан дазмоллашда эса — ишлатилмайды. Ёқа остки ёқа томондан, борт адип томондан, қайтармалар кийим олд бұлаги томондан, манжетлар остки манжет томондан, белбоғлар остки белбоғ томондан, этаклар этак букиш ҳақи томондан дазмоллаб юпқалаштирилади. Уст кийимда елка чоклари ва енг қиямалари дазмоллаб юпқалаштирилади, ўнгидан маҳсус прессларда буғланади.

Полиэфир ёки полиакрил-нитрил толали газлама ва материаллардан тикиладиган кийимларнинг ёқаси, борти, этаги ва бошқа жойлари уларнинг зийлари күклангандан сўнг прессланади. Пресслашдан кейин игна ва ип изларини кетказиш анча қийин. Шунинг учун бу деталларни икки марта пресслаган маъқул. Олдин намламасдан дазмолмато орқали 2-3 сек прессланади, кейин или сўкиб ташлангандан сўнг, намланган дазмолмато орқали 10-40 сек қайта прессланади.

9. Чокларни, деталларнинг четларини ва тахламаларни ёриб дазмоллаш, дазмоллаб ётқизиш, дазмоллаб қотириш

ишларини мовут қопланған ва оқ ип газлама ёпилған столда ёки маҳсус қолипларда бажарып керак.

10. Түк күк, ҳаворанг, оч қулранг ва оқ рангли газламаларни намлаб-иситиб ишлашда айниқса эхтиёт бўлиш зарур, чунки бундай ранглар олиш учун ишлатиладиган бўёқлар юқори температуралар таъсирига жуда сезгир бўлади.

Штапель, вискоза газламаларни намлаб-иситиб ишлашда уларни сал-пал намлаш ва чўзмаслик лозим, акс ҳолда газлама йиртилиши мумкин. Духоба, ярим духоба ва баҳмалдан тикилған кийимлар маҳсус мослама ёрдамида дазмолланади ёки дазмолнинг қизиган сирти бўйлаб сурлади.

11. Газламалар ва трикотаж полотнодан тикиладиган кийимларга прессларда технологик бўғдан фойдаланиб ва ортиқча намни сўриб ишлов берилса, яхши натижаларга эришилади. Деталларни намлаш учун бурлашда устки ёстиқни чала тушириб, устки ёки остики ёстиқ орқали буғланади. Деталларга шакл беришда ёки елимли материаллар ишлатилған узелларни буғлашдагина ёстиқлар охиригача тушириб қўйилади.

Буғ дазмолларидан фойдаланганда буғ фақат дазмолни олдинга юргизгандагина берилади, дазмол орқага қайтарилигандан буғ узиб қўйилади ва намни сўрадиган қурилма уланади. Нам деталь қўйилған дазмоллаш столи ёки қолипининг иш сирти орқали сурлади.

12. Тайёр кийимларни узил-кесил намлаб-иситиб ишланучун улар буғ-ҳаво манекенига кийдирилади. Манекен бўлмаса, дазмол ёки прессдан фойдаланилади, аммо бу ҳолда газлама аввал намлаб олинади. Бунда кийим четлари, чоклари тўғриланади, гижимлари, ялтираган жойлари кетказилади ва ҳоказо.

13. Тайёр кийимлар узил-кесил намлаб-иситиб ишлангандан кейин буғ-ҳаво манекенида қуритилиши ёки обдан қуригунча осиб қўйилиши керак. Жун газламадан тикилған кийимлар 20-25 мин, шойи ва ип газламадан тикилған кийимлар 10-15 мин қуритилади.

14. Ҳар бир газлама учун намлаб-иситиб ишлаш режимлари белгиланган. Деталь ва кийимларни намлаб-иситиб ишлашда шу режимларга риоя қилиш керак, акс ҳолда ялтироқ жойлар пайдо бўлади, киришади, туклари куяди, ранги айнайди ва ҳоказо.

15. Намлаб-иситиб ишлаш сифати кўп жиҳатдан жиҳозлар ҳолатига боғлиқ.

28 - жадвал. Намлаб-иситиб ишлаш операцияларининг
асосий хиллари

Операциялар	Операциянинг характери	Құлланилиши
Намлаб-иситиб ишлаш	Намлик, иссиқлик ва босимдан фойдаланыб, деталлар ёки буюмга махсус жиҳоз ёрдамида ишлов бериш	Кийим тикиш жараёнида (жараёнаро ишлаш) ва узилкесил пардоzlашда (узилкесил ишлаш) деталларга ишлов бериш
Деталларга дазмоллаб ишлов бериш	Деталларга намлаб-иситиб ишлов беришдеги баъзи операцияларни дазмоллаш жиҳозлари ёрдамида ба-жариш	Деталларга керакли шакл бериш ва чоклари ҳамда деталь четларига ишлов бериш
Пресслаш	Чокни, зийларни юқалаштириш ёки чокларни маълум вазиятда қотириш учун кийим деталларига пресс ёрдамида намлаб-иситиб ишлов бериш	Бортлар четини, кийим этакларини, тахламаларни пресслаш ва ҳоказо
Дазмоллаб ётқизиш	Дазмол ёки пресс ёрдамида чокларни, тахламаларни ёки деталь четларини юқалаштириш	Чүнтакларни, ёқаларни, тахламаларни дазмоллаб ётқизиш ва ҳоказо
Ёрибдазмоллаш	Чок ва тахламаларни иккита томонга ёриб дазмоллаш ёки пресс ёрдамида шу вазиятда қотириш	Ён чокларни, елка чокларини, енг чокларини ёриб дазмоллаш ва ҳоказо
Букиб дазмоллаш	Деталларға четини чок ёки тахламалар қайимларини бир томонга қайтириб, дазмол ёки пресс воситасида шу вазиятда қотириш	Кийим орт бўлагидаги ўрта чокни, юбкадаги чокларни, бўртмаларни, тахламаларни букиб дазмоллаш ва ҳоказо
Дазмоллаб кириштириш	Жун газламалардан тикилган кийимларда қўшини участкаларда қавариқлик ҳосил қилиш учун деталлар четини ёки айрим жойларни намлаб-иситиб ишлаб кириштириш	Кўкрак атрофида қавариқлик ҳосил қилиш учун кийим олди четларини, солқиларни, масалан, енглардаги солқиларни, витачкалар учларидаги солқилини дазмоллаб кириштириш
Дазмоллаб чўзиш	Қўшини участкаларда ботиқлик ҳосил қилиш учун деталлар четини намлаб-иситиб ишлаб чўзиш	Енгнинг олд қирқимини, остки ёқа кўтармасининг кирқимини, воланларни, бейкаларни дазмоллаб чўзиш
Буглаш	Дазмоллашда пайдо бўлган ялтироқ дөгларни йўқотиш мақсадида кийимни буғ ёрдамида ишлаш	Тайёр кийимларни буглаш

Операциялар	Операциянинг характери	Қўлланилиши
Дазмоллаб текислаш	Газлама ёки деталдаги рижимларни намлаб дазмоллаб йўли билан кетказиш	Газламани бичишдан олдин, деталларни ишлашдан олдин дазмоллаб текислаш
Буг сингдириш	Кийимни буг билан тўйинтириш учун намлаб- иситиб ишлаш	Пресслашдан олдин ёки пресслаш билан бир вақтда кийим ёки айрим деталларга буг сингдириш
Материални де- каториковкалаш	Материал кейинчалик киришмаслик учун бур билан ишлаш ва қуритиш	Бичишдан олдин газлама ва материални декаториковкалаш

Такрорлаш учун саволлар

1. Намлаб-иситиб ишлашда қўлланиладиган асосий жиҳозларни санаб беринг.
2. Намлаб-иситиб ишлаш операцияларини, уларнинг қаерда қўлланилишини айтиб беринг.
3. Деталларни елимлаб улаш ҳақида нималарни биласиз?
4. Аёлларнинг енгил кийими ва эркаклар кўйлагини тикишда ишлатиладиган елимили материаллар тўғрисида гапириб беринг.
5. Уст кийим тикишда ишлатиладиган елимили материаллар ҳақида гапириб беринг.
6. Деталларни термофиксациялаш тўғрисида нималарни биласиз?
7. Намлаб-иситиб ишлашда риоя қилинадиган асосий техник шартларни айтиб беринг.
8. Тайёр кийимлар сифатига таъсир қиласидаган омилларни гапириб беринг.

5 - б о б. АЙРИМ ДЕТАЛЬ ВА БЎЛАК-ЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШ

30-§. ДЕТАЛЛАРНИ ТАНЛАШ (АНИҚЛАШ)

Кўплаб ишлаб чиқаришда тикувчилик цехига бичиқ омбордан ёки бевосита бичиш цехидан келтирилади.

Келтириладиган бичиш қўйидаги талабларга жавоб берishi керак: маркалаш маълумотлари (тўшама ва модель номери, ўлчами, узуяллиги, тўлиқли гуруҳи) мавжуд ҳужжатларга мос келиши; техник шартлар деталлари рўйхатига мувофиқ асосий газлама, астар, қотирманинг барча деталлари ва илгак-тугмалар бутлиги таъминланиши, газлама ва материаллар преискурантдаги маълумотларга ҳамда ранги конфекцион картага мос келиши; бичиқ бўлаклари ўлчамлари ва узунликлари бўйича андазаларга (деталлардаги асос иплари йўналиши, кесиклар, витачкалар, бўртма чокларнинг ўрнига мос келиши); бир буюм бичиги булаклари ҳар хил тусли бўлмаслиги, бир буюмнинг барча деталлари туклари, тарами, жуфт деталлардаги нақш йўналиши бир йўналишда бўлиши керак.

Буюм деталларининг бутлигини сақлаш учун бичиқнинг барча булаклари буюм битгунча номерланганича туриши керак.

Бичиқ булакларида чўнтаклари, бурмалар, витачкалар, бўртма чоклар, бостириладиган деталлар (шаклдор кокеткалар) ўрни моделга мувофиқ белгилаб олинади. Белгилар қўшимча андазалар ёрдамида бўр ёки маҳсус кукун билан нуқта, чизиқ ёки бошқа белгилар тушириб ҳосил қилинади.

Мўлжал белги-нуқталари бир тўпдаги барча бўлакларга бир йўла туширилади; бунинг учун тўп электр дрель ёки тешик очгич билан тешик очилади. Деталларнинг қирқимларидаги кесиклар кертик ёрдамида нуқталар тарзида ҳосил қилинади. Кесиклар ва назорат белгиларини тушириш узеллари ишланаётган материалнинг хоссаларига боғлиқ бўлади.

Осон чўзиладиган шойи ва жун газламалардан бичилган деталларга чизиқлар тушириш учун маҳсус кукундан фойдаланилади; бунда чизиқлар тампон ёки юмшоқ чўтка билан андаза ариқчалари орқали туширилади. Бу усулда газлама сурилиб (чўзилиб) кетмайди.

Кўйлаклик газламалардан бичилган деталларга чизиқлар туширишда яхши қуритилган совундан фойдаланиш тавсия этилади.

Плёнка қопламали астарлик, ип-газлама, капрон газла-

малардан бичилган деталларда чизиқлар нұқталар · ёки тешикчалар тарзида туширилади; бу нұқта ва тешикчалар мүлжал чизиқларининг боши ва охирини билдиради.

Тукли газламалар (духоба, чийдұхоба, байқа ва б. лар)дан бичилған деталларда бичиқ чизиқлари ўнгидан билинимайды, шунинг учун уларни газлама тескарисига анда-за буйича туширилади, сұнгра машинада ёки құлда ип тикиб, ўнгига ұтказилади.

Деталларнинг вазифаси ва шаклиға қараб, чизиқлар газлама ўнгидан ёки тескарисидан туширилади (масалан, мураккаб бурмаларда — бир-түрт чизиқ ёки нұқталар тарзида туширилади). Асосий деталларга құйма чоклар билан бириктириладиган мураккаб деталларнинг контурлари иккала бириктириладиган деталнинг ўнгидан белгиланади (масалан, кокеткани асосий деталга тикишда шундай қилинади). Қирқма чұнтаклар, йўрма деталларнинг ўрни чұнтак узунлиги буйича битта бўйлама чизиқ ва чұнтак узунлиги буйича битта бўйлама чизиқ ва чұнтак узунлигини чеклайдиган иккита кўндаланг чизиқ билан белгиланади. Чұнтак ва йўрмали петлани ишлашдан рамка ҳосил қилиш учун рамка энiga тенг масофада иккита бўйлама чизиқ туширилади. Асосий деталларга құйма чоклар билан бириктириладиган мураккаб деталларнинг контурлари иккала бириктириладиган деталнинг ўнгидан белгиланади (масалан, кокеткани асосий деталга тикишда шундай қилинади). Қирқма чұнтаклар, йўрмасиз петлаларнинг ўрни чұнтак (петла) узунлиги буйича битта бўйлама чизиқ ва чұнтак (петла) узунлигини чеклайдиган иккита кўндаланг чизиқ билан белгиланади. Чұнтак ва йўрмали петлани ишлашда рамка ҳосил қилиш учун рамка энiga тенг масофада иккита бўйлама чизиқ туширилади.

Қирқилмайдиган витачкалар, безак бурмалар (рўпара ва бир томонли) деталнинг тескарисига икки чизиқ — булиш ва тикиш чизиқлари билан белгиланади. Витачкаларнинг учлари қўшимча тарзда кўндаланг чизиқча ёки нұқта билан белгилаб қўйилади.

Белги чизиқлари, тешикчалар ва нұқталарнинг йўғонлиги 2 мм дан ошмаслиги ва тайёр буюмнинг ўнгидан кўринмайдиган булиши керак.

Хозирги вақтда саноатда андазалар, машиналарга қўшимча мосламалар кенг қўлланилади; бундай мосламалар баъзи ҳолларда деталлар ва бўлакларни чизиқлар билан белгиламай туриб тайёrlашга имкон беради.

Кийимни тикишда ҳам, кийишда ҳам башанг туришини таъминлайдиган ишлар бичиқни тикишга тайёrlаш билан чамбарчас боғлиқ. Шундай ишлар жумласига газламани дастлабки кириштириш учун айрим деталлар (масалан, шим

белининг тасмаси, астар, қотирма) декатировка қилиш, деталларнинг қирқимлари ситилиб ва чўзилиб кетмаслиги учун уларга олдиндан ишлов бериш ва ҳ.к.

Кийимни бичгандан сўнг деталларни аниқлаштириш кепрек бўлади. Уларни столга ёйиб, гижимланган жойлари дазмоллаб текисланади, контрол кертирмалар ва тескарисида белгиланган чизиқлар аниқланади.

Тескарисини ичкарига қилиб икки бўланган энли газламалардан якка буюртма асосида тикиладиган кийимлар деталларини бичища витачка, тахлама, чўнтақ ва бошқалар чизиқлари фақат битта деталнинг тескарисидан туширилади. Бир деталдаги конструктив чизиқларни иккинчисига ўтказиш учун деталлар ўнгини ичкарига қаратиб қўйилади, четлари текисланади ва қўлда ёки маҳсус машинада тўғри нусхалама қавиқлар тикилади. Бунда оч газламаларга рангли ип, тўқ рангли газламаларга оқ ип ишлатилади.


Енгил оч газламаларга андаза буйича қалам билан чизиқ туширишда витачка, тахлама ва ҳоказоларнинг белгиланган конструктив чизиқлари бир деталдан иккинчисига из туширгич билан кўчирилади. Енгил кийим тикишда чизиқларни тўғнагич ёрдамида, тўқ газламаларда эса бўр билан ўтказиш мумкин. Бунинг учун бир деталь тескарисидаги барча зарур чизиқлар устидан бўр юргизиб чиқилади, иккинчи деталь унинг устига қўйилади, четлари текисланади ва устидан енгил босиб ёки уриб-уриб, барча бўр чизиқлар бир деталдан иккинчисига ўтказилади.

31-6. ҚИРҚИМЛАРНИ ИШЛАШ

Газламанинг хили, ишлов бериш усули ва мавжуд жиҳозларнинг турига қараб бириктириш чокларининг қирқимлари турлича ишланиши, яъни 51-А кл. ПМЗ маркали маҳсус машинада йўрмалиши, универсал машинада букиб тикилиши, газлама бўлаги ёки маҳсус тасма билан мағиз қўйилиши, ё бўлмаса маҳсус мосламада шаклдор қилиб қирқилиши мумкин. Термоластик материаллар, масалан, капрон газламалардан бичиладиган деталларнинг қирқимларин титилишдан асраш учун маҳсус қурилмали машинада иссиқлик методида юмшатиб қотириш мумкин.

Қирқимларни ишлашнинг энг кенг тарқалган усули уларни маҳсус машинада йўрмайдир. Енгил кийим деталларидаги барча бириктириш чокларининг қирқимлари йўрмалади.

Ёриб дазмолланадиган чокларни ишлашда қирқимлар деталларни бириктирма чок билан тиккунга қадар йўрмалади, қирқимлари кейин бир томонга ётқизиб дазмолланадиган



176-расм. Деталлар қирқимларини ишлаш.

чоклар эса деталлар тикилгандан сұнг йўрмалади 176-расм, а). Кийимларни якка тартибда тикишда махсус йўрмалаш машинаси бўлмаган ҳолларда бириктирма чокларни ёриб дазмоллашда қирқимларни йўрмаш учун, деталларни бириктиришдан олдин қирқимларни универсал машинада чокни очиқ қирқимли қилиб букиб тикиш мумкин (176-расм, б). Деталнинг чети тескарисига 0,5-0,7 см қайрилади ва букилган жойидан 0,1-0,3 см ичкаридан тикилади (176-расм, в).

Бириктириш чокларини ёриб дазмоллашда қирқимларни шойи газлама бўлаги қўйиб, битта очиқ қирқимли мағиз чок билан тикиш (176-расм, г) ёки махсус шойи жияк қўйиб тикиш мумкин.

Титилмайдиган табиий шойи газламалар ва духобадан тикиладиган кийимлар четларини шаклдор қирқимли қилиш учун мосламада ишлашга йўл қўйилади (176-расм, д). Орша тикиув машиналари заводининг икки игнали 797 кл. ва 1097 кл. машиналарида деталлар бир йўла йўрмаб ва бириктириб тикиб кетилади.

Уй шароитида, тикиув машиналарида махсус мосламалар бўлмаганда чокларнинг қирқимларини қўлда йўрмаш мумкин. Бунда қавиқлар деталь четига туширилади. Қавиқлар қанча майда олинса, иш шунча кўркам чиқади. Ҳалқасимон қавиқлар билан йўрмалган чокларнинг

қирқимлари жуда күркем чиқади. Бу иш худди петлялар четини йўрмашдаги каби бажарилади, лекин қавиқлар йирикроқ олинади.

Қалин газламалардан тикиладиган кийимларнинг қирқимларини бундай қавиқ билан йўрмаш тавсия қилинмайди, чунки қирқимлар қўпол чиқади ва намлабиситиб ишлангандан кейин кийимнинг ўнгидаги ялтироқ из қолади.

Уст кийим тикишда қирқимларни чўзилиб кетишдан асрар ва конструктив чизикларни сақлаш мақсадида муҳим қирқимлар, масалан, енг ва ёқа ўмизлари қирқимлари, кийим олд бўлагининг елка қирқимлари, кийим орт бўлагининг ёқа ўмизи қирқимлари ва бошқалар бир томонига коленкор, миткал, хом сурп, чит ва бошқа газламалар елимлаб қопланган ип газламадан тайёрланган уқа билан пухталанади. Айрим ҳолларда бундай қопламасиз уқалардан ҳам фойдаланса бўлади.

Кийим олд бўлаги ва орт бўлагида енг ва ёқа ўмизларининг қирқимлари бўйича шу қирқимлар шаклида бичилган уқа ёки ип газлама бўлаги универсал машинада тикилади ёки елимлаб ёпиширилади, кийимларни якка тартибда тикишда эса қўклаб уланади. Ўмизлар узил-кесил аниқлангандан сўнг уқа машинада тикилади ёки қўлда бостириб тикилади. Уқа бир оз таранг тортилиб, четдан шундай масофада қўйилади, у енгни ўмизга ўтқазиш чокига кириб турадиган бўлсин.

Кийим орт бўлагида ёки ўмизи бўйича ип газалама, флизелин ёки борт газламасидан бичилган бўлак қўйилади. Агар модельда кўзда тутилган бўлса, кийим олд бўлагининг елка қирқимларига ҳам уқа ёки газалама бўлаги қўйилади.

Чўзилувчан газламалардан тикиладиган кийимларда уқа ёки қотирма асосий детални солқилантириб, чўзилмайдиган газламалардан тикиладиган кийимларда эса солқилантирмасдан қўйилади. Уқанинг таранглиги ёки асосий деталнинг солқилик даражаси газламанинг структурасига, кийимнинг бичимига, буюртмачининг гавдасига боғлиқ бўлади ва модельнинг техник баённада ёки бичиқчи томонидан кўрсатилади. Уқа ёки газлама бўлаги шундай қўйилиши керакки, у деталларнинг бириктириш чокларига тушиб турадиган бўлсин.

Осон титилувчан газламалардан тикиладиган астарли кийимларда, астари кийим этагига уланмайдиган (астари очиқ) кийимларда ён қирқимлар, кийим орт бўлагининг ўрта қирқимлари, безак чоклар ва тахламаларнинг бошқа қирқимлари йўрмалади. Бу операция 51-А кл. ПМЗ машинасида пастдан юқорига томон, этакдан 40-50 см (кат-

талар пальтосида) ва 25-30 см узунликда (болалар пальтосида) бажарилади.

Астар кийим белигача тушадиган пальтоларда деталларнинг очиқ қирқимлари астарлик газлама бўлагидан мafiz қўйилиб битта очиқ қирқимли мafiz чок билан ёки маҳсус лента (жияк) қўйиб тикилади. Бу иш маҳсус тепкилар ёрдамида универсал машиналарда бажарилади.

32-8. ТУРЛИ БЕЗАКЛАР ВА УЛАРНИ ДЕТАЛЛАРГА БИРИКТИРИШ

Жияк ва сутаж (177-расм) ҳозирги вақтда болалар ва аёллар кўйлаклари ҳамда блузкаларни безаш учун кенг ишлатилади. Жияк ҳар хил рангли ва нақшли бўлади. Унинг чети тўғри ёки шаклдор бўлиши мумкин.

Шаклдор четли жияк кийимнинг ўнгига бостириб тикилади. Уни белгиланган чизиқ бўйича ўнги билан қўйиб, ўртасидан бостирма чок билан тикилади. Чирмовик жияк ёки шаклдор четли бошқа жияклар билан ёқа, ёқа ўмизи, этак ва бошқа жойларни безаш мумкин. Бу ҳолда жияк деталларга қирқимларини ағдарма чок билан тикишдан олдин уланади.

Шаклдор четли жияклар билан ҳар хил деталлардаги майда тахламаларнинг четлари безалади. Бунинг учун олдин моделга кўра чуқурлиги 0,3-1 см гача бўлган майда тахламалар букмалари дазмолланади. Белгиланган чизиқ бўйича деталга жияк бостириб тикилади, сўнгра шу тикилган чокни майда тахламанинг букмаси билан ёпиб, тагидан жиякнинг шаклдор чети ёки тишлари кўриниб турадиган қилинади. Шундан кейин майда тахламанинг букмасидан 0,1 см ичкаридан бостириб тикилади.


Тўғри четли жияк деталга белгиланган чизиқ бўйича қўйилади ва четидан 0,1 см қочириб бир ёки иккала томонидан бостириб тикилади. Тикишда жияк учун мўлжалланган маҳсус ўйналтиргичли тепкидан фойдаланилади.

Сутаж билан кийим ёқасининг, манжетларининг четлари, этаги ва бошқа жойлари безалади. Кўпинча ҳар хил рангли сутаждан фойдаланилади. Сутаж бир ёки бир неча параллел баҳяқатор билан ёки берилган нақш бўйича бостириб тикилади. Сутаж деталнинг ўнгига белгиланган чизиқ бўйича қўйилади ва ипак ип билан ўртасидан тикиб олинади. Агар маҳсу тепки бўлса, жияк ёки шнур тепкидаги тешикдан ўтказилади ва деталнинг ўнгидан билинмайдиган баҳяқатор билан деталга бостириб тикилади.

Тўр — асосан тунги кўйлакни безаш учун ишлатиладиган безак. Аммо ҳозирги вақтда ундан аёллар (181- расм) ва болалар енгил кийимини безашда ҳам фойда-



177-расм. Жияк құйиб безатилған қызлар күйлаги.



178-расм. Жияк қўйиб безатилған аёллар кўйлаги модели

ланылмоқда. Тұр деталнинг ўнгига белгиланған чизиқ буйича қўйилади ва баҳяқатор олдида деталь четини қирқиб, тұрнинг четидан 0,1 см ичкаридан тикув машинасіда ёки маҳсус машинада бостириб тикилади.

Бурмалар аёллар ва болалар енгил кийимида безак сифатида ёки витачкалар ўрнида ишлатилади. Тикувчилик саноатида бурмалар ҳосил қилиш учун (182-расм, а) маҳсус тепкили, иккى игнали 252 кл. ПМЗ машинасыдан фойдаланылади. Бундай машина бўлмагандан иккита параллел баҳяқатор туширилади. Агар маҳсус тепки бўлмаса, бурмалар ҳосил қилиш учун деталга бўш баҳялар билан иккита параллел баҳяқатор юритилади. Биринчи баҳяқатор қирқимдан 0,7-0,8 см, иккинчиси эса 0,9-1,4 см ичкаридан юритилади. Деталнинг қирқими ости баҳяқаторга зарур узунликда терилади, деталда ҳосил бўлган бурмалар бир меъёрда тарқатиб чиқилади. Деталда бурма ҳосил бўлгандан сўнг шу деталь қирқимининг узунлиги у бириктириладиган деталь қирқими узунлигига teng бўлиши керак.



179-расм. Түр қўйилган кўйлак модели.


180-расм. Түр қўйилган блузка модели.

181-расм. Деталь чечига түр тикиш.

Бурмаларни қўлда ҳам ҳосил қилиш мумкин (182- расм, б). Бунинг учун тўғри қавиқлар билан иккита параллел қавиққатор туширилади. 1 см га 3-4 қавиқ тўғри келиши лозим. Игна газламанинг фақат 2-3 ипини қамраши зарур. Материал чап қўл билан ушлаб турилади. Ҳар бир қавиқдан кейин игнани суғуриб олиш ярамайди. Бурма узун жойда ҳосил қилинадиган бўлсагина, игнани суғуриш даркор. Тикиш олдидан ип яхши пухталаб олинади. Бунинг учун ипнинг уни газламага қадалган тўғнағичга туғиб қўйилади. Бурма охиригача тикиб бўлингандан сўнг ипнинг уни пухталаниб, бурма бир текис ёйиб чиқилади.

Юмшоқ, дазмоллаб қайрилмаган тахламалар. Детални бичиши пайтида унинг юмшоқ тахламалар тушириладиган қирқими бўйича кертимлар қилинади. Тахламалар шу кертимлар бўйича қўйилиб, четидан шундай тикиладики. Кейинги ишлов пайтида чок детални тикиш чоки ичидаги қоладиган ва кийимнинг ўнгидан кўринмайдиган бўлиши керак (182-расм, в).

Буфлар ич кийимларни ҳамда аёллар ва болалар кўйлак-



182-расм. Бурмаларни ва майда бурмалар тахламаларини ишлаш.

ларини безаш учун ишлатилади. Улар буюмларнинг бир тури бўлиб, қўлда ёки машинада тайёрланishi мумкин.

Қўлда тайёрланадиган буфлар ҳар хил нақшли бўлади. Айниқса, аёллар қўйлагига тикиладиган буфлар турли-туман бўлади. Буфлар деталнинг тескари томонидан нуқталар ёки чизиқлар тарзида белгилаб олинади. Буф қаторлари орасидаги масофа 0,8-1 см, нуқталар орасидаги масофа 0,5 см бўлиши зарур (183-расм). ҳар бир қатордаги нуқта бир-бирининг тагига аниқ тушиши лозим. Олдин сирма қавиққатор туширилади; бунда игна аниқ нуқтадан қадалиши ва икки нуқта орасидан чиқарилиши керак. Сўнгра ип майда тахламаларнинг букмалари юқорига чиқадиган қилиб тарангланади. Майда тахламалар кейинчалик суринг мумкин бўладиган даражада тарангланади. Майда тахламалар ҳосил бўлгандан сўнг гул тикишга киришилади. “Вафля” нақшини ёки “ари уяси” нақшини ҳосил қилиш учун навбати билан ҳар бир қаторнинг иккитадан бурмаси ироқисимон қавиқлар ёрдамида пухталанади. Ҳар бир пухталамада 4-5 қавиқ бўлади. Гул тикиб бўлингандан сўнг бурма иплари сўкиб ташланади.

Машинада тайёрланадиган буфлар оддий ва шнурули бўлиши мумкин. Оддий буфлар ҳосил қилиш учун деталда параллел чизиқлар белгилаб олинади. Бу чизиқларнинг сони ва орасидаги масофа моделга боғлиқ. Деталь белгиланган чизиқ бўйича ёки четларига параллел қилиб маҳсус тепкили, бир ёки икки игнали машинада тикилади. Агар маҳсус тепки бўлмаса, деталь белгиланган чизиқ бўйича ўнгидан бўш баҳялар билан тикилади. Устки ипларнинг уни

деталнинг тескарисига чиқарилади ва бахяларни таранглаб бурмалар ҳосил қилинади. Бурмалар бир текис ёйиб чиқилади, ипларнинг учи маҳкамлаб, туғиб қўйилади. Буф бахяларининг учларида, деталнинг тескари томонидан, 0,1 см чуқурликдаги майда тахламалар ҳосил қилиб тикилади. Барча буф бахяларининг учлари майда тахламаларни тикиш чокларига кириши зарур.





Кийимни тикиш пайтида буфлар чўзилиб кетмаслиги учун, асосий материалдан бичилган газлама бўлагини уларнинг тагига деталь тескарисидан шундай қўйиш керакки, танда иплари буф бахяларига параллел ўтадиган бўлсин. Астарнинг ўлчамлари тайёр деталдаги буфнинг ўлчамлари ва шаклига мос бўлиши лозим. Бундан ташқари, чок ҳақи ва қирқимларнинг ишлов ҳақи қолдирилиши керак. Астарнинг четлари чокларга кирмайдиган бўлса, тескари томонга 0,5-0,7 см қайриллади ва 0,1 см ичкаридан тикилади ёки қайрилган чети томондан маҳсус машинада йўрмалади. Астар яширин қавиқлар билан тикилади. Агар буф қирқимлари деталларни улаш чокларига кирадиган бўлса, астар қирқимлари шу чокларга ўтказиб кетилади.

Астарнинг ён томонларини асосий деталга буф учларидаги майда тахламаларни букиб тикиш пайтида тикиб кетиш мумкин.

Бўртма буфлар ҳосил қилиш учун шнур ишлатилади. Деталнинг тескари томонига асосий материал бўлаги қўйилади ва белгиланган чизиқлар бўйича ўнгидан баҳяқатор юритилади. Биринчи баҳяқатор тикилгандан сунг кейинги баҳяқаторни тикишдан олдин асосий деталь билан астар орасига шнур қўйилади ва газламани шнурга тортиб ўралади. Шнур маҳсус тепки ёрдамида тикилади.


Агар астар қирқимлари кейинги ишлов пайтида деталларни улаш чокларига кирмайдиган бўлса, тескарисига 1 см қайриллади ва буф ҳосил қилиш пайтида тикиб кетилади. Деталь шнурга маълум катталикдаги участкада тортилади. Ҳосил бўлган бурмалар бутун участка бўйлаб бир текис ёйиб чиқилади. Шнурнинг учлари машинада қўш баҳяқатор билан кўндалангига пухталанади.

Кийим моделига мувофиқ шнурнинг учлари кийим ўнгига чиқиб туриши мумкин. Шнурни чиқариш учун асосий деталда белгиланган сиртлар бўйича йўрмалган петля шаклида тешик ишланади. Тешикнинг узунлиги биринчи ва охирги буф баҳяқаторлари орасидаги масофага тенг бўлиши лозим. Шнурни тикиш баҳяқаторлари тешикни кўндаланг йўналишда кесиб ўтиши ва маҳкамлаши керак. Бундан ташқари, тешикнинг охирларини қўлда 5-6 қавиқ билан пухталаш зарур. Агар шнурнинг учлари деталь қирқимларига кирадиган бўлса, шнурни букиб тикиш



183-расм. Бұғдарни күлдеш

184-расм. Қирқимли блузка модели.



185-расм. Қирқимларни ишлаш.

пайтида асосий деталь ва астар қирқимлари ичкарига 1,5-2,0 см қайрилади. Ҳар бир баҳяқаторнинг учлари 5-6 қавиқ билан қўлда пухталанади.

Қирқмалар витачкаларнинг бир тури булиб, айни вақтда безак элементлардан бири ҳисобланади. Қирқмали деталларни бичишида қирқимлардан бири иккинчисидан узувроқ олинади, чунки бурмалар учун қўйим қолдирилиши керак. Қирқманинг узув томони бўйича бурма ҳосил бўлиши учун иккита баҳяқатор туширилади (184-расм, а). Шундан кейин қирқманинг томонлари бир хил узунилкда чиқиши зарур. Деталлар ўнгини ичкарига қилиб қўйилади. Бурмаларни текислаб, четлари тўғриланади ва кўклиданади.

Кўклиш деталнинг бурмали қирқими томондан 1,0-1,5 см узунилкдаги тўғри сирма қавиқлар билан четидан 0,7-0,8 см ичкаридан бажарилади. Қирқмалар терилган деталь томондан тикилади. Чокнинг эни 0,7-1,0 см (185-расм, б). Қирқма охирида чок то йўқолгунча торайтириб борилади, баҳяқатор қирқма охиридан 1-1,5 см ошириб тўхтатилади. Баҳя учларини пухталаб, кўклиш иплари сўқиб ташланади. Чок йўрмалади ва деталнинг бурмасиз томонига қайрилади.

Шойи ва жун газламалардан, шунингдек лавсанли газла-

малардан тикиладиган кийимларда чок дазмоллаб ётқизилди, ип газламадан тикилган кийимларда эса — бир томонға ётқизилди. Моделга мұвоғиқ чок бостирма булиши мүмкін. Шойи ва жүн газламалардан, шунингдек лавсан то-лали газламалардан тикиладиган уст кийимларда чокни бостириб тикишдан олдин уни бир томонға ётқизиб құкла-нади.

Агар модельда чок бостирма булиши, улаш чокининг эни эса безак баҳа энидан кичик булиши күзда тутилған булиб, натижада қирқманинг бириктирма чоки тикиш баҳяқатори остига тушмайдыган бұлса, қирқманы бириктириб тикиш пайтида чок тагига асосий материал бұлаги құйиб кетилади. Қирқма деталнинг бурмасиз томонидан бириктириб тикилади, газлама бұлаги эса пастта, газлама сургич устига құйилади. Қирқманинг чоки йұналтирувчи линейкали төпки ёрдамида үңгидан бостириб тикилади. Безак ба-хяқаторнинг эни модельга боғлиқ.

33-§. ВИТАЧКАЛАРНИ ИШЛАШ

Кийимга киши гавдасига мос шакл бериш, шунингдек кийимнинг гавдага яхши ёпишиб туришини таъминлаш учун асосий деталларда витачкалар қилинади. Витачкаларнинг керими ва сони кийимнинг гавдага ёпишиб туриш дара-жасини белгилайди.

Витачкалар кийим юқорисида ва белида булиши мүмкін. Юқоридаги витачкалар елка чокидан, ёқа үмизидан, енг үмизи ёки ён чокдан бошланади; аёллар кийимида бундай витачкалар асосий ҳисобланади. Улар күкракда ёки куракда қавариқлик ҳосил қилиш учун зарур. Белдан бошланадиган витачкалар кийимнинг белға ёпишиб туришини таъмин-лайди. Витачкаларнинг керими қанчалик катта бұлса, кийим белға шунчалик зич ёпишиб туради. Кенг бичимли кийимларда белға витачка қилимайди.


Витачкалар қирқма ва яхлит булиши мүмкін.

Одатда, енгил кийимлардаги витачкалар яхлит бұлади.

Кийимнинг моделига қараб витачкалар юмшоқ тахлама-ларға үтиши, витачка-майда тахламалар, тахламалар, қирқмалар ва бұртма чоклар билан алмаштирилиши мүмкін.

Қирқимдан бошланадиган¹ витачкалар деталнинг тес-карисидан құшимча андаза буйича уcta чизиқ билан (186-расм, а), деталь үртасидаги витачкалар эса түртта: ён чизиқтар² ва витачканынг боши ҳамда охирини билдирадиган чизиқтар билан белгиланади.

Деталь ўрта чизиқ буйича үнгини ичкарига букиб құйилади. Кийимларни якка буюртмалар бўйича тикишда



186-расм. Витачкаларни ишлаш.

витачкалар олдин ён чизиқ бүйича күк slab олининб, кейин бириктириб тикилади (186-расм, б). Чокдаги күклаш ипи сүкиб ташланади ва белгиланган ўрта чизиқни бириктириб тикиш чокига аниқ келтириб, витачкалар ёриб дазмолланади (186-расм, г). Шундан сұнг моделга мувоғиқ витачка бир томонға ётқизиб дазмолланади. Кийимларни күп slab ишлаб чиқаришда витачкалар олдин күк slab олинмайды. Юмшоқ тахламаларга үтадиган витачкалар (186-расм, д) аввал күндаланғига, сұнгра қирқим йұналишида бурчак остида тикилиб, бурчакдаги баһақатор қайилтириб қўйилади. Деталларнинг қирқимларидан бошланадиган витачкалар шу қирқимлардан бошлаб тикилади ва витачканнинг охирини белгилайдиган күндаланг чизикларда тугалланади. Деталь ўртасидаги витачкалар (186-расм, в) деталь учларининг биридан бошлаб тикилади.

Кийимларни күп slab тикишда ип газламалардан тикиладиган кийимларда витачкаларни ишлеш учун чизиклар ўрнига деталларнинг қирқими бүйича кертимлар қилинади, витачка охирлариде эса тешикчалар очилади. Витачкалар ана кертим ва тешикчалар бүйича тикилади.

Кертим ва тешикчалар витачкаларни тикиш чокига кириши шарт. Витачка чоклари моделда кўрсатилган томонга қайрилади. Витачкалар кийимга узил-кесил ишлов бериш пайтида намлаб-иситиб ишланади.

Витачка охирларидаги солқиланган жойлар дазмоллаб кириштирилади.

Моделга кўра витачкалар ўнгидан бостириб тикилиши мумкин. Бостирма чоклар моделда кўзда тутилган масофада ипак ип билан тикилади. Бу ҳолда устки ип тескарига чиқарилади ва тугиб қўйилади.

Юмшоқ тахламаларга ўтадиган витачкалар ҳам тескарисидан учта ёки тўртта чизиқ билан белгиланади. Якка буюртмалар бўйича тикиладиган кийимларда витачкалар олдин белгиланган чизиқ бўйича кўклаб олинади, кейин тикилади. Бахяқатор тахламанинг ишлов ҳақига кўндаланг бошланади ва детални буриб, витачка белгиланган ён чизиқ бўйича тикилади.

Якка тартибида тикиладиган кийимлардаги шаклдор қилиб бичилган витачкалар аввал, албатта, кўклаб олинади. Кўклаш сирма қавигининг узунлиги 0,7-0,5 см. Витачкалар тикилгандан сўнг кўклаш иплари сўкиб ташланади, витачка моделда кўзда тутилсан томонга ётқизиб дазмолланади.

Кийим юқори қисмидаги витачкалар. Уст кийимдаги витачкалар кўпинча қирқма бўлади. Бундай витачкаларни ишлаш учун кийим олд бўлаги ўнгини ичкарига қилиб қўйилади, қирқимлари текисланади ва белгиланган чизиқ бўйича 0,8-1,0 см узунликдаги қавиқ билан тескарисидан кўкланади. Сўнгра витачкалар кўклаш чизигидан 0,1 см ичкаридан машинада тикилади. Витачка чоки то йўқ булгунча торайтириб борилиб, витачка қирқими охирига 1-1,5 см қолганда тутатилади. Витачка охирларида жун, ип газлама ёки флизелин типидаги нотўқима газламалардан 5-6 см узунликда булак қўйилади.

Чокдаги кўклаш иплари сўкиб ташланади; чок ёقا ўмизидан бошлаб ётқизиб дазмолланади. Витачка охирларидаги солқиланган жойлар дазмоллаб кириштирилади.

Кийим юқори қисмидаги яхлит витачкалар енгил кийимдаги витачкалар каби ишланади.

Белдаги витачкалар, одатда, яхлит бўлади. Олд булак витачкаларини ишлаш учун кийим олд бўлаги витачканинг ўрта чизиги бўйича 1,0 см узунликдаги қавиқлар билан кўкланади. Витачка кўклаш чизигидан 0,1 см ичкаридан машинада тикилади. Тикиш пайтида кийим олд бўлагининг ён қисми томонидан чокнинг бутун узунлигича жун, ип газламадан ёки флизелин типидаги нотўқима материалдан тайёрланган қия булак қўйилади. Бу булак витачкаларнинг пастки учларидан 1-2 см чиқиб туриши керак (186-расм, е).

Витачка чоклари то йүқ бүлгүнча торайтириб борилиб, учлари пухталанади. Күклаш иплари сүкиб ташланади. Витачка тагига қўйилган бўлак витачка шаклида қирқилади. Витачка учидан чиқиб турган бўлакнинг бир қавати витачкани тикиш баҳяқаторигача кертилади. Чокини белдан юқорига ва белдан пастга томон икки бўлиб дазмолланади ёки витачка ётқизиб дазмолланади. Ёриб дазмоллаш вақтида витачка бир томонга, тикилган бўлак эса иккичи томонга қайрилади (186-расм, ж). Витачка охиридаги солқиланган жойлар дазмоллаб киришитиралади. Шунда витачка охиридаги газлама бўлаги бир қават бўлиши керак.

Витачка учлари бир томонга елим қопланган ип газлама бўлаги билан пухталаб кетилиши мумкин.

34-8. ЧЎНТАКҚОПҚОҚЛАРНИ ИШЛАШ


Енгил кийимдаги чўнтаққоپқоқлар

Қотирмасиз чўнтаққоپқоқ ёки листочкалар. Чўнтаққоپқоқ икки қисмли қилиб (қопқоқ ва остки қопқоқ) ёки яхлит бичилиши мумкин.

Чўнтаққоپқоқнинг устки қисми ён ва паст томонлари бўйича остки қопқоқка нисбатан 0,2-0,3 см кенгроқ бичилади. Чўнтаққоپқоқ ва остки қопқоқ ўнгини ичкарига қаратиб қўйилади, қирқимлари текисланади. Кийимларни якка тартибда тикишда чўнтаққоپқоқ бурчаклари ва юмалоқланган жойларида едириб кўкланади; ағдарма чок солиш чўнтаққоپқоқ томондан шундай бажарилади, машинада тикилган баҳяқаторлар кўклиш чокига тўрги келиб қолмайдиган бўлсин. Чокнинг эни 0,5-0,7 см.

Кўклаш иплари сўкиб ташланади. 0,2-0,3 см чок ҳақи қолдириб, чўнтаққоپқоқ бурчакларидаги чок кесилади (187-расм, а). Чўнтаққоپқоқни ўнтига ағдариб, четлари текисланади ва 1,0-1,5 см узунликдаги тўғри қавиқлар билан зийлари кўкланади. Қавиқлар қопқоқ четидан 0,5-0,7 см ичкаридан туширилади. Кўклаш остки қопқоқ томондан бажарилади. Шунда эни 0,1-0,2 см ли кант ҳосил бўлади. (187-расм, б). Агар моделда назарда тутилган бўлса, газлама ўнгидан қопқоқ чети бўйлаб йўналтирувчи линейка ёки йўналтиргичли тепки ёрдамида безак баҳяқатор тикилади. Сўнгра тайёр чўнтақ қопқоқнинг энини билдирадиган чизиқ белгилаб олинади. Кийимларни кўплаб тикишда чўнтаққоپқоқ четлари остки қопқоқ томондан, қўлда кўкламасдан, машинада ағдарма чок билан тикилади.

Синтетик толали газламалардан тикиладиган кийимлар дазмоллангандан ва иплар сўкиб олингандан кейин уларда



187-расм. Енгил кийимдаги чұнтак қопқоқларни ишлаш.

Қавиқ ишининг излари қолади. Бу изларни кетказиш қийин, шунинг учун чұнтакқопқоқларниң зийини күклашда ипак иш ишлатылади ёки зий күкланмасдан зий ҳосил бұладиган қилиб дазмолланади. Чұнтакқопқоқни зий күкланмай ишлашда вақт тежалади. Агар чұнтакқопқоқ остиқи қопқоқ билан бирга бичилған бўлса, у икки букланади, юқори қирқими текисланади ва икки томондан машинада ағдарма чок билан тикилади. Сўнгра ўнгига ағдарилади, четлари тўғриланади ва ағдарма чокларини зийга тўғри көлтириб, чоклар ётқизилиб дазмолланади.

Агар модельда чұнтакқопқоқда ағдарма чокли петлялар булиши кўзда тутилган бўлса, чұнтакқопқоқ четларини тикишдан олдин петлялар чұнтакқопқоқнинг юқори то-

монида ишланади (ағдарма чокли петляларни ишлаш ҳақида 247-бетта қаранг).

Петлялар маҳсус машинада йўрмалади. Листочкалар чўнтаққопқоқларга ўхшаб ишланади. Безак чўнтаққопқоқ ёки листочканинг ички чети ҳам маҳсус машинада йўрмалади. Шундан кейин чўнтаққопқоқ ва листочканинг тескарисида уларнинг тайёр ҳолдаги энини билдирадиган чизиқ белгиланади. Бу чизиқ чўнтаққопқоқ ёки листочкани асосий деталга улаш учун ёрдамчи белги вазифасини ҳам ўтайди.

Қотирмали чўнтаққопқоқ ёки листочка. Пишиқ чиқиши ва шаклини узоқ сақлаши учун енгил кийимдаги чўнтаққопқоқлар кўпинча қотирмали қилинади. Қотирма бир томонига елим қопланган газламадан, хом сурп ёки коленкор типидаги иш газламадан, флизелин типидаги нотўқима материаллардан бичилиши мумкин (187-расм, в).

Бир томонига елим қопланган газламадан тайёрланган қотирма қопқоқнинг тескарисига қўйилади ва дазмол ёки прессда бир йўла бир нечтаси ёпиширилади. Агар қотирма хом сурп, коленкор ёки флизелиндан тайёрланган бўлса, чўнтаққопқоқ остки қопқоқ билан бирга ўнгини ичкарига қаратиб қўйилади. Қотирма чўнтаққопқоқнинг тескарисига қўйилади ва остки қопқоқ томондан машинада ағдарма чок билан тикилади.

Намлаб-иситиб ишлаш қийин бўлган газламалар; лавсанли жун ва шойи газламалардан тикиладиган кийимларда қотирма чўнтаққопқоқ ёки листочка тескарисига қўйилади ва четидан 0,6 см ичкаридан кўклаб, чўнтаққопқоқ ёки листочканинг бурчакларида солқи ҳосил қилиб кётилади. Шундан сўнг қотирмали чўнтаққопқоқ остки қопқоқ билан бирга, листочка эса остки листочка билан бирга ўнгини ичкарига қилиб қўйилади ва йўналтирувчи тепки ёрдамида қотирма томондан машинада ағдарма чок билан тикилади. Чокнинг эни 0,5 см. Чокнинг бурчаклари кесилади, чокдан чиқиб қолган қотирма кесиб ташланади, чўнтаққопқоқ ёки листочка ўнгига ағдарилади ва худди қотирмасиз чўнтаққопқоқ ҳамда листочка каби ишланади (187-расм, г).

Қўйма бурмали қопқоқ. Олдин қўйма бурма тайёрлаб олинади, сўнгра остки қопқоқнинг ўнгига ўнгини юқорига қилиб қўйилади, четлари текисланади ва универсал машинада уланади. Бахяқатор икки бахяқатор орасига ёки бурмани ҳосил қиласидиган иккинчи бахяқатор бўйича тикилади. Бунда бурма деталнинг бутун узунлиги бўйича бир текис тақсимланади (чўнтаққопқоқ бурчаклари бундан мустасно, чунки бу ерда бурмалар бошқа жойларга қараганда кўпроқ бўлади). Якка тартибда тикиладиган

күйимларда қўйма бурма машинада тикилмайди, балки 0,3—0,5 см узунликдаги сирма қавиқлар билан кўкланади. Бунда чўнтаққопқоқ бурчакларидағи қўйма бурманинг терилган жойлари қайтма қавиқ билан пухталанади.

Машинада тикилган ёки кўкланган қўйма бурмали остиқ қопқоқ чўнтаққопқоқ билан бирга ўнгини ичкарига қаратиб қўйилади, қирқимлари текисланади ва қўйма бурмани тикиш баҳияттори ёки кўклаш қавиқлатори бўйича остиқ қопқоқ томондан машинада ағдарма чок солинади. Якка тартибда тикиладиган буюмларнинг остиқ қопқоғи олдин чўнтаққопқоққа кўклаб олинади. Бунда қопқоқнинг бурчакларида бир оз солқи ҳосил қилиб кетилади. Кейин кўклаш иплари сўкиб ташланади, чоклар кесилади, чўнтаққопқоқ ўнгига ағдарилади ва худди оддий чўнтаққопқоқ каби ишланади. (187-расм, л).

Бейкали чўнтаққопқоқ. Бейкали чўнтаққопқоқнинг четлари тўғри ёки думалоқланган бўлиши мумкин

Тўғри тўртбурчак шаклли чўнтаққопқоқ учун мўлжалланган бейка чўнтаққопқоқнинг ташқи чети шаклиг а мослаб уч қисмдан бичилади. Бейка қисмлари жойига мосланади ва бириктириш чокларининг чизиқлари 45° бурчак остида ўтадиган қилиб белгилаб олинади. Шундан сўнг бейка қисмлари белгиланган чизиқ бўйича машинада тикилади, бейканинг икки четига 0,5—0,7 см қолгандан баҳияттор тўхатилади. Чок ҳақи 0,5-0,7 см қолдириб кесилади. Жун ва шойи газламалардан тикиладиган кийимлардаги чоклар ёриб дазмолланади, иш газламадан тикилган кийимлардаги чоклар эса икки томонга ётқизилади.

Бейкани чўнтаққопқоққа бириктирма ёки бостирма чок билан улаш мумкин. Чўнтаққопқоқ остиқ қопқоқдан бейка энчалик тор бичилади. Бириктирма чок билан улашда (187-расм, е) бейка ва чўнтаққопқоқ ўнгини ичкарига қилиб қўйилади, сўнгра қирқимларини текислаб, бейка машинада уланади. Чокнинг эни 0,5—0,7 см. Бейкани чўнтаққопқоққа бостирма чок билан улашда (187-расм, ж) бейканинг ички чети тескари томонга 0,5-0,7 см қайрилиб дазмолланади. Чўнтаққопқоққа бейкани бостириб тикиш чизиги белгилаб олинади. Бейка ўнги билан чўнтаққопқоқнинг ўнгига қўйилади, бунда бейканинг қайрилган чети чўнтаққопқоқдаги белгиланган чизиқга тўғри келиши керак; шундан кейин 0,1 см ичкаридан бостириб тикилади. Кийимлар якка тартибда тикилганда бейка олдин бостириб кўкланади.

Бейка машинада бириктириб ёки бостириб тикилғандан сүнг чүнтакқопқоқ билан ости қопқоқ үнгини ичкарига қилиб қўйилади, қирқимлари текисланади ва ағдарма чок билан тикилади. Якка тартибда тикиладиган кийимларда деталлар олдин кўклаб олинади. Чокнинг эни 0,5-0,7 см. Чокнинг бурчаклардаги чок ҳақи кесилади. Чүнтак үнгига ағдарилади ва одатдагидек ишлов берилади. Агар бейка чүнтакқопқоқ фақат ташқи чети бўйича қўйиладиган бўлса, ости қопқоқни безак газламадан бичиш ва чүнтакқопқоқдан бейка энича кенгроқ олиш тавсия қилинади (187-расм, з). Ости 217ада бўр билан бўкиш чизигини белгилайдиган чизиқ туширилади ёки четларига кертмалар қилинади. Чүнтакқопқоқ ости қопқоқ үнгига үнгини ичкарига қаратиб қўйилади, қирқимлари тўгриланади ва чүнтакқоқ пікоқ узунлигича машинада тикилади. Чок тўгриланади ёки ёриб дазмолланади.

Моделга мувофиқ ости қопқоқни чүнтакқопқоқقا бостирма чок билан улаш ҳам мумкин (187-расм, и). Машинада бостириб тикилғандан сүнг ости қопқоқ белгиланган чизиқ, вертмалар бўйича букилади ва чүнтакқопқоқ үнгига үнгини ичкарига қилиб қўйилади, ён томонлари бўйича қирқимлари текисланади ва машинада ағдарма чок билан тикилади. Якка тартибда тикиладиган кийимларда деталлар аввал кўклаб олинади. Ағдарма чокнинг эни 0,5—0,7 см. Кўклаш ислари сўкиб ташланади. Чүнтакқопқоқ үнгига ағдарилади ва оддий чүнтакқопқоқ каби ишланади. Четлари думалоқланган чүнтакқопқоқ учун мўлжалланган бейка чүнтакқопқоқ шаклида ёки тандишига нисбатан 45° бурчак остида қия бичилади. Агар бейка қия ип бўйича бичилган бўлса, уни чўзиш ва чүнтакқопқоқ шаклини бериш лозим.

Қистирма кантли чүнтакқопқоқ. Агар чүнтакқопқоқ тўғри тўртбурчак шаклида бўлса (187-расм, к), олдин кантни тайёрлаб олиш керак. Кант учун газламанинг гудига қараб кўндаланг ёки бўйлама газлама бўлаги (эни 4-5 см) кесиб олинади, узунлиги бўйича икки буқланади ва дазмолланади. Бўлакнинг букилган зийида ён томонларининг ўлчамлари ва кантнинг очиқ чети белгилаб олинади. Сўнгра бурчакларни тикиш чизиқлари белгилаб олинади. Бурчаклар белгиланган чизиқлар бўйича ўргасидан икки томонга қараб тайёр ҳолдаги кант энинга 0,1-0,2 см қўшилган катталикда бириктириб тикилади. Бурчак чизиқлари аниқ ва текис чиқиши учун думалоқланган жойга битта баҳя тушириш керак. Баҳяларнинг уни пухталанади. Чоклар кесилади ва икки томонга ётқизилади ёки ёриб дазмолланади. Кант үнгига ағдарилади, бурчаклари тўгриланади ва дазмоллаб ётқизилади.

Агар чүнтакқопқоқнинг четлари думалоқланиси лозим бўлса, кант учун бўлак танда ипига нисбатан 45° бурчак остида 4-5 см кенглиқда бичилади. Бўлак тескарисини ичига қаратиб узунлиги бўйича икки буқланади, кант шаклида чўзилади ва дазмолланади, сўнгра остки қопқоқнинг ўнгига қўйилади, қирқимлари тўғриланади ва думалоқланган жойларда кант учини солқироқ қилиб йўналтиргичли маҳсус тепки ёрдамида уланади. Бунда баҳяқатор бўлак буқилган жойдан кант энига 0,1 см қўшилган масофада ичкаридан ўтиши керак. Якка тартибда тикиладиган кийимларда бўлак олдин кўклаб олинади. Кант учун мўлжалланганга бўлакнинг тўғри кўкланганилиги ёки тикилганлиги текширилгандан сўнг чүнтакқопқоқ билан остки қопқоқ ўнгини ичкарига қилиб қўйилади, қирқимлари текисланади ва думалоқланган жойларини солқироқ қилиб чўнтакқопқоқ остки қопқоқ томондан машинада ағдарма чок билан тикилади. Баҳяқатор кантни улаш баҳяқатори бўйича ёки ундан 0,1 см ичкаридан туширилади. Якка тартибда тикиладиган кийимларда ағдарма чок билан тикишдан олдин чўнтакқопқоқка кўкланиб, чўнтакқопқоқнинг думалоқланган жойларida солқи ҳосил қилиб кетилади.

Кийимларни кўплаб тикишда кантли чўнтакқопқоқни ишлаш учун маҳсус мосламадан фойдаланилади. Унинг ёрдамида чўнтакқопқоқ четлари ағдарма чок билан тикилади ва айни вақтда кант қўйиб кетиш мумкин.

Қопқоқ четларини мағиз чоки билан безаш. Чўнтакқопқоқ билан остки қопқоқ тескарисини ичкарига қилиб қўйилади, қирқимлари тўғриланади ва мағизнинг энига қараб машинада 0,2—0,4 см ичкаридан кўкланади ёки маҳкамланади. Қопқоқ четларида маҳсус жияклар билан мағиз чок ҳосил қилиш мумкин. Жияк чўнтакқопқоқ шаклида чўзилади ва маҳсус мослама ёрдамида битта баҳяқатор билан мағиз қўйилади. Агар маҳсус мослама бўлса, жияк бир чети 0,1—0,2 см чиқиб турадиган қилиб ўртасидан буқилади ва дазмоллаб қайрилади. Шу бўлак тагига тайёрланган чўнтакқопқоқ четлари шундай қўйилади, бўлакнинг энли томони остки қопқоқ томонда турадиган бўлсин. Шундан сўнг жияк энсиз томонидан кўкланади, бунда унинг энли томони албатта баҳяқатор остига тушиши лозим. Жияк чўнтак қопқоқ томондан битта баҳяқатор билан тикилади. Кўклаш иплари сўқиб ташланади. Чўнтакқопқоқ дазмолланади.

Жияк бўлмаганда ёки моделга кўра чўнтакқопқоқ четларида безак газлама бўлагидан мағиз чок ҳосил қилиш мумкин. Безак бўлак танда ипига 45° бурчак остида бичилади, унинг эни мағизнинг иккилантирилган энига 1,0—1,5 см қўшиб топилади. Бўлак чўнтакқопқоқ шаклида

чүзилади, қирқимлари тескарисига 0,5 см қайрилади ва дазмолланади. Сұнгра бұлак бир чети иккінчисидан 0,1—0,2 см чиқиб турадиган қилиб ўртасидан бүйламасига қайрилади ва дазмолланади. Дазмолланған бұлак орасига тайёрланған чұнтакқопқоқ четлари құйилади, шунда бұлакнинг энли томони остики қопқоқ томонда туриши керак. Олдин бұлакнинг энсиз томони күк клаб олинади, сұнгра қайрилған четидан 0,1—0,2 см ичкаридан машинада уланади. Бұлакнинг энли томони албатта баҳяқатор остида қолиши керак. Күклаш иплари сұкиб ташланади.


Баъзи ҳолларда безак бұлак четларини дазмолламасдан туриб, мағиз чок билан ишлеш яхши самара беради. Чұнтакқопқоқ остики қопқоққа уланғандан сұнг, танда ипига 45° бурчак остида бичилған мағиз бұлаги ўнги билан остики қопқоқ ўнгига құйилади ва қопқоқнинг ички томонидан мағиз энидан 0,1 см кам масофада ичкаридан машинада тикилади. Кейин бұлак чұнтакқопқоқ ўнгига ағдарилади, чок атрофидан айлантириб деталь ўнгига ұтказилади, бұлак қирқими улаш баҳяқаторини ёпадиган даражада ичкарига қайрилади ва қайрилған четидан 0,1 см ичкаридан бостириб тикилади. Тайёр қопқоқ дазмоллаб ётқизилади.

Сезиларлироқ бұртма ҳосил қилиш учун чұнтакқопқоқ четларига мағиз чок тушириш лозим, бунда танда ипига 45° бурчак остида бичилиб, иккі буқланған газлама бұлаги құйилади (187-расм, л). Күпинча бундай бұлак асосий материалдан, камдан-кам ҳолларда безак газламадан бичилади. Бунда олдин чұнтакқопқоқ остики қопқоққа улаб олинади, мағизли бұлак чүзилади, сұнгра тескарисини ичкарига қаратыб, ўртасидан буқланади ва дазмолланади. Тайёрланған бұлак қопқоқнинг ўнгига құйилади, қирқимлари текисланади ва бұлак томондан машинада тикиб, думалоқланған жойларida солқы ҳосил қилиб кетилади. Чокнинг эни мағиз энига тенг булиши лозим. Сұнгра бұлакни чок атрофидан айлантириб мағиз ҳосил қилинади. Мағиз қопқоқнинг ўнгига, бұлак тикилған чокка машинада баҳяқатор юритиб пухталанади. Бунда тескари томондан баҳяқатор бұлакнинг ички четидан 0,1—0,2 см ичкаридан ўтиши керак. Тайёр бұлған чұнтакқопқоқ дазмолланади.


Уст кийимдаги чұнтакқопқоқлар

Чұнтакқопқоқлар (188-расм) қирқма чұнтакларнинг ҳам, қоплама чұнтакларнинг ҳам таркибий қисми ҳисобланади. Баъзи кийимларда чұнтакқопқоқлар фақат безак ролини үйнайды.

Чұнтакқопқоқларга нотұқима материал (флизелин), коленкор, хом сурпдан, бир томонига елим қопланған газлама-



188-расм. Уст кийимдаги чүнтакқопқоқларни ишлаш.



189-расм. Безак чүнтак қопқоқларни бириктириш.

дан тайёрланған қотирма құйилиши мүмкін. Бир томонига елем қолланған газламадан тайёрланған қотирма асосий газламадан бичилған чүнтакқопқоқының тескарисига елемли томони билан құйилади, шунда қотирма четлари чүнтакқопқоқ четида 0,6—0,8 см ичкарида туриши ва ағдарма чокларнинг остига тушиб қолмаслығы керак. Қотирма дазмол ёки пресс ёрдамида бириктирилади.

Чүнтакқопқоқ билан остық қопқоқ үнгини ичкарига қилиб құйилади, қирқимлари текисланади ва қирқимлардан 0,3—0,4 см ичкаридан 0,5—1,0 см узунликдаги тұғри сирма қавиқлар билан күкланиб, авра газламаси бурчакларда ва думалоқланған жойларда солғы ҳосил қилиб кетилади. Юпқа газламадан тайёрланған авраларда ҳар қайси томон-



190-расм. Пальто ва пиджакдаги клапанлы чүнтак.

дан 1,5 мм, уртача қалинликдагиларида 2 мм, қалин авраларда эса 2,5—3,0 мм солғиң ҳосил қилинади.

Чүнтакқопқоқлар йұналтирувчи линейка ёрдамида остки қопқоқ томондан күклаш чизигидан 0,1 см ичкаридан машинада ағдарма чокланади. Ағдарма чокнинг эни 0,5 см. Агар қотирма сифатида елимсиз материаллар ишлатылған бўлса, чүнтакқопқоқлар қотирма билан бирга ағдарма чок билан тикилади.

Күклаш иплари сўкиб ташланади. Чок 0,3 см, бурчакларда эса 0,1—0,2 см кенглигінде қолдириб кесилади. Сұнгра чүнтакқопқоқлар үнгига ағдарилади, четлари ва бурчаклари түғриланади ҳамда остки қопқоқ томондан четидан 0,5 см, ичкаридан 0,6—0,8 см узунликдаги күклаш қавиқлари билан (сидирға газламалар қия, гулли газламалар түғри қавиқлар билан) зийлари күкленади. Бунда махсус 222 кл. машинасидан фойдаланиш ҳам мумкин. Зийни күклаш

пайтида авра деталидан 0,1—0,2 см кенгликда кант чиқарыб кетилади.

Агар чүнтакқопқоқда энли (1 см дан кенг) безак ба-хяқатор күзде тутилган бұлса, газлама қийшаймаслиги учун чүнтакқопқоқ безак ба-хяқатор энига 0,2 см құшилған масофада иккінчи қавиқатор ёки ба-хяқатор билан зийни күкланади. Зий күкланғандан сұнг чүнтакқопқоқ остки қопқоқ томондан дазмолмато орқалы дазмолланади, бурчаклари ва четлари текисланади ҳамда безак ба-хяқатор туширилади.

Зийни күклаш иплари сұкиб ташланади ва чүнтакқопқоқ иккінчи марта дазмол ва пресс ёрдамида дазмолланади. Якка тартибда кийим тикишда ҳам чүнтакқопқоқ четларини ёлғон қавиқ билан безаш мумкин. Зий күкланғандан сұнг чүнтакқопқоқ четларига ёлғон қавиқ туширилади, сұнгра дазмолланади.

Чүнтакқопқоқтарда остки қопқоқ томондан тикиш чизиги белгилаб олинади, бу чизиқ тайёр ҳолдаги чүнтакқопқоқнинг энини белгилайди.


Безак чүнтакқопқоқ қуйидаги ишланади ва бириктирилади. Безак чүнтакқопқоқ учун астар чүнтакқопқоқдан тикиш чизиги бүйича 0,5 см энлироқ бичилади. Безак чүнтакқопқоқ одатдаги усујда ишланади. У асосий деталга иккі қатор ба-хяқатор билан уланади, бунда чок шу иккі ба-хяқатор орасыда қолиши керак. Олдин чүнтакқопқоқ асосий деталга белгиланған чизиқ бұйича астарини ичкарига қилиб қўйилади ва машинада астар қўйими бүйича биринчи ба-хяқатор туширилади (190-расм, а). Чокнинг эни 0,3—0,4 см. Сұнгра чүнтакқопқоқ юқорига қайрилади ва букиш чизигидан (улаш чокидан) 0,4—0,5 см ичкаридан иккінчи ба-хяқатор туширилиб, улаш чоки ёпиб кетилади (190-расм, б).

35-§. РАМКАЛИ ҚИРҚМА ЧҮНТАКЛАРНИ ИШЛАШ

Пальто, пиджак ва жакетдаги рамкали қирқма чүнтак

Рамкали қирқма ён чүнтаклар тикиш учун қуйидаги деталлар керак (191-расм, а, б): чүнтакнинг устки ва остки четларини ишлаш учун авра газламасидан бичилған мағизлар (2 та); авра газламасидан бичилған күрінма (1); чүнтакхалта (1 та; чүнтакхалта иккі қисмдан иборат булиши мумкин); бўйлама булак (1).

Рамкали қирқма чүнтакнин иккі усулда ишлаш мумкин.
Биринчи усул. Кийим олд бўлагига қўшимча андаза



191-расм. Пальто, жакет ва пиджакдаги рамкалик қирқма чүнтак.

билин ёки бичиқчи белгилаган чизиқлар буйича чүнтак учун учта: битта бўйлама ва иккита кўндаланг чизиқ чизиб олинади. Кийим олд бўлаги тескарисида чүнтак чизифи буйича қирқимлардан 0,5 см ичкаридан иккита қавиққатор билан бўйлама бўлак кўкланади. Унинг ўртаси чүнтак чизигига тўғри келиши, бир учи борт қотирмасининг ички қирқимига 1... 1,5 см кириши зарур. Кўклаш 3 см узунликдаги тўғри қавиқлар билан бажарилади. Юпқа газламалардан тикиладиган кийимларда курирма чүнтакхалта учларидан бирининг ўнгига ўнгини юқорига қаратиб қўйилади, юқори ва ён қирқимлари тўғриланади, кўринманинг пастки қирқими ичкарига 0,7... 1,0 см қайрилади ва қайрилган зийидан 0,1... 0,2 см ичкаридан машинада бостириб тикилади.

Қалин газламалардан тикиладиган кийимларда кўринма чўнтахалтанинг ўнгига ўнгини пастга қаратиб қўйилади,

четлари тұғриланади ва машинада уланади. 0,5...0,7 см кенгликтегі чок чұнтакхалта томонға қайрилади.

Қалин ва титилувчан газламалардан тикиладын кийимларда күрінмәнің чұнтакхалтасы тикиш чөкінінг эни 0,5 см булып, чұнтакхалта билан ёпилади. Чұнтакхалтасының бошқа учи үнгиге мәғиз үнгіні пастға қаратаң құйилади ва чұнтакхалта томондан 0,7 см кенгликтегі чок билан уланади.

Кийим олд бұлагининг үнгиге мәғиз үнгіні ичкарига қилиб құйилади, қирқимлари чұнтакнинг белгіланған өзінің тақалади ва қирқимлардан 0,3...0,4 см ичкаридан 1...1,5 см узунліктегі тұғри сирма қавиққатор билан күкленади. Агар чұнтакхалта яхлит бұлса, чұнтакхалтасы мәғиз пастға құйилади. Мәғиз қирқимлардан 0,4—0,5 см ичкаридан машинада уланып, баһақаторларнинг учлары пухталанади. Баһақаторлар орасидаги масофа иккі кант ёки рамка энінде тәнг булиши керак. Мәғизларни улаш баһақаторлардың параллел булиши ва бир жойда тугашы керак. Мәғизларнинг тұғри уланғанлығы бүйлама бұлак томондан текширилади.

Мәғизни тикиш чоклары ёриб дазмолланади. Чұнтак оғзы бүйлама бұлак томондан баһақаторлар орасидан қирқилади. Бу иш чұнтак үртасидан бошланип, иккі томонға давом эттирилади. Чұнтак охирінде 1 см қолтанды қирқимлар баһақатор учлары ійналишінде нисбетан қия қилинип, улардан 0,1...0,15 см беріпа тұхтатылади.

Чұнтак қирқими орқалы мәғиз тескарисига ағдарылади, четлары тұғриланып, мәғизлардан 0,4...0,5 см кенгликтегі рамка ҳосил қилинади. Мәғизларнинг зийлары туташиши керак. Рамкаларнинг зийлары мәғизларни улаш чокидан 0,2 см ичкаридан 0,7...0,8 см узунліктегі кия қавиқтар билан күкленади ёки күкленмей маҳкамланади.

Чұнтакнинг пастки рамкасы үнгидан мәғизни улаш чокига ёки тескарисидан мәғизни улаш баһақатори яқинига, кийимни якка тартыбында тикишда эса үнгидан ҳалқасимон қавиқ билан мәғизни тикиш чокига маҳкамланади. Чұнтакхалтасының күрінмәні томони устки мәғиз үнгиге үнгіні ичкарига қилиб құйилади ва 2 см узунліктегі тұғри қавиқтар билан күкленади. Чұнтакнинг юқори рамкасы үнгидан юқори мәғизни улаш чокига худди пастки рамканы маҳкамлашдагы усулда чұнтакхалта билан биргә тикилади.

Чұнтак рамкалары тұғриланади ва ироқисимон қавиқтар билан күкленади, чұнтак бурчаклары текисланади, учлары бурчакларнинг асосидан қайтма баһақатор билан машинада маҳкамланади. Айни пайтда чұнтакхалта айланмасын тикилип, бурчакларидаги баһақатор юмалоқланади.

Эркаклар ва үғил болалар кийимларидаги чұнтак уч-

ларига маҳсус машинада ёки қўлда авра рангидаги ипак ип билан пухталамалар тикилади. Пухталаманинг узунилиги юқори ва пастки рамка энига 0,2 см қўшилган масофага teng. Пухталамалар чўнтакларнинг учларига параллел тикилади, учлари магизларни кийим олд бўлагига улаш чокларидан 0,1 см ташқарига чиқарилади. Бўйлама бўлак учлари қия қавиқлар билан борт қотирмасига тикилади. Бунда 1 см га иккитадан қавиқ тўғри келиши керак.

Тайёр чўнтак тескарисидан ва ўнгидан ҳўл дазмолмато қўйиб дазмолланади, рамканинг қишилик жойлари текислаб кетилади.

Иккинчи усул. Чўнтакда белгилаб олинган учта чизиқдан ташқари, ўрта чизиқдан юқори ва пастроқда яна иккита қўшимча чизиқ белгилаб олинади. Бу икки чизиқ орасидаги масофа чўнтакнинг иккита рамкаси энидан икки марта катта бўлиши лозим.

Бўйлама бўлакни қўйиш ва чўнтакхалтани ишлаш усули биринчи усулдагига ўхшайди.

Юқори магиз тескарисини ичкарига қилиб ўртасидан бўйламасига букилади, пастки магиз тескари томонга 1...1,5 см қайрилади, магизларнинг четлари бўкилган жойлардан дазмолланади. Якка тартибда тикиладиган кийимларда магизларнинг букиллари белгиланган қўшимча чизиқларга тақаб кўкланади ва рамканинг энига қараб букиллардан 0,3...0,5 см ичкаридан машинада уланади. Бахядаторларнинг учлари пухталанади. Чўнтак оғзи бўйлама томондан биринчи усулдагидек қирқилади.

Рамкалар тўғрилангандан сўнг чўнтакхалтанинг бир учи пастки магизга 0,7 см кенгликтаги чок билан уланади. Чок чўнтакхалта томонга қайрилади. Чўнтакхалтанинг кўринмали иккинчи учи юқори магизини улаш чокига тескарисидан бўйлама бўлак томондан тикилади.

Чўнтак учларини пухталаш ва чўнтакхалтани тикиш биринчи усулдагидек бажарилади. Кийимларни кўплаб ишлаб чиқаришда чўнтак қирқими яrimавтоматда иккита магиз билан ишланади. Юпқа газламалардан тикиладиган кийимларда чўнтак чўнтакхалтадаг и бўйламасиз ишланиши мумкин. Бу холда асосий газламадан бичилган кўринма чўнтакхалтага бостириб тикилади. Бундан олдин кўринманинг пастки чети йўрмаб олинади ёки қирқим чети ичкарига 0,7 см қайрилади. Пастки магизнинг қирқим четини ҳам бостириб тикишдан олдин магизнинг пастки қирқими йўрмаб олинади ёки қирқим чети ичкарига қайрилади. Чўнтакхалтага бостириб тикилган магиз тахминан ўртасидан букилади ва букилган жойидан чўнтак рамкаси энининг ярмига teng масофада машинада уланади.


Чүнтакхалталар магизларга чүнтак қирқимлари ишлангунга қадар ёки ундан кейин уланади.

Чүнтак қирқимларини яримавтоматда ишлаш мумкин. Бунда чүнтакхалта магизларга чүнтак четлари ишлангандан сүнг тикилади.

Шимларнинг олд бўлакларидағи рамкали чүнтак

Рамкали чүнтак тикиш учун қуийдаги деталлар зарур (192-расм): авра газламасидан бичилган магиз (2 та), авра газламасидан бичилган кўринма (1), чүнтак газламасидан бичилган чүнтакхалт (1).

Бичиқчи шимнинг олд бўлагида битта бўйлама ва иккита кўндаланг чизиқ белгилаб олади. Чүнтак тикиши осонлаштириш учун тайёр чүнтак рамкаси энидан икки марта катта масофада иккита қўшимча чизиқ туширилади. Агар рамканинг эни 0,5 см бўлса, қўшимчалар бўйлама



192-расм. Шим олд бўлагидаги рамкали чүнтак.

чизиқдан 1 см наридан чизилади. Тескаридан чүнтак чизиги остига чүнтакхалта шундай құйиладики, унинг вә шимнинг юқори қирқимлари бир-бирига тұғри келадиган бұлсın. Шундан сұнг иккита қавиққатор билан күкланади: бириңчиси юқори қирқимдан 1 см, иккінчиси юқори қирқимга параллел тарзда, чүнтак учидан 1 см пастроқдан туширилади.

Чүнтакларнинг магизлари тескарисига қайрилади: биттаси (олдингиси) қирқимдан 1...1,5 см наридан, иккінчиси (ёндагиси) үртасидан бүйламасига букилади.

Магизлар шим олдингис үнгига букилмаларини құшымча чизикларга тақаб құйилади, күкланади ва 0,5 см ичкаридан машинада уланади. Чоклар иккى томонға ётқизилади.

Чүнтак қирқими тескари томондан баһяққаторлар үртасидан қирқилади, чүнтак қирқими учларига баһяққаторларга нисбатан қия қирқимлар қирқилади. Магизлар тескарисига ағдарилади, магизларни тикиш чоклари тұғриланади, зийлари күкланади ва дазмолланади. Чүнтакларнинг учлари тескарисидан иккита қайтма баһяққатор билан пухталанади. Бунда бурчаклари тұғрилаб ва магизлар тортиб турилади.


Олд магизнинг ички қирқими ичкарига 0,5...0,7 см қайрилади ва чүнтакхалтага қайрилган зийидан 0,1 см ичкаридан бостириб тикилади. Магизни чүнтакхалтага четларини қайирмай бостириб тикиш мүмкін. Лекин аввал қирқимларни йўрмаб олиш керак болади. Сұнgra чүнтакхалтада кўринма қўйиладиган жой белгилаб олинади. Кўринма қирқимлари уч томонидан тескарисига 0,5...0,7 см букилади ва дазмолланади. Кўринма чүнтакхалта устига қўйилади ва қайрилган зийларидан 0,1 см ичкаридан иккала томонидан бостириб тикилади. Кўринмани қирқимларини ичкарига қайирмай бостириб тикиш ҳам мүмкін, аммо бундан олдин қирқимларни 0,3...0,4 см кенгликдаги синиқ баһяққатор билан машинада йўмраб олиш лозим бўлади.

Чүнтакхалтанинг кўринмали учи ён магизга тескарисидан магизни улаш чокига күкланади ва машинада уланади. Чүнтакхалта универсал машинада тикилади, сұнgra маҳсус машинада йўрмалади. Чүнтакхалта қўшчок билан тикилиши мүмкін. Бу ҳолда чүнтакхалтали кўринмани магизга маҳкамлаш баһяққатори чүнтакхалта тикилгандан сұнг туширилади. Зийни кўклаш иплари сўкиб ташланади. Чүнтак дазмолланиб, учларига пухталамалар қўйилади. Чүнтак қирқими күкланади.

Енгил кийимдаги рамкали қирқма чүнтак

Бундай чүнтакни (193-расм, а) ишлаш учун қуйидаги деталлар зарур: асосий материал ёки безак газламадан бичилген мәғиз (2); асосий материалдан бичилген чүнтакхалта (1 та, иккى қисмдан иборат булиши мүмкін); бўйлама (умуман керак бўлса - 1 та). Чүнтак мәғзи чүнтакхалта билан яхлит бичилиши мүмкін. Бундай чүнтакни турли усулларда ишлаш мүмкін.

Биринчи усул. Асосий деталда қўшимча андаза ёрдамида ёки бичиқчи белгилаган чизиқлар бўйича учта чизиқ: чүнтак йўналишини билдирадиган битта бўйлама чизиқ ва чүнтак ўлчамини чеклайдиган иккита кўндаланг чизиқ билан чўнтак ўрни белгилаб олинади (193-расм, б). Сўнгра белгиланган ўрта чизиқдан юқорига ва пастга ҳар бир кант ёки рамка энидан иккى марта катта масофада иккита



193-расм. Енгил кийимдаги рамкали қирқма чўнтак.

құшымча чизиқ чизилади. Кийимларни құплаб тикишда құнтак деталь үнгига құшымча андаза бүйича тұртта чизиқ билан белгилаб олинади. Иккита бүйлама чизиқ орасидаги масофа құнтакнинг иккита канті әки рамкаси энидан иккі марта катта бўлиши лозим.

Чўзилувчан газламалардан тикиладиган кийимларда асосий деталнинг тескарисидан құнтак чизиги тағига иш газламадан 4...5 см кенгликдаги бүйлама қўйилади. Унинг ўртаси құнтак чизигига тұғри келиши лозим. Құнтак юқори четининг мағзи ўртасидан букилади ва тескарисини ичкарига қаратиб қўйилади, пастки мағзининг битта бүйлама чети тескарисига 1...1,5 см қайрилади ва букилган жойлари дазмолланади. Тайёрланган магизларнинг букиллари асосий деталдаги белгиланган құшымча чизиқлар устига қўйилади, қирқимлари эса құнтак оғзи томонга қаратилади. Якка тартибда тикиладиган кийимларда магизлар олдин кўклаб олинади, бунда уларнинг учлари құнтак ўлчамини белгилайдиган кўндаланг чизиқлардан ҳар икки томонга 1,5...2 см чиқиб туриши керак.

Кўплаб ишлаб чиқариладиган кийимларда магизларни олдин кўкламай туриб букилган зийларидан 0,3-0,5 см ичкаридан машинада уланаверади (193-расм, в, г). Бахяқаторларнинг учлари кўндаланг чизиқларда тугаши керак. Магизларнинг асосий деталга тұғри уланғанлиги асосий деталнинг тескарисидан текширилади. Магизларнинг бахяқаторлари параллел бўлиши ва кўндаланг чизиқларга етганда бир жойда тугаши керак. Құнтакларнинг оғзи тескарисидан (бахяқаторлар ўртасидан) қирқилади. Бунда иш унинг ўртасидан бошланиб, икки томонға давом эттирилади (193-расм, д). Құнтакнинг охирига 1...1,5 см қолганда, бахяқаторларга нисбатан қия қирқимлар қилинади. Қирқимлар бахяқаторларнинг учига 0,1...0,15 см қолганда тұхтатилади. Ҳосил бўлган тешик орқали магизлар тескарисига ағдарилади, четлари тұғриланади, магизларнинг учларини чўзиб, зийлари бир-бирига тақалади ва құнтакнинг учлари тескарисидан бурчакларнинг таги бүйича машинада қайтма бахяқатор билан пухталанади.

Агар құнтакхалта икки қисмдан иборат бўлса, бири иккинчисидан 4,0-5,0 см калта бўлиши керак. Калта қисми пастки магизга уланади. Эни 1 см ли чок құнтакхалта томонға қайрилади. Құнтакхалтанинг узун қисми юқори магизга тескарисидан магиз уланган чокка тикилади (бунда асосий деталь қайриб қўйилади).

Чокнинг эни 1 см дан кам бўлмаслиги лозим. Құнтакхалтани магизларга улаш чоклари маҳсус машинада йўрмалади. Құнтакхалталар уч томонидан тикилади. Құнтак бур-

чаклари пухталаб ва чүнтакхалта, бурчакларидаги ба-
хяқатор думалоқлаб кетилади. Чокнинг эни 1,0 ... 1,5 см
(193-расм, е).

Чүнтакхалтани биритирилган чок қирқимлари маҳсус
машинада йўрмалади. Тайёр чүнтак тескарисидан ва
ўнгидан дазмолмато қўйиб дазмалланади; дазмоллаш
пайтида четлари текислаб турилади. Чүнтакни маҳсус
яримавтоматда ишлаганда магизларни улаш, магизларни
улаш баҳяқаторлари орасида асосий детални қирқиш ва
магизларни кийим тескарисига қисман ағдариш каби опе-
рацияларни машина бажаради.

Иккинчи усул. Чүнтак чузилиб кетмаслиги учун баъзан
бўйлама қўйиш ўрнига чүнтак чүнтакхалта билан бирга
ишланади (193-расм, ж). Бу ҳолда чүнтакхалта танда или
чүнтакхалтага кўндаланг ўтадиган қилиб яхлит бичилади.
Чүнтак асосий деталь ўнгидаги чүнтакхалтадаги ўрни
белгиланади. У чүнтакхалтанинг ўртасидан 1,5...2,0 см пас-
троқда, унга кўндаланг ётиши лозим. Асосий деталь тес-
карисидаги чүнтак чизиги бўйича чүнтакхалтадаги ҳамда асосий
ичкарига қилиб қўйилади ва чүнтакхалтадаги ҳамда асосий
деталдаги белгиланган чизиқлар бир-бирига тўғри
келтирилади. Чүнтакни юқори четидаги магиз тес-
карисини ичкарига қаратиб қайрилади, пастки магизнинг
битта бўйлама қирқими тескари томонга 1...1,5 см букилади
ва магизларнинг қайрилган жойлари дазмалланади.
Тайёрланган магизлар машинада уланади (193-расм, з), за-
рур бўлса, биринчи усулдагидек, олдин кўклаб чиқилади.

Чүнтак оғзи қирқилгандан сўнг магизлар тескарисига
ағдарилади, чүнтак четлари ва бурчаклари тўғриланади,
чүнтак учлари тескарисидан бурчакларнинг асоси бўйича
машинада қайтма баҳяқатор билан пухталанади. Юқори
магизнинг четлари 1,0 см қолдириб қирқилади ва магизнинг
қирқимлари чүнтакхалтанинг юқори қисми билан ёпилади.
Агар чүнтакхалта асосий газламадан бичилмаган бўлса,
магиз билан чүнтакхалта орасидаги букикка асосий ма-
териалдан бичилган кўринма ўнгини юқорига қилиб
қўйилади ва букилган жойи тескарисидан, юқори магизни
улаш чоки яқинидан машинада тикилади. Бунда асосий де-
тель қайриб турилади. Юлқа газламалардан тикиладиган
кийимлардаги магиз ва кўринманинг пастки қирқимлари
ичкарига қайрилиб, қайрилган зайдан 0,2 см ичкаридан
чүнтакхалтага бостириб тикилади (193-расм, и). Қалин
титилуғчан газламалардан тикиладиган буюмларда эса

магиз ва кўринманинг қирқимлари маҳсус машинада йўрмалади ва қирқимларни бостирмай чўнтакхалтага тикилади. Чўнтакхалта уч томонидан тикилади ва бурчаклардаги баҳяқатор думалоқлаб кетилади. Чокнинг эни 1...1,5 см. Чўнтакхалтани тикишда чўнтак учлари бурчаклар асоси бўйлаб қайтма баҳяқатор билан пухталанди. Чўнтакхалтани улаш чоки маҳсус машинада йўрмалади. Тайёр чўнтак тескариси ва ўнгидан дазмолмато қўйиб дазмолланади. Бу вақтда четлари текислаб турилади.

Учинчи усул. Бу усулда чўнтак четлари чўнтакхалта билан ишланади (193-расм, к). Баъзи ҳолларда, кўпинча, кийимларни якка тартибда тикишда, қирқма чўнтак четлари асосий материал ёки безак газламадан бичиладиган чўнтакхалта билан ишланади. Бу усулда ишлаш учун чўнтакхалта икки қисмдан иборат бўлиши лозим. Катта қисми айни вақтда юқори магиз вазифасини, кичик қисми эса пастки магиз вазифасини ўтайди.

Чўнтакхалтадаги танда или тикиш қирқимига параллел тарзда, деталга кўндаланг ўтиши лозим. Чўнтакхалтанинг юқори қирқимлари тескари томонга қайрилади ва букилган жойи дазмолланади. Букиш ҳақининг катталиги кант энiga чок ҳақини (таксинан 1,5 см) қўшиб топилади. Чўнтак ўрни асосий деталнинг ўнгидаги биринчи усулдагидек белгиланади.

Чўнтакхалтанинг букилган зийи асосий деталь ўнгидаги белгиланган қўшимча чизиқларга тўғри келтирилади, қайрилган қирқимлари эса ичкарига қаратиб шундай қўйиладики, чўнтакхалтанинг ён томонлари чўнтак ўлчамини белгилайдиган чизиқлардан 1,5...2 см чиқиб турдиган бўлсин.

Якка тартибда тикиладиган кийимларда чўнтакхалта кўклаб олинади ёки тўғнағичлар билан маҳкамлаб қўйилади. Чўнтакхалта моделда кўзда тутилган масофада ичкаридан машинада уланади. Чўнтакхалта тўғри уланганилиги текширилгандан сўнг чўнтак оғзи қирқилади. Чўнтак оғзи орқали чўнтакхалта деталь тескарисига ағдарилади.

Чўнтакнинг юқори қисмida юқори магиздан чуқурлиги 1...1,5 см ли тахлама ҳосил қилинади, чўнтак учлари машинада қайтма баҳяқатор билан пухталанди ва бурчакларини думалоқлаб, чўнтакхалта учта томонидан тикилади.

Чокнинг эни 1...1,5 см. Юқори қисмida баҳяқатор чўнтакхалтани улаш чокига туширилади. Бунда асосий деталь қайириб қўйилади.

36-§. ҚОПҚОҚЛИ ҚИРҚМА ЧҮНТАКЛАРНИ ИШЛАШ

Пальто, пиджак ва жакетдаги қопқоқли чүнтак

Қопқоқли қирқма ён чүнтакларни (194 расм, а) ишлаш учун құйидаги деталлар зарур: чүнтакқопқоқ (1); қопқоқ астари (1); мағиз (1); күрінма (1); чүнтакхалта (1 та, икки қисмдан иборат бұлиши мүмкін); бүйлама (1). Чүнтак оғзининг пастки қирқимига мұлжалланган мағиз авра газламасидан бичилади. Чүнтакхалта максус чүнтак газламасидан, сатин, хом сурпдан ва баъзан астарлик газламадан бичилиши мүмкін.

Күрінма астарлик газламадан, чүнтакнинг чүзилиб кетишига йўл қўймайдиган бүйлама эса коленкор, хом сурп ёки бошқа газламадан бичилади. Кийим олд бўлагида қўшимча андаза бўйича ёки бичиқчи белгилаган чизиқлар бўйича учта чизиқ: чүнтак ўрнини билдирадиган битта бўйлама чизиқ ва унинг ўлчамларини билдирадиган иккита кўндаланг чизиқ билан чүнтак ўрни белгилаб олинади.


Кийим олд бўлагининг тескарисига чүнтак чизиги тагига қирқимлардан 0,5 см ичкаридан иккита қавиққатор ёрдамида бўйлама кўклаб олинади. Шунда бўйламганинг ўртаси чүнтакни қирқиши чизигига тўғри келиши, бир уни ён қирқи мға етиши, иккинчи уни эса борт қотирмасининг ички қирқимини 1...1,5 см қоплаб туриши керак. Куклаш 3 см узунликдаги тўғри сирма қавиқлар билан бажарилади.

Чүнтакхалта учларидан бирининг ўнгига ўнгини ичкарига қаратиб мағиз қўйилади, қирқимлари текисланади ва чүнтакхалтага эни 0,7 см ли чок билан машинада уланаиди. Чок чүнтакхалта томонга қайрилади ва дазмолланади.

Чүнтакхалтанинг бошқа учига ўнгини юқорига қилиб күрінма қўйилади, юқори ва ён қирқимлари текисланади, күрінманинг пастки қирқими ичкарига 0,7...1,0 см қайрилади ва қайрилган четидан 0,1...0,2 см ичкаридан бостириб тикилади. Сўнгра тайёр чүнтакқопқоқнинг эни аниқланади ва уни олд бўлакка улаш чизиги белгиланади.

Чүнтакқопқоқ кийим олд бўлагининг ўнгига ўнгини пастга қилиб, ишланган четини юқорига қаратиб қўйилади: чүнтакқопқоқдаги ва кийим олд бўлагидаги белгиланган чизиқлар бир-бирига тўғри келтирилади, гуллари гулларига мос келтирилади; чүнтакқопқоқ олдин кўклаб олинади, кейин машинада уланади; бахяққаторларнинг учлари пухталанади. Чок чүнтакқопқоқ томонга қайрилади.

Чүнтакқопқоқни улаш чокига тақаб, кийим олд бўлагининг ўнгига чүнтакхалтали мағиз ўнгини пастга қилиб қўйилади (унинг учлари чүнтакқопқоқ учларидан ҳар томондан 1,0...1,5 см чиқиб туриши керак), кўкланади ва



194-расм. Пальто, пиджак ва жакетдаги қопқоқли қирқма чүнтак.

0,4...0,5 см кенгликдаги чок билан уланаиди. Бахяқаторларнинг учлари пухталаниб кетилади (194-расм, б).

Чүнтакқопқоқ ва магизни тикиш бахяқаторлари орасидаги масофа кант ёки рамканинг энига боғлиқ. Бу масофа бўйлама томондан текширилади (194-расм, в). Чүнтакқопқоқ ва магизни тикиш бахяқаторлари параллел бўлиши ҳамда бир жойда тугаши даркор.

Магизни тикиш чоки ёриб дазмолланади. Бунда магизни тикиш чоки бўйича тескарисига икки буқланган кийим олд бўлаги бир томонга, магиз эса бошқа томонга қайрилади.

Чүнтак оғзи бўйлама томондан баҳяқаторлар ўртасидан қирқилади. Қирқиши чүнтакнинг узунилк бўйича ўртасидан бошланиб, икки томонга давом эттирилади ва баҳяқаторларнинг учига 1 см қолганда тұхтатилади. Сұнгра баҳяқаторларга нисбатан қия қирқимлар қилинади. Бу қирқимлар уларга 0,1...0,15 см етмай тұхтатилади. Чүнтак оғзи орқали магизли чүнтакхалта тескарисига ағдарилади. Магиз четларини тұғрилаб, эни 0,4...0,5 см ли рамка ҳосил қилинади ва магизни тикиш чокидан 0,1...0,2 см пастроқда 0,5...0,7 см узунликдаги тұғри ёки қия қавиқлар билан зийи кўкланади. Рамка магиз уланган чокка машинада ёки қўлда ёлғон қавиқлар билан пухталанади.

Чүнтакнинг пастки чети моделда кўзда тутилган масофа да безаш баҳяқатор билан безалиши мумкин. Агар безак баҳяқаторнинг эни рамка энидан 0,2 см катта бўлса, магизни тикиш чокига машина баҳяқатори тушириш шарт эмас

Чүнтакнинг пастки четларини безак учун магизлардан эни 0,3 см ли кант ҳосил қилиб зийи кўкланади. Четларига моделда кўзда тутилган баҳяқатор туширилади.

Кўринма бостириб тикилган чүнтакхалтани чүнтакқопқоқни тикиш чокига қўйишда у чокдан камида 2-2,5 см чиқиб туришига етадиган катталикда қўйим қолдирилади; чүнтакхалтәнинг ён томонлари чүнтакқопқоқларнинг учларидан икки томонга бир хил масофада чиқиб туриши лозим. Шувдан сұнг чүнтакхалта кўклаб олиниб, кейин машинада уланади (194-расм, г). Чүнтакхалта бўйлама томондан тикилади, бунда баҳяқатор чүнтакқопқоқни тикиш чокига туширилади. Сұнгра чүнтак кантини чүнтакқопқоқни тикиш чокига кўкланади; чүнтак бурчаклари тұғриланади ва бурчаклар асоси бўйича машинада қайтма баҳяқатор билан пухталанади. Айни вақтда чүнтакхалта уч томонидан машинада тикилиб, бурчакларидаги баҳяқаторлар дума-лоқлаб кетилади (194-расм, д). Чүнтакхалтанинг юқори қисмини тикишда ён томонларини тикиш баҳяқаторлари орасидаги масофа чүнтакқопқоқ узунлигидан 0,5 см катта бўлиши зарурлигини эсдан чиқармаслик керак. Шунда чүнтакқопқоқ чүнтакка бемалол жойланади. Чүнтакқопқоқни улаш чоки үнгидан текисланади, чүнтакқопқоқни улаш чокидан 0,7-0,8 см ичкаридан зий кўкланади ва дазмолланади. Моделга кўра юқори чети безак баҳяқатор билан безалиши мумкин. Бунда чүнтакқопқоқни улаш чокидан баҳяқаторгача бўлган масофа чүнтакнинг пастки четидан ўтказилган безак баҳяқатор энiga тенг бўлиши лозим. Баҳяқатор чүнтак учлари тұғрисидан бошланиб ўша ерда тұхтатилади. Баҳяқатор пастки кантини ҳам қамраб туриши керак. Зий кўклангандан иплар сўкиб ташланади. Эркаклар ва ўріл болалар кийимларida чүнтак учларига маҳсус

машинада ёки құлда авра газламаси рангидаги ипдан пухталама құйилади (194-расм, е). Пухталамалар құлда ишланғанда уларнинг бир учи мағизни тикиш чокидан 0,1-0,2 см пастроқ (кантдан пастроқ), иккінчи учи چүнтакқопқоқни улаш чокидан 0,1...0,2 см юқоригоқ ётиши зарур. Пухталамалар چүнтакқопқоқнинг ён четларига параллел жойлаштирилади.

Бўйламанинг учлари борт қотирмасига қия қавиқлар билан тикилади. 1 см га иккита қавиқ тўғри келиши керак.

Тайёр چүнтак тескарисидан ва ўнгидан дазмолмато қўйиб дазмолланади. Бу вақтда چүнтакқопқоқ ва چүнтакнинг четлари текислаб турилади.


Моделга қараб (кўпинча, газлама қалинлигига қараб) мағизлар кийим олд бўлагига икки буклаб тикилиши мумкин (194-расм, ж). Бу ҳолда мағизнинг чети тескарисига қайрилади. Қайириш катталиги тайёр рамканинг энига 0,5...1,0 см қўшилган қийматга тенг. Букилган жойлар дазмолланади. Бундай ҳолларда дазмолланган букини текислаш учун кийим олд бўлагига қўшимча чизиқ белгилаб олиниши мумкин. Бу чизиқ билан چүнтакқопқоқни улаш чоки орасида тайёр рамка энидан икки марта катта масофа қолдирилади. Масалан, рамканинг эни 0,5 см бўлса, چүнтакқопқоқни улаш чокидан чизиқчача бўлган масофа 1 см бўлиши лозим.

Дазмоллаб қайрилган мағиз зийини қўшимча чизиққа тақаб (чүнтак қирқими чизигидан қарама-қарши томонга), калта қирқимини пастга қаратиб қўйилади ва шу зайдан моделда кўзда тутилган масофада машинада уланади. Қопқоқ ва мағизларни кийим олд бўлагига улаш баҳяқаторлари орасидаги масофа, тайёр рамкаларнинг энига боғлиқ бўлсада, лекин 0,6 см дан кам бўлмаслиги керак.

Чүнтак оғзини қирқишда юқорида айтилганидек иш тутилади. Чүнтакхалта тескарисига ағдарилади. Моделда кўзда тутилган бўлсагина чүнтакларнинг пастки зийларига баҳяқатор юритилади. Чүнтакқопқоқни кийим олд бўлагига икки букланган мағизни улаш пайтида тикиб кетиш мумкин (194-расм, з).

Шимлардаги қопқоқли чүнтак

Шимларда битта ёки иккита қопқоқли чүнтак бўлиши мумкин. Агар чүнтак битта бўлса, у шимнинг ўнг орт бўлагига тикилади. Шимларнинг орт чўнгатини (195-расм, а) ишлаш учун қўйидаги деталлар зарур: авра газламасидан бичилган чүнтакқопқоқ (1); қопқоқ астари (1); авра газламасидан бичилган мағиз (1); чүнтак газламасидан бичилган



195-расм. Шимдаги қопқоқлы қирқма чүнтак.

чүнтакхалта (1); астарлик газламадан бичилган күринге (1); петля учун газлама бўлаги (1).

Бундай чүнтак ҳам қопқоқлы қирқма чүнтак каби ишланади. Бу чүнтакхалтинг фарқи шундаки, бўйлама сифатида чүнтакхалта хизмат қиласди. Чүнтакхалтанинг танда ипи деталда кўндаланг ётиши керак. Агар чүнтакхалта сифатида ўнги ва тескарисига аниқ билиниб турадиган газламалар (масалан, сатин ва ҳоказо) ишлатиладиган бўлса, чүнтакхалтанинг ўнги шимнинг тескарисига (чўнтак ичига эмас) қараши лозим.

Чўнтакхалтанинг бир учи шимнинг ўнг орт бўлаги тескарисига шундай қўйиладики, у чўнтакхалтанинг белгиланган чизигидан $1,5\dots2,0$ см ўтадиган бўлсин. Шу ҳолда кўклаб олинади (195-расм, а).

Чўнтакқопқоқ шимнинг орт бўлаги ўнгига пастга,

ишиланган четини шимнинг юқори қирқимиға қаратиб қўйилади; чўнтаққопқоқдаги ва шимнинг орт бўлагидаги белгиланган чизиқлар бир-бирига тўғри келтирилади ҳамда 0,2..1,0 см узувлидаги тўғри қавиқлар билан уланади. Айни вақтда чўнтаққопқоқ ўргасига петля маҳкамланади. Чўнтаққопқоқ шимнинг орт бўлагига кўклаш чизигидан 0,1 см ичкаридан уланади. Кўкласп ипи сўкиб ташланади, чок чўнтаққопқоқ томонга қайрилади. Чўнтаққопқоқни тикиш чокига тақаб, ўнгини пастга қаратиб магиз қўйилади, кўкланади ва қопқоқ ҳамда магизни тикиш баҳяқаторлари орасида 0,3..0,5 см масофа қоладиган қилиб машинада уланади.

Чўнтаққопқоқ ва магизнинг тўғри тикилганилиги чўнтахалта томондан текширилади. Чўнтаққопқоқ ва магизни тикиш баҳяқатори бир жойдан бошланиб, бир жойда тугаси лозим. Чўнтаққопқоқ ва магизни улаш чоклари дазмолланади. Чўнтақ қирқими тескари томондан баҳяқаторлар ўртасидан чўнтақ учларига томон қирқилади. Агар баҳяқаторлар орасидаги масофа 0,3 см дан ошмаса, қирқим охиригача тўғри бўлади. Ҳосил бўлган тешик орқали магиз тескарисига ағдарилади, магиздан кайт ҳосил қилинади. Кантнинг эни чўнтаққопқоқ ва магизни улаш баҳяқаторлари орасидаги масофага тенг бўлиши керак. Кант магизни улаш чокидан 0,1 см пастроқдан машинада пухталанади.

Агар чўнтақнинг пастки чети рамкали қилинадиган бўлса, баҳяқатор магизни улаш чокига туширилади.

Магизнинг ички қирқими 0,5 см ичкарига қайрилади ва шу қайрилган зийидан 0,1 см ичкаридан чўнтақхалтага бостириб тикилади. Кейин чўнтақхалтани букиб, эркин учи шим орт бўлагининг юқори қирқимиға етказилади ва букик ҳамда чўнтақхалтада чўнтақ оғзи чизиги белгилаб олинади.

Шу белгиланган чизиқ буйича чўнтақхалта устига астарлик газламадан бичилга кўринма қўйилиб, пастки қирқими ичкарига 0,5 см қайрилади ва шу қайрилган зийидан 0,1 см ичкаридан бостириб тикилади. Чўнтақхалта қўш чок билан тикилади. Бунинг учун олдин чўнтақхалта кўринма билан бирга пастга қайрилади ва эни 0,4 см ли чок билан тикилади. Кейин чўнтақхалта ағдарилади, четлари ва бурчакларини тўғрилаб, четидан 0,5..0,6 см ичкаридан иккинчи марта тикилади. Чўнтаққопқоқни улаш чоки текисланади ва чўнтақхалтанинг иккинчи учи чўнтаққопқоқни улаш чокидан 0,1 см ичкаридан ёки шу чокка чўнтақхалта томонидан тикилади (195- расм, б). Тикиш ўнг томонидан бажарилади. Чўнтақ учларига пухталамалар қўйилади. Тайёр чўнтақ тескариси ва ўнгидан дазмолмато қўйиб дазмоллаб, қопқоқ ҳамда чўнтақнинг пастки чети текислаб кетилади.

Юпқа газламалардан тикиладиган шимлардаги орқа чүнтак

Юпқа ҳамда синтетик толалари кўп газламалардан тикиладиган шимлардаги орқа чүнтак конструкцияси ва чүнтакхалтани ишлаш технологияси бошқачароқ бўлади. Бундай чүнтак икки қисмдан: устки (кичик) ва пастки (катта) қисмдан иборат қилиб бичилади.

Махсус машинада чүнтакнинг пастки чети, мағзининг қирқимлари йўрмалади, сўнгра ўртасидан бўйламасига букилади ва букилган жойи дазмолланади. Букик ичига чүнтакхалта устки (кичик) қисмининг қирқими қўйилади ва чүнтакхалтанинг ишланган четларидан 0,2...0,3 см масофада битта баҳяқатор билан машинада қайриб тикилади (195-расм, в, г).

Чүнтакхалтанинг пастки (катта) қисмига, чүнтак қирқими участкасига, астарли газламадан бичилган кўринма қўйилади. Унинг чети қайрилади ва қайрилган зийидан 0,1...0,2 см ичкаридан бостириб тикилади. Сўнгра чүнтакхалта қўйилиб, пастки ва ён қирқимлари тўғриланади ва эни 1 см ли чок билан машинада тикилади. Тикилган қирқимлари махсус машинада йўрмалади, кийимларни кўплаб ишлаб чиқаришда эса тикиш билан бир вақтда махсус машинада йўрмаб кетилади.

Шимларнинг орт бўлагида, чүнтак ўрнини билдирадиган асосий чизиқлардан ташқари, мағизни тикиш учун қўшимча чизиқ ҳам белгилаб олинади. Рамканинг эни 0,5 см бўлганда бу чизиқ чүнтакқопқоқни улаш чокидан 1,0 см ичкаридан чизилади.


Чүнтакқопқоқ тикилгандан сўнг тайёрланган чүнтакхалта орт бўлакнинг ўнгига кичик қисмини ичкарига қилиб қўйилади, мағизнинг букиги қўшимча чизиққа тўғри келтирилади ва четидан 0,5 см ичкаридан машинада улашади. Чүнтак қирқими тескарисидан чүнтакқопқоқли ён чүнтак каби қирқилади. Чүнтак қирқими орқали чүнтакхалта тескарисига ағдарилади, рамка, чүнтакқопқоқни улаш чоки ва кўринмали чүнтакхалта тўғриланади. Кўринмали чүнтакхалтанинг учи чүнтакқопқоқни улаш чокига қўйилади ва машинада тескарисидан шу чокка тикилади ёки ўнгидан қопқоқни тикиш чокидан моделда кўзда тутилган масофада юқоридан безак баҳяқатор билан тикилади. Чүнтакқопқоқнинг уллари тескарисидан машинада пухталанади, ўнгидан эса махсус машинада пухталамалар қўйилади.

Енгил кийимдаги қопқоқли чүнтак

Қопқоқлы қирқма чүнтакни ишлаш учун қуйидаги деталлар зарур: асосий материалдан ёки bezak газламадан бичилганд қопқоқ (1); асосий материалдан бичилганд чүнтакнинг пастки четидаги мәғиз (1); асосий материалдан бичилганд чүнтакхалта (1 та, иккى қисмдан иборат бўлиши мумкин); ип газламадан бичилганд бўйлама (1 та, чўзилувчан газламалардан тикиладиган кийимларда). Тайёр қопкоқда асосий деталга улаш чизиги белгилаб олинади ва шу билан тайёр қопқоқнинг эни аниқланади.

Асосий деталь қўшимча андаза бўйича ёки бичиқчи белгилаган чизиқлар бўйича учта чизик; чүнтак йўналишини билдирадиган битта бўйлама чизик (бу чизик бўйича қопқоқ уланади) ва чүнтак ўлчамини белгилайдиган иккита кўндаланг чизик билан чүнтакнинг ўрни белгилаб олинади.

Чүнтакнинг пастки четини мәғиз билан ишлашни осонлаштириш учун асосий деталнинг ўнг томонига қўшимча чизик чизиб олинади; бу чизик ўрта чизиқдан кант ёки рамакининг энидан икки марта катта масофада ўтказилади.



196-расм. Кўйлаклар гуруҳи буюмларидаги қирқма чүнтак.

Чүзилувчан газламалардан тикиладиган кийимларда тескаридан, чүнтак чизиги тагига қирқимлардан 0,5 см ичкаридан иккита баҳяқатор билан бўйлама кўклаб олинади. Унинг ўртаси чўнтақнинг белгиланган чизигига тўғри келиши керак. Магизнинг битта бўйлама чети тескарисига қайрилади. Қайириш эни кант энига чок қўйими (тахминан 1,5 см) қўшилган қийматта teng. Сўнгра букилган жойи дазмолланади.

Ишланган чўнтаққопқоқ асосий деталь ўнгига ўнгини пастга, ишланган четини юқорига қилиб қўйилади, гулларнинг айниқса, чўнтақ олдидағи гулларнинг мос тушишига аҳамият берган ҳолда чўнтаққопқоқ ҳамда асосий деталдаги белгиланган чизиқлар бир-бирига тўғри келтирилади ва чўнтаққопқоқ машинада уланиб, баҳяқатор учлари пухталанади. Якка тартибда тикиладиган шимларда чўнтаққопқоқ тикишдан олдин кўклаб олинади. Чок чўнтаққопқоқ томонга қайрилади (196-расм, а).

Тайёрланган магиз асосий деталнинг ўнгига, букигини бслгилаб олинган қўшимча чизиқча тақаб, кичик дазмолланган четини ичкарига қаратиб қўйилади. Якка тартибда тикиладиган кийимларда магиз кўклидан, кийимларни кўплаб тикишда эса кўкламасдан туриб, моделда кўзда тутилган масофада машинада уланади (196-расм, б).

Баҳяқаторларнинг учлари чўнтақларнинг ўрнини билдирадиган кўндалаңг чизиқлар олдида тўхтатилади. Чўнтақ ва магизнинг тўғри тикилганилиги асосий деталь тескарисидан текширилади. Чўнтаққопқоқ ва магизни тикиш баҳяқаторлари параллел бўлиши ҳамда чўнтақларнинг ўрнини билдирадиган кўндаланг чизиқлар яқинида бир жойда тугаши зарур. Асосий деталь тескарисидан, баҳяқаторлар орасидан, чўнтақ ўртасидан бошлид икки томонга қирқилади. Чўнтақ учларига 1...1,5 см қолганда баҳяқаторларнинг учлари томонга қия қирқилиб, уларга 0,1...0,15 см қолганда тўхтатилади. Ҳосил бўлган қирқим орқали магизлар ва чўнтаққопқоқни улаш чоки тескарисига ағдарилади, четлари тўғриланади. Магиз учларини тортиб, магизнинг дазмолланган чети чўнтаққопқоқни улаш чокига тақалади ва чўнтақ учлари тескарисидан бурчаклар асоси бўйича қўш қайтма баҳяқатор билан пухталанади. Чўнтақхалтанинг кичик қисми магизнинг ички қисмига эни 1,0 см ли чок билан уланади. Чок чўнтақхалта томонга қайрилади ва кейинчалик намлаб-иситиб ишлашда дазмолланади. Чўнтақхалтани магизга улаш чоки маҳсус машинада йўрмалади. Чўнтақхалтанинг б ўзға қисми қопқоқча уланади, бунда баҳяқатор дета: тескарисидан чўнтаққопқоқни асосий деталга улаш чоғ тушнирилади. Чўнтақхалта уч томонидан тикилиб, бур қардаги баҳяқатор думалоқлаб

кетилади. Чокнинг эни 1,2...1,5 см (196-расм, г). Чүнтакхалтани тикиш чоки маҳсус машинада йўрмаланади. Тайёр чүнтак тескариси ва ўнигидан дазмолмато орқали дазмолланади, четлари текислаб кетилади.

Баъзан чүнтакнинг пастки томони мағизсиз чүнтакхалта билан ишланади. Бу ҳолда чүнтакхалтанинг калта қисми мағиз қўйим билан бичилади. Чүнтакхалтадаги танда иплари юқори қирқимга параллел тарзда, деталга кўндаланг утиши лозим.

Чүнтак ўрни биринчи усулдагидек белгиланади. Тикишдан олдин чүнтакхалта бир қисмининг юқори чоки кант энига чок қўйими (тажминан 1,5 см) қўшилган катталиқда тескари томонга қайрилади ва дазмолланади. Чүнтакқопқоқ тикилгандан сўнг, тайёрланган чүнтакхалта асосий деталнинг ўнгига ўнгини юқорига қаратиб, букигини чүнтакнинг белгиланган қўшимча чизигига тақаб, дазмолланган четини ичкарига қилиб қўйилади ва мағиз каби уланади (196-расм, д). Асосий деталь қирқилади, чүнтак учлари пухталанади ва чүнтакхалта биринчи усулдагидек тикилади.


37-8. ҚОПЛАМА ЧҮНТАКЛАРНИ ИШЛАШ

Енгил кийимдаги қоплама чүнтак

Оддий қоплама чүнтак (197-расм, а) ён ва паст томонларидан қайриш учун қўйим қолдириб бичилади. Қўйим эни чүнтак четидан уни асосий деталга тикиш безак баҳяқаторигача бўлган масофага 1...1,5 см қўшиб топилади. Масалан, чүнтакни асосий деталга тикиш безак баҳяқатори чүнтак четидан 0,5 см ичкаридан ўтса, ён ва пастки томонлардан қайриш учун 0,5 + (1+1,5 см), яъни 1,5—2,0 см қўйим қолдирилади. Чүнтакнинг юқори четидан қайриш учун 4...5 см қўйим қолдирилади.

Ҷўзилувчан газламалардан тикиладиган кийимларда чүнтак юқори четининг бекигига қўйим томондан уқа қўйилади. У чүнтак четини чўзилиб кетишдан асрайди. Уқа машинада четларидан 0,1 см ичкаридан уланади.

Жув ва шойи газламалардан тикиладиган кийимлар чүнтагининг юқори четини қайриш учун қолдирилган қўйимнинг қирқими тескарисига 0,5—0,7 см букилади ва шу зийидан 0,1...0,2 см ичкаридан тикилади. Йп газламадан тикиладиган кийимларда чүнтакнинг юқори четидаги қўйимнинг қирқими керталар ёки белгиланган чизик буйича ўнгига қайрилади. Қирқим қўйим томонга 0,5...0,7 см қайрилади, бурчаклари қўйим катталиғида ағдарма чок билан тикилади (197-расм, б). Чокнинг эни чүнтакнинг ён томонларидаги қўйим энига teng бўлиши лозим. Чок



197-расм. Күйлакдагы оддий қўйма чўнтақ.

Қўйимлари кертмагача $0,5\dots0,7$ см қолдириб кесилади; бурчаклари ўнгига ағдарилади, тўғриланади; ип газламадан тикиладиган кийимларда қайрилган зийга нисбатан $0,1\dots0,2$ см ичкаридан тикилади. Чўнтақнинг юқори чети дазмолланади, айни вақтда чўнтақнинг ён ва пастки четлари дазмоллаб қайрилади.

Газламани тежаш мақсадида чўнтақнинг юқори четини уча билан ишлаш мумкин (197-расм, в). Уқанинг ички қирқими тескарисига $0,5\dots0,7$ см қайрилади, жун ва шойи газламадан тикилган кийимларда қайрилган зийидан $0,1\dots0,2$ см ичкаридан тикилади. Магиз ўнги билан чўнтақнинг ўнгига қўйилади ҳамда ён томонлари юқори чети бўйича йўрмалади.

Чўнтақнинг юқори четидаги чокнинг эни $0,5\dots0,7$ см; ён томонлардаги чок ён четларини қайриш қўйимига тенг бўлиши керак. Бурчаклардаги чок қирқилади. Бурчаклар ағдарилади, тўғриланади; ип газламадан тикилган кийимларда чўнтақнинг қайрилган магиз қирқими букиб тикилади. Чўнтақнинг юқори чети дазмолланади, айни вақтда ён ва паст томонларининг чети дазмоллаб қайрилади.

Титилувчан газламалардан тикиладиган буюмлардаги чўнтақнинг ён ва пастки қирқимлари маҳсус машинада йўрмалиши лозим. Агар чўнтақнинг пастки бурчаклари тўғри тўртбурчак шаклида бўлса, ён ва пастки томонларидаги қайриш қўйими белгиланган чизик бўйича (45° бурчак остида) бириктириб тикилади, чок қирқиб қўйилади. Ип газламадан тикиладиган кийимлардаги чок қирқимлари икки томонга ётқизилади, жун ва шойи газламалардан тикиладиган кийимлардагиси ёриб дазмолланади, бурчаклари тўғриланади ва дазмолланади.


Агар қоплама чүнтакнинг четлари овал шаклида бўлса ҳамда асосий деталга четидан 0,5 см дан каттароқ масофада безак баҳяқатор билан уланса, чүнтакнинг ён ва пастки четларидаги қайириш учун қўйим қолдирилмайди, балки четларини шу чүнтак шаклида бичилган магиз билан ишлаш тавсия қилинади. Магизнинг эни безак баҳяқаторнинг энига қараб тахминан 3...3,5 см бўлиши зарур. Масалан, безак баҳяқаторнинг эни 0,8 см бўлса, магизнинг эни 2,5...3,0 см, шу жумладан, 0,7 см (ағдарма чокка) плюс 0,8 см (безак баҳяқаторнинг эни), плюс 1,0...1,5 см.

Титилувчан газламалардан тикиладиган кийимлар магзининг ички қирқимлари маҳсус машинада йўрмалади. Чүнтакнинг юқори қирқимидағи қайириш қўйими ўнгига қайрилгандан ёки чүнтакнинг юқори четига магиз қўйиб, ағдарма чок солгандан сўнг қоплама чүнтак ўнгига чүнтак ён ва пастки четларининг магизлари ўнгини ичкарига қилиб қўйилади, магизлар қирқимлари чүнтак қирқимларига тўғриланади (магизнинг юқори учлари қўйим юқорисида ёки чүнтакнинг юқори четидаги магиз юқорисида ётиши лозим) ҳамда бурчакларни ағдарма чок билан тикиш пайтида бир йўла чүнтакнинг ён ва пастки четлари тикиб кетилади. Ағдарма чокнинг эни 0,5...0,7 см. Бурчаклардаги чок кесилади, магиз тескар исига қайрилади, бурчак ва чоклар тўғриланади, дазмолланади, чүнтакдан магиз томонга 0,1...0,2 см кенгликда кант чиқарилади.

Қоплама чүнтакнинг асосий деталдаги ўрни қўшимча андаза бўйича ёки кийимни буюртмачига кийдириб куриш вақтида учта ироқисимон чизиқча ёки нуқта тарзида бичиқчи қўйган белгилар бўйича аниқланади. Бу белгилар чүнтакнинг иккита юқори ва битта пастки (олд) бурчакларини билдиради.

Чүнтак асосий деталга белгилар бўйича қўйилади, якка тартибида тикиладиган кийимларда кўклаб қўйилади. Чүнтак йўналтиргичли тепки ёрдамида моделда кўрсатилган масофада безак баҳяқатор билан бостириб тикилади. Чүнтакларнинг юқори бурчаклари қайтма баҳяқатор билан ёки учбурачак шаклидаги баҳяқатор билан пухталанади. Жун ва шойи газламалардан тикиладиган кийимларда чүнтак пишиқ чиқиши учун тескарисидан ил газламадан тўғри туртбурчак шаклида бичилган булаклар қўйилади. Агар магиз фақат юқори чети бўйича тикиладиган бўлса, чүнтак бурчаклари чүнтакнинг ён томонларидан юқори четига 0,7 см ўтадиган баҳяқатор билан пухталанади.

Бейкали, кантли, қўйма бурмали ёки тўрли чүнтак. Қоплама чүнтакнинг безак бейкаси (198-расм) иккита (ташки ва ички) булакдан иборат; унинг эни моделга боғлиқ бўлади. Безак бейка булаклари ўнгини ичкарига қилиб



198-расм. Бейкали, түрли, кантли қоплама чүнтак.

Қўйилади, қирқимлари тўғриланади, юқори ва ташқи четлари ағдарма чок билан тикилади. Чокнинг эни 0,5 см. Бейка ўнгига ағдарилади, бурчак ва чоклари тўғриланади, дазмолланади, ички томонга қараган 0,1 см ли кант ҳосил қилинади. Қўшимча андаза бўйича бейкада уни чўнтакка тикиш чизиги белгиланади.

Кант учун мўлжалланган булак ўнгини ичкарига қилиб бўйламасига ўртасидан буқланади ва учлари ағдарма чок билан тикилади. Чокнинг эни 0,5...0,7 см. Бурчаклардаги чок қирқилади, бурчаклар ўнгига ағдарилади, кант бўлакнинг қирқимлари текисланади ва дазмолланади. Кант учларини машинада ағдарма чок билан тикиш ўрнига кант бўлакнинг юқори учларини қирқимларини ичкарига 1 см қайриб дазмоллаш мумкин.

Қўйма бурма ёки тўрларнинг учлари икки марта қайриб қўлда ёки машинада энсиз чок билан ишланади. Қўйма бурма ёки тўрнинг чўнтакка уланадиган четида бурма ҳосил қилинади.

Жун ва шойи газламалардан тикиладиган кийимларда чўнтакнинг юқори четидаги қайриш қўйимининг қирқими тескарисига 0,5...0,7 см қайрилади ва қайрилган четидан 0,1...0,2 см ичкаридан тикилади. Тайёрган бейка, кант, қўйма бурма ёки тўр чўнтакнинг ўнгига ўнгини пастга қилиб қўйилади, бейка кант, қўйма бурма ёки тўрнинг юқори учлари чўнтакнинг юқори четини букиш чизигига тўғри келтирилади, кўклаб уланади, тўғнағичлар билан маҳкамланади ёки машинада уланади.

Чўнтакнинг юқори четидаги қайриш қўйими белгиланган чизиқ бўйича чўнтакнинг ўнгига қайрилади, ип газламадан тикиладиган кийимларда қўйим қирқим тескарисига 0,5...0,7 см қайрилади, чўнтакнинг бурчаклари машинада

ағдарма чок билан тикилади ва айни вақтда бейка, кант, құйма бурма ёки түр тикиб кетилади. Титидувчан газламалардан тикиладиган кийимларда бейка, кант, құйма бурма ва түрни тикиш чоки маҳсус машинада йўрмалади. Ағдарма чокланган бурчаклари ўнгига ағдарилади, тўғриланади ва дазмолланади. Бейкани (198-расм, а), кантни (198-расм, б), құйма бурмани ёки түрни (198-расм, в) тикиш чоки чўнтак томонга қайрилади ва дазмолланади; айни вақтда чўнтак дазмолланади.


Ип газламадан тикиладиган кийимларда чўнтакнинг юқори четидаги қайириш қўйимининг қайрилган қирқими зийдан $0,1\dots0,2$ см ичкаридан машинада тикилади, жун ва шойи газламалардан тикиладиган кийимларда эса у икки жойидан яширин қавиқлар билан маҳкамланади. Чўнтак асосий деталга режа чизиги бўйича қўйилади ҳамда безакни улаш чокидан $0,1$ см ичкаридан бостириб тикилади ёки юқори бурчакларини пухталаб, бейка ёки кантни тикиш чокига уланади.

Уст кийимдаги қоплама чўнтак

Оддий қоплама чўнтак (199-расм, а, б) машинада тикилганда четларидан қўйидагича: юқори четидан $3,0\dots3,5$ см, ён ва пастки томонларидан $0,5$ см қайириш қўйими қолдириб бичилади.

Чўнтакнинг юқори четидан қайириш қўйими аниқлангандан сўнг қўйим тескарисига уча ёки қотирма қўйилади ва машинада тикилади ёки бир томонига елим қопланган газламадан фойдаланиб ёпиширилади. Чўнтакнинг астари аврага мослаб бичилади. Унинг ён ва пастки томонлари чўнтакдан $0,2\dots0,3$ см, юқори чети эса $2,0\dots2,5$ см калта булиши керак.

Астарнинг юқори қирқими чўнтакнинг юқори четига машинада уланади. Чок астар томонга қайрилади ва дазмолланади. Кейин чўнтакнинг юқори қирқими белгиланган чизиқ бўйича ўнгига қайрилади ва астар чўнтак билан



199-расм. Уст кийимдаги қоплама чўнтак


чизиқ бүйича ўнгига қайрилади ва астар чүнтак билан ўнгани ичкарига қилиб қўйилади, шунда астарнинг кирқимлари чүнтакнинг ён ва пастки қирқимларидан 0,3...0,4 см ичкарида туриши лозим. Чүнтак ва астарнинг ён ҳамда пастки қирқимлари авра томондан 0,5...0,6 см ичкаридан тўғри сирма қавиқлар билан кўкланади; бунда пастки бурчакларнинг думалоқланиш жойларида авра газламаси солқироқ қилиб кетилади. Авра ва астар қийшайиб қолмаслиги керак. Чўнтакнинг ён ва пастки четлари 5...7 см ли тешик қолдириб астар томондан ағдарма чок билан тикилади. Чокнинг эни 0,5 см. Кўклаш иплари сўкиб ташланади. Чўнтакнинг ён четидаги қолдирилган тешик орқали чўнтак ўнгига ағдарилади. Чўнтак четлари тўғриланади ва астар томондан четидан 0,5 см ичкаридан 0,5...0,7 см узунликдаги тўғри қавиқлар билан зийлари кўкланади. Тайёр чўнтак дазмолланади, чўнтак ёнида қолдирилган тешик қўлда тикиб қўйилади. Зий кўклаш иплари сўкиб ташланади ва чўнтакнинг ўнгига ҳамда тескарисига дазмолмато қўйиб яна бир марта дазмолланади.

Тахламали ва листочкали қоплама чўнтак. Бундай чўнтакни ишлаш учун қўйидаги деталлар зарур: қоплама чўнтак (1); листочка (1); астар (1).

Тахлама иккита: ўрта ва ён чизиқлар билан, витачкалар эса учта: ўрта, ён чизиқлар ҳамда витачканинг охирини билдирувчи чизиқ билан белгиланади. Витачка ва тахламаларни ишлаш учун деталь ўрта чизиқ бўйича ўнгини ичкарига қилиб қўйилади ва четидан 0,5...0,7 см ли тўғри қавиқлар билан кўкланади. Витачкаларни кўклаш чоклари витачкалар охирини билдирадиган чизиқларга келиб тўхтатилади. Рӯпара тахламани икки томонга ёриб, ўртаси тахламани кўклаш чокига тўғри келтирилади, намланади ва дазмолланади. Витачкаларнинг чоклари моделда кўзда тутилган томонга дазмоллаб қайрилади.

Листочка ўнги билан чўнтакнинг ўнгига қўйилади, юқори қирқимлар текисланади ва эни 0,5...0,7 см ли чок билан уланади. Чок намланади ва листочка томонга дазмоллаб қайрилади. Сўнгра ўнгидан листочканинг тайёр ҳолдаги эни аниқланади ва букиш чизиги белгиланади. Белгиланган чизиқ сирма қавиқ билан листочканинг тескарисига ўтказилади. Листочканинг тескарисига букилиш жойидан 0,1 см ичкаридан қайириш қўйими томонга уча қўйилади (200-расм, а, б, в). Уча яширин қавиқлар билан ўнгидан билинмайдиган қилиб таранг тортиб тикилади. 1 см га 3 та қавиқ тўғри келиши керак. Ҳар 4...5 см дан кейин ироқсимон қавиқлар билан пухталаб қўйилади. Сўнгра қоплама чўнтак астарга қўлда ёки машинада тикилади.

Авра астарга машинада тикилганда олдин астар листоч-



200-расм. Тахламали ва листочкали қоплама чүнтак.

Канинг юқори қирқимига эни 0,5...0,7 см ли чок билан улаб олинади. Чок намланади ва астар томонга дазмоллаб қайрилади. Кефін листочка белгиланған чизиқ бүйіча бүйламасига ўртасидан буқланади, авра ва астар үнгіні ичкарига қилиб құйилади ҳамда ён ва пастки томонлари бүйіча авра томондан қирқимлардан 0,5...0,6 см ичкаридан түгри қавиқлар билан күкленади. Пастки бурчакларнинг думалоқланған жойларда авра солқи қилиб кетилади. Листочканың учлари, чүнтакнинг ён ва пастки қирқимлари астар томондан ағдарма чок билан тикилади. Чокнинг эни 0,5 см, ён томондан ағдариш учун 5..7 см ли тешик қолдирилади. Күклаш иплари сұқиб ташланади, листочкадаги чоклар 0,3 см қолдириб кесилади.

Ағдарма чокда қолдирилған тешик орқали чүнтак үнгига ағдарилади, зийлари түгриланади ва астар томондан зийидан 0,5 см ичкаридан 0,5 — 0,7 см узунлықдаги түгри қавиқлар билан күкленади. Тайёр чүнтак дазмолланади. Астарни чүнтакка улаш чокида қолдирилған тешик құлда тикиб құйилади. Күклаш ипи сұқиб ташланади, чүнтакни эса үнгі ва тескарисидан дазмолмато орқали яна бир марта дазмоллаб, четлари ва бурчаклар текислаб кетилади.

Ишланған чүнтак асосий деталга безак баһяқатор билан уланади ёки құлда тикилади. Улашдан олдин асосий деталнинг тескарисига, чүнтакнинг юқори четига бүйлама құйилади ёки юқоридаги бурчаклар тагига газлама бұлаклари жойланади.

Қирқмали ва қопқоқли қоплама чүнтак (201-расм) учун құйидаги деталлар зарур: чүнтакқопқоқ (1); қоплама чүнтак қопқоғининг астары (1); авра газламасидан бичилған магиз (1); қоплама чүнтак астары (1); бүйлама (1).

Қоплама чүнтак қопқоғи қопқоқли қирқма чүнтак каби ишланади. Астар томондан чүнтакқопқоқقا тикиш чизиги белгиланади. Чок учун 1 см қолдириб, ортиқча газлама кесиб ташланади.


Күшимча авдаза ёки бичиқчи белгилаган чизиқлар бўйича тайёр чүнтакнинг четлари белгиланади. Чүнтакнинг ҳамма томонидан қайриш учун 1 см қўйим қолдирилади, ортиқча газлама кесиб ташланади, сунгра чүнтакқопқоқни тикиш чизиги ва чүнтак қирқимининг ўлчами белгиланади. Қирқим четлари тайёр чүнтак четларидан безак баҳяқатор энича қочиб туриши лозим.

Қоплама чүнтак тескарисига белгиланган чизик бўйича қирқимлардан 0,5 см ичкаридан иккита баҳяқатор билан бўйлама кўкланади. Бўйламанинг ўртаси белгиланган чизиқча тўғри келиши керак. Кўклаш 3 см узунликдаги тўғри сирма қавиқлар билан бажарилади.

Магизният пастки қирқими астарнинг юқори қирқимига ўнгини ичкарига қилиб қўйилади ва эни 0,5 см ли чок билан уланади. Чок астар томонга дазмоллаб ётқизилади.

Қоплама чүнтакнинг ўнгига чүнтакқопқоқ ўнгини ичкарига, ишланган четини юқорига қаратиб қўйилади, чүнтакқопқоқ ва қоплама чүнтакдаги чизиқларни бирбирига тўғри келтириб, 1 см узунликдаги тўғри сирма қавиқлар билан кўкланади. Чүнтакқопқоқ кўклаш чизигидан 1 см ичкаридан машинада уланади. Чокнинг боши ва охри пухталанади. Кўклаш илиси сўкиб ташланади. Чок чүнтакқопқоқ томонга қайрилади.

Чүнтакқопқоқни тикиш чокига тақаб, чүнтакнинг ўнгига чүнтак халтали магиз тескарисини пастга қаратиб кўхланади ва машинада тикилади. Чокнинг боши ва охри пухталанади. Чүнтакқопқоқни ва бўйламадаги магизни тикиш баҳяқаторлари орасидаги масофа 0,4...0,5 см бўлиши керак. Кўклаш илиси сўкиб ташланади. Магизни тикиш чоки ёриб дазмолланади, бунда қоплама чүнтак бир томонга, магиз-иккинчи томонга қайрилади.



201-расм. Уст кийимдаги қопқоқли ва қирқимли қоплама чүнтак.

Қоплама чүнтак тескарисига белгиланган чизиқ бүйича қирқимлардан 0,5 см ичкаридан иккита баһяқатор билан бүйлама күкланади. Бүйламанинг ўртаси белгиланган чизиқта тұғри келиши керак. Күклаш 3 см узунликдаги тұғри сирма қавиқлар билан бажарилади.

Мағизнинг пастки қирқими астарнинг юқори қирқимига ўнгини ичкарига қилиб қойилади ва эни 0,5 см ли чок билан уланади. Чок астар томонга дазмоллаб ётқизилади.

Қоплама чүнтакнинг ўнгига чүнтакқопқоқ ўнгини ичкарига, ишланган четини юқорига қаратиб қойилади, чүнтакқопқоқ ва қоплама чүнтакдаги чизиқларни бир-бирига тұғри келтириб, 1 см узунликдаги тұғри сирма қавиқлар билан күкланади. Чүнтакқопқоқ күклаш чизигидан 1 см ичкаридан машинада уланади. Чокнинг боши ва охиди пухталанади. Күклаш ипи сүкіб ташланади. Чок чүнтакқопқоқ томонга қайрилади.

Чүнтакқопқоқни тикиш чокига тақаб, чүнтакнинг ўнгига чүнтак халтали мағиз тескарисини пастта қаратиб күкланади ва машинада тикилади. Чокнинг боши ва охиди пухталанади. Чүнтакқопқоқни ва бүйламадаги мағизни тикиш баһяқаторлари орасидаги масофа 0,4...0,5 см булиши керак. Күклаш иплари сүкіб ташланади. Мағизни тикиш чоки ёрип дазмолланади, бунда қоплама чүнтак бир томонға, мағиз иккінчи томонға қайрилади.

Чүнтак қирқими худди қопқоқлы қирқма чүнтакники каби очилади. Чүнтак қирқими орқали астарлы мағиз тескарисига ағдарилади, четларини тұғрилаб, мағиздан эни 0,4...0,5 см ли кант ҳосил қилинади (кантнинг эни мағиз ва чүнтакқопқоқни тикиш баһяқаторлари орасидаги масофага боғлиқ) ва мағизнинг зийн тикиш чокидан 0,1...0,2 см ичкаридан күкланади. Чүнтак астары текисланади ва четларидан 4 см ичкаридан 2,5—3 см ли тұғри сирма қавиқлар билан күкланиб, кант мағизни улаш чокига машинада пухталанади. Чүнтак қирқимининг пастки чети моделдә күзда тутилған масофада баһяқатор билан безалиши мүмкін.

Чүнтакқопқоқни тикиш чоки тескарисига ағдарилади ва қайириб күкланади. Қоплама чүнтак астары ён ва пастки томонларға параллел равищда чүнтак аврасидан 1,1...1,2 см энсизроқ қилиб кесилади.

Қоплама чүнтак қирқимлари бүр чизиқлар бүйича тескарисига қайрилади ва четларидан 0,5 см ичкаридан 0,7...1 см узунликдаги тұғри сирма қавиқлар билан букиб күкланади. Бунда чүнтакнинг букиб күкланған юқори қирқими чүнтакқопқоқ қирқимига тақалиб турадиган қилиб кесилади. Букиб күклешден сүңг бурчаклар ва дума-лоқланған жойлардаги ортиқча газлама қирқиб ташланади

хамда бурчаклари құлда яширин бириктирма қавиқлар билан тикилади. Чүнтак дазмолланади, четлари тұғриланаиди. Кийимларни күплаб тикишда тескарисидан чүнтак четлари бүйича елим плёнка құйилади.

Кийим олд бұлагида чүнтак үрни белгилаб олинади. Кийим олд бұлагининг тескарисига чүнтак аврасининг белгиланган чизиги бүйича бўйлама кўкланади ёки чүнтакнинг юқори бурчаклари тагига елимли ёки елимсиз газла ма бўлаги қўйилади.

Чүнтак кийим олдига белгиланган чизиқлар ёки нусхалама қавиққатор бўйича қўйилади ва тўғри қавиқлар билан кўклаб уланади. Чүнтак аврадан солқироқ бўлиши керак. Қавиқларнинг узунилиги 2...4 см.

Чүнтак четлари кийим олд бўлагига яширин бириктирма қавиқлар билан тикилади. 1 см га 3 қавиқ тўғри келиши лозим. Кийимларни күплаб тикишда чүнтакларнинг четлари елим плёнка ёрдамида прессда маҳкамланади. Сўнгра чүнтак кийим олд бўлагига бостириб тикилади; унинг юқори томони чүнтакқопқоқ уланган чокка, бошқа томонлари эса четдан моделда кўзда тутилған масофада тикилади.


Чүнтак учларига қопқоқли қирқма чүнтакдагидек пухтalamалар қўйилади. Кўклаш иплари сўкиб ташланади. Тайёр чүнтакни тескарисидан ва ўнгидан дазмолмато орқали дазмоллаб, чүнтакқопқоқ ва чүнтак четлари текислаб кетилади. Чүнтак дазмол ёки пресс билан дазмолланади.

38-§. КИЙИМ ЧОКЛАРИДАГИ ЧҮНТАКЛАРНИ ИШЛАШ

Чоклардаги чүнтаклар листочкили ва листочkasиз, безак баҳяқаторли ёки безак баҳяқаторсиз бўлиши мумкин.

Чоклар ва тахламалардаги листочкили чүнтак. Бундай чүнтакни (202-расм, а, б) ишлаш учун қуидаги деталлар зарур: моделга қарраб асосий материалдан ёки безак газламадан бичилган листочка (1); асосий материалдан икки қисмли қилиб бичилган чүнтакхалта (1). Листочкада уни тикиш чизиги белгиланади. Асосий деталда кертимлар ёки бўр чизиқлар билан чүнтак үрни белгиланади.

Листочка ўнги билан авра деталнинг ўнгига қўйилади, четлари деталь четига тўғриланаиди, шунда листочканинг қирқимлари асосий деталь қирқимлари ўналишида ётиши керак. Шундан кейин, белгиланган чизик бўйича машинада улашдан олдин кўклаб олинади. Асосий деталь томонда чокнинг эни камида 1—1,5 см бўлиши керак. Сўнгра листочкага чүнтакхалтанинг бир қисми ўнгини ичкарига



202-расм. Чоқдаги листочкали чўнтақ

203-расм. Чоқдаги листочкасиз чўнтақ.

қилиб қўйилади, шунда унинг юқори чети листочеканинг юқори четидан 1—1,5 см чиқиб туриши лозим. Шу ҳолда листочекани улаш баҳяқаторига ёки ундан 0,1 см қочириб машинада уланади. Чўнтақхалта томонда чокнинг эни 1 см.

Кўплаб ишлаб чиқаришда листочекка кертилмлар бўйича асосий деталнинг юқори қисмига ўнгини пастга, қирқимларини асосий деталь қирқимлари томонга қаратиб қўйилади. Листочекага чўнтақхалта ўнгини пастга қилиб қўйилади ва битта баҳяқатор билан тикилади. Агар чўнтақ тахламада жойлашган бўлса, листочекани тикиш баҳяқатори тахламанинг ташқи букиги бўйича ўтиши зарур.

Чўнтақхалтанинг иккинчи қисми асосий деталнинг пастки қисмига эни 1,0 см ли чоқ билан уланади. Чўнтақхалта асосий деталь тескарисига қайрилади. Ип газламадан тикиладиган кийимлардаги чоклар тўғриланади, шоин ва жун газламалардан тикиладиган кийимлардаги чоклар эса дазмоллаб ётқизилади. Чўнтақхалта уч томонидан машинада тикилиб, бурчакларидаги баҳяқатор думалоқлаб кетилади. Чўнтакларнинг учлари қўш қайтма баҳяқатор билан пухталанади. Чўнтақхалта қирқимлари ва уни асосий деталга улаш чоклари махсус машинада йўрмалади. Жун ва шоин газламалардан тикиладиган кийимларда листочекка тўғриланади ва ўртасидан битта баҳяқатор билан кўклавади. Листочка учлари асосий деталга моделда кўзда тутилган масофада бостириб тикилади ёки орқасига ип газлама бўлаги қўйиб, қўлда яширин бириткирма қавиқлар билан қайририб тикилади. Тайёр чўнтақ четларини текислаб, тескариси ва ўнгидан дазмолмато қўйиб дазмолланади.


Чоқдаги листочкасиз чўнтақ. Бундай чўнтақ ҳам (203-расм, а,б) чоқдаги листочекали чўнтақ каби режаланади. Асосий деталь юқори ва пастки бўлакларининг ўнгига кертилмалар бўйича чўнтақхалта қисмлари ўнгини пастга қилиб қўйилади ва четидан 1,0 см ичкаридан машинада уланади. Чўнтақхалта ағдарилади, чоклари тўғриланади; жун ва

шойи газламалардан тикиладиган кийимлардаги чоклар дазмолланади.

Агар моделга күра, устки деталда безак баҳяқатор булиши лозим бўлса, йўналтиргичли тепкили фойдаланиб, моделда кўзда тутилган масофада ўнгидан безак баҳяқатор туширилади. Сўнгра асосий деталниң бўлаклари ва чўнтахалта бир йула машинада тикилади. Чокнинг эни 1,0...1,5 см. Чўнтахларниң учлари қўш қайтига баҳяқатор билан пухталанади. Чўнтахалта қирқимлари ва уни асосий деталга улаш чоклари маҳсус машинада йўрмалади. Тайёр чўнтах (203-расм, б) тескарисидан ва ўнгидан дазмолмато қўйиб дазмолланади.

Кийимнинг асосий деталларидан бичилган чўнтахни ишлаш учун қуйидаги деталлар зарур (204-расм, а): юқори чети чўнтах шаклида бичилган асосий деталь (1); чўнтахларниң бир қисми билан бирга бичилган асосий деталниң юқори четидаги магиз (2, чўнтахлалта алоҳида бичилиши мумкин); чўнтахларниң бошқа қисми билан бирга бичилган чўнтахнинг пастки бўлаги (3), деталь ҳам пунктир чизиқ бўйича тикилиши мумкин (206-расм, б).

Устки деталниң ўнгига магиз ўнгини пастга қилиб



204-расм. Кийим асосий деталларидан чўнтах ишлаш.

қўйилади ва қирқимларини текислаб, юқори чети машинада ағдарма чок билан тикилади (204-расм, в). Чокнинг эни 0,5...0,7 см. Бурчаклардаги чоклар 0,2...0,3 см қолдириб кесиб ташланади, ўтмас бурчаклардаги ва думалоқланиш жойларида чоклар эса кертилади. Магиз деталь тескарисига қайрилади, жун ва шойи газламалардан тикилган кийимларда эса магиз дазмоллаб ётқизилиб, магиз томонга эни 0,1 см ли кант чиқарилади; бурчаклар ва чоклар тўғриланади. Чўнтакларнинг бурчаклари бўйича чўнтак ўнгидан моделда кўзда тутилган масофада йўналтиргичли тепки ёрдамида безак баҳяқатор туширилади. Ишланган устки деталь пастки деталь устига қўйилади, ишланган чети белгиланган чизиққа тўғриланади ва чўнтакнинг юқори четидан бошлаб ён томонларидан 2...3 см ли баҳяқатор билан машинада тикилади. Шундан сўнг устки деталь қайрилади ва чўнтакхалта қисмлари эни 1,2...1,5 см ли чок билан пастки четидан тикилади (204-расм, г). Чок маҳсус машинада йўрмалади. Чўнтакхалтанинг ён томонлари тикилмайди, улар асосий деталларнинг улаш чокларига кириши керак. Лекин, агар лозим бўлса, асосий деталлардан алоҳида тикилиши ҳам мумкин.

Агар чўнтакнинг уни тахлама ёки витачкага кирадиган бўлса, чўнтакхалта деталларни улаш чокига кирмаслиги лозим. Бу ҳолда юқори чети ишлангандан кейин асосий деталь белгиланган чизиқ бўйича пастки деталга қўйилади ва уни ўнгига қайриб, юқори четини тикиш чизиги бўйича ён четларидан 2...3 см ичкаридан пастки деталга уланади, сўнгра чўнтакхалта уч томонидан тикиб чиқилади. Асосий деталь ўнгига қайрилади, пастки деталь ўнгини ичкарига қилиб бириктириб тикилади. Чўнтакнинг юқори четидан пастроқда баҳя охирига тахлама ёки витачка қилинади.


Агар чўнтакхалта томонлари деталларни улаш чокларига кирмайдиган бўлса, масалан, блузкада бўлгани каби (204-расм, е), юқори четлари ишлангандан кейин асосий деталь белгиланган чизиқ бўйича пастки деталга қўйилади ва тикувчидан нарига қайриб, деталлар уланади. Бунда баҳяқатор аввал чўнтакнинг юқори четини ағдарма чок билан тикиш чизиги бўйича 2 см ичкаридан туширилади, кейин деталь бурчак остида бурилади ва чўнтакхалта уч томонидан тикилади (204-расм, д). Чўнтаклар орасидаги жойда юқори деталь пастки деталга чўнтакнинг юқори четини ағдарма чок тикиш чизиги бўйича тикилади, безак баҳяқатор мавжуд бўлса, йўналтиргичли тепки ёрдамида ўнгидан моделда кўзда тутилган масофада бостириб тикилади. Тайёр чўнтак дазмолланади.

39-Б. ПЕТЛЯЛАРНИ ИШЛАШ

Ағдарма чокли петлялар. Ағдарма чокли петлялар ўрни деталнинг ўнгига учта чизиқ: петлянинг йўналишини кўрсатадиган бўйлама чизиқ ва ўлчамини билдирадиган иккита кўндаланг чизиқ билан белгиланади. Петлянинг ўлчами тугма диаметрига боғлиқ бўлиб, тугма диаметридан 0,2 см катта (тугма ясси бўлса) ва 0,5 см катта (тугма шарсизмон бўлса) олинади. Сўнгра белгиланган ўрта чизиқдан юқорига ва пастга кант энидан икки марта катта масофада иккита қўшимча чизиқ чизилади. Куплаб ишлаб чиқаришда петля ўрни деталнинг ўнгига қўшимча андаза ёрдамида тўртта чизиқ: иккита бўйлама ва иккита кўндаланг чизиқ билан белгиланади (205-расм, а). Бўйлама чизиқлар орасидаги масофа икки кант энидан икки баравар катта булиши лозим.

Петлялар битта ёки иккита мағиз қўйиб, бир игнали ва икки игнали машинада ҳамда ағдарма чокли петляларга мўлжалланган маҳсус яримавтоматда ишланиши мумкин.

Петля мағзи танда ипи унинг узунлиги бўйича бўйла масига ўтадиган қилиб бичилади. Мағиз петлядан 2...3 см



205-расм. Ағдарма чокли петляларни ишлаш.

(чар томондан 1...1,5 см) узун бичилиши керак. Мағиз эни кантнинг энига борлық. Чунончи, кантнинг эни 0,2...0,5 см бўлса, мағизнинг эни тахминан 2,1...2,3 см булади.

Петля битта мағиз қўйиб, бир игнали ёки икки игнали машинада ишланганда унинг бўйлама томонлари шундай дазмоллаб қайрилади, унинг эни асосий деталдаги иккита бўйлама чизик орасидаги масофага тенг, яъни икки кант энидан икки марта катта бўлсин (205-расм, б). Бунда қирқимлар мағиз, букикларидан кант энига 0,1...0,2 см қўшилган масофача берида қолиши лозим. Дазмоллаб қайрилган мағизни асосий деталь ўнгига қўйиб, букикли белгиланган бўйлама чизиқларга тўғри келтирилади. Шунда мағизнинг учлари белгиланган чизиқдан ҳар томонда 1...1,5 см чиқиб туриши керак. Якка тартибда тикиладиган кийимларда мағиз ўртасидан кўклаб уланади.

Мағиз бир игнали ёки икки игнали машинада тикилиб, баҳяқаторларнинг учлари пухталанади (205-расм, в). Баҳяқаторлардан мағизларнинг букигигача бўлган масофа кант энига тенг бўлиши керак. Якка тартибда тикиладиган кийимларда ағдарма чокли петляни ишлашда мағиз ўнги асосий деталнинг ўнгига қўйилади, қирқимлари қўшимча чизик тўғрисида қайрилади ва букикдан кант энича ичкаридан машинада уланади (205-расм, г). Петля иккита мағиз қўйиб ишланадиган бўлса, мағизлар тескарисини ичкарига қилиб ўртасидан узунасига қайрилади ва букикли дазмолланади. Тайёрланган мағизлар деталнинг ўнгига қўйилиб, букикли белгиланган қўшимча чизиқларга тўғри келтирилади ва букикдан кант энича ичкаридан уланади (205-расм, д).

Мағизнинг тўғри тикилганлиги асосий деталнинг тескарисидан текширилади. Баҳяқаторлар параллел бўлиши ва петля ўлчамини билдирадиган кўндаланг чизиқлар яқинида бир жода тугаши зарур. Текширилгандан сўнг мағиз қирқимлари кантлар томонга қайрилади, асосий детал ва мағиз тескарисидан баҳяқаторлар орасида петлянинг ўртасидан бошлаб икки томонга қирқилади. Петлянинг учларига 0,5...0,7 см қолганда баҳяқаторларнинг учларига томон уларга 0,1...0,15 см етказмай қия қирқилади. Мағиз ўнгидан охиригача тўғри қирқилади. Юзага келган тешик орқали мағиз асосий деталнинг тескарисига ағдарилиб, кантлар мъълум йўналишда тўғриланади. Петлянинг учларида асосий деталь ўнгига қайрилади, мағизларнинг учлари тортилади, бурчаклари текисланади ва петлянинг учлари бурчаклар асосий буйича машинада қўш баҳя билан пухталанади (205-расм, е) Тайёр петля дазмолланади (205-расм, ж). Тайёр кийимда адип петля сатҳида қирқилади,

қирқилган петлялар четлари қайрилади ва құлда бириктириб тикилади (205-расм, з).

Йұрмалған петлялар күпинча маҳсус машинада ва баъзан құлда тикилади. Петляларнинг ўрни ўнгидан құшымча андаза бүйича иккита нұқта билан шундай белгилаб олинады, кейинги ишлов пайтида улар қирқиши чизигига тушадиган бұлсін.

Машина платформасыда петлялар орасидаги масофани билдирадиган маҳсус мослама мавжуд бұлса, фақат битта нұқта — юқори петлягача бұлған нұқта белгилаб олинады. Шу петля йұрмалғандан сунг мосламага кийдирилади ва кейинги петля йұрмалади. Найчадаги пастки ип ипак ип булиши керак. Петлялар йұрмалғандан кейин ипларнинг учи қирқилади. Петля үлчами мәйлум чегарада ростраб турилади.


Петля құлда ишланғанда петля ўрни унинг үлчамини билдирадиган иккита нұқта ҳамда йұналишини күрсатадиган қирқиши чизиги билан белгилаб олинады. Шундан сунг, белгиланған чизиқ бүйича петля учун тешик қирқилади, кейин петля қавиқлари билан йұрмалиб, нақши қирқим бүйича ўнгига чикарилади. Йұрмашда қавиқлар сони ипнинг йүғонлигига боғлиқ бұлиб, 1 см га 15...20 қавиқ тұғри келади. Қавиқнинг үлчами (игна санчилған жойдан петля қирқимигача бұлған масофа) газламанинг титилувчанлигига боғлиқ бұлиб, 0,1...0,3 см атрофида ўзгариб туради. Қавиқлар петля қирқимидан ва бири-биридан бир хил масофада ётиши, ип бир текис тортиб тикилиши керак. Петля охирда қирқиши чизигига тик қилиб пухталама құйилади. Ипларнинг учи деталь тескарисига чиқарилади, пухталанади ва қирқилади.

Петляларнинг узунылиги тұгманынг диаметрига қараб олинады. Йұрмашда 50...80 номерлы пакта ип ёки 65...75 номерлы ипак ип ишлатилади.

Тикма шнурдан петля ясаш. Тикма шнур учун асосий ёки безак газламадан таңда ипига қатый 450 бурчак остида, газлама қалинлигига қараб 2...3 см ли бұлак бичиб олинады (206-расм, а).

Бичиб олинған бұлак ўнгини ичкарига қилиб узунасига буқланади ва аввал букигидан 0,5 см ичкаридан, кейин шнурнинг йүғонлигига қараб 0,2...0,3 см ичкаридан бағықатор юритиб тикилади. 0,3...0,5 см құйим қолдириб, чок қирқилади (206-расм, б). Шнур игна ёрдамида ўнгига ағдарилади, агар маҳсус мослама бұлса, бу иш машинада тикиш билан бир вактда бажарилади. Шнур зич чиқиши учун тараптап тортиллади ва ёстиқча устида дазмолланади.

Шнур тенг бұлакларга қирқилади. Бұлакларнинг узунылиги тұгма диаметридан 1,3 см катта булиши керак.




206-расм. Тикма ва түқима шнурдан ясалган петлани ишлаш.

Петлялар деталнинг ўнгига, тақилма қирқимининг ўнг томонига қўйилиб, шнурнинг учлари қирқим четларига тўғриланади ва машинада қайтма баҳяқатор билан ёки қўлда 3...4 қавиқ билан четларидан 0,4...0,6 см ичкаридан шундай ҳисоб билан пухталаб тикиладики, кейинги ишлов пайтида баҳяқатор ёки қавиқлар чокка тушадиган ҳамда чокни қирқандада қирқилиб кетмайдиган бўлсин (206-расм, в). Ҳар бир петля шнури учлари орасидаги масофа тутма диаметрига teng булиши лозим. Сунгра тақилма қирқимининг чети мағиз билан ишланади (206-расм, г).


Түқима шнурдан петля ясаш. Енгил қўйлакни шу кўйлак газламасидан сугуриб олинган иплар билан безаш усули кенг тарқалган. Бундай моделларда бу иплардан петлялар учун шнур тайёрлашда ҳам фойдаланилади. Петлялар қўлда икки ёки бир неча ипдан тўқилади (206-расм, д). Сунгра шнур тарангланади, дазмолланади, лекин петляларга қирқилмайди. Петлялар яхлит шнурдан қилинади. Бунинг учун пухталанадиган жойда шнур қайрилиб, букиклири тақилма қирқими томонга қўйилади. Петлялар, тикма шнурдан ясаладиган петлялар каби, қўлда ёки машинада қайтма баҳяқатор билан пухталаб тикилади.

Тўғри газлама бўлагидан петлялар ясаш. Бундай петлялар кўпинча болаларнинг меҳнат дарслари учун мўлжалланган кийимларига (куртка ва халатларга) тикилади. Улар ички кийимлар тикишда ҳам ишлатилиади.

Петля тикиш учун эни 3,5 см ли газлама бўлаги кесиб олинади. Газлама бўлагининг узунлиги эса петлялар



207-расм. Газлама бўлагидан петла ишлаш.



208-расм. Тақилма қопқоқ уланган чокда петласи бор тақилмани ишлаш.

миқдорига қараб танланади. Битта петля учун тугманинг икки диаметридан 4 см узун газлама бўлаги олиш керак. Бўлакнинг танда иши деталга бўйлама ётиши зарур. Газлама бўлагини тескарисини ичкарига қилиб икки бувлаб, четлари текисланади. Сўнгра четларини ичкарига қайриб, шу қайрилган четидан 0,1 см ичкаридан машинада тикилади (207-расм, а). Четлари тикилган бўлак тенг қисмларга қирқилади ва кўндалангига икки бувлаб букигига учбурчак ҳосил қилинади. Бу учбурчак асоси бўйича кўндалангига машинада баҳяқатор юритиб ёки қўлда пухталанади (207-расм, б). Петляларни деталнинг ўнгига, тақилма қирқимининг ўнг томонига, қўйиб, бўлак учлари қирқим четларига тўғриланади ва машинада қайтма баҳяқатор билан ёки қўлда ҳар усидан учта қавиқ билан (кийимларни якка тартибда тикишда) четидан 0,4...0,6 см ичкаридан тикилади. Баҳяқатор ёки қавиқлар кейинги ишлов пайтида чокка тушиши лозим (207-расм, в). Кейин тақилма қирқимининг чети магиз ёки адип билан ишланади.


Тақилма қопқоқдаги петлялар тақилма қопқоқ уланган чокдаги ва тақилма қопқоқ бириктирилган чокдаги петляларга бўлинади.

Тақилма қопқоқ уланган чокдаги петляни ишлаш учун (208-расм, а) қуйидаги деталлар зарур; кийим олд бўлаги, тақилма қопқоқ адип (209-расм, б). Бу деталларда петлялар ўрнини билдирадиган кертимлар қилинади. Адипнинг ички


209-расм. Тақылма қопқоқ бириктириб тикилған чокда петласи бор тақылмани иштәш.

чети тескарисига 0,5...0,7 см қайрилади ва қайрилған зийидан 0,1...0,2 см ичкаридан энсиз чок билан тикиләди. Титилувчан газламалардан тикиладын кийимларда адипнинг ички қирқими олдин йүрмаб олинади. Планка кийим ўнг олд бұлагининг ўнгига ўнгини пастга қилиб қүйиләди, қирқимлари түғриланади ва тақылма қопқоқ томондан уланади. Петлялар тушадын жойлар тикмай кетиләди ҳамда петля бошланадын ва туғайдын жойлар машинада қайтма баһяқатор билан пухталанади (209-расм, в). Чокнинг эни 0,7...1,0 см. Тақылма қопқоқнинг ўнгига адип ўнгини пастга қаратып қүйиләди, қирқимлари түғриланади ва уланади. Бунда ҳам петлялар тушадын жойлар тикмай кетилади, петляларнинг боши ва охирі пухталанади. Тақылма қопқоқ ва адип кийим олд бұлагига уланғандан сұнг тикилмай қолдирилған жойларнинг симметриклигі, яғни петляларнинг узунлиги текшириләди.

Жүн ва шойи газламалардан тикилған кийимлардаги тақылма қопқоқни кийим олд бұлагига ҳамда адипни тақылма қопқоққа улаш чоклари ёриб дазмолланади, ип газламалардан тикиладын кийимлардагиси эса иккі томонға ёйилади. Сұнгра адип кийим олд бұлагининг ўнгига қайрилади, тақылма қопқоқ эса ўнгини ичкарита қилиб ўртасидан узунасига букилади, чоклари түғри келтириләди ва адип қайтарма учидан то тақылма қопқоқни улаш чокигача машинада ағдарма чок билан тикиләди. Чокнинг эни 0,7...1,0 см. Чокнинг бурчаклари кесиләди, борт ўнгига ағдарилади, чок түғриланади ва дазмолланади. Адип ва кийим олд бұлаги тақылма қопқоқ томонға қайрилади ва кийим олд бұлагининг ташқи қирқими тақылма қопқоқни кийим олд бұлагига ва адипга улаш чоки яқинида адип қирқимига машинада тикиләди. Кейин кийим олд бү-



Чок чизиклари a)



b)

лагидаги адип текисланади ва петлялар учун тикилмай қолдирилган жойлардаги қайрилган чети тақилма қопқоқнинг ички томонидан яширин қавиқлар билан қўлда тикилади. Тайёр тақилма дазмолланади. Адипнинг ички чети кийим олд бўлагига бир неча жойидан яширин қавиқлар билан қўлда маҳкамланади.

Биритирма чокли тақилма қопқоқлардаги петляларни ишлаш учун (209-расм, а) кийим олд бўлаги ва икки бўлакдан иборат тақилма қопқоқ керак. Тақилма қопқоқ бўлакларида чок чизиқлари (чок қўйимлари) белгиланади. Бўлаклардан бирининг тескарисига ўрта чизиқ, иккинчисига эса белгиланган чок чизиги четларига петляларнинг ўрни белгиланади (209-расм, б).

Тақилма қопқоқ бўлаклари ўнгини ичкарига қилиб қўйилади, улардан биридаги белгиланган петляли чок чизигини иккинчи бўлагидаги ўрта чизиқقا тўғри келтириб, петлялар белгиланган деталь бўйича машинада тикилади. Петлялар ўрни тикилмай кетилади ҳамда петляларнинг бошланиш ва тугаш жойлари машинада қайтма баҳиятор билан пухталанади. Чокнинг эни 0,7...1,0 см. Жун ва шойи газламалардан тикиладиган кийимлардаги чок ёриб дазмолланади, ип газламалардан тикиладиган кийимлардаги чок эса икки томонга ётқизилади. Сунгра петлялар белгиланган тақилма қопқоқ бўлаги ўнгини ичкарига қилиб ўртасидан узунасига бўкланди ва юқори ҳамда пастдаги бурчаклар (моделга кўра) ағдарма чок билан тикилади. Тикилмаган қирқими тескари томонга 0,7...1,0 см қайрилади. Чокнинг эни 0,7...1,0 см. Чокларнинг бурчаклари қирқилади, бўрчаклари ағдарилади, тўғриланади; жун ва шойи газламалардан тикилган кийимларда ёриб дазмолланади. Жун ва шойи газламалардан тикиладиган кийимларда тақилма қопқоқ ташки бўлагининг қайрилган чети петлялар яқинида қўлда қайриб, қўкланди ва 0,2...0,3 см узунликдаги яширин қавиқлар билан тикилади (209-расм, в).

Ип газламалардан тикиладиган кийимларда тақилма қопқоқ чети қўкламасдан қайриб тикилади. Тақилма қопқоқ ўнгини пастга қаратиб олд бўлак борти ўнгига қўйилади ва пастки бўлагини қайриб, юқори бўлаги машинада уланади. Чокнинг эни 0,7...1,0 см. Бунда кийим олд бўлаги этагининг қирқими белгиланган чизиқ бўйича тескарисига қайриб, қирқими ичкарига 0,5...0,7 см букилади. Чок қўйими тақилма қопқоқ томонга қайрилади, жун ва ипак газламалардан тикилган кийимларда эса букиб дазмолланади. Агар тақилма қопқоқ ташки бўлагининг пастки бурчаги ағдарма чок билан тикилган бўлса, тақилма қопқоқнинг ички бўлаги ҳам ўртасидан узунасига ўнгини


ичкарига қилиб қүйилади ва ишланмаган қирқими тес-
карисига 0,7...1,0 см қайириб ағдарма чок билан тикилади.
Чокнинг эни 0,7...1,0 см.

Бурчакдаги чок қирқимларига қирқилади, бурчак ўнгига
ағдарилади, тұғриланади, жун ва ипак газламалардан
тикиладиган кийимларда эса зийлари күкленади, айни
вақтда қайрилган чети букиб күкленади. Қайрилган чети
тақылма қопқоқни улаш чокига ўнгидан яширин қавиқлар
билан тикилади ёки машинада баҳяқатор юритилади. Тайёр
тақылма дазмолланади.









Такрорлатп үчүн саволлар

1. Еңгіл ва уст кийим тикишда деталлар қирқимини ишлеш үсул-
ларини айтыв беринг.
2. Витачкаларнинг қандай хилларини биласиз?
3. Еңгіл ва уст кийимда қандай چүнтаклар бұлади?
4. Еңгіл ва уст кийимдеги қопқоқлы қирқма چүнтаклар бичими детал-
ларини айтыв беринг.
5. Еңгіл ва уст кийимдеги рамкали қирқма چүнтаклар бичими детал-
ларини айтыв беринг.









ИЛОВА




210-расм. Енгил кийим тикиш жарабнидаги кичик механизация воситалари.



210-расм. Давоми



210-расм. Давоми



210-расм. Давоми

1. Деталлар қирқимига магиз чок қўйиш 4-10 ЦНИИШП мосламаси (1).
2. Деталлар қирқимига магиз чок қўйиш мосламаси: 4—13 ЦНИИШП бир йўла магиз қўйиш мосламаси (2); 4—14 ЦНИИШП (3) бир йўла ҳошия қўйиш мосламаси.
3. Деталга безак газлама бўлаги қўйиш 4—15 ЦНИИШП (4), 4—19 (5), 4—26 (6) мосламаси.
4. Детмалларга оборка, рюш ва бир йўла йигриб тикувчи 1—53 ЦНИИШП мосламаси (7).
5. Деталларни бир йўла остики газламани қўшиб баҳияткор юритувчи ОЗЛМ мосламаси.
6. Юмшоқ белбоғ тикиш 2—17 ЦНИИШП мосламаси (8).
7. Эни ҳар хил бўлган бикр белбоғлар тикиш учун 3—42 ЦНИИШП 3—45 мосламаси (9).
8. Юмшоқ белбоғ тикиб бир йўла ағдариб кетадиган ОЗЛМ мосламаси (10).
9. Турли энданги брителелар тикиш ОЗЛМ мосламаси (11).
10. Турли энданги тасмалар бостириб тикадиган 1—12 ЦНИИШП мосламаси (12).
11. Безак лента бостириб тикадиган 2—51 ЦНИИШП (13) мосламаси.
12. Икки детални бир йўла магиз чиқариб бостириб тикадиган 3—96 ЦНИИШП мосламаси (14).
13. Қирқимларга безак газлама бўлаги қўшиб тикадиган 3—25, 3—26 ЦНИИШП мосламаси (15).
14. Турли энданги бир томонлама бурмалар қилиб тикадиган 2—24, 2—53 ЦНИИШП мосламаси (16).

15. Безак бурмалар тикиш учун ЦНИИШП (17) мосламаси.
16. Борт остига ишлов бериш учун 3—30 ЦНИИШП мосламаси (18).
17. Борт остига ишлов бериш учун 3—30 ЦНИИШП мосламаси (19).
18. Блузка олдига яхлит планка қўйиб ишлов бериш учун 3—115 ЦНИИШП мосламаси (20).
19. Юбка белбогига резинка қўйиб ишлов берувчи 3—56 ЦНИИШП (21) мосламаси.
20. "Молния" тасмасини тикувчи 3—37 ЦНИИШП мосламаси (22).
21. Лифни юбка билан иккита баҳяқатор юритиб биректирувчи 3—85 ЦНИИШП (23) модернизациялаштирилган мослама.
22. Енг қирқимига ишлов берувчи ОЗЛМ (24) мосламаси.
23. "Выюнчик" тикиш ОЗЛМ (25) мосламаси.
24. Буюмлар этапига ишлов берувчи 2—34 ЦНИИШП мосламаси (26).
25. Деталь қирқимларини бостириб тикиш учун 2—35 ЦНИИШП (27) мосламаси.
26. Оддиндан режаламай петла қилиш 6—65—18 ЦНИИШП мосламаси.

7. Кўйлар гуруҳи буюмларига намлаб-иситиб ишлов бериш жиҳозлари рўйхати

1. Кўйма чўнтаклар қирқимини дазмоллаш учун фальц-пресс 7—9А (катта чўнтаклар учун), 7—9Б (кичик чўнтаклар учун), ЦНИИШП 7—9А, 7—9Б (Москва механика заводи).
2. СУ-В ЦНИИШП дазмоллаш столи.
3. Л1-СУ дазмоллаш линияси.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Кириш	4
1-боб. Умумий маълумотлар	
1-§. Тикувчилик буюмларининг ассортименти	5
2-§. Тикувчилик буюмлари тикишнинг асосий босқичлари	9
3-§. Кийим лойиҳалаш асослари	27
4-§. Кийим тикиладиган материаллар. Уст кийим тикишга мўлжалланган асосий материаллар	50
Кўшибашма материаллар	54
Кўйлак туркумидаги кийимлар тикиладиган материаллар .	56
Эркаклар кўйлаги учун материаллар	58
Ич кийимлик материаллар	59
Иплар	59
5-§. Кийим деталларини бичиш ҳақида қисқача маълумот	59
2-боб. Қўлда бажариладиган ишлар	
6-§. Қўлда бажариладиган ишлар учун иш ўрни	64
7-§. Қўлда бажариладиган ишлар учун асбоб ва мосламалар .	66
8-§. Қўлда бажариладиган ишларининг асосий усуслари	75
9-§. Қавиқлар ва қавиққаторлар	76
10-§. Тўғри қавиқлар	79
11-§. Қия қавиқлар	84
12-§. Ироқсимон ва ҳалқасимон қавиқлар	90
13-§. Безак учун ишлатиладиган петля қавиқлари ва маҳсус қавиқлар	93
14-§. Қўлда бажариладиган операциялар технологияси	96
3-боб. Машинада бажариладиган ишлар	
15-§. Машинада бажариладиган ишлар учун иш ўрни	103
16-§. Машина баҳялар ва баҳяқаторлар	105
17-§. Машина ишларини ўзлаштиришнинг асосий усуслари .	111
18-§. Машинада тикиладиган ипли чоклар	113
19-§. Бириттирувчи чоклар	116
20-§. Зий чоклар	132
21-§. Безак чоклар	142
22-§. Ипли чоклар учун мўлжалланган жиҳозлар	153
23-§. Кичик механизация воситалари	158
24-§. Машинада бажариладиган ишлар учун техник шартлар .	163

4-боб. Тикувчилдик буюмларини намлаб-иситиб ишлаш

25-§. Намлаб-иситиб ишлаш жиңозлари ва мосламалари	171
26-§. Намлаб-иситиб ишлаш тартиби	181
27-§. Кийимлар тикишда елими материаллардан фойдаланиш	185
28-§. Деталларни термофикациялаш түргисида қисқача маълумот	189
29-§. Намлаб-иситиб ишлашда риоя қилинадиган техник шартлар	194

5-боб. Айрим деталь ва бўлакларга ишлов бериш

30-§. Деталларни танлаш (аниқлаш)	199
31-§. Қирқимларни ишлаш	201
32-§. Турли безаклар ва уларни деталларга бириттириш	204
33-§. Витачкаларни ишлаш	211
34-§. Чўнтакқопқоқларни ишлаш. Енгил кийимдаги чўнтаққопқоқлар. Уст кийимдаги чўнтакқопқоқлар	214
35-§. Рамкали қирқма чўнтакларни ишлаш.	223
Пальто, пиджак ва жакетдаги рамкали қирқма чўнтақ	223
Шимларнинг олд бўлакларидағи рамкали чўнтақ	227
Енгил кийимдаги рамкали қирқма чўнтақ	229
36-§. Қопқоқли қирқма чўнтакларни ишлаш. Пальто, пиджак, жакетдаги қопқоқли чўнтақ	233
Шимлардаги қопқоқли чўнтақ	233
Юпқа газламалардан тикиладиган шимлардаги орқа чўнтақ	239
Енгил кийимдаги қопқоқли чўнтақ	240
37-§. Қоплама чўнтакларни ишлаш	242
Енгил кийимдаги қоплама чўнтақ	242
Уст кийимдаги қоплама чўнтақ	246
38-§. Кийим чокларидағи чўнтакларни ишлаш	251
39-§. Петляларни ишлаш	255
Илова	263

АНТОНИНА ТИМОФЕЕВНА ТРУХАНОВА

ТИКУВЧИЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСЛАРИ

Ўрта ҳунар-техника билим юртлари учун ўқув қўлланма

Тошкент "Ўқитувчи" 1996

Редакция мудири *A. Раҳимов*
Таржимонлар *M. Мирбобоев, M. Жабборова*
Муҳаррир *C. Мирбобоева, D. Аббосова*
Бадний муҳаррир *F. Некқадамбаев*
Техник муҳаррир *D. Габдрахманова, Э. Вишданова*

ИБ N5789

Оригинал-макетдан босишига рухсат этилди 15. 11. 95. Бичими
84x108/32. Тип. қоғози: Кегль 10 шиёнсиз. Тип. Таймс гарнитураси.
Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 14,28. Шартли кр.-отт.
14,49. Нашрл. 14,5. 21000 нусхада босилди. Буюртма 3.

"Ўқитувчи" нашриёти. Тошкент, Навоий қўчаси, 30.
Шартнома 11-318-91.

Оригинал-макет "Ўқитувчи" нашриётининг компьютер бўлимида
техникавий ва дастурий воситалар асосида тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси. Янгийўл ш.,
Самарқанд қўчаси, 44 1996

T79

Труханова А.Т.

Тикувчилук технологиячы асослари: Хунар-
техника билим юрти ўқувчилари учун ўқув
құлланма. —Т.: Үқитувчи, 1995.—272 б.

37.24я722

**"Үқитувчи" нашриёти 1996 йилда хунар-
техника билим юртлари учун нашрдан
чиқаради.**

**Абдуқудсов О. Қишлоқ хұжалик машина-
ларидан дарс ишланмалари**

**Григорьев М. А. Дурадгор ва паркетчилар
учун материалшунослик .**

**Перегудов Л. В. Металл кесиш даст-
гоҳларида ишлов бериш.**

**Литвинов И.Н. ва б. Аёллар устки кийимини
тикиш.**

**Мирсаидов К. Махсус фанларни үқитиши
методикаси.**

**Янчевская Е.А. Аёллар устки кийимларини
конструкциялаш.**

